



ХОРАЗМ ТАРИХИ



63-3591

X-79

Хиванинг 2500 йиллигига
бағишланади

АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРАЗМ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ

ХОРАЗМ ТАРИХИ II-жилд

Масъул муҳаррир ва нашрга тайёрловчи
профессор М.МАТНИЁЗОВ.

Хоразм вилоят Матбуот бошқармасининг
"Хоразм" таҳририят-нашр бўлими.

Урганч - 1997

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП ва ЛП
№ 41613

Қўлингиздаги "Хоразм тарихи" китобининг II-жилдида ўлкамиз тарихи, 1917 йилдан то ҳозирги кунгача нашр қилинган адабиёт, архив ва қўлёзма манбалари асосида мустақиллик даври дунёқараши нуқтаи назаридан баён қилинган Китобни ёзишда юртбошимиз Ислон Каримовнинг илмий асарларидан кенг фойдаланилди.

Китобда республикамиз ва унинг ажралмас қисми Хоразм вилоятининг мустақиллик шароитида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётининг ҳийинчиликлари ва узига хос хусусиятлари кенг ёритилган.

Ушбу асар Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабаларига, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига ҳамда кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

Таҳририят ҳайъати: ЎзРФА ҳақиқий аъзолари А.Асқаров, И.Юсупов (Хоразм вилоят ҳокими), профессор О.Мадрахимов, профессор М.Матниёзов, доцент А.Сотликов.

Тақризчилар: ЎзРФА тарих институти директори муовини, тарих фанлари доктори М.Жўраев, тарих фанлари доктори Р.Х.Каримов, филология фанлари доктори профессор О.Мадрахимов.

СУЗ БОШИ

"Хоразм тарихи"нинг II-жилди Хоразм инқилоби арафаси, унинг ғалабаси, Хоразм халқ республикаси ҳамда вилояти ҳаётида 1917 йилдан то ҳозирги кунгача ўтган давр мобайнида рўй берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар тарихини ўз ичига олади.

Китобнинг иккинчи жилдини ёзиш ва нашрга тайёрлаш анча мураккаб бўлди. Собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарқатиб юборилиши, собиқ СССРнинг тугатилиши ва унинг ўрнида мустақил суверен давлатларнинг вужудга келиши муносабати билан ўтмишга, тарихимизга янгича қараш, синфийлик ва партиявийлик принципларидан воз кечиш, тарихий воқеа ва жараёнларни объектив талқин қилиш зарурати туғилди.

Шурулар ҳокимияти даврида бузиб кўрсатилган ва нотўғри талқин қилинган кўпгина муҳим тарихий ҳодиса ва воқеалар II - китобда ўзининг янгича ифодасини топди.

Хоразм инқилоби, унинг характери ва ҳаракатлантирувчи кучлари, Ёш хиваликлар партиясининг фаолияти, Ўрта Осиёда, жумладан Хоразм воҳасида миллий давлат чегараланишини ўтказиш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш масалаларида, қатоғон йилларида йўл қўйилган ва халқдан яшириб келинган хатоликлар, камчиликлар, қонунсизликлар рўй-рост очиб ташланди.

Юқорида зикр қилинган тарихий жараёнларни муаллифлар жамоаси имкони борича объектив равишда талқин қилишга уринди.

Иккинчи китобни ёзишдаги яна бир мураккаблик шундан иборат бўлдики, муаллифлар жамоасидан Хоразмнинг фақат шурулар давридаги тарихини баён қилибгина қолмасдан, янги бозор иқтисодига ўтиш даврининг қийинчиликлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳам объектив равишда ёритиш талаб қилинди.

Рисоланинг II-жилди ҳам муаллифлар жамоаси томонидан ёзилди. Китобнинг суз боши, Хоразм тарихининг инқилобдан кейинги даврига мансуб манба ва адабиётларнинг қисқача обзори, I-бобнинг 1,11§ (К.Абдуллаев билан ҳамкорликда), II-бобнинг 1§, III-бобнинг 1,2,3,4§ IV-бобнинг 1§, V-бобнинг 2§, VI-бобнинг 1§, VII-бобнинг 2§ (С.Ражабов билан ҳамкорликда), 3§ (И.Маҳмудов билан ҳамкорликда) профессор М.Матниёзов томонидан ёзилган.

Биринчи бобнинг 3,4 §, II-бобнинг 2§ доцент М.Маткаримов томонидан; I-бобнинг 5§ О.Абдуллаев томонидан ёзилди. I-бобнинг

5§, II-бобнинг 3§, IV-бобнинг 2§, V-бобнинг 3§ доцент О.Сотликов томонидан ёзилди. Иккинчи бобнинг 4§, III-бобнинг 5§, IV-бобнинг 3§ профессор Н.Қобулов томонидан; II-бобнинг 5§ А.Салим-Гареев томонидан; V-бобнинг 1§ доцент Э.Бекматов томонидан; VI-бобнинг 2§ доцент С.Ражабов томонидан ёзилди. 1924-40 йилларда Хоразмда санъат ва адабиёт, хусусан театр санъати ривожланиши масалаларини ёритишда профессор О.Мадраҳимов материалларидан фойдаланилди.

1941-1945 йиллардаги уруш даври тарихини ёзишда (ушбу китобнинг III-боби) марҳум доцент М.Матёкубов материаларидан кенг фойдаланилди.

"Хоразм тарихи"нинг II-жилди ҳам Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети қошидаги "Хоразм тарихи ва маданиятини ўрганиш илмий-тадқиқот лабораторияси" илмий ходимлари ҳамда шу университет тарихчи ва филолог олимлари ҳамкорлигида тайёрланди. Асарда айрим нуқсон ва камчиликлар бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам ушбу асарни китобхонлар диққатига ҳавола қилаётиб, биз уларнинг фикр ва мулоҳазаларини кутамиз.

Китобни нашрга тайёрлашда курсатган моддий ва маънавий ёрдамлари учун муаллифлар жамоаси Хоразм вилоят ҳокими Искандар Юсуповга, Урганч давлат университети ректори академик Азимбой Садуллаевга чуқур миннатдорчилик билдиради.

ХОРАЗМ ТАРИХИНИНГ 1917 ЙИЛДАН ХОЗИРГАЧА УТГАН ДАВРИГА ОИД МАНБА ВА АДАБИЁТЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

"Хоразм тарихи" китобининг II-жилдида баён қилинган тарихий воқеалар ва жараёнларни ақс эттирувчи манба ва адабиётлар асосан шўролар даврида ёзилган бўлиб, уларда уша даврда ҳукмрон ғоя ва сийosatнинг тамғаси чуқур из қолдирган.

Бу даврга доир мавжуд адабиётлар ва архив манбаларида тарихий воқеаларни изоҳлашда кўпчилик ҳолларда субъективизмга йўл қўйилган. Чунки уларга тарихийлик принципи нуқтан назаридан эмас, балки партиявийлик, синфийлик принципи нуқтан назардан ёндашилган.

Агар Хоразм инқилоб ғалабаси, унинг характери, ҳаракатлантирувчи кучлари ва моҳияти ҳамда ХХСРнинг урнатилиши масаласига бағишланган адабиёт ва манбаларга назар ташласак, биз баъзи масалаларни ёритишда тарихий ҳақиқат бузилганлигини курамиз.

Юқорида зикр қилинган масалалар асосан таниқли олимлар О.Содиқов, Г.Непесов, К.Мухаммадбердиев, Н.Қаландаров, М.Абдуллаев, У.Тўхтаонов, И.В.Погорельский, А.Бобоҳўжаев, Б.Искандаров, А.Эшонов, Р.Ёкубов, М.Аҳмедова, С.У.Татыбоев ва бошқа қатор муаллифларнинг монографик асарларида кенг қўламда баён қилинган.¹

1 О.Содиқов. Хивада ҳалқ революциясининг ғалабаси.-Тошкент. "Фан", 1967; Г.Непесов. Из истории Хорезмской революции.-Тошкент, 1962; К.Б.Мухаммадбердиев. История Хорезмской революции.-Тошкент. "Фан", 1976; Н.К.Қаландаров. Образование и деятельность Хорезмской коммунистической партии.-Тошкент. "Ўзбекистон", 1975; Г.Непесов, М.Абдуллаев, У.Тўхтаонов и др. Великий октябрь и победа народной революции в Хорезме.-Тошкент, 1971; И.В.Погорельский. История Хивинской революции и Хорезмской народной советской республики. 1917-1924гг.- Л. Изд-во ЛГУ, 1984; А.Бабаходжаев, Б.Искандаров, А.Эшонов, Р.Якубов. Путь Бухары и Хивы к социализму. - М., 1966; М.Ахмедова. Некапиталистический путь: некоторые проблемы теории и практики.-Тошкент: Ўзб., 1976; С.У.Татыбаев. Исторический опыт построения социализма в Каракалпакии (1917-1941 гг), Нукус, 1971.

Шу билан бир қаторда бу масалалар Хоразм халқ совет республикасининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб нашр қилинган, 1970 йил 3-4 декабрда Хива ва Урганч шаҳарларида бўлиб ўтган бирлашган илмий конференция материалларида "Ўзбекистон Компартияси тарихи очерклари" ¹ ҳамда "История Хорезма" китобларида ўз аксини топди. Бу асарларнинг барчасида Ёш хиваликлар партиясининг инқилобий фаолияти нотўғри баҳоланган, улар миллатчиликда айбланган, ҳатто уларга империализм агентлари тамғаси ҳам босилган.

Ҳақиқатда эса Ёш хиваликлар партияси тутган йўл ва сиёсат уша даврда хонликда ҳукм сурган ўзига хос шароитга мос келар эди.

Хоразмнинг ўзига хослигини ҳисобга олмаган большевиклар, Лениннинг қолоқ халқлар капитализм босқинчи сакраб, рус пролетариати ёрдамида социализмга ўтиши мумкин, деган ҳаёлий назариясига таяниб, қисқа вақт ичида социализм қуриш йўлини танладилар. Бу йўлнинг тақдири қандай бўлганлиги ҳаммага маълум.

Собиқ Хоразм халқ совет республикасининг 1923 йил социалистик республика деб эълон қилиниши ҳам хато эди.

Юқорида эслаб ўтилган асарларда баъзи бир хато ва камчиликлар билан бир қаторда бой фактик материал, ижобий маълумотлар ҳам мавжуд. Бундай асарлардан танқидий нуқтан назардан қараб фойдаланиш мумкин.

70-йилларда умуман Хоразм тарихига, хусусан, Хоразм республикаси даври иқтисодий ривожланишига бағишланган бир қанча монографиялар нашр қилинган. Шулар орасида ушбу китобнинг биринчи жилдида эслаб ўтилган "История хорезма" (рус тилида) И.Алимов, М.Мамажонов, А.А.Гордиенко

1. 50 лет Хорезмской народной советской революции Материалы общественной научной сессии.-Тошкент; "Фан", 1972; Очерки истории коммунистической партии Узбекистана.-Тошкент. "Узбекистон",1974; История Хорезма с древнейших времен до наших дней.-Тошкент "Фан",1976

га М.Маткаримовларнинг асарларини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур.¹

Бу асарларда ХХСРнинг ташкил қилиниши жараёнларини, унинг ривожланиш босқичлари, янги социалистик ҳўжалик ўқладиниң пайдо бўлиши, уни план асосида ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидағи ислохотлар, аҳоли ўртасида синфий табақаланиш, савдо-сотиқ, молия-пул муносабатлари ва янги ҳаёт қуришда собиқ РСФСРнинг ХХСРга берган ҳўжатлари асосида ёрдам масалалари атрофлича баён қилинган. Улар асосан архив ҳўжатлар асосида ёзилган бўлиб, бой фактик материалини узида мужассамлаштирган.

Бу китоблар ҳам коммунистик гоя, синфийлик, партиявийлик принциплари таъсирнда ёзилган бўлиб, юқорида айтилган асарлардағи хато ва камчиликларни такрорлаганлар. Буларнинг яна бир камчилиги шундаки, РСФСРнинг Хоразм республикасига кўрсатган ёрдами жуда ҳам бўрттириб юборилган.

1920-24 йилларда Россияда очарчилик, вайронагарчилик, етар-етмасчилик, фуқаролар уруши авжига минган даврда РСФСР миллий республикаларга қандай қилиб катта иқтисодий ёрдам кўрсатганига ишониш қийин. Агар озми-купми ёрдам берилган бўлса, у ҳам асосан ўлкада пахтачиликни ривожлантириш учун берилган.

Хива инқилоби ва Хоразм халқ совет республикаси ҳақида ёзилган асарлар ичида энг қимматлиси Хоразм халқ республикасининг биринчи ранси Полвонниёз Ҳожи Юсуповнинг ёзиб қолдирган хотираларидир.² Бу қўлёзма бўлиб ҳаля нашр қилинмаган. "Хоразм тарихи ва маданиятини урганиш лабораторияси" ходимлари уни топиб араб имлосидан ҳозирги ўзбек имлосига ўгириб нашрга тайёрладилар. Полвонниёз Ҳожи Юсуповнинг хотираларида унинг ўзи иштирок қилган, ўз кўзи билан кўрган воқеа ва ҳодисалар асосан объектив равишда баён қилинган. Бу хотиралар ҳақида "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журналининг 1968 йилги 2-сонида, 1970 йилги 2-сонида махсус мақолалар босилган.

1. А.А.Гордиенко Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре.-Т.Изд САГУ,1959 История Хорезма с древнейших времен до наших дней "Фан". 1976 И.Алимов Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре 1920-1924 г 1970; М.Н.Мамаджанов. Социально-экономические преобразования и развития экономики Хорезмской народной советской республики -Т."Фан",1974; М.Маткаримов Аграрные преобразования в Хорезме и их социально-экономические последствия (автореферат канд дисс.)- 1976

2 Полвонниёз Ҳожи Юсупов хотиралари қўлёзма, 644 бет.

Хоразм инқилобидан кейин, яъни шурулар ҳукумати даврида ўлкада даставвал маориф, санъат, маданият соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Маданий инқилоб муносабати билан маориф, фан, адабиёт, санъат муаммолари қатор тадқиқотчиларни ўзига жалб қила бошлади. 1925 йилда Москвада М.Раҳмонов билан М.Девонларнинг "Хоразм мусиқаси тарихчиси" номли рисоласи чоп этилди. 1920-1930 йиллар мобайнида ўлкада саводсизликни тугатиш, янги мактаблар очиш ва уларга меҳнаткаш халқнинг болаларини жалб қилиш масаласи долзарб масалалардан бири эди. 1931 йилда К.Берегиннинг бу масалага бағишланган иккита китобчаси, "Инқилобий суръат билан саводсизликни тугатамиз" ва "Савод учун кураш" нашр қилинди. Хоразм халқ маорифи ривожланиши масалалари Г.М.Билоловнинг 1966 йилда "Фан" нашриётида чоп қилинган. "Культура и просвещения в Хорезмской народной республике" ҳамда 1969 йилда "Ўқитувчи" нашриётида босилиб чиққан "Хоразм халқ маорифи тараққийси" рисоаларида ўзининг ифодасини топди.

60-йилларда Хоразмда совет маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига бағишланган иккита номзодлик диссертацияси: Н.Юлдашев. "Создание и развитие советской культуры в Хорезмской народной советской республике" ва Б.Носиров. "Развитие советской культуры в Хорезме 1924-1941 гг" (Тошкент, 1967) ёқланди. Кейинги йилларда Хоразмда адабиёт, халқ оғзаки ижоди ва воҳада яшовчи халқлар маданияти алоқалари тарихига доир бир қанча жиддий асарлар нашр қилинди.¹ Бу асарларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда бадиий жараёнлар билан бир қаторда тарихий ҳодиса ва воқеалар ҳам маълум ўрин эгаллаган.

Хоразм театр ва мусиқа санъати тарихига бағишланган қатор асарларни курсатиб ўтиш мумкин. Б.Ғ.Н.А.Бискаковнинг "Народный театр Хорезма" (Тошкент, 1984), Г.Т.Абдураҳимовнинг "Театр масхарабазов Хорезма" (автореферат дисс., Тошкент, 1967), Р.П.Садиковнинг "Музыкальная культура Хорезма" (М., 1970) ва ниҳоят О.Собировнинг "Хоразм воҳада театри. 1917-1921 йиллар" (Тошкент, 1991) номли асарларидир.

1 С.Рўзимбоев Хоразм достонлари - "Фан", 1985; Ҳ.Абдуллаев Узбекско-Қарақалпақские фольклорные связи. "Фан", 1991; К.Ғ.Н.А.Бискаков Хоразм театри муҳити - Урганч, 1992

Бу асарларда Хоразмда театр санъатининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида, воҳанинг машҳур театр санъати арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

П.Раҳмоновнинг номзодлик диссертацияси ва қатор илмий мақолалари.¹ Хоразмда маданий-оқартув муассасалари ва ташкилотлари фаолиятига бағишлангандир. Хоразмда ҳозирги замон саноатининг вужудга келиши, унинг ривожланиш босқичлари ва муаммолари М.Матниёзов, А.Қодиров, К.Раҳмонов ва Р.Жуманиезовларнинг илмий ишларида² ҳамда Хоразм вилояти рўзномаларида чоп этилган қатор мақолаларда ўз аксини топган. Бироқ шуни қанд қилиб ўтиш зарурки, бу асарларда Хоразм саноати ривожланишининг айрим даврлари ёки айрим тармоқлари ёритилган бўлиб, унинг ҳамма жиҳатларини қамраб олувчи йирик илмий асар ҳалигача яратилгани йўқ.

Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигида жамоа хўжаликлари, ташкил топиши ва ривожланиши, қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликни механизациялаш, ирригация ва мелиорация қурилишлари масалаларига онд муҳим маълумотларни биз К.Юсупов, А.Сотлиқов, Э.Бекматов, Х.Аҳмедов, К.Эшчанов,

1. П.Раҳманов. Деятельность компартии Узбекистана по подъему культуры тружеников села. Канд. диссертация, -Воронеж, 1971; Его же Клубы Хорезма "Агитатор Узбекистана", 1969, N 3; Сельские культурно-просветительные учреждения -Опора партийных организаций в борьбе за подъем культуры тружеников села -Сборник аспирантов МГУ, 1971и др.

2. М.Матниёзов. Вилоятда саноат, энергетика, транспорт хўжаликларининг аҳволи ва уларни ривожлантириш чоралари; Урушдан кейинги йилларда вилоятда транспорт, саноат, энергетика хўжалигининг ривожланиши (Ушбу рисоланинг II, IV, V бобларига қаранг), Туямуқун-ударная стройка пятилетки, -"Общественные науки в Узбекистане", 1975, N 4;

А.Кадыров Трудящихся Хорезмской области в борьбе за развитие промышленности в годы семилетки (1959-1965 гг.) Автореферат канд.дисс.-1971; К.Раҳманов. Трудовой подвиг народов в строительстве железной дороги Чарджоу-Кунград. Автореферат канд.дисс.-1974; Р.Жуманиёзов. Хоразм.-Урганч, 1991.

Ш.Муҳаммаджонов, М.Худойберганов, К.Ёқубов, Б.Раҳимов, К.Ҳотамов, Ж.Аташов ва бошқа муаллифлар асарларида учратамиз.¹

Бироқ ушбу асарларда қимматли фактик материаллар тупланиши ва умуллаштирилишига қарамай жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Энг катта камчилик шуки, улардан маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда қўйилган хато ва камчиликлари хусусида биронта сўз юритилмайди. Айниқса урушдан кейин вилоят қишлоқ хўжалигида пахта яккахўққимлигининг ҳукмронлик қилиши, унинг салбий оқибатлари, Орол бўйи вилоятларида юз берган экологик фалокат масалалари муаллифлар эътиборидан четда қолиб кетган.

1941-1945 йиллардаги уруш даврида Ҳотазм меҳнаткашларининг ватанпарварлик ҳаракати, меҳнат фронтидаги ғайрат-шижоатлари, жанг майдонларидаги қаҳрамонликлари, умуман фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари марҳум М.Матёқубовнинг номзодлик

1. Юсупов К. Победа колхозного строя в Хорезмской области Узбекской ССР (1927-1934). Автореферат канд. дисс. - 1968; Ўша муаллиф. Из Истории создания предпосылок коллективизации с/х Хорезма. - "Общественные науки в Узбекистане", 1967 N 7; Сатликов А. Из истории развития ирригации в Хорезме (1920-1941 гг.). Автореферат канд. дисс. - 1967; Ўша муаллиф. Суя учун умумхалқ кураши. Тошсўқа, Полвон ва Қиличнинг ёзбой каналларининг қайта қурилиши; Қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун кураш. (Ушбу рисоланинг II ва IV бобларига қаранг) Э. Бекматов. Механизаторлар қишлоқда асосий куч. Т.: Ўзбекистон, 1978. Ўша муаллиф. Интенсификация колхозного производства на современном этапе. Т.: Меҳнат 1987, Ахмедов Х. Ирригация Хорезма. Т.: Ўзбекистон, 1965, К. Эшчанов. Деятельность компартии Узбекистана по развитию хлопководства Хорезма. 1973, Ш. В. Мухаммаджанов и др. Передовой опыт хлопкоробов Хорезмской области. Т.: 1969. М. Худайберганов. Победная поступь хлопкоробов Хорезма. Т.: 1969. К. Яқубов. Повышения производительности труда в хлопководстве (на примере колхозов Хорезмской области) Т.: 1966. Д. А. Аташев, А. А. Рачинский, Г. О. Хорст. Водное хозяйство и мелиоративное строительство в Хорезмской области. Т.: 1966, Б. Рахимов, К. Хатамов. Экономика производства хлопка. Т.: 1971.

диссертациясида ва илмий мақолаларида баён қилинган.¹

Хоразмда тиббиёт тарихи деярлик ўрганилган эмас. Агар 1971-1980 йилларда О.Абдуллаев томонидан чоп этилган "Хоразмда тиббиёт" ва "Очерки истории развития медицины в Хорезме" номли китобчаларини ҳисобга олмаганда, умуман бу ҳақда ҳозирча бирор нуфузли асар ёзилмаган. О.Абдуллаевнинг "Очерки истории развития медицины в Хорезме" деган асарида қадим замонлардан то XIX асрнинг охиригача бўлган даврда Хоразмда тиббиёт ривожланишининг асосий босқичлари қисқача баён этилган. Унинг "Хоразмда тиббиёт" замонавий асарида эса тиббиёт муассасаларининг барпо қилиниши ва ривожланиши, биринчи врачлар ҳақида қисқача тарихий маълумотлар берилган.

Мустақиллик шарофати туфайли она тарихимизни ҳолисона урганиш, ўзлигимизни англаш, миллий ифтихор ва қадриятларимизни қайта тиклаш имконияти вужудга келди. Кейинги йилларда Хоразм тарихи, маданияти, адабиёти ва санъатига қизиқиш кучайди.

Маҳаллий матбуот саҳифаларида ва "Хива" ойнамасида Хоразм тарихи ва маданиятига доир куплаб материаллар берила бошланди. Айниқса бунда тарих ихлосмандларидан Комилжон Нуржонов ва Нетьмат Солаевларнинг хизматларини алоҳида қайд қилиш уринлидир. Уларнинг ташаббуси билан Хоразм тарихини айрим саҳифаларини ўзида акс эттирувчи рисоалар нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Улар тубандагилар: "Хоразм тарихидан лавҳалар" (Урганч 1992), "Урганч" (Урганч 1992), "Оқдарбанд" (Урганч 1993), "Хоразм юлдузлари" (Урганч 1994), "Дурри ажойиб" (Урганч 1994), "Феруз ҳақида ривоятлар" (Урганч 1994), Хожихон (Урганч 1994), "Хонқа тарихи" асарларини кўрсатиш мумкин.

1. М.Матякубов. Патриотический подвиг трудящихся Хорезмской области в годы Велекой отечественной войны (1941-1945гг.)-Автореферат канд. диссертации. -Т:1972; Уша муаллиф. Збота трудящихся Хорезмской области об эвакуированных гражданах и помощь освобожденным районам в годы Великой Отечественной войны. -"Общественные науки в Узбекистане", 1973, N 5. Уша муаллиф. Патриотическое движение трудящихся Хорезма за укрепление единства тыла и фронта в Великой Отечественной войны. "Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР", 1972, N 4 и др.

Узининг илмий ижоди билан бутун мусулмон оламига машхур бўлган буюк аждодларимиз Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги, аз-Замахшарийнинг 920 йиллик ҳамда давлат арбоби, шоир Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан ҳам кейинги йилларда бир қанча бадий ва тарихий асарлар чоп этилди. Юқоридаги нашрларнинг аксариятлар қисмида тарихий воқеалар таҳлилининг саёзлиги; ҳамда айрим камчиликларига қарамай, улар Хоразм тарихи соҳномасида маълум урин эгаллайдилар

Мустақиллик йилларида Хоразм вилояти тарихини урганишда президентимиз Ислам Каримов асарлари, -айниқса унинг "Халқимизнинг йули мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йулидир" (Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сузлаган нутқ. 1996 йил 16 март)² номли асари асосий манба бўлиб хизмат қилади

Биз бу қисқача обзорда фақат диққатга сазавор, асосий асарлар ҳақида тўхталиб ўтдик, халос. Бу даврда Хоразм тарихи тўғрисида ёзилган ва купгина ойнома ва рўзномаларда чоп этилган илмий ва оммабоп мақола ва материалларга тўхталмадик.

1 Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасулов. Феруз шох ва шоир қиёмати.1991, Феруз. Шох улгул, эй маҳзун кўнгул ... - Урганч.1994, Лафасий Тазкирани шуаро - Ўрганч.1992, Нажмиддин Кубро Жамолинг соғиниб -1995.

2. Каримов И.А. Халқимизнинг йули мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йулидир, Т: Ўзбекистон, 1996 йил

БИРИНЧИ БОБ.
ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТУГАТИЛИШИ.
ХОРАЗМ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ.
/ 1917-1925 йй./

I. 1917 йилда Россияда
РЎЙ БЕРГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ
ХИВА ХОНЛИГИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.

1917 йил февralида Россияда бўлиб утган иккинчи буржуа-демократик инқилоби Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнга ҳам таъсир курсатди. Россиядаги инқилобий воқеалар Ёш хиваликлар фаолиятини янада активлаштирди. Маълумки Ёш хиваликлар партияси 1914 йил август ойида ташкил қилинган. Унинг раиси қилиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов сайланган. Партиянинг ҳақиқий аъзоларидан Жуманиёз Ҳожи Бобониёзов, Отажон Сапаев, Бобохон Ёқубов, Ҳакимбой Муҳаммадов, Муҳаммадёр Абдуллаев, Худайберган Девонов, Ҳусайнбек Матмуродов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликаров ва бошқалар эдилар.¹ Улар халқ орасида Россияда бўлган буржуа-демократик инқилоби туғрисида ҳақиқатни тарғиб этиш билан, оммани Хива хонлигида ҳам мустабид тузумга қарши демократик тартиблар ўрнатиш учун курашга чақирдилар.

Ёш хиваликлар иштирокида 1917 йил апрелида хон истибдодига қарши кўп минг кишилик митинг уюштирилди. Бу митингни уюштириш учун ўша кун қулай вазият юзага келган эди.

Маълумки 1917 йил февралда буржуа-демократик инқилоби натижасида чоризм ағдарилиб, ўрнига муваққат буржуа-демократик ҳукумати тузилган эди. Ўша ҳукуматга қасамёд қилиш учун Хива шахрига рус аскарлари тўпланган эди. Бу вазиятдан фойдаланиб, Ёш хиваликлар уларга хайрихоҳлик белгиси сифатида бир неча юз киши билан аскарлар жойлашган казармага бордилар. Ҳарбий отряд бошлиғи полковник Мерзляков билан музокара олиб бордилар ва Хивада ҳам Петербургдагидек демократик ўзгаришлар, қилиш режасини у билан келишиб олдилар. Ёш хиваликлар ўз мақсадларини амалга оширишда полковник Мерзляковдан ёрдам сўрадилар.

Ўз навбатида полковник Мерзляков хонни ўлдирмаслик шарти билан уларга ёрдам қилди. Ёш хиваликлар ташкил қилган кўп минг кишилик колоннани хон саройига бошлаб бориш учун бир рота аскар жўнатди ва улар бошқарган оломон "Яшасин озодлик", "Йўқолсин зolimлар" шiori остида Нуруллабой томон-хон

саройига йўл олдилар. Ёш хиваликлар партияси аъзолари хондан давлатни конституция асосида бошқариш, хоннинг айрим мулозимларини улар қўлига топширилишини талаб қилдилар. Бу воқеаларнинг гувоҳи Абдулла Болтаев эсталикларида айтилишича Полвонниёз Ҳожи Юсупов ва Назир Шоликарровлар Ёш хиваликлар ва шаҳар аҳолиси вакили сифатида Асфандиёрхон ёнига кириб ўз талабларини баён қилдилар.² Биринчи бўлиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов сўз бошлади: "Тақсир Уруссияда ишчи ва деҳқонлар подшоҳ ҳукмронлигини ағдариб ташлаб, хуррият эълон қилдилар ва "Идоран машварат" ташкил қилдилар. Биз Ёш хиваликлар ҳам сиздан хуррият олиб "Идоран машварат" ташкил қилиш учун Хоразм фуқаролари номидан вакил бўлиб ҳузурингизга келдик"-деди. Асфандиёрхон уларга қараб: "Сизлар вакил бўлиб келган бўлсангизлар хурриятни куч билан оласизларми ёки шариат биланми?"-деди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов хоннинг бу саволига жавобан: "Тақсир хурриятни шариат билан оламиз", деди. Хон Ёш хиваликлар вакилларига қараб: "Сизлар ҳам шариат йўлини биласизларми?"-деди. Асфандиёрхон бу сўзлари Полвонниёз Ҳожи ва Назир Шоликарровларни ғазаблантириб юборди. Назир Шоликарров уридан сакраб туриб Асфандиёрхонга баланд овоз билан: "Бизлар шариатни яхши биламиз, лекин сизлар уни билмайсизлар. Ёш қизларни зўровонлик билан ота-онасидан тортиб олиб, номусига тегиб, уни бошқа бир одамга хотинликка бериш қайси шариатда бор, ёки қизларни номусига тегиб, уларни уриб ўлдириш, баданига қайноқ суя қуйиб азоблаш, бегуноҳ халқни мол-мулкни талаш, қаршилик курсатганларни зиндонга ташлаш, қийнаб ўлдириш қайси шариатда бор? Агар зарур бўлса биз сизнинг даҳшатли қилмишларингизни далиллар билан исботлаб берурмиз", деди.

Кейин Полвонниёз Ҳожи Юсупов хонга мурожаат қилиш шундай деди: "Тақсир утган замонларда тарихда "Идоран маршрут" булган эди. Бизлар ҳам шу шаклда "Идоран машварат" ташкил қилиб, сиз билан бирликда маслаҳатлашиб иш олиб борамиз".

Назир Шоликарров хонга қараб, ғазаб билан: "Агар бу талабларимиз қабул қилинмас экан, сизни хон лавозимидан тушириб, урнингизга бошқа хон тиклаймиз ва ундан хуррият ва машварат оламиз"-деди. Бундан кўриниб турибдики Ёш хиваликлар ўз фаолиятининг бошланғич даврида Хивада хон ҳокимлигини расман сақлаган ҳолда давлат тунтаришсиз, ҳар қандай ларзаларсиз, тинч парламент йўли билан демократик бошқарув удумини жорий қилиш тарафдорлари эдилар. Ёш хиваликлар вакиллари билан суҳбатдак кейин нонлож бўлиб қолган Асфандиёрхон "мени ота-боболарим шариат йўли билан

ишга келдилар. албатта мен ҳам шариятдан чиқмасман. Шунинг учун бу ишлар келажакка мувофиқ бўлса ҳуррият бердим", деди.

Россиядаги сиёсий воқеалардан, чор самодержавиясининг ағдарилганлигидан, ҳамда Хивада руй бераётган сиёсий чиқишлардан қўқиб қолган хон Ёш хиваликлар талабларини қабул қилишга мажбур бўлди. Ёш хиваликлар, томонидан таяёрланган "Манифест"га хон имзо чекди. Хон билан бир қаторда манифестга қозикалон Худайберган Охун, Ҳикматулла Охун, Иброҳим Охунлар ҳам ўз муҳрларини босдилар. Хон мулозимларидан Иброҳим хужа Ёқуб Хужа ўғлини, Ашир маҳрам Али ўғлини, Рузимухаммад маҳрам Муҳаммад Амин ўғлини ва Ота маҳрам Маматмаҳрам ўғлини Ёш хиваликлар қўлига топширди.³

Манифест 7 пунктдан иборат эди. Унинг биринчи пунктида шундай деб ёзилган: "тарих ҳижрий минг уч юз ўттиз бешинчи жумадилаваалнинг йигирма бешинчи кунин эрдиким, мелодий йилнинг бир минг тўққиз юз ўн еттинчи йил апрель ойининг бешинчи кунинда мен Хива хони Санд Асфандиёр Баҳодирхон тубанда ёзилган ўзимни ҳоҳишимни эълон қиламан. Аввало менинг содиқ фуқароларимга "Идораи машрутия" бердим, токи улар ўзларини ҳоҳлаганича мамлакатни шариятга мувофиқ ҳам замон тақозосига мувофиқ идора қилсинлар. Чунончи, ўзлари ҳоҳлаганча фуқароларнинг маслаҳати билан сайлов қилиб, ҳукумат ишларига ўзлари ҳоҳлаган одил одамларни тайин қилсинлар".

1917 йил 6 апрель Ёш хиваликлар Кўҳна-Арк майдонига куп миқдорда оламон йиғиб, хондан манифестни ўқиб беришни талаб қилдилар. Хон манифестни 2-3 қаторини ўқигач қўлига ёш тулиб, тамоғни буғилиб ўқий олмасдан қолди. Хон ёнида турган Назир Шолиқаров унинг қўлидаги манифестни тортиб олиб, ўзи охиригача ўқиб берди: "Шу кундан бошлаб Хива хони ағдарилиб, янги ҳукумат тузилди", деганда хон ерга қаради. Асфандиёр ва унинг амалдорлари жуда нохуш ахволда Кўҳна-Арк ичкарасига кириб кетишди. халқ аста-секин тарқалишди. 1917 йил 5 апрелда мамлакатни бошқариш янги идораси-"Идораи машрутия" тузилди. Унга Ёш хиваликлардан Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Ҳусайнбек Муҳаммадмуродов сайланди. 1917 йил 6 апрелдан иш бошлаган "Идораи машрутия" аъзолари ўз вазифаларини белгилаб олдилар.

Баъзи бир тарихчилар: Ёш хиваликларнинг аниқ бир дастури бўлмаган, деб даво қилдилар. Бироқ, шу ҳақиқатни қайд қилиб ўтиш зарурки, уларнинг ўз даври талабларига жавоб берувчи дастури бўлган. Бу дастурда ўша даврнинг долзарб муаммолари кутарилган. "Ёш хиваликлар" хон истибодот тузимини тугатиш, Хива вилоятини Туркистон билан бирлаштириш, хонлар, беклар, қозилар, шаҳзодалар қўлидаги ортиқча бойликни халқ мулкига

айлантириш, йирик заминдорлар қўлидаги ортиқча мулкларни камбағалларга бўлиб бериш, вақф ерларидан тушадиган маблағларни ҳисобига халқ маорифини ривожлантириш, болаларни бекор ўқитадиган мактаблар очиш, касалхоналар қуриш, аҳолининг камбағал қисмига хон томонидан тортиб олинган ерларни қайтариб бериш, йўллар ва куприклар қуриш, мажбурий ишларни бекор қилиш каби талабларни олдинга сурганлар.⁴

"Идораи машрутия"нинг дастлабки амалий ишларидан бири шу бўлдики, у мамлакатни даромад дафтарини қўлга олди. Мажлис қарорига мувофиқ Ёш хиваликлар ва бошқа Хива фуқароларини хон томонидан тортиб олинган мол мулкларни қайтариб берилди. Деҳқонларга ер бериш, вақф, мактаб, маориф буйича буржуа-демократик тадбирлар кўтарилди. Булардан бошқа ўзбек, туркман миллий муносабатларига оид "Идораи машрутия"да туркманларнинг вакиллари булиши масалалари кўрилди.

Ёш хиваликлар ўз дастурини амалга ошириш учун имкониятни бориचा курашдилар. Лекин бу партия ҳам ўз олдига қўйган вазифаларни тула бажаришга ожизлик қилар эди. Унинг устига хон ва унинг тарафдорлари Ёш хиваликларга қарши туриш, фитна ва тажовузлар уюштириб уларнинг ишига тўсқинлик қилдилар.

1917 йил март ойида Туркистон муваққат ҳукумати томонидан Хива хони қўшинларига бош командон килиб тайинланган генерал Мирбадалов реакцион кучларга таяниб, Юсуф Охун, Жалол Охун, Давлат Охун, Тавдий афанди, Мулла Рамазон тахномалигида Кўҳна-Арк яқинида махсус митинг ташкил этдилар. Бундан мақсад Ёш хиваликлар партиясини "диндан қайтганлар" деб эълон қилиш, "мажлисни тарқатиб, хон ҳокимиятини тула тиклашдан иборат эди. Митинг тугагач "мажлиснинг" /Парламент/ 17 та фаол аъзолари /асосан Ёш хиваликлар / қамоққа олинди, айримлари эса қатл қилинди. Ёш хиваликлар партияси таъқиб остига олинди. "Мажлис" ҳайъатига янги аъзолар, рухоний ва феодаллар вакиллари сайланди. Чунотчи, феодал-клерикал оқим вакили Исоқ Хўжа нозирлар раиси, Ортиқ Охун-кенгаш раиси, Дарлат Охун унинг ёрдамчиси қилиб сайландилар.

Шундай қилиб, Ёш хиваликлар ҳокимияти узоқ давом этмади. Асфандиёрхон реакцион рухонийлар ва Жунайидхон билан тил бияктириб 23 майда "Идораи машрутия"ни тарқатиб, аъзоларини қамоққа олди, ўлдирди, баъзи бирлари эса чет элга қочиб кетдилар. Ёш хиваликлардан ўч олиш ўзлуксиз давом этди.

Ёш хиваликлар раҳбарлари Полвонийёз Ҳожи Юсупов ва Назир Шолиқаров "динсизликда" айбланиб, қози судига берилди. Судда Назир Шолиқаров "Мен Русия фуқароси бўлганимдан мени хонни

суди эмас, балки Русия суди суд қилиши мумкин", деб Русия паспортини кўрсатиб суддан берухсат отига миниб жўнаб кетди. Полвонниёз хожи Юсупов эса Хива ҳарбий гарнизонида хизмат қилувчи инқилобий руҳдаги бир рус аскарари ёрдамида суддан кутилиб қолди.

Полвонниёз хожи Юсупов ва Назир Шоликаров Тошкентга, Мулла Жуманиёз Султонмуродов Петро-Александровска, бошқа раҳбарлар эса Чоржуй ва Мари шаҳарларига қочиб кетдилар ва ўзларининг фаолиятини давом эттирдилар.

Ушбу воқеадан кейин Ёш хиваликларнинг хонга бўлган "ишончи" батамом йўқолди. Эндиликда улар хон ва унинг мустабид тузумига қарши очиқ кураш йўлига ўтишга мажбур бўлдилар. Бироқ Ёш хиваликлар ихтиёрида хонга қарши курашиш учун зарур куч йўқ эди. Шунинг учун улар Туркистонда ва Амударё бўлимида /Тўрткўл/ ўрнатилган шўролар ҳукуматиға мурожаат қилиб, хон ҳокимиятини ағдаришға ёрдам сўрашға мажбур бўлдилар. Ёш хиваликларнинг бу таклифи шўроларға ва большевикларға жуда маъқул бўлди. Чунки улар тез орада Хива хонлигини тугатиб, унинг ўрнида Хоразм совет жумҳуриятини ўрнатиш ниятида эдилар.

Ёш хиваликлар ва бошқа демократик кучларға "ёрдам бериш ва уларни хон зулмидан ҳимоя қилиш" ниқоби остида большевиклар Хива ички ишларига аралашишни кучайтирдилар.

1917 йил декабрь ойининг охирларида Полвонниёз Хожи Юсупов ва Назир Шоликаров Тошкентга етиб келдилар ва Туркистон улкаси халқ комиссарлари кенгашиға Хивадаги аҳвол туғрисида тула ҳисобот бердилар. Бу ҳисобот маърузасида улар ўзларини биринчи бор "социал-инқилобчилар" деб атаган. Полвонниёз Хожи Юсупов ва Назир Шоликаров Туркистон республикасида Хива ишларига аралашишни ва қамоққа олинган Ёш хиваликларни хон чангалидан қутқаришни илтимос қилдилар.

1918 йил бошларида Тошкентда Полвонниёз Хожи Юсупов раислигида Ёш хиваликлар қўмитаси шаклланди. Ёш хиваликлар сони ўса борди.

Туркистон республикаси марказий ижроия қўмитасига ёзилган маърузада Ёш хиваликлар ўзларининг дастурий талабларини баён қилдилар: Хивани Туркистон республикаси таркибига қушиш, хон истибодидан қутилиш учун Хиваға ёрдам бериш, шу жумладан қурулланган аскарлар юбориш ҳамда Ёш хиваликларни қуруллантириш ва ҳақозо.

Ёш хиваликлар партиясининг тарқатиб юборилишдан фойдаланиб, хон амалға оширилиши белгилаб қўйилган ислохотлардан воз кечди. Ҳар қандай ислохотлардан воз кечди.

Бух. ТИП и ЛП

№ 41613

қонунларига хилоф иш деб эълон қилди. Аммо бу билан инқилобий ҳаракатлар тўхтаб қолмади. Аксинча, 1917 йил октябрда Петербургда, ноябрда Тошкентда, декабрда Туркистоннинг Амударё бўлими ҳудудида рўй берган инқилоблар ва уларнинг натижасида шўролар ҳокимиятининг барпо бўлиши Хива хонлигидаги феодал истибодига ва мустамлакачилик сиёсатига қарши ҳаракатларни анча жонлантириб ёборди.

Туркистон, Амударё бўлимининг маркази Петро-Александровск /Тўртқўл/ ва Чоржуй шаҳарлари Хива демократик кучларининг гаянч пунктига айланди.

Айниқса октябрь инқилоби ғалабасидан сўнг большевиклар Россия империясининг барча ҳудудларида, шу жумладан Хива хонлиги меҳнаткашлари ҳамда бу ерда жойлашган рус солдатлари ичида инқилобий ташвиқотни кучайтириб юбордилар. Бунинг натижасида 1917 йил охирида Хива гарнизонида турган рус солдатлари орасида инқилобий тўлқинланиш рўй берди. Солдат ва казак депутатлари советлари раҳбарлигидаги камбағал-ишчи ва деҳқондан чиққан солдатлар Хива хони нафратига дучор бўлган хон ҳокимиятини ағдариб ташлаш тарафдори эдилар. Улар "Яшасин озодлик!", "Йўқолсин зolim хон ва унинг думлари - амалдор ва сотқин полковниклари!" хитоби остида чиқдилар. Ҳақиқатан ҳам Хива қушинлари кумондони полковник И.М.Зайцев Хива хони, атаман Дутов, Жунайидхон билан тил бириктириб, инқилобий чиқишларни қурол кучи билан бостириш, шўроларга ҳайрихоҳ булган барча одамларни таъқиб остига олиш, қамоқда ётган 17 та Ёш хиваликларни қатл қилиш режасини тузган эдилар.⁶

Инқилобий кайфиятдаги солдатлар Ёш хиваликларни ўз ҳимоясига олиб, ўлимга ҳукм қилганлардан куписини Хивадан қочиб кетишига имконият туғдириб бердилар. Улар ўз командирлари буйруқларига бўйсунибдан бош тортдилар. Аскарлик хизматидан ўз ихтиёри билан кетиб қолиш ҳолатлари купая борди.

Бундан чўчиб қолган хон ва Хива қушинлари кумондонлиги Хивадаги инқилобий қисмларни тезлик билан Петро-Александровска жўнатишга қарор қилишди.

Хон ва мустамлакачилик зулмига қарши чиқишлар ва ғалаёнлар хонликнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам рўй берди.

Халқ оммасининг инқилобий ҳаракатлари ҳати суёт бўлсада, аста-секин жонлана борди. Ҳукмрон табақалар - маҳаллий феодаллар ва савдогарлар ўртасида зиддиятлар кучайди, аввало чоризм, кейин муваққат буржуаз ҳукумати каби таянчларидан маҳрум булган хон ҳокимияти ҳам анча ожизланиб қолди.

Бу ҳодисалар хонликда аста-секин инқилобий вазиятни вужудга келаётганлигидан далолат берар эди.

Халқ демократик ҳаракатининг кучайиши, Туркистонда, жумладан унинг Амударё булимида шўролар ҳукуматининг ўрнатилишидан хавфга тушган Хива хони, руҳонийлар ва бошқа реакцияон кучлар шўролар ҳукумати ва барча демократик ҳаракатларга қарши кескин кураш олиб бординлар.

Тобора кучайиб бораётган халқ норозиликига ва советларга қарши курашиш учун катта қуроли куч зарур эди. Бундай куч Хива хонида йўқ эди. Ўша даврда Хива хонлигининг доимий қўшинлари бўлмаган. Мавжуд хон навкарлари етарли даражада ҳарбий ишга ўргатилмаган ва ёмон қуролланган эдилар. Хива хони ўз ҳокимиятини рус аскарлари ёрдамида сақлаб турган. 1918 йил бошларида полковник М.И.Зайцев бошчилигидаги рус аскарлари Хивадан жунаб кетиши билан хон ўзининг охириги ҳарбин таянчидан маҳрум бўлди.

Хива ҳукмрон доираларига эски тузумини ҳимоя қиладиган, бойлар ва амалдорлар осайишталигини таъминлай оладиган, инқилобий ҳаракатларни қурол кучи билан бостиришга қобил куч зарур эди. Ўша вақтда бундай куч Жунайидхон ва унинг қуроли кучлари эди. Шунинг учун ҳам Хиванинг ҳукмдор доиралари Жунайидхонга таянган ҳолда ўз мақсадларини амалга ошириш йўлига тушдилар.

Жунайидхон бу вазиятдан дарҳол ўз манфаатлари йўлида фойдаланди. Аҳолининг талайгина онги паст қисми, эшонлар унинг атрофига йиғилиб, катта куч тупладилар.

1918 йил январь ойида Жунайидхон ўз қуроли кучлари билан Хива шаҳрини ишғол қилди ва Асфандиёрхондан ўзига итоат қилишни талаб этди. Маҳаллий феодаллар норозиликни олдини олиб Жунайид расмий равишда хонни ўз тахтида қолдирди. Мажлис Асфандиёр томонидан тарқатиб юборилди. Амалда бутун хонликни бошқариш жиловы Жунайид қўлига ўтди.⁷

Шундай қилиб, Хивада икки ҳокимиятчилик пайдо бўлди. Бир томонда Асфандиёрхон расмий равишда хонлик тахтида ўтирган бўлса, иккинчи томонда, Хивада Жунайидхоннинг ҳарбий-феодал диктатураси ўрнатилди.

Аммо бу ҳолат Жунайидхонни қаноатлантирмади. У 30 сентябрь 1918 йилда давлат тунтарилиши ясаб, Асфандиёрхонни тахтдан туширди. Шу йилнинг 1 октябрида эса Асфандиёрхон қатл қилинди. 3 октябрь 1918 йилда Жунайидхон Хива хонлиги тахтига Асфандиёрхонни катта акиси Саййид Абдуллани хон қилиб тайинлади. Саййид Абдулла жисмоний жиҳатдан ожиз, иродасиз одам эди. У энди Жунайидхон қўлидаги қўғирчоқ хонга айланиб

қолди. Барча давлат давозимларига Жунайид ўз одамлардан тайинлади.

Хива халқига мислсиз азоб-уқубат келтирган Жунайидхон ҳарбий-феодал диктатураси то 1919 йил охирларигача давом этди. Ҳар бир туркман отлиғидан /30 таноб ердан/ 30-40 тилла ва ҳар бир таноб ўзбек ерларидан 5 тилладан қўшимча ер солиғи ундан бошлади. Ундан ташқари маълум ёшга тулган ҳар бир эркак киши Жунайидхон қўшинларида навкар сифатида хизмат қилишга мажбур эди.

Жунайидхоннинг инқилобий ҳаракатга қарши тадбир-чораларидан бири Ёш хиваликларни тор-мор қилиш эди. 1918 йил май ойида Хивада Ёш хиваликларнинг кузга қўрилган арбобларидан Ҳусайнбек Матмуродов, Исак-Хужа Хужаев, Абдусалим-Ҳожи Ислохўжаев, Ҳожи-Авазберди Эшонов ва улардан ташқари Хивачинг бозор майдонида Ёш хиваликлар партияси аъзоларидан яна 24 киши отиб ўлдирилди.⁸

Жунайидхоннинг ҳарбий-феодал сиёсати албатта халқни ғазабини кучайтирмай қўймади. Жунайидхон сиёсатида қарши чиқишлар ўзбек ва туркман меҳнаткашлари ўртасида тобора кўпая борди. Ҳатто, Ёш хиваликлар тарафдорлари бўлган туркман уруғ-аймоғ бошлиқлари Шомми-кал ва Ғулом-Адилар ҳам Жунайидхонга қарши кураш бошладилар. Қўнғиротда Қутлимуродбой деган шахс ўз маблағи ҳисобига 103 кишини қуроолантириб Жунайидхонга қарши курашга отланди. Унга Манғит беги ҳам ўз қуроли отряди билан келиб қўшилди. Жунайидхонга қарши курашчилар сони кун-сайин кўпая борди.

Хива хонлигидаги аксил инқилобий кучларга ва ажнабий давлатларнинг ёрдамига таянган Жунайидхон ўзига қарши чиққан барча кучларни шафқатсизлик билан бостиришга, Амударё ўнг қирғоғида ўрнатилган шўролар ҳукуматини йўқ қилишга маҳкам бел боғлади.

Ўз қўшини сафини мустаҳкамлаш мақсадида Жунайидхон Хива аҳолиси ичидан аскарликка яроқли қисмини мажбуран жалб қилди. Деҳқонларни от-араваси, озиқ-овқати ва ем-ҳашакини тортиб олди. Шу тариқа унинг отлиқ аскарлари сони 4000га, "ўлжачилар" сони эса 6000 тага етди.⁹

1918 йил сентябрь ойи ўрталарига келиб, ўзининг Хива хонлиги ҳудудидаги асосий душманлари - Қўшмамад-хон, Ғулом-али ва Шамурод бахшиларни енгиб, Жунайидхон Амударё бўлимига қарши бир қанча бор ҳужум уюштирди.

Жунайид-хон ҳарбий хавфини олдини олиш мақсадида Амударё бўлимида Қизил аскарлар қисмлари тузила бошлади. Петро-Александровск совети, унинг ҳарбий секцияси ҳамда "Ёш хиваликлар" партияси раҳбарияти Туркистон мухтор совет

социалистик республикасида ёрдам сўраб, Жунайид-хонга қарши Қизил аскарлар қисмларини юборишни илтимос қилдилар. Бунга жавобан Туркистон республикаси ҳукумати Чоржўйдан Петро-Александровскка Чоржўй ҳарбий комиссари Н.А.Шейдаков кўмондонлигида 100 кишилиқ Қизил аскарлар отрядини жўнатди. Бу отряд милтиқлардан ташқари 2 та пулемёт ва 2 та тўп билан қуроолланган эди.¹⁰

Н.А.Шейдаков отряди 20 сентябрь 1918 йилда "Верный" теплоходидан Амударёда сузиб, Петро-Александровск шаҳрига етиб келди. У Амударё бўлимининг ҳарбий комиссари қилиб тайинланди.¹¹

Туркистон республикаси ҳарбий комиссари К.Осипов хорижий ишлар вазирининг уринбосари сул эсер П.А.Домогатский билан бирликда 19 сентябрь 1918 йилда Туркистон республикасининг Хива ва Амударё бўлими ишлари бўйича фавқулотдаги вакили қилиб эсер, штабс-капитан В.П.Коноплевни тайинлашди. 1918 йил октябрь ойи охирида Коноплев 120 кишилиқ отряд билан Петро-Александровскка етиб келди. У шаҳар совети ва ҳарбий раҳбарликни ўз қўлига олди. Коноплев ташаббуси билан Урал казакларидан 3 та /ҳар бири 100 кишидан/ отлиқ отряд тузилиб, улардан шўроларга қарши фойдаланиш кўзда тутилган эди. Айниқса, атаман Фильчев раҳбарлигидаги казак юзликлари советларга қарши бўлган.¹²

Петро-Александровск шаҳрини Жунайид-хон ҳужумидан ҳимоя қилишда Султонмуродов раҳбарлигида Ёш хиваликлар партияси, айниқса унинг "Хива инқилобий партияси" деб аталган сул қисми катта ишлар қилди.¹³

Хивадан қочиб Петро-Александровскка келган демократик кучлар Ёш хиваликлар инқилобий қўмитаси атрофига тўплана бошладилар. Улар ичидан кейинчалик Аҳмаджон Ибрагимов, Вансов, В.Полвонниёзов каби Хива инқилобининг фаол иштирокчилари ва ҳарбий раҳбарлари етишиб чиқдилар.

Петро-Александровск шаҳрида бўлаётган воқеалардан Жунайидхон тўла хабардор эди. Шунинг учун ҳам у тезлик билан ҳужум қилишга шошилди. У 24 ноябрь 1918 йилда Петро-Александровскни қамал қилди. Қамал 11 кун давом этди. 3 декабрда, душманни 7 та ҳужумини мардонавор қайтариб, шаҳар ҳимоячилари контр ҳужумга ўтдилар. Жунайидхон отрядлари тартибсиз ҳолда Шаббоз томон чекина бошладилар. Бу жангда Жунайидхон 1700 га яқин аскардан ажралиб қолди.¹⁴

Петро-Александровскни қамал қилиш билан бир вақтда Жунайидхон Нукусга ҳам аскар юбориб, уни ураб олган эди.

Амударё бўлимига Жунайидхон томонидан туғдириладиган хавфни йўқ қилиш мақсадида Каспий орқаси фронти Чоржўй

шаҳарида темирйулчилар ва кунгиллиллар ҳисобига 250 кишилик отряд туплаб, Чоржуй кенгаши аъзоси Наумов бошчилигида Петро-Александровска ёрдамга жунатди. Петро-Александровскада мавжуд 3та рота ва Наумов бошчилигида келган роталардан биринчи Хива инқилобий батальони /598 киши/ тузилди. 3 та казак юзликларидан /546 киши/ отлиқ аскарлар полки шаклланди. ¹⁵

1919 йил ёзига келиб Хивадан Петро-Александровска қочиб келганлар сони 2⁰ чингга етди. Петро-Александровскадаги "Ёш хиваликлар" қўмитаси Султонмуродов бошчилигида Хива демократик кучларини туплаш марказига айланди. Бу марказ қочоқлардан ҳарбий отрядлар тузиб, Жунайидхон диктатурасини тугатишни мақсад қилиб қўйди.

Хива хони ва Жунайидхон билан олиб борилган музокаралар кутилган натижа бермагандан сўнг "Ёш хиваликлар" ҳаракатининг Петро-Александровск, Тошкент ва Чоржуй қўмиталари Жунайидхон диктатурасини фақат қурол кучи билан афдариш зарурлиги ҳақидаги қарорга келдилар.

Ёш хиваликларнинг обрў-эътибори халқ ўртасида тобора ўса борди. Чунки улар хон истибдодини афдаргандан сўнг халққа кенг эркинлик бериш, уни хонлар, руҳонийлар ва босмачилар зулмидан озод қилиш, ер ва сув бериш ҳақида радикал социал-иқтисодий режаларни амалга оширишга ваъда бердилар. Улар Жунайидхонга қарши бўлган туркман уруғ-қабилла бошлиқлари билан яқиндан алоқа ўрнатдилар. Хива хонлигининг барча ҳудудларида яширин иш олиб боровчи гуруҳлар туздилар. Петро-Александровскада: Хива қочоқларини қуроллантира бошладилар.

1919 йил ёзига келиб Амударё бўлимида, умуман Туркистон республикасида сиёсий аҳвол анча кескинлашди. Амударё бўлимининг шимолий қисмида, Заир деган аҳоли яшайдиган пунктда қозоқ атамани Фильчев ҳамда йирик қорақалпоқ феодални Хон Мақсим бошчилигида Совет ҳукуматига қарши чиқишлар уюштирилди. Заирдаги атамани Фильчев юзлик отрядини қуролсизлантириш ҳамда Чимбой советини мустаҳкамлаш учун А.Ф.Христофоров раҳбарлигида 17 кишилик фавқулотдаги комиссия ҳамда 80 кишилик байналмилалчилар қуролли отряди юборилди. 14 август 1919 йилда атамани Фильчев советларга қарши ғалаён кутарди ва фавқулотдаги комиссияни 17 аъзосини ҳам ушлаб, олиб ўлдирди. Тез орада қўзғолончилар Амударё бўлимининг шимолий қисмини Нукус, Заир, Муйноқ орасини қўлга киритдилар. Қўзғолончилар босиб олган ҳудудда атамани Фильчев бошлиқ ўз ҳукуматини туздилар.

Жунайидхон бу ҳукуматни дарҳол тан олди ва у билан яқиндан алоқа ўрнатди.

1919 йил сентябрида Жунайидхон Колчак ҳукумати билан ҳам
лоқа бўлади. Бироқ, улар Туркистонда, жумладан Амударё
бўлимида ўрнатилган совет ҳукуматини йўқ қила олмадилар. 1919
йил 17 августда Н. Шейдаков раҳбарлигида Петро-
Александровскка қизил аскарлар отряди етиб келди.
Шейдаков Кавказ орқаси фронтига қарашли Хива аскарлар
бўлимининг кумондони қилиб тайинланди. 1919 йил сентябрида
Петро-Александровск шаҳрида ҳарбий ҳолат эълон қилинди.
Шейдаков совет инқилобий комитетига айлантирилб, унинг бошлиғи
қилиб Н. Шейдаков тайинланди. 1919 йил сентябрида Оренбург
фронти тугатилб, Қизил аскарларнинг бир қисми Чоржудан
Петро-Александровскка юборилди.

Еш хиваликлар халқни сиёсий онғиди ўстириш, барча
демократик кучларни бирлаштириш ва меҳнаткаш оммани хон
улми ва Жунайидхон босқинидан озод қилиш учун кенг ташвиқот
қилиб бордилар.

Улар Амударё бўлимида сиёсий ва ҳарбий ҳолатнинг
тустаҳкамланганлиги ҳолда Хива хони ва Жунайидхонга қарши
алқ ғазабининг кучайганлигидан оқилона фойдаланиб, Хивада
алқ инқилобини амалга ошириш учун катта тайёргарлик кўра
ошладилар.

2. ХИВАДА ХОН ҲОКИМИЯТИНИНГ АҒДАРИЛИШИ

1919 йилнинг охирларида Колчак ва Урал казаклари томонидан қўллаб-қувватланаётган ва қуроолантирилаётган Жунайидхон Амударёнинг ўнг соҳилида ҳаракат қилаётган атаман Фильчев ва хон Максим отрядлари билан тил бириктириб, Петро-Александровск шаҳрига қарши янги ҳужум тайёрлаш режасини туздилар. 1919 йил ноябрь оиларининг бошларида Фильчев ва хон-Максим отрядлари Нукус шаҳрини эгаллаб Петро-Александровск шаҳрини хавф остида қолдирдилар. Шаҳарни химоя қилиш учун барча чора-тадбирлар кўрила бошланди. 1919 йил 3 ноябрда ёш хиваликлар қўмитаси ва инқилобий қўмитанинг /ревком/ қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Турккомиссиянинг Хива ишлари бўйича вакили ҳам қатнашди. Мажлис Жунайидхон ва унинг тарафдорларига қарши барча инқилобий кучларни бирлаштирган ҳолда ҳаракат қилишга қарор қилди.

Шейдаков отряди 360 пиёда,^о150 отлик аскарлар, 125 тўпчи ва пулемётчилар, "Хивинец" параходининг 40 та матросидан иборат эди.¹⁶

19-20 ноябрь 1919 йилда Шейдаков отряди Амударё орқали параходларда сузиб, Нукусга 15 чақирим қолганда қирғоққа тушиб ва душман кучлари билан жангга киришди.

Шейдаков отряди жангчилари шиддатли курашиб, Нукус шаҳрини ишғол қилдилар. Фильчев ва хон-Максим отрядлари қисман мағлубиятга учраган бўлсаларда чекиниб асосий кучларини сақлаб қолдилар сўл соҳилида Жунайидхон ва унинг тарафдорлари хали катта кучга эга эдилар.

Амударё бўлимида ҳарбий аҳволни янада мустаҳкамлаш мақсадида ТуркЦИК /Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси/ Президиуми махсус комиссия тузиб, уни Амударё бўлимига юборишга қарор қилди. Петро-Александровск ва Хивада Туркистон Марказий ижроия қўмитаси комиссиясининг аъзоси қилиб, Петро-Александровск "Ёш Хиваликлар" қўмитасининг раиси Султонмуродов тайинланди. Турккомиссиянинг 20 ноябрь 1919 йил махсус қарори билан Г.Б.Скалов РСФСРнинг Хивадаги тула ҳуқуқли вакили қилиб тайинланди. Хива аскарлари гуруҳининг бош қўмондони қилиб эса Турк fronti штаби оператив бўлимининг раиси Н.М.Шербаков тайинланди.¹⁷

Г.Б.Скалов ва Н.М.Шербаковлар Петро-Александровскка етиб келгач, Н.Шейдаков қўмондонлигидаги Хива аскарлар гуруҳи деб аталган ҳарбий кучларни қайта шакллантириб, уни Амударё гуруҳи ҳарбий кучлари деб атадилар. Бу ҳарбий гуруҳ

Чоржундан тортиб, то Орол денгизигача бўлган қисмларни ўз ичига олди. Унинг таркибиде икки отряд: Шейдаков бошчилигидаги шимолий ва В.Урадов бошчилигидаги жанубий отрядлар шаклланди. Амударё гуруҳи ҳарбий кучларининг кўмондони қилиб М.Н.Шербаков тайинланди.

Яна шуни қайд қилиб ўтиш жоизки, бу даврга келиб Ҳива хонлигида Жунайидхонга қарши нафақат ҳўрланган ўзбек аҳолиси, балки турли миллий гуруҳ ва сиёсий оқимлар ҳам курашга киришган эди. Бу курашда ҳар бир социал гуруҳ, табақа, сиёсий партия ўз мақсадини кўзлади.

Шаклланаётган миллий буржуазия, руҳонийларнинг ўрта ва пастки қатлами Ёш хиваликлар раҳнамолигида сиёсий курашда иштирок қилиб, ғалаба қилган тақдирда буржу демократик типдаги "Ўз миллий" ҳукуматини барпо қилиш ниятида эдилар. Туркман қабила-уруғ бошлиқларининг /Қўшмамадхон, Фулом-али, Шамўлот-бахши/ мақсади мавжуд патриархал-феодал тизимини сақлаш, ҳолда, Жунайидхонни қўлатиб унинг ўрнини эгаллашдан иборат эди.

Совет ҳокимиятининг шайхон Жунайидхон ва унинг тарафдорлари қорасида халқ ҳаракатини бостириш, Амударё бўлимида баҳо қилинган совет ҳокимиятини йўқ қилиш ҳамда зўравонликка асосланган ўз ҳукмронлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ниятида эдилар.

Ҳива хонлигининг қималувлари, йирик ер эгалари эса шайхон Жунайидхон қўрқати кучларига таяниб, демократик ҳара.атларни бостириш хон деспотизмига асосланган патриархал-феодал тизимни сақлаш, ҳолда, мустаҳкамлаш ниятида эдилар.

Озчиликни ташкил қилиш ишлари ҳамда кўпчилик меҳнаткаш деҳқонлар кўнтрмаидаги ишда савдогарлар, баққоллар, ёш хиваликлар ва бош.ш.ер.қлар раҳнамолигида, РСФСР ва Туркистон совет ҳокимиятларининг моддий ва ҳарбий ёрдамига таяниб, Жунайидхон диктатураси ҳамда Хива хони ҳукмронлигини тугатиб, Хоразмда янги Республикасини ўрнатишни кўзда тутган эдилар.

Шундай қилиб, 1919 йил охирларида Хива хонлигида шундай сиёсий ҳолат мавжудга келдики, фақат Ёш хиваликлар, бош.ш.ер.қлар Туркман уруғ-қабила бошлиқлари тил бириктириб, қўшма миллий фронтга жипслашиб, халқ инқилобий ҳаракатини шайхон аскарларнинг ҳарбий кучига таяниб, Жунайидхон диктатурасини қўлатишлари ва Хивада инқилоб ғалабаси учун қўлай шароит туғдиришлари мумкин эди.

Инқилоб шлланишига туртки бўлган нарса 1919 йил кўзида туркман уруғ-қабила бошлиқлари бир қисмининг Мулла ўроз

Хожимамедов бошчилигида Жунайидхонга қарши чикиши бўлди

Мудла Ҳроз Хожимамедов бошчилигида Петро-Александровска делегация келиб, Жунайидхонга қарши кураш ердан беришни илтимос қилди ва кейин Тошкентга жунаб кетди.

Вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, Г.В.Скалов ва Амув гуруҳи ҳарбийларининг вақтинча кўмондони вазифасини бажараётган Н.М.Шербаков дарҳол Хива воқеаларига аралашини қарор қилдилар.

Амударё гуруҳи қўшинларининг жанубий отряди декабрнинг 25-нчи кунини музлаган Амударёни кечиб, уни сул қирғоқни ўтдилар.

Н.А.Шейдаков бошчилигидаги Шимолий отряд 25 декабр Петро-Александровскдан Нукус йўналиши томон ҳужум бошлади. 29 декабрда Хўжайли шаҳрини эгалладилар.

Шимолий отряд ўз таркибига қўшилган Ўзбек, Қорақалпоқ ва Туркман қўзғолонлари билан биргаликда Кўхна-Урганч томонини олди. 7 январь 1920 йилда Кўхна-Урганч шўро қўшинлари томонидан ишғол қилинди.

Шўро аскарларининг Хива хонлиги ҳудудига кириб келиши билан улар сафига Жунайидхонга қарши бўлган исёнчилар қўшила бошладилар. Жунайидхонга қарши курашда туркман уруқ қабила бошлиқларидан Қўшмамад-хон кучларининг /500 отлик/ Советларнинг шимолий отрядига қўшилиши ҳал қилувчи роль ўйнади.

Шўро қўшинлари ва исёнчилар отрядлари Янги-Урганч, Кўхна-Урганч, Хўжайли каби муҳим марказларни эгаллашлари билан Жунайидхон тақдирини ҳал бўлган эди. Жунайидхон аскарлари сафидан янги-янги туркман қабила-уруғ бошлиқлари ўз отрядлари билан чиқиб кета бошладилар. Туркман уруғ-қабила бошлиқлари /Шамурод-бахши, Фулом-али, Яхши-Галди ва бошқалар/ ҳам Жунайидхонга қарши курашга қўшилдилар.

Амударё бўлими қўшинларининг шимолий гуруҳи 14 январь 1920 йилда Кўхна-Урганчдан кейин, Пурси шаҳрини ишғол қилдилар.

16 январда Алиэли /Илолли/, 18 январда эса Тошхонву шаҳарларини эгалладилар. Жанубий гуруҳ қўшинлари билан Ғозовот районида бўлган биндатли жангларда Жунайидхон 200 дан кўп аскардан ажралиб, Бадиркент қалъасини ташлаб, қолган 100 га яқин аскарлари билан Ғорақум саҳроларида қониб бўлди. ¹⁸

Шундан қилиб, 1920 йил январь ойининг ўрталаридан Жунайидхон Қизил аскарлар ва исёнчи халқ отрядлар томонидан

тор-мор қилинди. 1 февраль 1920 йилда қизил қўшинлар жангсиз Хива шаҳрига кириб келдилар.

Жўнайидхонга қарашли очиқ қуролли кураш роса икки ойдан кўпроқ вақт давом этди. Бу курашда ҳал қилувчи қуролли куч - Қизил аскарлар эди.

Жўнайидхон қўлидаги қўғирчоқ хон Саид Абдулла халқ ишончидан бутунлай маҳрум бўлди. Аксинча, ёш хиваликлар халқнинг ишончини қозониб, реал кучга айландилар.

1920 йил 1 февралда ҳарбий кучлар билан бирга Хивага ёш хиваликлар қўмитаси ҳам келган эди. 2 февраль кунин Саид-Абдулла хон Хива тахтидан воз кечганлиги ҳақида манифестга имзо чекишга мажбур бўлди. Бу манифест 4 минг аҳоли қатнашган катта митингда ўқиб эшиттирилди.

Хива хони тахтдан туширилгач, хонликда бутун ҳокимият 5 кишидан иборат муваққат инқилобий ҳукумат-ревком қўлига ўтди. Ревком раиси лавозимига ёш хиваликлар Тўртқул қўмитасининг бошлиғи Султанмуродов қўйилди. Бобо-Охун Салимов, Жалол-охун /олий руҳонийлар вакили/ ҳамда Туркман инқилобий отрядларининг бошлиқлари Қўшмамадхон ва Муллаўроз Хожимуҳаммедовлар ревком аъзоси қилиб тайинландилар.¹⁹

Ундан ташқари 1920 йил 9 апрелда муваққат инқилобий ҳукумат таркибида тармоқлар билан шуғулланувчи бошқа нозирликлар ҳам ташкил қилинди.

Шайхутдин Ҳасанов-ҳарбий нозир Полвонниёз Ҳожин Юсупов давлат назорати нозирин, Эшчон қори Жобборқулов-халқ хўжалиғини нозирин, Мулла Бекжон Раҳмонов-халқ маданияти ва маорифини нозирин, Бобо Охун Салимов-адлия нозирин қилиб тайинландилар. Кундалик масалаларни ҳал қилиш мақсадида 3 кишидан иборат президиум ташкил қилиниб, унинг таркибига Мулла Жуманиёз Султонмуродов /раис/ Полвонниёз Ҳожин Юсупов ва Бобо Охун Салимовлар /раис муовинлари/ кирдилар.²⁰

Давлатни бошқариш суд ва адлия ишлари қайта кўриб чиқилди. Ҳукуматнинг махсус қарори билан Олий инқилобий суд инқилоб душманлари билан кураш олиб бориш мақсадида тузилган бўлиб у олий жазо-отишга ҳукм чиқаришгача жазо қўллаш ҳуқуқига эга эди. Судга Олимжон Акчурин раислик қилди. Қўшмамадхон Сапаев ва Бобо-Охун Салимовлар суднинг аъзолари этиб сайландилар.

Умумжиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида ташкил қилинган халқ судига Абдуллоҳид Каримов раислик қилди.

Хива шаҳрида ташкил қилинган махсус милиция бошқармаси тартиб интизомни сақлаш ва жиноятчилликка қарши курашиш ишлари билан шуғулландилар. Унга Назир Шолиқаров раислик қилди.

Муваққат инқилобий ҳукумат фармонида биноан эски даврга хос қийнашлар, уриб азоблашлар, осиб, сўйиб, бўғиб ўлдирishлар сингари жазо турлари бекор қилинди. Халқдан тушадиган шикоятлар ва аризалар ёзма равишда қабул қилинадиган бўлди. Халқнинг кўпчилик қисми саводсизлигини эътиборга олиб ариза ёзиб берувчи котиблар ҳам тайинланди.

1920 йил 2 апрелда Хивада хоннинг тошхўли биносида халқ музейи ташкил этилиб унга халқ маданияти ва маорифи нолири Мулла Бекхон Раҳмонов раҳбарлик қилди.

Жумҳуриятнинг маъмурий бошқариш тизимида ҳам ўзгаришлар юз берди. 1920 йил 9 апрелда Хива хонлигида мавжуд бўлган 20 беклик ўрнига 20 туман шўролари ташкил қилинди. Бу халқ вакилларининг I Бутунхоразм қурултойини тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

1920 йил февралда Хивада рўй берган, тарихга "Халқ инқилоби" номи билан кирган давлат тўндарилиши чоризм мустамлачилик тизимига ва унинг вассалига айланган хон-феодал истибдодига қарши Ёш хиваликлар бошчилигида Россия ва Туркистон шўролар ҳукуматлари ёрдамида амалга оширилган, ўзига хос буржуа-демократик типдаги инқилоб эди. Унинг мақсади биринчи босқичда Жунайидхон диктатурасини кулатиш бўлса, иккинчи босқичда - Хоразмда хон деспотик тузумини афдариб, ўрнига демократик республика ўрнатиш эди.

Инқилобнинг характеридан келиб чиққан ҳолда уни ҳаракатлантирувчи кучлари ҳам шаклланди. Асосан инқилобда Хива хонлигидаги ўрта ва майда буржуа қатламлар савдогарлар, зиёлилар, ҳунармандлар, деҳқонлар ҳамда озчиликни ташкил қилган ишчилар ва ниҳоят Қизил аскарлар қатнашди. Бу инқилобга асосан ёш хиваликлар партияси раҳнамолик қилди.

Демак, бу инқилоб РСФСР ҳукуматининг бевосита иштироки ва ёрдамида, Қизил аскарлар Қуроли кучига таянган ҳолда Хива халқининг хон деспотик тузумидан норози қатламлари томонидан амалга оширилди ва тузумни йўқ қилиб, мамлакатни буржуа-демократик йўлдан ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Бироқ кейинчалик бўльшевикларнинг ҳукумат таркибига кириб олиши ва мамлакатни шўролаштириш бу табиий, эволюцион ривожланиш жараёнларини бузилишига олиб келди. Чунки бўльшевиклар Лениннинг ўз ривожланишида орқада қолган халқлар "илғор рус" пролетариатининг ёрдамида капиталистик ривожланиш босқичидан сакраб бирданига социализмга ўтишлари

мумкин деган, ҳаётда ўзини оқламаган назариясига асосланиб, далил патриатхал-феодал муносабатлари ҳуқуқ сураётган жамиятда социализм йўлига ўтдилар. Бу мақсадни амалга ошириш учун зуровонликка таяниб хусусий мулкни мулкдорлардан тортиб олиш ва шу негизда ижтимоий социалистик мулкни барпо қилишга киришдилар. Бу ҳол йўқсиллар билан мулкдорлар ўртасида синфий курашнинг кескинлашувига, афдар-тўндарларга, кўп чиқдорда қўя тўкишга, фуқаролар урушига олиб келди. Улар ривожланишнинг эволюцион йўлини никор этиб, зуровонлик йўлини танладилар.

Хоразм шароитини ҳисобга олиб, буржуа-демократик, эволюцион йўли қўллаб қувватлаган Ёш хиваликларни таъкиб остига олдилар. Уларни буржуа миллатчилигида айблаб, қувғин-сўргун қила бошладилар.

Ёшнинг фикрининча Ёш хиваликлар танлаган буржуа-демократик, эволюцион ривожланиш йўли Хоразм учун маъқул йўл эди. Ҳозирги мустақиллик шароитида шўролар ҳукуматининг биринчи йилларидаёқ бўғилган иқтисодий тизимга, яъни кўп мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётига қайта ўтаётганимиз бўлса яққол далил бўлиши мумкин.

Шуни ҳам қайд қилиш жоизки инқилоб бу ўлкага четдан Россиядан келтирилган эди. Инқилоб ясаб, фуқаролар уруши қилиб минглаган одамларни қонини тўкиш, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиш йўли билан бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш бизнинг халқимиз учун ёт нарса бўлган.

Жунайидхон босқини ва хон зулмига қарши халқ курашидан усталик билан фойдаланган бўльшевиклар ўзларини халқ гамхўри, озодлик, эркинлик, мустақиллик тарафдорлари сифатида намоён қилиб, ҳақиқатда эса ўлкани чоризм мустамлакасида янги шаклдаги шўролар мустамлакасига айлантириш учун курашдилар.

3. ХХСРнинг ТАШКИЛ ТОПИШИ.
РЕСПУБЛИКА СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ДЕМОКРАТИК
ЎЗГАРИШЛАР

1920 йил 27-30 апрель кунлари Хивада Бутунхоразм вакилларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда қатнашган 200 вакилдан 80 таси туркман аҳолиси номзодлари эди.

Таъсис қурултой собиқ Хива хонлигини тугатилгавлиги ва эндиликда мамлакат қадимий номи билан - Хоразм деб аталишини эълон қилди. Янгидан шаклланган давлат Хоразм халқ совет республикаси деб ном олди. Қурултойда Хоразм халқ совет республикасининг биринчи конституцияси, давлат герби ва байроғи ҳам тасдиқланди. Герб марказида бир бёғлам оқ жўшора устига бир-бирига чалиштириб қўйилган ўрок ва бёлганинг оралиги ҳам солинган эди. Гербнинг юқори қисмида беш қирради шараф билан ярим ой сурати акс эттирилган. Давлат байроғи қизил рангли матодан ишланган бўлиб, унинг чап бурчаги яшил рангга бўялган ва шу фонда давлат герби ҳам акс эттирилган эди.

Конституция бўйича 18 ёшга тулган барча фуқароларга сайлаш ҳуқуқи берилди, хусусий мулкчилик сақлаб қолинди. Сайлаш ҳуқуқидан фақат хон онласи аъзолари, йирик хон амалдорлари ва ашаддий аксил инқилобчиларгина маҳрум қилинди.

Конституция ХХСРнинг барча фуқароларига жинси, касби ва миллатидан қатъий назар суз, матбуот, мажлис ўтказиш, ташкилотлар тузиш ҳуқуқлари берилганлигини эълон қилди.²¹

Қурултойда янги ҳукумат таркиби ҳам сайланди. ХХСР нозирлари кенгашининг раиси лавозимига Полвонниёз Ҳасан Юсупов /миллати ўзбек, собиқ хон амалдори, 1914 йилда Ёш хиваликлар ташкилотини тузган ва унга раҳбарлик қилган, 1920-1914 йиллар мобайнида Хоразм халқ республикасида масъул лавозимларда ишлаган/, раис муовини қилиб Мулла Жуманова Султонмуродов /миллати ўзбек, собиқ пахта тозалаш заводи бошқарувчиси, Ёш хиваликлар партиясининг аъзоси, Хоразм коммунистлар қўмитасининг раиси/ сайландилар.

Ҳукумат нозирлари лавозимига тубандаги шахслар тайинланди: Бобо Охун Салимов /ўзбек, собиқ хон қозикалони, Ёш хиваликлар партияси аъзоси/ - адлия нозир; Мулла Бектўра Раҳмонов /ўзбек, Ёш хиваликлар партияси аъзоси, зиёли ва вакил/ - маориф нозир; Эшчон-қори Жобборқудов /ўзбек, савдогар/ - халқ хўжалиги нозир; Матпанов /Мадраҳимов /ўзбек, Ёш хиваликлар партияси аъзоси, савдогар/ - молия нозир; Худайберган Девонов /ўзбек, Ёш хиваликлар партияси аъзоси/ - давлат назорати нозир; Ризо Шоирова

/татар коммунист, Хивага Бройдо бошчилигидаги комиссия билан келган/ - ҳарбий нозир: Шомурод-Бахши (туркман сардорларидан бири, йиринч ер эгаси); Назир Шолиқаров (ўзбек, Ёш хиваликлар партияси аъзоси, пахта тозалаш заводи эгаси)-ички ишлар нозир: Қушмамад-хон Сапиев -(туркман сардорларидан бири, катта ер эгаси) - нозирлар шўроси раисининг иккинчи муовини: Ғулом-Али-хон Баҳодир (туркман сардорларидан бири)-иштинomial таъминот нозир: Ҳаким Бобожонов (ўзбек, Ёш хиваликлар партияси аъзоси) - зироат (қишлоқ хўжалиги) нозир; Абдул-Воҳид Қориев (ўзбек, мадраса имоми, Ёш хиваликлар партияси аъзоси) - адлия нозирининг муовини лавозимларига сайландилар.²²

Ҳукумат тарихига кирган шахслар уша даврнинг онгли, саводли, халқ оммасининг аксарият қатламлари орасида таниқли кишилар эди.

ХССР мустақил давлат сифатида ўз конституциясига биноан иш олиб борди. Биринчи Конституцияга биноан 22 туманнинг (Хива хонлиги даврида 20 беклик ва 2 ноиблик бўлган) ҳаммасида апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида шуролар сайланди. (Дарғанота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги-Урганч, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Моноқ, Тошқовуз, Пурси, Хўжайли, Кўҳна-Урганч, Қунғирот, Хива, Али-Эли (Илолли), Ғозоват, Шовот, Хитой, Қушқупир).

Ташкил қилинган ҳар бир туманда туман шуролари тузилиб, ҳар бирида 5-7 кишидан иборат кенгаш аъзолари сайланди.²³

Сайланган шуроларнинг 14 таси ўзбеклар яшайдиган районларга, 5 таси туркманлар яшайдиган районларга ва 3 таси қозоқлар ва қорақалпоқлар яшайдиган районларга туғри келар эди. Шунингдек, ҳар бир туманнинг масъулки /маҳалласида/ оқсоқоллар сайланди. 1920 йил май ойида бундай оқсоқолларнинг сони 430 кишини ташкил этди.

"Қизил оқсоқолларнинг ташкил қилиниши шаҳарда масъулкиларга ёки ҳудудга қараб сайланса, туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар - яшайдиган ерларда уруғчилик-кабилачиликка қараб сайланди.

1920 йил 28 майда Хоразм коммунистик партиясининг биринчи Бутунхоразм конференцияси бўлиб, унда янги партия шаклланди. Унинг раиси қилиб А.Ақчурин сайланди. Бироқ, бироз вақт ўтмай Ақчурин Бухорога бошқа ишга утказилди, унинг ўрнига ХКП МК раиси қилиб Мулла Жуманиёз Султонмуродов сайланди. Коммунистик партия билан бир қаторда Хоразмда Комсомол ва профсоюз ташкилотлари ҳам вужудга келди.

1920 йил май ойида марказдан келган вакилларнинг курсатмасига биноан Хоразмда қўл фирқавийлик тўқилди.

Маҳаллий хусусиятларни ўзида кўпроқ ифода қилган Ёш хиваликлар фирқаси ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Ёш хиваликлар фирқасининг кўпгина аъзолари иштирокию фирқа аъзолигига ўтишга мажбур бўлдилар. Аммо улар иштирокию фирқа сафида ҳам ўз миллий хусусиятларини намоён қилишга ҳаракат қилдилар.

1920 йил 13 сентябрда РСФСР ва ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат иттифоқ шартномаси ва 15 моддадан иборат иқтисодий битим тузилди. Шартномани имзолашда РСФСР томонидан Г.В.Чичерин, Л.М.Карахон, ХХСР томонидан Бобо Охун Салимов, Мулла Ўроз Хўжамуҳаммадов ва Мулла Нурмуҳаммад Бобоевлар қатнашдилар. 24

Иттифоқ шартномасига биноан РСФСР ҳукумати ХХСР мустақиллигини ва дахлсизлигини тан олди. Россия империяси даврида рус капиталистлари томонидан Хива хонлиги ҳудудида бунёд қилинган барча банклар, заводлар, фабрикалар, савдо корхоналари ва бошқалар ХХСРни мулки деб белгиланди. 1920 йил 13 сентябрдан бўлган ХХСР чегараси давлат чегараси деб белгиланди. РСФСРда яшайдиган ХХСР фуқаролари, ХХСРда яшайдиган РСФСР фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам белгилаб олинди.

Аммо шартномада курсатилган асосий моддалар бажарилмасдан қогозда қолиб кетди.

Иттифоқ шартномаси 1920 йил 29 сентябрда РСФСР МИК сессиясида ва 1920 йил 26 октябрда ХХСР нозирлар кенгаши мажлисида тасдиқланди. 25

РСФСРнинг ХХСРдаги мухтор вакиллари Измайлов, Броило, Шокиров, Сафонов ва бошқалар жиддий хатоликларга йўл қўйдилар. Масалан, Р.Шокиров 1920 йил 23 июнда Хива шаҳридаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси олдида Иброҳим Охун раҳбарлигида ташкил қилинган диний намоёнлини қонли бостирди. Хива хонлиги даврида қозикалонлик вазифасида ишлаган Иброҳим Охун, Рафиқ Охун, Саиджонқори, Мулла Муҳаммадниёз Бадирхонли, Муҳаммадамин Охун ва бошқалар отиб ташланди. Намойиш зўрлик билан бостирилди. Хиванинг собиқ хони Саййид Абдуллахон ва унинг oilаси, қариндош-уруғлари, қози аскар Ҳикматулло Охун, Обид Охун ва бошқалар РСФСР ва Туркистоннинг турли бурчакларига сургун қилинди. Бу воқеалар халқнинг РСФСРнинг комил ҳуқуқли вакилларига нисбатан норозилигини кучайтирди.

Ундан ташқари, 1920 йил сентябрь ойининг урталарида Хивада ХХСР нозирлар шўросининг иккинчи муовини Қўшмаматхон Сапиев ва унинг билан биргаликда 100 нафар туркман аскарлари судсиз-сўроқсиз отиб ташланди. Бу эса

туркман ва ўзбек халқлари ўртасидаги низонинг кучайишига олиб келди.

1920 йил 20 сентябрда Турккомиссия Ризо Шокировни тезда қўриб олди ва ишини судга берди. Шунингдек, Хоразмда совет шинларига раҳбарлик қилаётган. Дубянский ҳам ишдан таштирилди. 26

1920 йил 19 октябрдан бошлаб ХХСРга РСФСРнинг мухтор элчиси сифатида Фарғона fronti қўшинларининг мондони, иштирокию фирқа аъзоси М.Сафонов юборилди. Унинг билан биргаликда ХХСРга Туркфронтининг 3-Туркистон кавалерия /отлиқ/ полки ҳам келди.

Сафоновнинг мухтор вакил бўлиб келиши билан ҳам Хоразмда ҳол ўзгармади. У ўзидан бурунги вакилларга нисбатан маҳаллий ҳукуматга қарши сиёсатни кучайтириб юборди. Унинг бурунги билан 1920 йил 17 ноябрда армия ичида сиёсий бошқарма Пурхив / ташкил қилинди. Унга раҳбарлик қилган Ҳамза Мусаев фирқа номидан барча раҳбарликни ўз қўлига олди.

1920 йил декабрь ойида Туркбюро Комитетини томонидан Хоразм иштирокию фирқаси Марказий Кўмига тарқатиб юборилди. Унинг вазифаси Пурхивга юклатилди.

Хоразм "Қизил Армияси"да ҳам "тозалаш" утказилди. ХХСР ҳукумати раҳбарлари таъсиридаги кишилар армия сафидан озаланди.

Полвоҳниез Ҳожи Юсупов "Хоразм Қизил Армияси" ва рус аскарлари ўртасида ҳақиқий воқеаларни баён қилиб, сиёсий-арбоний маърузалар ўқиди, аммо фойдаси тегмади. Чунки Р.Шокиров, М.Сафонов ва Дубянскийлар томонидан йўл қўйилган хатоликлар ҳукумат раҳбарлари зиммасига юкланиб бадном қилинган эдилар.

ХХСР ҳукумати II курултой олди сайлов машварати /компанияси/ даврида утказилиши лозим бўлган тушунтириш-тарғибот ишларининг лойиҳасида шундай ёзилган эди: "Биз ҳукумат бошида ўтирган кишилар хонга қарши курашиб, қурриятни барпо қилган инқилобчилармиз. ҳукумат, халқ манфаатларини, дин ва шариятни ҳамisha ҳимоя қилиб келмоқдамиз, шунга қарамай баъзи кишилар шаҳар ва кишлоқларда иштирокию фирқа номидан гапириб, ҳукуматнинг тутган сиёсатига, унинг қонунларига, муқаддас вақф қондаларига қарши иш кўрмоқдалар. Жойларда шундай одамларни ҳукуматга душман эканлигини, уларнинг сузларига ишонмаслик зарурлигини халққа тушунтириш зарур." 27

1920 йилнинг охири ва 1921 йилнинг бошларига келиб фирқа томондан ХХСР ҳукумати ва иккинчи томондан РСФСРнинг ХХСРдаги мухтор вакили М.Сафонов, Пурхив бошлиғи - Ҳамза

Мусаев, ҳарбий нозир Шайхутдин Ҳасанов сингари раҳбар ўртасида кураш кучайиб кетди. Ҳатто 1921 йилнинг бошида Х.Мусаев, Ш.Ҳасанов, Х.Вансовлар тезда давлат тўнтари қилиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов раҳбарлигидаги барча ҳукумат раҳбарларини қамоққа олиш лозимлиги ҳақида ҳам тақдир кiritишган эди.²⁸

Бу муддаоларига улар деярлик эришдилар ҳам. ХХСР ҳукумати раҳбарлари асрлар давомида ислом дини таъсирида яшаш келган халқни ва унинг диний ақидаларини ҳурмат қилган туркий халқлар билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик қилиш мақсадида бўлганликлари сабабли улар "панисламизм" ва "пантуркизм" тарафдорлари деб аниқландилар.

М.Сафоновнинг буйруқи билан 1921 йил 6 март куни Хивадаги ҳарбий фирқа маркази Илҳом чакирлига биноан, Қизил Армия қисмлари, айрим иштирокиюн фирқа ва комсомол аъзолари иштирокида снесий намоянча ташкил қилинди. Қурулланган ҳарбий қисмлар ҳукумат унга бостириб кириб, ҳукумат раҳбарларини ҳибсга олдилар. Халқ Нозирлар Кенгашининг раиси Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Хива шаҳар муҳофаза /мудофаа/ кўмитасининг бошлиғи Назир Шолиқаров ва бошқа ҳукумат раҳбарлари қочиб яширинишга улгурдилар. Бу давлат тўнтариши эди.²⁹

1921 йил 6 март куни 6 кишидан иборат муваққат инқилобий кўмита тузилди.

Муваққат инқилобий кўмитага шўроларнинг II Бутунхоразм қурултойига бўлган даврда республика давлат ҳокимиятининг барча вазифалари юклатилди.³⁰

Муваққат инқилобий кўмитанинг асосий вазифаси ҳукумат таркибини янгилаш, нозирларни танлаш, II Бутунхоразм қурултойини тайёрлаш ва янги ҳукумат органларини ташкил қилишдан иборат эди.

1921 йил 15 майдан - 23 майгача II Бутунхоразм Шўролари вакилларининг қурултойи чақирилди. Қурултой Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Кўмитаси қошида 7 кишидан иборат Мулла Ўроз Хўжамуҳаммедов раҳбарлигида махсус туркман бўлими ташкил қилинди. Бу бўлимнинг асосий вазифаси туркманлар яшайдиган ерлардаги иқтисодий, снесий, ҳуқуқий, миллий, маданий масалаларни, уруғлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва уни яхшилаш, меҳнаткаш халқ фаоллигини ошириш, улар яшайдиган ерларда ҳам қисқа вақт ичида деҳқончилик ва чорвачилик ишларини яхшилаб ўтrockлаштиришни йўлга қўйиш, хунармандчиликни ривожлантириш ва уларнинг маданиятини оширишдан иборат эди.³¹

Қурултойда ХХСР конституцияси қайта кўриб чиқилди ва унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Хоразм республикасининг II қурултойига Халқ Нозирлар Кенгаши ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи орган бўлиб келган бўлса, II Бутунхоразм қурултойида ХХСРнинг олий органи меҳнаткашларнинг йилда бир марта чақириладиган қурултойи деб аталган. Қурултойлар ўртасидаги даврда олий ҳокимиятни бошқариш Марказий Ижроия Кўмита зиммасига юкланди.³²

II қурултойда қабул қилинган конституцияда қурултойнинг номи ҳам ўзгартирилди. Олдин "Халқ вакилларининг қурултойи" деб аталган бўлса, энди "Меҳнаткаш Халқ Шўроларининг қурултойи" деб юритиладиган бўлди.

Меҳнаткаш Халқ Шўроларининг Бутунхоразм II қурултойида депутатлари район ижроия кўмиталари ҳам ташкил қилинди. 1921 йил 23 майда 60 кишидан иборат Хоразм Ижроия Кўмитаси ва унинг президиуми сайланди. Унинг раиси лавозимини Мухаммадраҳим Оллаберганов эгаллади.

Қурултой қорақалпоқ миллатидан Мангди Хўжа Ибниаминов бошчилигида республика ҳукуматини ҳам ташкил қилди. Унга нозирлар кенгашининг раисидан ташқари 9 киши кирди.

Хоразм Марказий Ижроия Кўмитаси ва Нозирлар Советига Хоразмдаги деярли кўнчилиكنи ташкил қилган барча миллат вакиллари кирган эди. Жумладан, 44-ўзбек, 16-туркман, 3-қozoқ, 2-қорақалпоқ, 3-татар вакиллари бор эди.³³

1921 йил июнь ойида Хоразм Ижроия Кўмитасининг декретига асноан 8 та вақтли инқилобий кўмиталар ўрнида (Қўнғиротда, Мангитда, Хўжаэлида, Хонқада, Тошхўвузда, Янги-Ўрганчда, Лазарасида, Ғозовотда) меҳнаткашлар шўролари район ижроия кўмиталари ташкил қилинди.

ХХСР МИКнинг 1921 йил 10 июлдаги мажлисида Адлия нозирлигининг ишлари кўриб чиқилиб, унинг таркиби тақомиллаштирилди. Адлия нозирлиги муовини штати таъсис қилинди.³⁴

1921 йил сентябрь ойида ХХСР МИК мажлиси чақирилиб "ўз вазифасини бажара олмаган ва ишни чалкаштирганлиги учун" - деяш ани билан Хоразм МИКнинг раиси - Мухаммадраҳим Оллаберганов ўз вазифасидан озод қилинди. Унинг ўрнига ХХСР Адлия нозирлиги вазифасини бажариб келган - Отамахсумохун Мухаммадраҳимов тайинланди.³⁵

Уша даврда ХХСР МИК президиуми состави ҳам қайтадан тўзилди. ХХСР МИКнинг раиси Отамахсумохун Мухаммадраҳимов ҳарбий нозир Мухаммаджоновнинг ўрнига ўзбеклардан етишиб чиққан Миркомил Миршараповни ва рус ҳарбийларидан бўлган

Михаил Волошинининг ўрнига Хасан Эрматовни дохилия нозир қилиб тайинлади.

Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов маориф соҳасида миллийлаштириш сиёсатини олдинга сурди. Маориф нозирини қўйилган татар зиёлиларидан Хофиз Зиёвутдинов ўрнига ўзбекистонлик зиёлиларидан етишиб чиққан Жумамуродохун тайинланди.³⁶

Инқилобдан кейин Хоразмнинг кўпгина тарихий аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо буюмлари талон-тарож қилиниб, узлаштирилди ва марказга олиб кетилди. Бу жараёнлар яна давом қилмоқда эди. Миркомил Миршарапов ҳарбий нозирлиги вазифасига тайинланиши билан 1921 йил 15 октябрда 63-сонли буйруқ чиқарди ва бу буйруқ ХХСР МИКнинг 1921 йил 15 октябрдаги 58-сонли баёни билан тасдиқланди. Ушбу буйруқда кўзланган мақсад ХХСРдан халқ миллий маданий меросини олиб чиқиб кетишга чек қўйиш эди.

Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов Хоразм Халқ Совет-республикасини мустақил давлат сифатида ривожланишига таъминлаш мақсадида қўшни Афғонистон, Бухоро ва бошқа давлатларда элчихоналар очиш ва уларнинг элчихоналарини Хоразмда очишга рухсат берди.

Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов динга, диндорларга вақф ерига ҳам юқоридан чизиб берилган андоза асосида ёндашмади, балки бошқа йўл тутди. Ҳали асрлар давомида диний ақидаларга ишонган халқ оммасида бирданига вақфни бекор қилиш инқилоб яшаш қийин эди. Ерсиз ва кам ерлик деҳқонларга ерларидан бўлиб берилган ерларда ҳам иш кўнгилдагидек эмас эди. Шунинг учун ҳам Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов ХХСРнинг II қурултоида қабул қилинган вақф тўғрисидаги қарорларни бекор қилди. Шариат нормаларини тиклай бошлади. Ислом динига ишонувчиларнинг ҳурматини жойига қўйди. Вақфдан олинадиган солиқни бекор қилди.

Шунингдек, Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов ҳукумат ишларига иштирокиюн фирқа аъзоларини раҳбарлик қилишига чек қўйишга ҳаракат қилди. Бир мамлакатда иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитаси ва ҳукумат Марказий Ижроия Қўмитасидан иборат икки раҳбар ҳукумат бўлиши мумкин эмас, деган эди у.

ХХСРни мустақил республика сифатида ўз ички ишларини ўзи амалга ошираётганлиги РСФСРнинг ХХСРдаги мухтор вакили - Иосиф Монсеевич Быкга, Хоразм иштирокиюн фирқаси раҳбарлари номи билан иш олиб бораётган айрим кишиларга ёзма эди. Улар халқнинг сиёсий жиҳатдан ўз йўлларини аниқ белгилаб ола олмаганликларини яхши сезиб, давлат тўнтаришлари ва давлат раҳбарларини ўзгартириб турниш сиёсатини амалга ошириб бордилар. РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили Иосиф

Монсеевич Бык 1921 йил 10 ноябрда РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарлигига ёзган хатида «Хоразмнинг ҳукумат раҳбарлари Хоразм учун керак эмас. Ҳукумат бутунлай Менглихўжа Ибниаминов ва Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов қўлига ўтди» деган эди.³⁷

И.М.Быкнинг буйруғи билан 1921 йил 27 ноябрда Хоразм иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитаси, Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси, Республика Нозирлар Кенгашининг шайғайтирилган қўшма мажлиси чақирилди. Ушбу мажлисда Марказий Ижроия Қўмитаси раиси О.Муҳаммадраҳимовни, Хоразм республикаси Нозирлар Кенгашининг раиси И.Ибниаминовни, Хоразм Ижроия Қўмитасининг иш бошқарувчиси Мулла Бекжон Раҳмоновни, Хоразм МИК ижроия бўлимининг бошлиғи Муҳаммадjon Абдаловни, молия нозирини - Муҳаммад-Юсуф Отажоновни, дохилия нозирини - Ҳасан Эрматовни, хорижий нозирини - Мулла Ўроз Хўжамухаммедовни, ҳарбий ишлар нозирини - Миркомил Миршараповни, туркман шўъбаси раиси - Янгибой Муродовни, Тригуловни, Агайдаровни, Юнгиоровни Хоразм халқининг душмани, деб ўз лавозимларидан бушатиш ва қамоққа олишга қарор қилинди.³⁸

Бу ХХСРда иккинчи давлат тўнтарилиши ва ҳукумат раҳбарларининг бадном қилиниши эди.

1921 йил 27 ноябрдаги давлат тўнтаришидан кейин ХХСР МИК президиумининг янги ишчи аппарати ташкил қилинди.

Президиум раиси қилиб Янгибой Муродов тайинланди (миллати туркман, туркман шўъбаси раиси бўлиб ишлаган).

ХХСР МИКнинг масъул котиблиги вазифасига Абдулла Ҳожиёв тайинланди. ХХСР МИК иш бошқарувчиси вазифасига Муҳаммад Ёқуб Ахангаров тайинланди.

ХХСР МИК ижроия шўъба бошлиғи қилиб Ханиф Каниев қўйилди. 1921 йил 4 декабрда ХХСР МИКнинг мажлиси қарорига биноан Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов раҳбарлигида амалга оширилган кўпгина ишлар бекор қилинди ва келгусида амалга ошириладиган ишлар ХХСР МИК ва нозирлигига белгилаб берилди.

1922 йил 23 январда ХХСР МИКнинг қарорига биноан Хоразм республикасида ҳарбий трибунал ташкил қилинди ва аянчи ходимларининг ишлари мазмуни белгилаб берилди. Унда 32 моддадан иборат жиноят қонуни тузилган бўлиб, суд тузилиши ва жиноят процесс қонунлари ва жиноят қонунларининг асосий принципларини ифода қилган эди.³⁹

1922 йил 20 июлда Бутунхоразм Советларининг III қурултоғи иш бошлади. Қурултоғда ХХСРнинг конституцияси қайта қўрилиши ва МИК қайта сайланиши.⁴⁰

Конституция Қизил аскарларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтирди. Камбағал деҳқонлар ва батракларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш чораларини белгиледи. Шунинг билан Конституцияда киши кучидан фойдаланувчи ҳар қандай мажбуриятларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ерлар, шу жумладан вақф ерлари ҳам миллийлаштирилиб, фақат ундан ўз меҳнати билан ишловчилар фойдаланадиган бўлишди. Солиқларнинг оғирлиги эксплуататорлар зиммасига юклатилди. Курултой ташкилий масалаларни ҳам муҳокама қилиб, ХХСР МИК аъзосига 60 кишини сайлади.

Абдулла Ҳожиёв - МИК президиуми раиси қилиб сайланди. ХХСР МИК ва ҳукумат раҳбарлигига сайланганларнинг деярли ҳаммаси иштирокиюн фирқа аъзолари эди. ХХСР МИК таркибига Хоразм иштирокиюн фирқаси масъул котиби Г.Шарофутдин раҳбарлигида Хоразм иштирокиюн фирқа фракцияси тузилди. Бундан кўриниб турибдики, уша даврда ХХСР ҳукумати таркиб тобора большевиклашиб борди.

1922 йил 15 ноябрда ХХСР нозирлар кенгаши қошида давлат сиёсий бошқармаси ташкил қилинди. Сиёсий бошқарманинг раиси қилиб Хоразм иштирокиюн фирқаси Марказий Кўмитаси аъзоси Бобо Мухаммаджонов, ҳарбий трибунал раиси қилиб И.Мансур тайинланди. Шунингдек, учинчи аъзо қилиб қозоқ бўлимининг бошлиғи, Хоразм иштирокиюн фирқа Марказий Кўмитаси аъзоси Тогон Абдуллаев белгиланди. Уларга қатта ҳуқуқ берилди. Ушбу давлатга ишончсиз деб ҳисобланган кишиларни 24 соат ички ўғирликда ёки босмачиликда айбланган бўлишга фармон беришлар мумкин эди.

Давлат сиёсий бошқармаси қошида эса 70 кишини коммунистик отряд ташкил қилинди. Унга иштирокиюн фирқа аъзолари, ёшлар ташкилоти аъзолари ва ҳарбийлардан киритилди. Отрядга 3 кишилик комиссия раҳбарлик қилди. Унинг раиси лавозимига Аникин, аъзолари қилиб Мухаммадаров ва С.В.Малишевлар тайинланди.⁴³

Бу жараёндар РКП(б) МКга Ўрта Осиё бюроси орқали Хоразм иштирокиюн фирқага қатта таъсир кўрсатиш кўчони берди. РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Хоразмда иштирокиюн фирқаси қўли билан сафни "тозалаш"дан бошлади. 1923 йилги "тозалаш" натижасида Хоразм иштирокиюн фирқаси сафидан 51 фондан зиёдроқ киши савдогар ва мулла деб фирқадан чиқарилди. Булар хатли, саводли Хоразм зиёлиларининг асосий қисми эди. Бундай "тозалаш" ишлари ҳукумат таркибидан ва бошқа жамоат ташкилотларида ҳам амалга оширилди. Иштирокиюн фирқа руҳсатсиз давлат ишларини бошқариш, фағион ва кўргазмалар бериш таъқиқлаб қўйилди.

Иштирокиюн фирқа аъзолари ва ташкилотлари кўпайтирилаётган бир пайтда, ХХСР МИК ва нозирлар кенгашида, шунингдек, жойлардаги ҳукумат аъзоларининг сони қисқартирилди. Масалан, 1923 йил август ойида ҳукумат аъзолари ва ташкилотчилар сони 3473 кишидан 1128 кишига камайтирилди.

1923 йил 18 октябрдан 20 октябргача Бутунхоразм Советларининг IV курултойи бўлиб ўтди.

Курултойда бир қанча муҳим масалалар қатори ХХСРнинг конституцияси ва давлат тузилиши, унинг нозирлари масаласи ҳам кўриб чиқилди. Янги конституция Хоразм Совет Социалистик Республикасининг конституцияси деб аталиб, у 5 бўлим, 12 бобдан иборат эди.⁴⁴

Конституцияда ўзгалар меҳнатини эксплуатация қилувчилар деб, жумладан, муллалар, имомлар, эшонлар, уламолар, амалдорлар, хонзодалар, сипокилар, савдогарлар, бойлар ва бошқа табиқалар советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Вақф ер эгаллиги ҳамда хусусий мулкчилик тугатилди. Вақф ерларидан ер эгаларига галла бериш таъқиқланди. Вақф ерларидан ҳам ягона қишлоқ ҳужалик солиғи олинадиган бўлди. Вақфга қарашли бўлган барча мулк маориф нозирлиги ихтиёрига берилди.

Конституцияга давлатнинг бошқариш масалаларида ҳам муҳим ўзгаришлар киритилди. Бутун Хоразм Советларининг IV курултойи қарорига биноан мамлакатда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий ва социал соҳалардаги қайта қурилишларни ҳисобга олиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси узининг янги, социалистик ривожланиш даврига кирди деб белгиланди ва давлатнинг номи Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб юритилиш бошланди.⁴⁵

1923 йил 22 октябрда ХХСРнинг қарорига биноан ХХСР нозирлари Кенгаши вазифаларини ХХСР МИК ходимлари бажаради, деб белгиланди. Бу ишни амалга ошириш учун махсус комиссия тузилди.⁴⁶

ХХСР МИК таркибига 9 киши аъзо бўлди: Карим Сапаев/МИК раиси/, Аҳмад Маҳмудов, Маткарим Абдусаломов, Қаландар Одинаев, Дмитрий Брюханов, Бекжон Назаров, Сейлихон Сарсанбоев, Х.Саъдуллаев ва Али Муллаярловлар.

Нозирлар кенгашининг раиси лавозими тугатилди ва унинг вазифаси МИК раисига юклатилди. МИК аъзолари эса бир вақтнинг ўзида нозирлик вазифаларини ҳам бажарадиган бўлдилар.

Бироқ ХХСР МИКнинг аъзолари нозирлар кенгашининг раислиги ва барча лавозимлардаги ишларни бажара олмадилар.

Шунинг учун ҳам нозирлар кенгашининг раиси лавозими ва бир қанча нозирликлар қайта тикланди ва уларга янги нозирлар тайинланди. Жумладан, ХССР нозирлар кенгашининг раислиги лавозимида Саъдулла Турсунхужаев (социал-таъминот нозирлар кенгаши раиси ўринбосари, давлат план комитети раиси вазифаларида ишлаган). Ундан ташқари давлат бошқарувининг турли лавозимларига, жумладан, дохилия нозир лавозимига Менглихўжа Ибниаминов, маориф нозир - Давлат Ризаев, адлия нозир Султонқори Жуманиёзов ва ҳарбий нозир И.В.Годешкий, ҳарбий трибунал раиси Абдурахим Ниёзов, ГИУ бошлиғи В.Свободин, ЭКОССО раиси Матёқуб Отажоновлар тайинландилар.⁴⁷

Қурултой қарорларига кўра ХССРда тўртта вилоят ва саккизта туман ижроия кўмиталари ташкил қилинди. Ҳазорасп вилояти, Янги-Урганч, Тошҳовуз, Хўжайли вилоятлари, Марказ-Хива эса алоҳида туман сифатида қолдирилди.⁴⁸

1924 йил май ойида ХССРда Янги-Урганч вилоятининг ўзбеклар купчилигини ташкил қилганлиги сабабли туманлар бирлаштирилиб Хива туманидан ташқари вилоятлар сони 4 тадан 3 тага қисқартирилди.⁴⁹ Сон жиҳатидан кам бўлган майда миллатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хоразм Марказий ижроия кўмитаси қошида 3 та бўлим ташкил қилинди: 9 кишидан иборат туркман бўлими, 5 кишидан иборат қозон бўлими ва 3 кишидан иборат қорақалпоқ бўлими.⁵⁰

Қозилар ўрнига янги судлар, қишлоқларда эса шўролар кенгаши ташкил қилинди. Аммо Бутун Хоразм шўроларининг IV қурултойи қарорлари асосида амалга оширилаётган ишлар узоққа бормади. Унда олдинга сурилган купгина ишлар ҳали маҳаллий шароит билан ҳисоблашмасдан, юқоридан берилган кўрсатмалар асосида амалга оширилганлиги сабабли аҳоли уртасида норозиликларга олиб келди.

Марказдан берилган топшириқларни кўр-кўрона бажариш жараёнида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Фуқаролар уруши натижасида ишлаб чиқарувчи кучлар ва воситалари издан чиқди, экин мейдонлари пайҳон қилинди, ташқи иқтисодий алоқалар узилиб республикага мол-товар келиши тухтаб қолди. Ер ва сувни тенг тақсимланмаганлиги уруғ ва қабилалар уртасидаги келишмовчиликларга, миллий низоларга олиб келди. Пул-молий ишларини тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида куп миқдорда пул босиб чиқарилди. Бу эса пулнинг кадрсизланишига олиб келди. Ҳукумат раҳбарларининг фақат иштирокиюн фирқа аъзоларидан қўйилиши, Хоразм Халқ республикасини СССР таркибига қўшиш учун бўлган ҳаракатлар, уламоларга, вақфга нисбатан қилинган ҳурматсизликлар, хотин-

қизларни мажбуран мактабга ва маориф ишларига жалб қилиш, солиқ тизимидаги камчиликлар-буларнинг ҳаммаси 1924 йил январь ойида рўй берган катта қўзғолонга сабаб бўлди.

Ушбу вазиятдан фойдаланган Жунайидхон қўзғолончилардан 10 минг кишилик қўшин туллаб, 1924 йил 13-16 январда Питнак, Бобот Ҳазорасп, Хонқани эгаллаб, Хивага қараб йўл олди. Хива камал ҳолатида қолди.

Қўзғолонни бостириш мақсадида 1924 йил 16 январда ХССР МИКнинг қарсига биноан республикада ҳарбий ҳолат эълон қилинди. 17 январда Хоразм иштирокиюн фирқа ижроия бюроси қарорига биноан республикада ҳарбий инқилобий кумита ташкил қилинди. Унга Матқарим Абдусаломов раислик қилди. Шунингдек, Матқўб Отажонов раҳбарлигида фавқулодда комиссия ташкил қилиниб, унга ГПУ ва ҳарбий трибунал ходимлари ҳам буйсундирилди.

Шаҳарни қамалдан озод қилиш ва қўзғолонни бостириш учун Чоржуйдан, Тошхөвүздан қизил аскарлар чақирилди. Катта ҳарбий кучга бардош беролмаган Жунайид аскарлари ҳам чекинишга мажбур бўлдилар.

Халқ қўзғолони бостирилгач, 1924 йил 20 февралда ХССР Марказий Ижроия Кумитаси ва Марказий инқилобий кумита мажлиси бўлиб, унда бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди. Жумладан, аҳолини қуролсизлантириш бўйича декрет, январь қўзғолони натижасида вайрон бўлган алоқа воситаларини тез муддатда тиклаш ва ҳоказо. Хоразм тарихида биринчи марта прокуратура органи ташкил қилинди. ХССРнинг биринчи прокурори қилиб Хонов деган киши тасдиқланди. ХССРнинг 5 жойида халқ судлари ташкил қилиниб, шундан учтаси ўзбек вилоятларида, биттаси туркман ва биттаси қозоқ-қорақалпоқ вилоятларида эди.⁵¹

Январь қўзғолонидан кейин марказдан ХССРга бир қанча тажрибали иштирокиюн фирқа аъзолари раҳбарлик қилиш учун юборилди. Фақат 1924 йил февраль-март ойлари ичида ХССРга марказдан 60 киши келди.

1924 йил 26 мартда ХССР МИК ва ХССР Нозирлар кенгаши, Хоразм иштирокиюн фирқаси Марказий Кумитаси Ижроия бюроси қўшма мажлиси чақирилди. Бунда ХССР МИК ва Нозирлар Кенгаши таркиби қайта қуриб чиқилди ва ХССР МИК президиуми аъзолари 11 кишидан иборат бўлишлиги белгиланди. Шунинг билан биргаликда ХССР МИК президиуми аъзолари муҳим давлат ишларини ҳам бажарадиган бўлдилар.

ХССР МИК президиуми раиси лавозимини Султонқори Жуманиёзов, масъул котиб лавозимини Муҳаммад Ёқуб Аҳангаров эгалладилар.

1924 йил 2 сентябрдан 2 октябргача БутунХоразм Советларининг V курултойи бўлиб ўтди. Курултой рўзномасига асосий масалалар билан бир қаторда миллий давлат чегараланиши, Ўзбекистон республикаси курултойига вакиллар сайланиши масалалари ҳам бор эди.

Миллий давлат чегараланиши ҳақидаги масала юзасидан курултой ХССРни тугатиш ҳақидаги қарор қабул қилди.⁵²

Курултой рўзномасининг охириги масаласи юзасидан Хоразмнинг ўзбеклар яшайдиган ҳудудларидан Ўзбекистон Советларининг биринчи курултойига 60 нафар вакил сайланди. Шу билан курултой ўз ишини якунлади.

Шундай қилиб, инқилобдан кейин вужудга келган ХХСР кейинчалик ХССР фаолияти, жуда ҳам мураккаб, қарам-қаршилиқларга тула вазиятда ўтди. ХХСР ички ишлари ташқаридан аралашиншлар, маҳаллий раҳбар ходимларига ишонмаслик, маҳаллий шаронтларни ҳисобга олмасдан иш кўриш, марказнинг кургазмаси асосида ҳали патриархал-феодал ҳолатдаги улкани социалистик Республика деб эълон қилиш каби жиддий хатоликлар Хоразм Республикаси мустақиллиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий равнақига катта путур етказди, кўпдаб ҳақиқий ватанпарвар инсонларнинг, халқ маданияти гулларининг сўлишига, нобуд бўлишига олиб келди.

4. ХХСРда ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Хоразм халқ Совет Республикасига оғир иқтисодий замин берос бўлиб қолган эди. Узоқ йиллар давомида Россиянинг мустамлакасига айланган бу улканинг бутунлай рус капиталига бўйсундирилганлиги, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берадиган хом-ашё манбасига айланиб қолганлиги аққол кўзга ташланиб турарди.

Россияда фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида Хива хонлиги билан алоқалар бутунлай узилганлиги, енисий ва иқтисодий вазиятни янада оғирлаштирди. Хўжаликнинг хом-ашё етиштиришга мослаштирилиши ҳамда бир томонлама ривожлантирилиши иқтисодий аҳволни ниҳоятда мушкуллаштирди. Агар 1917 йилда Хива хонлигида 107600 хўжалик бўлиб, унинг 91 фоизидан энёдроғи деҳқончилик билан шугулланган бўлса, 1920 йилга келиб хўжаликлар сони 76270тага қасмайди, экин майдонлари ҳажми 66,7 фонзга қисқарди.⁵³ Шунингдек, хўжаликнинг барча тармоқлари ҳам издан чиқа бошлаган. Жумладан, 1915 йилда пахтанинг ялпи ҳосили 1 миллион 740 минг пудни ташкил қилган бўлса, 1920 йилда 100 минг пудга тушиб қолди.⁵⁴ Чет давлатларга чиқарилиб турилган беда уруғи ишлаб чиқариш бутунлай тўхтади. Шунинг билан бирга, Россиядан келтириладиган қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг, металл, канд мануфактура ва бошқа товарларнинг кескин камайиши ҳам бунга ёмон таъсир қилди. Хоразмни қушни давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаси бутунлай узилиб қолган эди. Ёш Хоразм республикаси бундай оғир иқтисодий қийинчиликлардан бирданга чиқиб кета олмас эди. Шу сабабли халқ ҳукумати бу ерда бир қатор иқтисодий тадбирларни босқичма-босқич амалга оширишга киришди.

Муваққат инқилобий ҳукумат ўзининг дастлабки қабул қилинган хоннинг мулки туғрисидаги декретга мувофиқ хонга, унинг қариндош-уруғларига ва ворисларига қарашли бўлган қучмас мулклар миллийлаштирилди ва ҳукумат ихтиёрига топширилди, халқ хўжалиги нозирлиги томонидан бошқарилди.⁵⁵

Эшчонқори Жобборкулов муваққат инқилобий ҳукуматнинг халқ хўжалиги нозирлиги қилиб тайинланди.⁵⁶

Кейинча халқ вакилларининг I БутунХоразм курултойи қарорига мувофиқ зироат нозирлиги (ер ишлари нозирлиги) ташкил қилинди ва унга ер-сув ишлари билан шугулланиш вазифаси юклатилди. Республикада биринчи зироат нозир лавозимига Ҳаким Бобожонов тайинланди.

Ушбу нозирлик, республика енисий бошқармаси, деҳқонлар иттифоқи, шўролар вакиллари ештироқда ташкил қилинган

махсус кенгаш ёрдамда хонга, унинг амалдорларига, йирик эгаларига қарашли ер-мулкларни, тўқай ва кўлларни, меҳнат қуроолари ва иш ҳайвонларини ҳамда уруғлик донлар миллийлаштириб, қизил армия оилаларига, ерсиз ва кам ер деҳқонларга тақсим қилиб бўлиб бера бошлади. Фақат 1920 йил апрелидан 1921 йил март ойигача миллийлаштирилган кўллар тўқайзорлардан давлат газинасига 2 миллион сўм даромад тушди.

Муваққат инқилобий ҳукуматнинг "Вақф ерларини бошқариш тўғрисидаги декрет"ига мувофиқ вақф ерлари тортиб олиниш лекин вақф мулкидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш давлат ўз иқтиёрига олди. Вақфдан келадиган даромад ва у тақсимлаш ишлари билан маориф нозирлиги шуғулланилади бўлди.⁵⁸

Қабул қилинаётган декретларнинг деярли ҳаммаси ушбу асос қилиб шарият қонунлари қабул қилинган эди. Жумладан Судхўрлик ишларини амалга ошириш тўғрисидаги декрет ва мувофиқ судхўрлардан 20 фойздан зиёд қарз олган барча қарздорларнинг қарзлари бекор қилинди. Берилган кредитга 1 фойздан зиёд фойда олган судхўрлар 1 йилдан 5 йилгача қамаладиган бўлди.⁵⁹

1921 йил 4-11 декабрда Хива шаҳрида бўлиб ўтган ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг биринчи қурултойи уларни ер суя, иш ҳайвонлари, меҳнат қуроолари, уруғлик дон, қарз пул билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Қурултойда озиқ-овқат солиғи, ерсиз ва кам ерлик деҳқонлар иттифоқининг асосий вазифалари муҳокама қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, банки ташкил қилиш масаласи ҳам кўрилди. Ушбу банкнинг асосий вазифаси ерсиз ва кам ерлик деҳқонларга қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, иш ҳайвонлари, уруғлик ва бошқа нарсалар олиниш учун қисқа муддатли қарз беришнинг ташкил қилиниши ноборат эди.⁶⁰

Ана шу асосда 1922 йил 1-15 баҳорда ташкил қилинган 3 миллион сўмлик асосий капиталга эга бўлган қишлоқ хўжалик банки шу йил экинч мавсуми даврида қамқувват деҳқон хўжаликларга 1,5 миллион сўм миқдорда қарз пул берди.⁶¹

Аммо республикада қишлоқ хўжалигининг тараққиёти учун қисқа муддатли қарз беришнинг ўзи етарли эмас эди. Қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш, турли ширкатлар ташкил этиш, ерларни мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ирригация шаҳобчалари фаолиятини, тақомиллаштириш ишларига ҳам эътиборни қўлайтириш зарур эди. Бунинг учун жуда кўп миқдорда маблағ талаб этилар эди.

1923 йилда Ўрта Осиё республикалари иқтисодий кенгаши раҳбарлигида ва унинг маблағлари ҳисобига ташкил қилинган

ахшот йирик банк ана шундай имкониятларга эга эди. Шулардан бири Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки бўлиб, асосий капитали 3,2 миллион сўмни (олтин қийматида) ва иккинчиси Ўрта Осиё тижорат банки бўлиб, унинг асосий капитали 7,5 миллион сўмни ташкил қилган эди.⁶²

Ушбу банклар камбағал ва ерсиз деҳқонларга узоқ муддатли қарз бериш билан шуғулландилар.

1920-1921 йиллар давомида миллийлаштирилган ерлар ҳисобига беватанлар, батрақлар, деҳқонлар, қорандалар ва вақфчиларга 10 минг десятина ер бўлиб берилди. Шунингдек, уларга қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, уруғлик, чорва моллари, уй-жой ва бошқа нарсалар ҳам берилди.⁶³

1922 йил июлида бўлиб ўтган Хоразм Советларининг III Бутун Хоразм қурултойида ерсиз ва кам ерлик деҳқонларни ер, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва асбоб ускуналари билан таъминлаш мақсадида давлатнинг алоҳида ер фонди ҳам ташкил қилинди.⁶⁴ Ана шу асосда 1922 йил октябридан 1923 йил апрелигача хон, хон амалдорлари ва уларнинг қариндошларига, йирик ер эгаларига қарашли бўлган 62400 таноб ер тортиб олинди ва унинг 7250 таноби ерсиз ва кам ерлик деҳқонларга бўлиб берилди. Тақсимланган ер 409 хўжликка 1 танобдан 4 танобгача, 477 хўжаликка 5 танобдан 7 танобгача ва 243 хўжаликка 11 танобдан 13 танобгача бўлиб берилган эди.⁶⁵ Ер тақсимлашда ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг социал аҳволини яхшилаш ва ўрта ҳол деҳқон даражасига кўтариш асосий мақсад қилиб қўйилди.

1923 йил апрель ва май ойларида яна 64 минг таноб ер тортиб олинди ерсиз ва кам ерлик деҳқонларга бўлиб берилди.⁶⁶

XXСР даврида хон, йирик ер эгалари ва вақфдан тортиб олинган ерларни аниқ ҳисоб китоб қилиш имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам архив ҳужжатларида бу хусусда қар хил маълумотлар учрайди. Бунга асосий сабаб, Республикада ҳали уша вақтда статистика ишлари етарли йўлга қўйилмаган. Яна уша даврда Ислоом дини таъсирига берилган аҳоли орасида ҳукумат томонидан тақсимланган ерларни эски хўжайнларига қайтариб бериш ҳолатларини ҳам тез-тез учратиш мумкин эди.

Ер олган деҳқонларнинг ўз ерларига хўжайинлигини мустаҳкамлашда уларни қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, меҳнат қуроолари, уруғлик ва бошқа нарсалар билан таъминлашда, улар етиштирган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишда ҳамда мануфактура товарлари билан алмаштириб беришда ташкил қилинган кооператив ширкатларнинг роли бениҳоят катта бўлди.

Дастлабки кооперативлар жуда оддин ва содда бўлиб, улар товар айриб олаш ширкатлари кўринишига ўхшар эди. 1921

йилда ташкил қилинган ана шундай дастлабки кооператив ширкатлар пахтачилик кооператив-ширкатлари бўлиб, республиканинг Шовот, Ғозовот, Моноқ, Гурлан, Урганч, Хива ва бошқа туманларида ташкил қилинган эди. Улар "Тонг", "Қўшчи", "Дўстлик", "Бирлик" ва бошқа номлар билан аталди. Ушбу кооператив ширкатларга уюшган деҳқонларнинг моддий манфаатини ошириш чоралари кўрилди. Уларнинг ҳар бири 5 пуд пахта толаси учун 2 кетмон, 90 аршин мануфактура, 6 ғалта ип, 4 фунт керосин, 30 пачка гугурт, 60 фунт туз, 6 фунт арава ёғи, 3 дона ишланган тери, 5-7 пуд уруғлик дон етказиб берилди.⁶⁷ Бундай айрибошлаш деҳқонлар учун маъқул бўлди, уларнинг пахта етиштиришдан манфаатдорлигини оширди.

1922 йил 5 январда Хива шаҳрида республикада биринчи марта истеъмол ширкатлари ташкил қилинди. Унга республика ҳукумати томонидан 400сўм (олтин қийматида) қайтариб бермаслик шарти билан маблағ ажратилди.⁶⁸ Шунингдек, кооперация уюшмаларини ривожлантиришда ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг 1922 йил декабрда бўлиб ўтган II қурултойи алоҳида аҳамият касб этди. Қурултой ерсиз ва кам ерлик деҳқонлар жамоаси вакилларининг ҳукуматдан 500 миллион сўм маблағ ажратиш илтимосни яқдиллик билан қўллаб қувватлади. Шундан сўнг республикада қисқа вақт ичида 8 жонда истеъмол ширкатлари вужудга келди ва Хива шаҳрида унинг марказий бошқармаси ташкил қилинди.⁶⁹

Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши томонидан ташкил қилинган қишлоқ хўжалик банки Хоразмдаги кооператив ҳаракати фаолиятини жонлантириб юборди. 1923-1924 йиллар ўша ширкатлар томонидан пахта етиштириш билан бир қаторда ана 16 минг пуд арпа ва дуккакли экинлар, 20 мингдона қора қўл тери, 25 минг дона ҳайвон терилари, 30 минг пуд буғдой, 90050 пуд шоли, 16 минг пуд кунжи, зиғир ёғи ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлдилар.⁷⁰

Камқувват деҳқон хўжаликларни иқтисодий аҳволини кўтаришда 1923 йил 19 февралда ташкил қилинган Рус-Хоразм давлат пахтачилик ширкатларининг аҳамияти катта бўлди. Россия бош пахтачилик кўмитаси ва Хоразм ЭКОСО ташкилотлари бу кооперативнинг асосчилари эдилар. Ушбу кооператив ширкатларнинг 500 минг сўм миқдорда маблағи бўлиб, Хива, Ҳазорасп, Гурлан, Тошховуз, Манғит ва Хонқада унинг алоҳида бўлимлари мавжуд эди. Ушбу туманларда йиғилган пахталарни қайта ишлаш мақсадида 3 та пахта тозалаш заводлари қурилиб ишга туширилди.⁷¹

биргаликда Россиялик капиталистларга қарашли бўлган корхоналари ҳам миллийлаштирилди ва саноат соҳасида сектори шаклланди. Давлат секторига ўтган корхоналари жумласига биринчи навбатда Урганч шаҳри "Ярославл катта мануфактураси" пахта тозалаш заводи, Тошхўвўз, Манғит, Хўжайли, Янги-Урганч, Гурландаги пахта тозалаш заводлари кирди.

Республика даврида маҳаллий-хунармандчилик саноати ҳам ризожлана бошлади. Масалан, 1923 йилда Хива шаҳрида 120 яқин темирчилар устахонаси, 131 та дурадгорлик устахонаси, 50 га яқин буюқчилик ҳамда 136 та терини қайта ишлаш корхоналари ишлаб турди. Уларда ишлаётган хунарманд ишчилар сони 2058 тага етди.⁷⁷

1923 йилда Хоразмда қайта тикланиб ишга туширилган саноат корхоналари орасида 6 пахта тозалаш заводи, 4 тери заводи, 10 та йиғим заводи ва 1 ёғ заводи бор эди.⁷⁸

Шунга қарамай, Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик тармоқларни, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи фабрика ва заводларнинг ривожлантиришга алоқадор эътибор берилди. Бу даврда деярли барча саноат маҳсулотлари марказдан келтирилар эди. Шу сабабдан хўжалик бир томонлама аграр, хом-ашё етказиб берувчи ўлкага айлана борди.

XXСР иқтисодий ривожланишида Россия билан савдо иқтисодий муносабатлар катта аҳамиятга эга бўлди.

1920 йил 1 августда Хива шаҳрида РСФСР ташқи савдо банкининг бўлими очилди. Унинг бошлиғи С.В.Малышев Хива шаҳрида товар базасини, Петро-Александровск, Урганч шаҳарларида унинг контораларини ташкил қилди. Ушбу контораларнинг Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой шаҳарларида агентликлари вужудга келтирилди. XXСР савдо ва саноат нозирлигининг Москва шаҳрида савдо контораси ташкил қилинди. 1923 йил 4 сентябрда ушбу контора XXСР ЭКОСОсининг СССРдаги савдо закиллигига айлантирилди. Шунингдек, бундаги савдо вакиллиги Петроград шаҳрида ҳам вужудга келтирилган эди.⁷⁹

Россия билан савдо иқтисодий муносабатларни яхшилаш 1920 йил 13 сентябрда РСФСР ва XXСР ўртасида тузилган 15 моддадан иборат иқтисодий битим катта аҳамиятга эга бўлди. Бунга кўра ҳар икки республика ўртасидаги товар айрибошлаш, ташқи савдо соҳасида тегишли ташкилотлар орқали амалга оширилиши белгиланди.

Хоразм республикаси ўзи учун зарур товарлар номлари ва миқдорини РСФСРдан сўраши ва бунинг эвазига РСФСР учун зарур товар бўлмиш пахта ва пахта маҳсулотларини, тери, гилам,

жун, ўруғлик бериши лозим эди. РСФСР XXСРда савдо муносабатларини яхши йўлга қўйиш мақсадида тайёрлов пунктларини вужудга келтиришни ўз зиммасига олди. РСФСР коғоз-пўл бирликлари XXСРда юритиладиган бўлди. Товарлар баҳоси келишилган асосда белгиланди. РСФСРдан ва XXСРдан бир-бирига чиқариладиган товарлардан солиқ ва йиғимлар олинмайдиган бўлди. Ҳар йилнинг охирида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилиб, қарздорлар ўз қарзларини тулайдиган бўлдилар. Ушбу иқтисодий битим 1920 йил 29 сентябрда РСФСР МИК сессиясида, 1920 йил 26 октябрда XXСР нозирлар кенгаши мажлисида тасдиқланган эди.⁸⁰

Хоразмда Бутун Хоразм Советларининг III курултойига қўйилган даврда XXСРнинг ички ва ташқи савдода хусусий савдогарларнинг ҳиссаси катта бўлган. 1922 йилда маҳаллий савдо оборотининг 90 фоизи хусусий кишилар қўлида бўлганини кўрамиз. РСФСР билан XXСР ўртасида 1922 йил 29 июнда тузилган иқтисодий битимдан кейин давлат секторининг ҳиссаси ўса борди.

1922 йил 30 ноябрда Муҳаммадраҳим Нуриллаев раҳбарлигида ташкил қилинган савдо ва саноат нозирлигининг Москва, Петроград, Тошкент, Оренбург, Чоржуй, Финляндия ва бошқа ерларда бўлимлари бор эди. Нозирлиқнинг асосий вазифаси саноатни ва савдони ривожлантириш, ташқи бозор учун товарлар ишлаб чиқаришни яхшилашдан иборат эди.

1923 йилда XXСР ташқи савдосида Туркхалпоком савдо бўлими, центрсоюзнинг Ўрта Осиё идораси, Петроград савдо бирлашмаси, Туркистон савдо бирлашмаси, туркшелк, Турквоенком ва бошқа ташкилотлар билан актив алоқада бўлдилар. Ушбу ташкилотлар орқали Хоразмга мануфактура товарлари, қанд, қишлоқ хўжалик асбоб-ускунулари, ёғ, буғдой ва бошқа маҳсулотлар келтирилиб сотилган. Хоразмда эса пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиниб Россияга жўнатишган.

1923 йилга келиб ташқи савдонинг асосий қисми давлат қўлига ўтган эди. Бунинг 1923 йил 19 февралда ташкил қилинган Рус-Хоразм пахтачилик ширкати мисолида яққол кўришимиз мумкин. Унинг асосий ташаббускори Россия бош пахта кўмитаси ва Хоразм иқтисодий кенгаши эди. Ширкатнинг асосий капитали 500 минг сум бўлиб, Хивада, Ҳазораспа, Гурланда, Тошхўвўзда, Манғитда ва Хонқада, жами 6 жойда пахта пунктлари ва заводлари янгидан ишга туширилди ва пахта топшириш ва уни қайта ишлаш амалга оширила бошланди.⁸¹

XXСРда 1923 йилда ҳам пахта етиштириш ва сотиш 1915 йилдаги даражасига етмади. Агар 1915 йилда Россияга 1700 минг

пуд пахта сотилган бўлса, 1923 йилда 30 минг пуд пахта сотилган эди.⁸²

Пахтанинг паст баҳоланиши уни кам ривожлантириш сабабларидан бири эди. ХХСР МИКнинг биринчи хорижий нозир. Хоразм пахтачилик ширкатининг нозир. Хаммаев ва ХХСР савдо ва саноат нозир. Мухаммад Нуруллаевлар пахта савдосига янги иқтисодий система қўлламоқчи бўлганликлари учун пахтачиликнинг ривожлантиришга қарши чиқдилар деб қораланди. Улар халқ душманлари деб айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Улар билан бир неча ишлаган кишилар турли муддатларга қамалдилар.⁸³

Хоразм республикаси, РСФСР, БХСР, Туркистон АССР, Финляндия, Швеция, Германия, Туркия, Афғонистон, Эстония, Латвия, Литва, Эстония ва бошқа давлатлар билан савдо иқтисодий муносабатларни мустақил олиб боришга бошлаган эди. Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг ташкил қилиниши билан ишлар ҳам марказлаштирилди. Яъни, фақат Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши рухсати билан амалга ошириладиган бўлди.

Маълумки, халқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантириш савдо муносабатларини яхшилашда транспортнинг аҳамияти каттадир. Аммо ХХСРда темир йўл транспортини йўқлиги мавжуд 2 минг верстлик арава йўллари, 800 верстлик Амударё, 160 верстлик Полвон ва Шовот сув йўллари ердамида республика олдида турган улкан иқтисодий муаммоларни ечишга тўлиқ имконият бермас эди.⁸⁴

Халқ ҳўжалик тармоқларини мустаҳкам иқтисодий механизм асосида бирлаштирмасдан туриб уни ривожлантириш қийин эди.

1920 йил 9 апрелда ташкил қилинган, 1920 йил 30 апрелда халқ вакилларининг I Бутун Хоразм қурултойида яна бир бор тасдиқланган. Матпанобой Мадрахимов раҳбарлигидаги молия тизими ва нозирлиги бу муаммоларни ҳал қилишда муайян ишларни амалга оширди.

ХХСР молияси биринчи навбатда оғир солиқ ва мажбуриятларни деҳқонлар зиммасидан озод қилган бўлса, иккинчи томондан солиқ ва мажбуриятларнинг оғир қисmini савдогарларга, судхўрларга, катта ер эгаларига солиб, синфий сиёсат юргизди. Бу республика газнасига 1920-1921 йилларда 100 миллион сўм пул жамғариб бериш имкониятини яратди. Қишлоқ ҳўжалигида ягона солиқ тизими жорий қилинди. Бунга биноан 10 таноб ерга эга бўлган юқори ҳосилли ерлардан 2 сўм 50 тийин, уртача ҳосилли ерлардан 2 сўм ва оқам ҳосилли ерлардан 1 сўм 50 тийин йиғиладиган бўлди. 10 танобдан зиёд ерга эга бўлганлар 2 сўмдан 3 сўмгача солиқ тўлашлари зарур эди. Советларнинг III Бутун Хоразм қурултойи қарорлари асосида олдинги солиққа

қўшилган камроқ бўлган ва қатъий озиқ-овқат солиғи жорий қилинди. 1923 йил охирларига келиб эса қишлоқ ҳўжалигида солиқ тизими таркиб топди. Солиқларни туғри йўлга қўйиш мақсадида давлат банки ва солиғи палатаси ташкил қилинди.⁸⁵

1923 йил июнь ойида саноат соҳасидаги солиқлар ҳам системалаштирилиб "Давлат саноат солиғи" жорий қилинган эди. Бу солиқлар ҳам синфий характерга эга бўлиб, турли табақаларга бўлиқлаштирилиб солиқ солинар эди.

Молия тизимида ишловчи кадрларнинг малакаси пастлиги, кадрларнинг натижасида молиявий ишларни бошқаришда бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Давлат бюджети, давлат режаси ишлаб чиқилганлиги натижасида молия ташкилотларини янги иш ва нозирликларга тилхат орқали пул бериш шўғулланувчи кассага ўхшаган бир нарсага айланиб қолган эди.

Молия ва бошқа иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда Ўрта Осиё иқтисодий кенгашини (УОИК) ўрни катта бўлди. 1922 йил 20 мартда Тошкентда Ўрта Осиё Совет республикаларининг иқтисодий бирлаштириш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди ва унда муҳим ташкилий масалалар кўрилди. Профессор Глеб Никонович Черданцев раҳбарлигида 8 кишидан иборат техник комиссия тузилди. Бу комиссия 3 та республикани ишлаб чиқарувчи кучлари, табиий, ҳуқуқий, этнографик, демографик, молия, иқтисодий, савдо ва транспорт хусусиятларини ўрганишга киришди.

1922 йил 25 мартда РКП(б) МК сиёсий бюроси Хоразм иштирокиюн фирқаси Марказий Кўмитасига хат юбориб, унда Ўрта Осиё республикаларини ташқи савдо, сув ҳўжалиги, темир йўл алоқаси каби муҳим тармоқларни бирлаштириш лозимлигини ва бунинг учун алоҳида ҳўжалик ташкилоти зарурлигини билдирган эди. Ушбу масалалар 1922 йил 5 февралдан 27 апрелгача РКП(б) МК ва РКП(б) МК Туркбюро иқтисодий комиссиялари томонидан кўриб чиқилди.⁸⁶

Шундан сўнг 1923 йил 5 мартда Ўрта Осиё республикалари конференциясида Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши (УОИК) ташкил қилинди. Конференция таркиби 10 кишидан иборат марказий орган-ижроия ташкилот ва доимий президиумни сайлайди. Унинг таркибида РСФСРдан, Туркистон АССР, Бухоро ХСР ҳамда Хоразм ХСРдан вакиллар бор эди.⁸⁷ УОИКнинг асосий вазифаси ушбу республикаларнинг иқтисодини бирлаштириб, маълум режа асосида ривожлантириш ва марказга бўйсундиришдан иборат эди. Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХСРларнинг иқтисодий кенгашлари эса барча масалалар юзасида УОИКка бўйсундилари.

унинг курсатмалари асосида иш қилишлари ва унга ҳисобот бериш турлишлари лозим эди.

УОИК эса ўз навбатида иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт масаласида ҳар бир республика умумий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда муайян режалар ишлаб чиқиши ҳамда режаларни амалга ошириши лозим эди. Бу ХХСРнинг иқтисодий жиҳатдан марказ томонидан бошқаришга ўтишида дастлабки қадам эди.⁸⁸

Г. Н. Черданцев 1923 йил апрель ойидан бошлаб ХХСР Давлат режаси бошқармасининг биринчи раиси бўлди. У Хоразм республикаси халқ хўжалик I йиллик режасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди. Режа 1923 йил август ойида ХХСР Миллий президиумида муҳокама қилиниб тасдиқланди.

Хоразм республикасининг 1923 йил августидан 1924 йил сентябрь ойигача мўлжалланган давлат бюджетида унинг даромади қисми 1 миллион 129 минг 211 сўм (ўша давр пул бирлиги) харажатлар қисми эса 1 миллион 312 минг 320 сўм қилиб белгиланди.⁸⁹

1923 йил июнь ойидан бошлаб давлат бюджетини маҳаллий бюджет ташкил қилинди. Шундай қилиб, Хоразм халқ республикаси ҳам сиёсий ҳам иқтисодий жиҳатдан тобора марказга бўйсундирилиб, ўз "мустакиллигини" йўқота борди.

5. УРТА ОСИЁДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАНИШИ НАТИЖАСИДА ХХСРНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА УНИНГ АКСАР ХУДУДЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАРКИБИГА ҚЎШИЛИШИ.

Хоразм республикаси кўп миллатли давлат эди. Инқилоб арафасида ўтказилган статистик маълумотларга қараганда ХХСР ҳудудида 640 мингдан ортиқ аҳоли яшаб, шундан ўзбеклар 391 минг кишини (60 фоизни), туркманлар 184,2 минг кишини (25 фоизни), қozoқлар, қорақалпоқлар эса 34,2 минг (13 фоизни), қирғизлар 22,2 минг кишини ташкил этган. Яна Хоразмда 8 мингга яқин Оврупалик ва бошқа миллат вакиллари яшаган.⁹⁰ Миллатлар орасида хонлик давридан мерос бўлиб қолган уруғ-қабилачилик муносабатлари, миллий низомиёт демократик ўзгаришларга қўшқинлик қилиб келмоқда эди. Республика ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларни тенг ҳуқуқли қилиш улар ўртасида миллий низо ва адоватларни бартараф этиш, дўстлик ва биродарликни қарор топтириш биринчи даражали масалага айланди. Бу масала 1920 йил 30 апрелида бутун Хоразм меҳнаткашларининг қурултойида қабул қилинган биринчи Конституциясида ўзини қонуний ифодасини топди. Бу ҳужжатга мувофиқ Хоразмдаги барча миллатлар тенг ҳуқуқли деб эълон қилинди. Улар ўз вакиллари орқали ҳукуматни бошқаришда бевосита қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Миллий низоларнинг асосий сабабчиси бўлиб келган ер ва сувдан фойдалинишда маълум тартиб ўрнатилди.

Ўзбеклар қатори қozoқ, қорақалпоқ ва қирғизлар ҳам улқада ирригация қурилишларида баб-баравар қатнашадиган бўлдилар. Бутун Хоразм Советларининг II Қурултойи /1921 йил/ қарори билан республикада миллатлар ишлари бўйича махсус бўлм ташкил этилди. Бу бўлим туркман, қорақалпоқ ва қozoқлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий ишлар билан шуғулланди.

Бутунхоразм Советларининг III қурултойида /1922 йил/ қабул қилинган янги Конституцияда ҳам бу масалага алоҳида кўриб-берилади, унда республиканинг барча фуқоралари қайси миллатга, уруғ, қабил ва ирққа мансублигидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидирлар, миллий чеклаш ва камситишлар ёхуд бирор миллатнинг ортиқча имтиёзига эга бўлиши қонунга ҳилофдир, деб қайд этилади.

Конституциянинг 60-моддасида республика ҳудудидаги миллатларга аҳолининг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб миллий ҳилофатларга бирлашиш ҳуқуқи берилади, деб курсатилади.

Бошқача айтганда янги Конституция Хоразмнинг туркман, қозғо ва қарақолпоқлар яшайдиган районларида алоҳида муҳт вилоятларини барпо этишга рухсат берди. Шунга мувофиқ Хораз республикаси таркибида иккита миллий маъмурий вилоятлар маркази Тошхувуз шаҳри бўлган-Туркман вилояти ва маркази Хужайли шаҳри бўлган Қирғиз-Қорақалпоқ вилоятлари ташкил этилди.

Ўзбеклар купчилиги ташкил этган хуудларда Янги Урганч вилояти ва Хива райони ташкил қилинди.⁹¹

Бу тадбирлар улқада миллий давлат чегараланишини ўтказиш учун замин тайёрлади.

Маълумки, Чоризм Ўрта Осиёни забт этиб, бу ерда тарихан шаклланган хуудлар бирлигини бузиб Туркистонни турани улқа ва вилоятларга парчалаб ташлаган эди. РСФСР ҳукумати ва РКП(б) МК эса Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш йули билан улқани қайтадан бўлишни ва "мустанқил миллий республикалар" ташкил қилишни режалаштирди.⁹²

Шу мақсадда 1924 йил 28 апрелда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси миллий чегараланиш масалаларини ўрганиш мақсадида комплекс комиссия ташкил этади. Ана шу комиссия тайёрлаган хулосаларга асосланиб РКП(б) МК 12 июнда Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланишини ўтказиш туғрисида қарор қабул қилди.

Бу қарорга биноан барча республикаларда тайёргарлик ишлари жадаллаштирилиб юборилди.

Аммо Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказиш осон иш эмас эди. Миллий республикалар давлат чегараларини аниқлаш жуда мураккаб иш эди, чунки ўтмишда миллатлар аралашиб яшаб келганлари туфайли аниқ чегаранинг ўзи йўқ эди.

Бундан ташқари республика аҳолиси, унинг раҳбарияти бу сиёсатни маъқулламади. Яна Ўрта Осиёдаги учала республика партия-совет раҳбарлари ўртасида ҳам бу масалада ҳар хил фикрлар ва қарашлар мавжуд эди. Жумладан, Хоразм Коммунистик партияси МК маъсул котиби Қаландар Одинаев, марказий қўмита аъзоси Маткарим Абдусаломов ва Республиканинг бошқа раҳбар ходимлари миллий давлат чегараланишини ўтказиш масаласига ошқора равишда қарши чиқдилар. Улар Хоразм СССРнинг ўзига хос тиббий жутрофия ва миллий маданий хусусиятарини ҳисобга олиб Федератив республика сифатида умум Иттифоқ таркибига қўшилишни таклиф этдилар. Улар ана шу масала юзасидан, юқори ташкилотларга бир неча марта таклифлар билан мурожаат қилдила.

1924 йил 8 майда Хоразм коммунистик партияси Марказий Қўмитаси маъсул котиби Қ.Одинаев ХССРда миллий давлат чегараланишини утказмаслик тўғрисида СССР ҳукумати номига ҳам хат йўллаган эди. Ушбу хатда ХССРнинг Москвадаги мухтор элчиси дохилия нозири М.Абдусаломов, ХССРнинг Тошкентдаги бош консули Ёқубов ва ХССР Госпланининг раиси Шулимов ҳам имзо чеккан эдилар.

Мақтубда, олис Хоразм республикаси иқтисодий жиҳатдан мустақилдир ва шу сабабли ўзбек, туркман, қорақалпоқ қисмлари бўлган ҳолда уларни тегишли миллий республикаларга бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди ва ҳатто Туркистоннинг Амударё вилоятини Хоразмга қўшиб бериш тўғрисидаги масала ўртага қўйилади.

Шунингдек, 1924 йил 2 июнда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг раиси Я.Э. Рудвутақ номига телеграмма юборилиб, унда ХКП МК маъсул котиби Ў.Одинаев Федератив республика сифатида сўлаб қолдирилишни илтимос қилди. Ушбу телеграммага ХССРга ёрдам бериш учун РСФСР дан юборилган махсус комиссия раҳбари Г.И.Бройдо, М.Абдусаломов, ЭКОСО раиси Ўроз Ирманов, ГПУ раиси Карим Болтаев ва Ёқубовлар имзо чеккан эдилар.

Аммо бу таклифлар ҳам РКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси томонидан қувватланмади. Миллий давлат чегараланиши ХССР фойдасига ҳал бўлмади. 1924 йил 12 июнда РКП(б) МК сиёсат Бюроси Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларидаги туркманлар яшайдиган ерларни қўшиб Туркманистон республикасини ташкил қилишга, Бухоро ва Туркманистон Республикаларидаги ўзбеклар яшайдиган ерларни қўшиб Ўзбекистон Республикасини ташкил қилишга, Хоразм республикасини эса туркманлар, қozoқлар ва қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларини қўшмаган ҳолда алоҳида республика сифатида қолдиришга қарор қилади. Лекин марказ миллий чегаралашга қарши бўлган раҳбарларни ўзига итоат қиладиган раҳбарлар билан алмаштириб, ўз режаларини амалга ошириш сиёсатини тутди.

1924 йил 15 июнда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси қарорига биноан Хоразм Коммунистик партиясини Марказий қўмитаси маъсул котиби Қ.Одинаев Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига олинди ва унинг ўрнига Москвадаги Шарқ халқлари Коммунистик университетини битказиб келган Исоқ Хонсуворов қўйилди. Аммо миллий давлат чегараланиши тўғрисидаги Қ.Одинаев томонидан олдинга сурилган масала шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Хоразм Коммунистик партияси Марказий қўмитаси ижроия бюроси 1924

йил 9 июлида бўлиб ўтган мажлисида худди шу масалани РКП/6/ МК га махсус мактуб тайёрланган эди.⁹⁵

Шундай қилиб ХССРнинг раҳбарлари К.Одинаев, М.Абдусаломов, Ҳ.Ирманов, К.Болтаев, Шулимов, Ёкубов ва бошқалар Хоразм Республикасининг ягона миллий ва ижтимоий бирлиги сифатида сақлаб қолиш учун астойдил кураш олиб бордилар. Айни вақтда Хоразм республикасининг ҳукумат таркиби ҳам юқори берилган буйруққа биноан янги раҳбарлар билан алмаштирилди. Жумладан ХССР МИК Президиуми раиси Султон Раҳимов, Жуманиёзов ўрнига туркман зиёлиларидан адлия вазирлиги вазифасини бажараётган Нодирбой Айтаков тайинланди. Нозирлар Шўроси раиси Бекчон Назаров ўрнига РКП/6/ Урта Осиё бюроси томонидан юборилган ва шу даврда Хоразмда савдо нозир вазифасида ишлаган Саъдулла Турсунов тайинланади. ХССР МИК котиби вазифасига эса Хоразмда зиёлиларидан чиққан Менглихўжа Ибниаминов тайинланган эди.

РКП/6/ Марказий Кўмитаси Сиёсий Бюросининг намуна асосланиб, Урта Осиё Бюроси 1924 йил 15 июлдан мазкур тезислар қабул қилади. Бу тезисларда Урта Осиё республикаларида миллий чегараланишни тайёрлаш ва унга 1924 йил октябрда ўтказиш вазифаси қўйилган эди.

Урта Осиёда миллий чегараланишни тайёрлаш ишлари шу орасида оммавий-тарғибот ва тушунтириш ишларини кенг қўллаш ва янги оддиришни ҳамда бир қатор ташкилий-хўжалик таъбирот амалга оширишни талаб қилар эди. Ана шу мақсадда мазкур республикалар ва вилоятлар вакилларида (15 нафар) Марказий ҳудудий комиссия тузилди. Комиссия таркибига Урта Осиёнинг партия-совет раҳбарларидан Н.Айтаков, К.Одинаев, И.Варейкис, Р.Исломов, Д.И.Манжара, И.И.Межлаук, Ф.Хўжаев ва бошқалар киритилди.

Марказий ҳудудий комиссия қошида Урта Осиё Республикаларининг чегаралаш юзасидан ўзбек, туркман, қирғиз ва қozoқ муваққат миллий комиссиялари ва яна тожик ва қорақалпоқ буйича кичик комиссиялар ташкил этилди. Бу комиссияларга янги ташкил этилаётган республикаларнинг чегараларини аниқлаш, зарур шартномалар ва декларацияларни тайёрлаш, давлат бошқармаларини ташкил этиш ҳамда ана шу республикаларнинг давлат бюджетларини ва халқ ҳўжалик режаларини ишлаб чиқиш вазифалари топширилди. Амалда бўлишнинг маъмурий ҳуқуқ, ер, иқтисод, бюджет масрифи ва соғлиқни сақлаш буйича тузилган кичик комиссиялар амалга оширилади.

1924 йил 26 июлда хоразм коммунистик партияси Марказий Кўмитаси ижроия бюроси. миллий давлат чегараланиши бўлиб ўтган мажлисида қарор қабул қилди. К.Одинаев ва унинг шериклари Хоразм Республикасининг ягона миллий давлат чегараланиши ҳақида деб топди.⁹⁵ ХССРда ҳам Миллий давлат чегараланиши тулиқ ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

1924 йил 5 августда РКП/6/ МК Урта Осиё бюроси Хоразм коммунистик партияси Марказий Кўмитасининг янги таклифини қабул қилди. РКП/6/ МКга ушбу масалани қайта кўриб чиқишни тўғрисида Хоразм коммунистик партияси МКнинг таклифини қабул қилди. 1924 йил 18 сентябрда РКП/6/ МК сиёсий Бюроси Хоразм коммунистик партияси МКнинг таклифини қабул қилди. ХССРни ҳам Урта Осиёда ўтказиладиган миллий чегараланишига қўшилиши маъқуллади.⁹⁶

1924 йил 29 сентябрдан 2 октябргача бўлиб ўтган Бутун Хоразм Советларининг V курултоида Миллий давлат чегараланиши масаласи буйича РКП/6/ МК Урта Осиё бюроси қарор қабул қилди. А.Уларовнинг нутқи тингланди. У ўз нутқида Хоразмда инқилобий ҳаракат тарихи ва Урта Осиёда ўтказиладиган миллий давлат чегараланишининг аҳамияти тўғрисида тўхталди.⁹⁷ Курултой ХССРни тугатиш ва мазкур ҳудудда яшаётган ўзбек, туркман, қozoқ ва қорақалпоқларни шу миллатлар номи билан аталадиган миллий республикаларга ва мухтор вилоятга қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хоразм ССР Марказий Ижроия Кўмитаси ўзининг 1924 йил 22 октябрдаги мажлисида Бутунхоразм Советларининг V курултойи қарорини маъқуллади ва тубандаги қарорни қабул қилди:

1. Кўпчилик аҳолиси Қорақалпоқлардан иборат бўлган Қўшқўрғон вилояти янги ташкил этилган Қорақалпоқ мухтор вилояти ихтиерига берилади;

2. Кўпчилик аҳолиси Туркманлардан иборат бўлган ХССРнинг Туркман вилояти /Дорғон-ота ва Садвар районлари билан бирга/ Туркменистон ССРга берилади;

3. ХССРнинг ўзбеклар жойлашган бошқа ҳудудлари /ҳозирги Хоразм вилояти/ янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР-ихтиерига берилади.⁹⁸

1924 йил 27 октябрда очилган СССР МИКнинг II еессиясида Туркистон Республикаси МИК, ҳамда Бутунхоразм ва Бутунбухоро Советлари курултойларининг миллий чегараланиши ва янги Совет социалистик республикалари ва мухтор вилоятлар тузиш тўғрисидаги илтимосини маъқуллади ҳамда Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССРни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Хоразм ССР Марказий Кўмитасининг 1924 йил 22 ноябрда бўлиб ўтган V пленуми қарорига биноан Хоразм Ўзбекистон ССР таркибига қўшилди.

1924 йил ноябрь ойи охирига келиб Хоразм ҳукумати Ҷафариқулӣ фаолиятини тўхтатди. Шундан сўнг ХСРнинг сўнгги 17-18 протоколи қарорига биноан Хоразм вилояти инқилобий кўмитаси ташкил қилинди ва унга Республика қурултойигача барча давлат ишларига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилади. Вилоят инқилобий кўмитаси раиси қилиб Карим Болтаев тайинланди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланишинатижасида Ўзбекистон ва Туркменистон ССР, Тожикистон АССР ҳамда РСФСР таркибида Қора-Қирғиз ва Қорақалпоқ мухтор вилоятлари ташкил этилди.

Қорақалпоқ мухтор вилояти дастлаб Қозғистон АССР таркибига, 1930 йилдан эса РСФСР таркибига кирди. 1932 йилда у мухтор Республикаси деб эълон қилинди ва 1936 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон ССР таркибига киради.

Тожикистон АССР бўлса уша вақтда Ўзбекистон ССР таркибига кирган эди. 1929 йилдан эса иттифоқдош Республика сифатида ажралиб чиқди.

Миллий давлат чегараланиши натижасида бутун Хоразм худуди ва аҳолиси учта қисмга ажралди.

Аҳолиси асосан ўзбеклардан иборат бўлган Янги-Урганч вилояти ва Хива /жами 23 район/ Ўзбекистон ССРга, Дорғон-Самарканд вилояти ва Илолли, Кўна-Урганч, Тошҳовуз, Пўрси, Садвар, Тахта-бонир районлари Туркменистон ССРга; Қўнғирот, Хўжаэли, Шумонли районлари эса Қорақалпоғистон мухтор вилоятига қўшилди.

1925 йил февралда Бухорода Ўзбекистон ССР Советларининг биринчи таъсис Қурултойи бўлиб ўтади. Қурултой Ўзбекистон Совет Социалистик республикасини ташкил этилганлиги ҳақидаги тарихий декларацияни тантанали равишда қабул қилади ва унинг СССР таркибига қўшилиш "иштирокини" билдиради.

Ўрта Осиёда миллий чегаралаш юқоридан берилган кўрсатма асосида сўнгий равишда ўтказилган тадбир эди. Бу сиёсат Ўрта Осиёдаги тарқоқ ҳудудларнинг ягона "муштақил" миллий давлатларга бирлаштириш ниқоби остида азалдан бирга яшаб келаётган халқлар ва элатларни бўлиб ташлаш йўли билан ҳукмронлик қилишдан бошқа нарса эмас эди. Бу тадбир ниҳоятда қисқа муддатда, шомма-шомарлик билан амалга оширилди. Бунда асосан марказдан берилган топшириқ, маъмурчилик, буйруқбозлик сиёсати асосий роль ўйнади.

Янги республикаларнинг партия-ҳукумат органлари маҳаллий шароит ва миллий хусусиятлар, урф-одат ва анъаналардан беҳабар бўлган марказдан юборилган бошқа миллат вакиллари билан муштақамланди. Улар бу ерда бошқаришнинг марказдони усулини кўр-кўрона жорий қилдилар. Ҳамда асосан маъмурчилик сиёсатида иш олиб бордилар. Маҳаллий халқ вакилларининг

фиклари билан ҳисоблашмадилар. аксинча уларнинг купчилигига миллатчилик тамғаси босилиб, қувғин-сургун қилиндилар.

Ана уша вақтда ҳеч бўлмаганда айрим районлар доирасида тарихий ўтмиши, тили, урф-одати, эътиқоди ва маданияти бир-бирига яқин бўлган халқларни ва ҳудудларни парчаламасдан бир бутунлигини сақлаб қолиш муаммоси ҳам етилган ҳаётий масалалардан эди. Бироқ бу масала ҳам марказдаги раҳбарлар томонидан чуқур ўрганилмади.

Шунингдек миллий давлат чегараланиши ўтказишда давлат чегараларини аниқлаш масаласи ҳам жуда мураккаб масалалардан эди. Давлат чегаралари жуда шошма-шошарлик билан белгиланди. Хатто асосий аҳолиси ўзбеклардан иборат бўлган бир қатор район ва вилоятлар, яйлов ва даштлар пухта уйланмасдан бошқа республикалар ихтиёрига қушиб юборилди. Ўзбошимчилик билан ўтказилган ана шу сиёсат туфайли Хоразм вилояти купчилик аҳолиси ўзбеклардан иборат бўлган баъзи бир районларидан ҳамда ўтлоқ майдонларидан ажралиб, тор доирада сиқилиб қолди. Шундай камчиликларни бошқа вилоятларда ҳам учратиш мумкин.

Миллий чегаралашда йул қўйилган ана шу камчилик ва хатоликлар ҳозир ҳам ўз таъсирини курсатмоқда. Айрим регионларда келиб чиқаётган келишилмовчилик ва норозиликларга сабаб бўлмоқда. Ана шу муаммолар шу кунларда мустақил республикалар раҳбарларининг дустона учрашувлари ёрдамида ақл-идрок ва сабр-тоқат билан ижобий ҳал этилмоғи зарур.

6. РЕСПУБЛИКА ДАВРИДА ХОРАЗМ МАДАНИЯТИ

Инқилоб ғалабасидан кейин Хоразмда қарор топган. Халқ Совет республикаси олдида маданий қурилиш соҳасида ҳам мураккаб вазифалар қўйилди. Бусиз Хоразм янги демократик жамиятни барпо қилиши мумкин эмас эди. Шу боис Бутунхоразм Советларининг биринчи қурултойи республикада оғир иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларга қарамай янги маданиятни, халқчил демократик маданиятни яратишга эътибор қилди. Халқнинг умуммаданий даражасини кўтариш аниқса, уларда сиёсий маданият ва сиёсий тафаккур шакллантириш зарур эди.

МАОРИФ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХХСРга хонлик даврида иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ ўлка мерос бўлиб келди. ХХСРнинг 1923-1924 йилларга мўлжалланган халқ ҳужалик режасида инқилобнинг дастлабки йилларидаги Хоразмнинг ҳақида объектив маълумотлар берилди. Унда ҳужалик ва маданий шароитнинг ниҳоятда оғирлиги, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, аҳолининг аксар кўпчилигини саводсизлиги қайд этилди. Яна республикада урта маълумотли фақат биргина аграрном ишлаётганлиги, Оврупча билимга эга бўлмаган муаллимлар ва муҳандисларнинг деярлик йўқлиги, Хивада ташқари вилоятларда эса биронта ҳам врачнинг йўқлиги ҳақида ачиниш билан гапирилди.⁹⁹

Республиканинг дастлабки йилларида эски мактаб ва медресалар фаолият кўрсатиб, уларда таълим тарбия ишлари руҳонийлар қўлида бўлиб, ёшларга кўпинча диний билим берилар эди. Хива хонлигида инқилоб арафасида 1500 га яқин эски мактаблар ва 130 та медреса ишлаб турган.¹⁰⁰ Жаҳон илмий техника тараққиети асрига қадам қўйган бир даврда эски мактаб ва медресалардаги таълим-тарбия талабга жавоб бера олмас эди. Бунинг устига ўқишнинг ана шу турига кўпчилик ёшлар жалб қилинмаган эди.

Халқни саводхон қилиш, ёшларни ҳозирги замон билимларида баҳраманд этиш, уларнинг маънавият даражасини кўтариш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири эди. 1920 йил баҳорини Хивада ташкил этилган маориф ва маданият нозирлиги худди шу вазифа билан шуғуллана бошлади. Бу нозирликка "Хиваликлар"дан Мулла Бекчон Раҳмонов бошчилик қилди. Ана шу нозирлик янги типдаги халқ маорифини ташкил этиш ва маданий қурилишлар билан шуғулланади. Бироқ бу борада катта қийинчиликлар ҳам оз эмас эди. Ҳукумат қўлида на етарли

маблағ ва на тажриба бор эди. Янги мактаблар учун бинолар ва муаллимлар етишмас эди.

Янги ҳукуматнинг маориф ва маданий сиёсатига қарши бой ва реакцион руҳонийларнинг носозлом муносабатлари ҳам давом қилаётган эди. Шундай бир шароитда ҳукумат бойларнинг ховлиларидан, эски мактаб ва медреса биноларидан, прогрессив кайфиятдаги муолимларидан ҳам фойдаланишга тўғри келди. Масалан, 1921 йилда эски мактаб ходимларидан 16 нафари янги мактабларда муолимлик қилди. Бу муваққат чоралар эди, ҳолос.¹⁰¹

Ана шундай оғир бир шароитда ХХСРга Туркистон республикаси ва РСФСРнинг ёрдами ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

РСФСР ҳукумати ХХСРга имзоланган шартномага (1920 йил 13 сентябрь) мувофиқ кўплаб мутахассислар-муолимлар, маданият ва медицина ходимларини юборди. Шунингдек ўқув қўлланмаларини, мактаб ва касалхоналар учун зарур жиҳозлар билан ёрдам кўрсатди. Шартноманинг иқтисодий бўлимида яна ХХСРга мактаб, касалхона ва бошқа маданий эҳтиёжлар учун 500 млн. сўм ёрдам ажратиш кўзда тутилди.

1921 йилдаёқ ХХСРга марказдан 40 нафар ва 1923 йилда эса 30дан ортиқ маҳаллий тилни биладиган маориф ва маданият ходимлари юборилди. Улар Хоразмда маориф ва маданият ишларини ташкил этишда, маҳаллий миқдотдан кадрлар тайёрлашда ҳукуматга яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Халқ ҳукумати инқилоб ғалабасининг дастлабки кунидан бошлаб республикада халқ маорифини ташкил этиш ва аҳоли орасида саводсизликни тугатиш ишлари билан астойдил шуғулланади. Шаҳар ва қишлоқларда янги типдаги совет мактаблари ташкил этилди, миллати ва жинсидан қатъий назар барча ёшларни бепул ўқишларга жалб қилиш сиёсати юритилди.

Хоразмда янги типдаги совет мактаблари 1920 йил март ойидан вужудга кела бошлади. Дастлабки бошланғич умумтаълим мактаблари Хива, Янги-Урганч, Кат, Доргон-ота шаҳарларида очилди.¹⁰² Бу мактабларда дарслар ўзбек ва туркман тилларида олиб борилди. Айни вақтда ХХСРда мавжуд эски мактаб ва медресалар фаолиятида қисман ўзгаришлар қилинди. Маориф нозирлигининг махсус топшириғи билан эски мактаб ва медресалар дастурига тарих, жуғрофия, арифметика, ўзбек тили, табиат ва бошқа дунёвий фанлардан чуқур билим бериш киритилди.

1923 йил охиригача сақланган вақф ер эгалигидан тушадиган даромаднинг ўн фонзи халқ маорифи нозирлиги ихтиёрига олинадиган бўлди.

Халқ ҳукумати янги типдаги Совет мактаблари кўпайтириш ҳамда уларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришга катта эътибор берди. ХХСРдаги барча сиёсий партия ва жамоа ташкилотлари халқ маорифини ривожлантириш ва маданий-қурилишда ҳукуматга яқиндан ёрдам бердилар. 1921 йил июль ҳукуматнинг махсус комиссияси тузилиб, унинг таркибига Хоразм қасаба уюшмаси, "Кўшчилар" союзи, Хоразм ташкилотларидан вакиллар кирди. Комиссия аъзолари ҳар бир ҳукуматнинг маданий сиёсатини тарғиб қилдилар ҳамда маданий-оқартув муассасаларини ташкил қилдилар.

Ушбу йилларда Хоразмда маориф ва маданиятни ривожлантиришда буюк ўзбек шоири ва драматурги Ҳасан Ҳакимзода Ниёзийнинг (1889-1929) алоҳида хизматлари бор.

Ҳамза Туркистон fronti Сиёсий бошқармаси йуллари билан 1921 йил октябрида Хоразм республикасига ердан юборилди. У бу ерда 1924 йил апрелигача яшади. У Хоразм қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси раисининг муовини ҳамда маориф ва маданият бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. Ана шу лавозимда ишлар экан жойларда янги мактаблар, маданий оқартув марказлари, бадий ҳаваскорлик тўғаракларини ташкил этиш билан шуғулланади. Ҳамза ажойиб ташкилотчи, муассас тарбиячи эди. Унинг атрофига жуда кўп талантли маърифатли Хоразмлик ёшлар тупланди, уларга мураббийлик қилди. 1922 йил августда Ҳамзанинг ташаббуси билан қозоқ ва қорақалпоқ ёшлари таълим олдилар. Бундай мактаблар республиканинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам ташкил этилди.

1920 йил охири ва 1921 йил бошларига келиб Хоразмда 16 бошланғич мактаблар, етим ва қаровсиз болалар учун 2 мактаб-интернат фаолият курсатди. Уларда ҳам 469 ўқувчи таълим олар эди.¹⁰⁴ Шулардан 2 таси қиз болалар учун ташкил этилган бўлиб, уларда 50 га яқин ўқувчи қизлар таълим олдиди. Ушбу вақтда янги мактабларда йигит ва қизлар ажратиб ўқитилди. Қизларни ўқишга жалб қилиш қийин бўлган, чунки 9-10 ёшли турмушга бериш одатлари мавжуд эди.

Ҳукумат балоғатга етмаган қизларни турмушга бериш қатъиян таъқиқлади. 1921 йил июнда Халқ Нозирлар Кенгашининг фармонида мувофиқ оила қуриш йигитлар учун 17 ёш ва қизлар учун 16 ёш қилиб белгиланди. Ана шу ҳуқуқни бузган кишиларга 5 йил мўддатга қамоқ жазоси белгиланади. Янги мактабларга қизиқиш ва ишонч кўчайди. Уларда ўқувчилар сон-тобора кўпайиб борди. 1923 йил ёзига келиб ХХСРдаги янги типдаги бошланғич мактаблар сони 29 тага етди. Яна 9 та мактаб-интернат ва 3 та ихтисослашган намуна мактаблар ишлаб турди.

Уларда 1600 дан ортиқ ўқувчи ёшлар таълим ва тарбия олдилар.¹⁰⁵

Халқ маорифи нозирлиги катта ёшдаги кишилар орасида саводсизликни тугатиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берди. Ана шу тадбир республика аҳолисининг умуммаданий даражасини ошириш учун жуда зарур эди. Бу мактабларга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган кишилар жалб этилди. Шу мақсадда шаҳар ва қишлоқларда махсус саводсизликни тугатиш курслари ва мактаблари ташкил этилди. Бундай мактаблар Хивадаги Қизил армиянинг миллий бўлинмаларида ҳам ташкил этилди. Уларда ўқиш ўзбек, туркман ва қозоқ тилларида олиб борилди. Ушбу мактабларда 410 киши таълим олдилар. Шунингдек ҳарбий қисмларда маданий-оқартув ишлари ҳам йўлга қўйилди. Клуб, кутубхона ва бадий ҳаваскорлик тўғараклари ташкил этилди. Бу ишларга Қизил армиянинг Сиёсий бошқармаси бошчилиги қилди.

Юқоридаги дастлабки натижаларга қарамай Халқ маорифи соҳасидаги ишлар қаноатлантирмас эди. Бутунхоразм Советларининг IV қурултойи (1923й. октябрь) маориф нозирлиги фаолиятини муҳокама қилиб, бу масалада тегишли қарор қабул қилди.¹⁰⁶ Қарорда бошланғич умум таълим барча фуқаролар учун мажбурий эканлиги қайд этилди. Ҳукумат органларига мактабларга алоҳида эътибор билан қараш зарбдор вазифа сифатида юклатилди. ХХСРда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини кенгайтиришга, педогог кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга, маорифга оталиқ ердани ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

Қурултой 1923-1924 йилги давлат бюджетда маблағнинг 40 фоизигача қисмини халқ маорифи ва маданиятнинг ривожлантиришга сарфлаш зарурлигини кўрсатди.¹⁰⁷

Бутунхоразм Советларининг IV қурултойидан кейин Хоразмда Халқ маорифини янада ривожлантириш ишлари жадаллашиб кетди. Фақат 1923 йилнинг ўзида катта ёшдагилар учун 20 та саводсизликни тугатиш мактаблари очилди, уларга 767 киши жалб этилган эди. Пўрси, Хўжаэли, Кўнгирот ва Алиэли туманларида қозоқ ва туркман тилларида ҳам ана шундай мактаблар очилди. Умуман республикада 1920-1924 йиллар мобайнида жами 1800 дан ортиқ киши юқоридаги мактабларни муваффақиятли тамомлаб саводхон бўлдилар.¹⁰⁸

Мактаб ўқув дастурлари ва режалари ҳам тубдан қайта ўзгариб чиқилди. 1923 йил ёзида халқ маорифи нозирлиги сессиясидан таркиби беш кишидан иборат махсус коллегия тузилди. Коллегия республиканинг барча бошқичдаги ўқув юртлири учун янги мукаммал ўқув дастури ва режаларини ишлаб чиқди. Янги

дастурга мувофиқ бошлангич мактабларда она тили, арифметика, тарих, география ва табиат фанларини ўргатишга эътибор кучайтирилди.

Булардан ташқари ҳукуматнинг халқ маорифига ажратган маблағи ҳам оширилди. Масалан, 1922-1924 йиллар мобайнида давлат бюджетидан Халқ таълими учун ажратилган маблағ деярлик 5 баробарга кўпайтирилди, яъни 42,2 минг сўмдан 211 минг сўмга (олтин ҳисобда) етди.¹⁰⁹ Халқ маорифи учун хайрият жамғармалари туплаш ҳам йўлга қўйилди, ҳар йили маориф ҳафталиклари ташкил этилди, шаҳар ва қишлоқларда тузалаш томошалар курсатилди, концерт ва спектакллар қўйилди. Улардан тушган маблағ Халқ маорифи нозирлиги ихтиёрига ўтказилди. Буларнинг барчаси Халқ ҳукуматининг маориф ва маданият ишларига қанчалик эътибор билан қараганлигини курсатади.

Бироқ республика халқ ҳужалигининг бошқа соҳаларида бўлганидек, Халқ маорифи тармоқларида ҳам мутахассис кадрлар етишмаслиги аниқ сезила борди. Шуни ҳисобга олиб республика ҳукумати кадрлар тайёрлаш масаласига эътиборни яна кучайтирди. Хивада ерли миллат вакилларида мутахассислар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ҳамда махсус ўқув юртлири кўплаб ташкил этилди. 1920 йилда Хивада муолимлар тайёрлаш уч ойлик курсини 40 киши тамомлади. 1921 йилда эса ана шу курсни тамомлаб мактабга йўлланма олган муолимлар сони 102 кишини, сўнгги йили 92 кишини ташкил этган эди.

1921 йил сентябрда Хивада очилган Халқ Университети республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўқиш муддати уч йилга мўлжалланган халқ университети халқ ҳужалигига кадрлар тайёрлаб бериши лозим эди. Унда 83 талаба ўқиди. 1922 йил июль ойида Хива шаҳарида қисқа муддатли курслар урнида муолимлар семинарияси очилди.¹¹⁰ Унда ўқиш муддати 3 йил эди. Бу ўқиш даргоҳи 1923 йилдан бошлаб педагогика техникуми номини олди. Техникум Халқ маорифи учун минглаб педагог кадрлар етказиб берди.

1922 сентябрида Хивада партия-совет мактабининг ишга туширилиши ҳам жуда катта воқеа бўлди. Партия-совет мактаби республиканинг партия, совет ва ҳужалик ташкилотларига раҳбар кадрлар тайёрлади. Шунингдек 1923 йил октябридан бошлаб Хивада махсус мусиқа мактаби иш бошлади, унда 50га яқин Хоразмлик ёшлар мусиқа санъати сирларини қўнт билан ўргандилар. Ёш Хоразм республикасида мутахассис кадрлар тайёрлаб беришда қардош республикалар ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Фақат 1923 йилда РСФСРдан Хоразмга маҳаллий тилни билладиган 23 ўқитувчи юборилди. Улар Оренбург шаҳрида махсус ўқув юртини тамомлаган мутахассислар эди. Яна 16 ўқитувчи

шартнома асосида ишга келдилар.¹¹¹ Шунингдек марказий шахарларга ўқиш учун куплаб ўқувчи-ёшлар юборилди. Фақат 1923 йилда Тошкент, Москва, Қозон, Оренбург ва бошқа шахарларга Хоразмдан 70 йигит ва қиз, келгуси йилда эса яна 150 дан ортиқ киши турли ихтисослик бўйича ўқишга юборилган эди.¹¹²

Ана шу алангали йилларда Хоразмда халқ маорифи ва маданиятини ривожлантириш йўлида фидойилар курсатган муолимлардан Ғани Отажонов, Абдулатиф Машарипов, Саодат Салимова (Хива), Матёқуб Ражабов, Мадамин Абдуллаев (Богот), Ҳусайин Қўшаев, Жуманиёз Сафаров (Урганч) каби ўнлаган муолимларнинг номларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Улар ёшларнинг жонқуяр мураббийси бўлиши билан, аҳоли орасида ҳукумат сиёсатини, янги маданият ва янгича турмуш тарзининг оташин тарғиботчилари ҳам эди. Муолимлар ҳатто қўлларига қурол олиб Халқ ҳукуматини ҳимоя қилишда ҳам фаол иштирок қилдилар. Уларнинг куплари жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, Хоразмда халқ маорифи ва янги маданиятни қарор топиши осонликча юз бергани йўқ. Халқ ҳукуматининг маданий сиёсати инқилоб душманлари-бойлар, хон амалдорлари ва реакцион рухонийларнинг кучли қаршилигига дуч келди. Улар ҳукуматнинг маориф ва маданий сиёсатини барбод қилишга, халқ норозилигини уйғотишга ҳамда эски тартиботларни қайта тиклашга зур бериб ҳаракат қилдилар. Курашнинг ҳар турли усулларидан-аксил инқилобий ташвиқот, иғво тарқатишдан тортиб қупорувчилик қилиш, мактабларга ўт қуниш, норозилик намойишлари уюштириш, маориф ва маданият қодимларига суиқасдлар ташкил қилиш каби жирканч усуллардан фойдаландилар. Масалан, 1920 йил 8 ва 9 июль кунин Хива шаҳрида аксил инқилобий кучларнинг қуп кишилик намойиши бўлди. Намойиш ёшларни совет мактабларига ўқишга юборишдан бош торттиш шiori остида ўтди.¹¹³ Бу кутарилиш тезда барбод бўлди. Худди ана шундай чиқишлардан яна бири 1923 йилда янги Урганчда юз берган эди. Бу кутарилиш Абдиниёз-Охун томонидан уюштирилиб, унда 300 га яқин киши иштирок этди. Абдиниёз-Охун йиғилганлар олдин мутқ сўзлаб, уларни янги мактабларга болаларни юбормасликни чақирди, акс қолда муолимлар нариги дунёда Оллоҳ шабабига дучор бўладилар деб хитоб қилди.¹¹⁴

Инқилоб душманлари шу билан чекланиб қолмасдан, суиқасд уюштириб кўпгина соф виждонли муолимларни ҳазон қилдилар. Душманлар қўлида қурбон бўлганлар орасида Даргон-отадан Ғани Исмоилов, Плитакдан Муҳаммад Карим Юсупов, Хазараслдан

Олимжон Муфтиев, Тошҳовуздан Жуманиёз Оллаберганов ва бошқалар бор эди.

1924 йил августида Амударёда кемада марказий шаҳарларга ўқишга кетаётган 22 нафар Хоразмлик йигит ва қизлар инқилоб душманлари томонидан ҳалок қилинди. Маърифат қурбонлари орасида Матназар Одомов, Машарип Полвонов, Оллаберган Заргаров, Вафо Муҳаммаджонов, Пиржон Муродов, Тохир Камолов, Тохир Ғафуров ва Файзулла Вафоев каби ёшлар бўлган. Урганч шаҳрида темир йул вокзали майдонида "Маърифат қурбонлари" хотирасига атаб мангулик ёдгорлиги урнатилган. Бяроқ инқилоб душманларининг бу қабих ҳаракатлари Хоразмда янги ҳаёт ва янги маданиятнинг вужудга келиши ва қарор топишини тўхтатиб қолаолмади.

ХХСРда хотин-қизлар озодлиги, уларни янги ҳаёт қурилишига жалб қилиш борасида ҳам муҳим ишлар қилинди. ХХСРнинг биринчи Конституциясида фуқароларнинг миллати ва жинсидан қатъий назар тенг ҳуқуққа эга эканлиги қайд этилади.

Хотин-қизлар озодлиги ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш масаласи Хоразмда Халқ ҳукумати амалга ошираётган сиёсатнинг ажралмас қисми эди. Хивада марказий ҳукумат таркибида махсус хотин-қизлар бўлимининг ташкил этилганлиги бу соҳадаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Бу бўлимга Бибижон Идрисова бошчилик қилди. Бундай бўлимлар республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этилди. Хотин-қизлар бўлими маҳаллий аёллар орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борди, уларни ўқишга ва жамоа ишларига жалб қилди. Хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатларга қарши, кескин кураш олиб борди. Ҳукуматнинг махсус қонуни билан ёш қизларни бевақт эрга бериш ва қалин олиш қатъий тақиқланди.

ХХСРда маданий-оқартув муассасаларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор кучайди. Халқ ҳукумати ва жамоа ташкилотлари ташаббуси билан республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида кўплаб клублар, кутубхоналар, маданият уйлари, кино-театрлар, қизил чойхоналар, бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва бошқа маданият учоқлари ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади. Хоразмликларнинг ҳақиқий маърифат марказига айланган ана шу жойларда аҳолига турли томошалар кўрсатилди, лекция ва суҳбатлар ташкил этилди, ички ва ташқи воқеалар ҳақида ахборотлар берилди.

Хивада дастлабки клуб ва кутубхона 1920 йил ёзида собиқ хон саройи биносида ташкил этилди. 1921 йил 11 апрелида Хивада халқ музейи очилди. Музей хон саройи-Тошҳовли биносида очилиб, бу ерга Хоразм тарихи, маданияти ва этнографиясига

доир қимматбаҳо материаллар тўпланди. Шунингдек хоннинг Хивадаги боғи шаҳар аҳолисининг истироҳат боғига айлантирилди. Кейинча ана шундай клуб ва кутубхоналар Янги Урганч, Тошқовуз, Хужаэли. Кўнгирот ва бошқа шаҳарларда ҳам барпо этилди.

1923 йилга келиб ХХСРда 8 та клуб ва маданият уйлари, 5 та оммавий кутубхоналар, 4 та қизил чойхона ва кино-театр меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатди.¹¹⁵ Бундай маданият марказлари Хивадаги ҳарбийқисмларда ҳам ташкил этилди. Маданий-оқартув ишларини ташкил этишда халқ маорифи ходимларининг хизмати катта бўлди. Маданий-оқартув ишлари Бош бошқармаси ХХСРда маданий-оқартув ишларига умумий раҳбарлиқни амалга оширди.

Хоразм республикаси даври маданиятини ривожланишида Худайберган Девоновнинг (1879-1940) алоҳида хизмати бор. Х.Девонов биринчи ўзбек фото-суратчиси ва кино-операторларидан ҳисобланади. Унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолияти Хива инқилобидан анча олдин бошланди. Х.Девонов ўша вақтда Хивада вужудга келган Ёш хиваликлар номи билан аталган прогрессив инқилобий-демократик ҳаракатнинг актив аъзоларидан бири эди. У 1907-1908 йилларда Москва ва Петербург шаҳарларига саёҳат қилиб, у ердан илғор таъсуротлар билан қайтди. Ушбу саёҳатдан ўзи билан фотоаппарат, киноаппарат, грамафон каби янгиликларни олиб келди. Инқилобдан олдин у Хива архитектура ёдгорликлари, сарой ҳаёти, хиваликларнинг турмуш тарзи, Хоразм табияти ҳақида жуда бой, қимматли фото ва кинолавҳалар яратди. Х.Девонов инқилоб ғалабасидан кейин ёш республиканинг маданий қурилиш ишларида фаол қатнашди. Хива ва Янги-Урганчда фотолаборатория очди. Хива шаҳрида мактаб-интернат, клуб ва маданият уйлари ташкил этишда бевосита иштирок этди. У республика маданий ҳаётига доир купгина воқеаларни қурултой йиғилишлари, байрам намойишлари ва митингларни, Хива қўшинлари ҳаёти, биринчи мактаблар, Хива санъаткорлари, ХХСР фаоллари, Хоразмдаги биринчи трактор, деҳқонларга ер тақсимоти каби воқеаларни акс эттирган жуда қимматли фото ва кино лавҳаларни мерос қолдирди. Алоҳида тарихий аҳамиятга эга бўлган бир мингта яқин фото-суратлари ва ўнга яқин ҳужжатли кино-ленталар Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарларнинг санъат даргоҳларида муносиб ўрин олган.

Инқилоб ғалабаси Хоразмда халқ саломатлигини яхшилаш учун қўлдан келганини яратиб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хива хонлиги ҳукмронлиги даврида соғлиқни сақлаш ишлари низоҳатда издан чиққан соҳалардан эди. Инқилобгача

салкам бир миллион аҳолиси буган хонликда ҳали тугалланмаган битта касалхона ва битта дорихона бор эди. Касалхонада 2 нафар врач ва бир неча фельдшер ишлаётган. Ана шу медицина ходимлари ҳам асосан хон ва мулозимларига хизмет қилди. Хивадаги ягона муассасасининг йиллик харажати 1740 сумдан ошган. Хивадаги касалхона ҳам 1918-1920 йилларда ишлаган чунки унинг анжомлари Жунайидхон томонидан талаб келтирилган эди. Шу сабабли Хива хонлигида данолаш ишлари муқаддас табиблар қўлида бўлган. Уша даврда Хоразмда кенг тарқалган юқумли касалликлар - сил, чечак, трахома, безгак, тиф, қизамиқ ва бошқалар ҳар йили кинглаб кишиларни ўлимга сабаб бўлаётган эди. Бутун бир хонликда халқ ҳақида ғамхўрлик қиладиган биронта нуфузли ташкилот йўқ. Фуқаролар уруши муносабати билан бу ерда ахвол оғирлашиб қолди. 1924 йилда Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши (ЭКОСО) тошкентлик билан Хоразмга келган маълумот қилиши билан ерда медицина хизматини ачинарли ахволда эканлиги аҳолининг купчилиги зарур тиббий ёрдам олаолмаётгани айниқса туркманлар яшаётган жойларда ахвол янада таъини эканлиги ҳақида маълумот беради.¹¹⁷ Шу сабабли республика ҳукумати инқилоб ғалабасининг дастлабки кунидан бундай жойларда тиббий хизматни тубдан яхшилаш билан шугуллана бошди. Бу борада РСФСР ва Туркистон республикасининг ХХСРга бўлиб келган сезиларли булди 1920 йилдан бошлаб Хоразм республикасининг марказдан малакали врачлар, фельдшерлар, дори-дармонлар касалхона ва амбулаториялар учун зарур анжомлар мунтазам юборила бошланди. Жумладан, 1920 йил 16 июлида Тошкентдан Хоразмга махсус экспедиция юборилди. Унинг таркибидан ўқитувчи, 2 врач, 4 фельдшер бўлган. Улар ушларин билан Хивада 2 яшиқ дори дармон, 3 та касалхона ва тиш кабинетини жиҳозлаш етадиган асбоб-ускуналарни олиб келганлар.¹¹⁸

1923 йилда ҳам марказдан Хоразмга яна 7 нафар малакали врачлар юборилди. Улар ёрдамида жойларда юқумли касалликларга қарши профилактик тадбирлар ўтказилди. Қандайдир даволаш пунктлари ташкил этилди. Халқ ҳукуматининг медицина соҳасидаги дастлабки муҳим тадбирларининг бири шу булдики, Хивадаги юз уринли касалхона қурилиб ниҳоясига етказилди. Касалхонада 4 нафар юқори маълумотли врачлар ва бир неча фельдшерлар аҳолига малакали тиббий хизмат курсата бошладилар.

Касалхона қошидаги поликлиникада ҳар кун 150 га яқин ёшдорлар шифо топдилар. Бу албатта етарли эмас эди. Шуни ҳисобга олиб, соғлиқни сақлаш нозирлиги республиканинг Янги-Урганч, Кунғирот, Хужаэли, Хазарасп каби шаҳарларда ҳам

фельшерлик даволаш пунктларини ишга туширди. Хивада эса марказий дорихона очилди. Хивадаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган медицина ходимлари ҳам халқ соғлигини яхшилашда уларнинг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ҳарбий бўлинманинг тажрибали 4 фельшери Тошҳовуз, Дорғон-ота, Қуна-Урганч ва Илаллида даволаш-профилактика ишлари билан шугулландилар.

Қўшнинг жойларда болалар орасида чечак касалига қарши эмлаш чоралари курилди. Бундай тадбирларни амалга оширишда 1923 йилда Тошкентдан юборилган Минкевич бешчилигидаги бир гуруҳ тиббиёт ходимларининг хизмати эътиборга лойиқдир.

XXСР халқ хужалигини ривожлантиришнинг 1923-1924 йилга мўлжалланган режасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни яхши-лаш вазифалари белгиланади. Унда яқин орада Янги-Урганч, Кўнғирот, Пўрси, Дарғон-ота ва Илаллида (Алиэли) махсус жиҳозланган амбулатория-фельшерлик пунктлари очиш мўлжалланади.

Яна Хивадаги касалхонани кенгайтиш, ундаги ўринлар сонини 125 тага етказиш, хизмат қиладиган тиббиёт ходимлари сонини эса 53 кишига етказиш кўзда тутилди. Бу тадбирлар халқ ҳукуматининг Хоразм меҳнаткашлари соғлиқини яхшилаш йўлидаги илк қадамлари эди. Натижада 1924 йил бошларига келиб Хоразмда 3 та стационар касалхона, тиш даволаш кабинети, безгакка қарши эмлаш станцияси, 4 та дорихона ҳамда 11 та амбулатория-фельшерлик пунктлари беморларга тиббий хизмат кўрсатдилар. Ҳу йил охирига келиб XXСР медицина муассасаларида 74 нафар медицина ходимлари Хоразм меҳнаткашлари соғлиқини яхшилаш йўлида фидойилик кўрсатдилар.¹¹⁹ Ана шу медицина ходимлари қаторида эндиликда юқумли касалликлар бўйича, безгак, кўз, хотин-қизлар ва болалар касалликлари бўйича мутахассис врачлар бор эди. Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳар куни 500 дан ортиқ беморни даволаш имкониятига эга бўлди. Уларнинг фидойи меҳнати туфайли Хоразмда юқумли касалликлар ва бевақт ўлим кескин камайиб қолди. Дарҳақиқат халқ ҳукуматининг юқоридаги тадбирлари Хоразмда халқ соғлиқини яхшилаш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар бўлди.

XXСР ҳудудида инқилобдан сўнг илмий-изланиш ва илмин-тадқиқот ишлари ҳам қизитиб юборилди. Тошкентлик ва Москвалик иқтисодчи олимлар, инженер-геолог, инженер-иригатор, тупроқшўнослик, иқтисодий имкониятдан келиб чиқиб Хоразмнинг иқлим шароити, тупроги, сув ресурслари, ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар тарафлама ўргана бошладилар.

1923 йилдан бошлаб Хоразмда махсус илмий тадқиқот экспедициялари яш олиб борди. Хоразм республикасининг экономикасини урганишда И.Н.Шастал, Г.Н.Черданцев, С.К.Малюкин каби иқтисодчиларнинг хизмати катта бўлди. Аш шу тўпланган материаллар асосида ХХСР нинг 1923-1924 йилга йўлланган хўжалик режаси ишлаб чиқилди. Хоразмнинг иқтисодий аҳволи ва унинг ривожланиш имкониятларини ўзи акс эттирган бу ҳужжат ҳозир ҳам илмий аҳамиятини йўқотган йўқ. Уша йиллари қуйи Амударё этакларида текшириш ўтказган Б. М. Георгиевский бошлиқ экспедиция Хоразмни геологик ва гидрогеологик жиҳатдан чуқур ўрганди.

Шунингдек 1921-1924 йилларда Хоразм воҳасида машҳур олим, инженер-ирригатор Ф.П.Моргуненков бошчилигидаги комплекс экспедиция ҳам жуда кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Экспедиция составида П.М.Янчур, В.В.Пославский ва Г.О.Хорст каби ирригатор олимлар бор эди. Улар Хоразмнинг суғориш тармоқларини, ер-сув ресурсларини чуқур ўргандилар. Натижада жуда қимматли материаллар тўпланди. Улар томонидан тўпланган бой материаллар кейинча жанубий Хоразм сув хўжалигини илмий асосда тубдан қайта қуриш учун асос бўлди.

САНЪАТ ВА АДАБИЁТ. ХХСРда янги халқчил, демократик маданиятни шакллантириш ҳамда меҳнаткашларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда санъат ва адабиётнинг хизмати беқиссиз. Хоразм санъатининг нодир турлари-хофизу бастакорлик, қизиқчилик-масҳарабозлик, қўғирчоқ ўйинлари каби анъанавий турлари узоқ ўтмишга бориб такалади. Айниқса, Хоразмнинг классик мақом куйлари ўзининг жозибadorлиги ва ижрочилик санъатининг ўзига хослиги билан ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Хоразм жаҳонга машҳур алаомаларни, мақомчилар ва бастакорларни, шоир ва ёзувчиларни етказиб берганлиги билан ҳам ҳақли равишда фахрланади.

Инқилоб талабасидан кейин мусиқа санъати ва бадний ижодиётини тиклаш ва ривожлантириш учун кўп ишлар қилинди. Айниқса, бу борада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Баёний, Сафо Муганний ва Мадрахим Шерозий каби санъаткорларнинг катта қизматлари бор. ХХСРда санъат ва бадний ижодиётни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан халқ маорифи ва маданият назорати ҳамда Хоразм ҳасаба уюшмаларининг маданият ишлари бўлими бевосита шуғулланган эди. Хивага Хоразмда ном таратган бастакорлар, ўйинчи ва хофизлар, қизиқчи-масҳарабозлар тўпланди. Улар иштирокида бадний тўғараклар, концерт гуруҳлари ва мақомчилар ансамбллари ташкил этилиб, улар санъатларида тўй-томошаярла, ҳукумат йиғилишларида

меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиб, Хоразм санъати соҳасини оширдилар. Хоразмнинг ана шу анъанавий санъати негизда 1920 йил ўрталарида Хивада дастлабки сазна театрига асос солинди. Ҳамзанинг Хивага келиши Хоразм театр санъатининг ривожланишида алоҳида босқич бўлди. Ҳамза 1922 йил апрелида Хивада биринчи драма театрини ташкил этди. Театрга машхур санъаткорларни ва иқтидорли ёшларни туплади. Театрга Ҳамзанинг ўзи раҳбарлик қилди. Ушбу театрда Ҳамза билан бирга Сафо Муғанний, Мадрахим Шерозий, Матёқуб Хоррат, Каримберган Девон, Матёқуб Отажонов каби хофизлар, Мўлла Юсуф дарёчи, Жуманиёз сурнайчи, Худойберган буломончи каби бастакорлар, раққосалардан Солияхон ва Анабиби Рузметова каби санъаткорлар хизмат қилдилар.

Хива театрида Ҳамза томонидан ёзилган асарлар сахналаштирилиб, томошабинларга тақдим этилди. Шулардан "Хоразм инқилоби", "Тухматчилар жазоси", "Бой ила хизматчи", "Фаргона фожиаси" каби сахна асарлари томошабинларда катта таъсирот қолдирди. Ана шу асарларда инқилоб инъом этган ҳаёт куйланди. Ўтмишнинг ярамас иллатлари шафқатсиз фош этилди ҳамда ёш республика олдидаги долзарб вазифалар бадий образлар орқали кўрсатиб берилди. Уша йилларда халққа маданий хизмат кўрсатишда Ҳажихон Болтаев, Жуманиёз-ота Хайтбоев, Курбонназар Абдуллаев-Бола бахши (Хива), Жуманазар бахши (Хива), Жумабой бахши (Шовот) каби хофиз ва бахшилар, шунингдек Бобо-туқ-туқ Рахим масхарабоз (Рахим Оллаберганов), Юсуф-шорлама, Қуронбой-шорлама каби қизикчилар эл ҳўрматиға сазовор бўлдилар. Улар шаҳар ва қишлоқларда бўлиб қизикчиларни томошалар кўрсатдилар, халқнинг маънавий кўзойнатига муносиб хисса қўшдилар.

Хоразм республикасида бадий ижодиётға ҳам эътибор кучайди. ХХСР ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган инқилобий ўзгаришлар янги шаклланиб келзётган адабий жараёнға ҳам таъсир кўрсатди. Хоразм адабий муҳитида халқчил демократик иуналиш тез тараққий қила бошлади. Унинг шаклланишида Хоразмнинг ўзида ҳамда Туркистон ўлкасида вужудға келган илгор адабиёт ва санъат анъаналари алоҳида рол ўйнади. Бошқача айтганда Хоразмдаги янги адабий жараён классик адабиетимиздаги демократик анъаналарни ўзида мужассамлаштирди. Уша даврда ХХСРда яшаб ижод этган прогрессив кайфиятдаги эски ва янги ашодға мансуб бўлган шоир ва ёзувчилар-Баёний, Сафо Муғанний, Фақирий, Мутриб, Девоний, Чокар, Рағиб, Курбон ота Исмоилов, Ҳамза, Ожиза, Сойиб Назарий каби ижодкорлар республика даври Хоразм адабий муҳитиға энг илгор ғояларни-хуррият, социал адолат, демократия, бирдамлик, дўстлик,

тинчилик ва асоишталики каби умуминсоний ғояларни олиб кирдилар. Улар ўз ижодларида янги ҳаётни, озод меҳнатни, халқ бахт саодати ва орзу-умидларини катта маҳорат ва жўшқинлик билан куйладилар. Халқчиллик, инқилобий кутаринкилик ҳамда янги инқилобий ўзгаришларга ишонч туйғуси республика даври адабиётига хос хусусиятлардан эди. Ана шундай илғор, халқчил демократик ғоялар Хоразмнинг кенга шоири ва тарихчиси Баёнийнинг "Мустабидлар зулми", "Шоирга" (1920), "Қон йиғлангиз" (1921), Мутрибнинг "Яхши даврон", "Хуррият", "Озодлик мадҳи" (1921), Сафо Муганнийнинг "Инқилобга", "Ёшларга", "Хоразм инқилобига" (1921), Чокарнинг "Хуррият" (1920), Девонийнинг "Тараққий", "Кўринг", "Бизларга байрам" (1920) каби шеърлари ва ғазалларида ўз ифодасини топди.¹²⁰

Юксак инқилобий кайфият билан суғорилган ана шундай ғоялар ёш шоир ва жамоат арбоби Сойиб Назарий ижодининг асосий мазмунини ташкил этади. Буни биз Сойиб Назарий қаламига мансуб бўлган "Ёш умид", "Менинг тилим", "Маориф ҳафталиги", "Ёш шоирга" ва бошқа шеърларида аниқ кўришимиз мумкин.¹²¹

Хоразм шоирлари ва ёзувчиларининг юқоридаги асарларида тараннум этилган илғор фикрлар меҳнаткашларни юксак ғоявийлик руҳида тарбиялашда, уларнинг анъанавий маданиятини тараққий эттиришда бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлди.

Шоир ва тарихчи Баёний халққа, элга хизмат қилиш каби олийжаноб мақсадни ўзининг тубандаги ўткир мисраларида баён этади:

Эл орзусини куйламоқ,
Эл дардини сўйламоқ.
Элга ҳамнафас бўлмоқ.
Шоир-чун эзгу ният,
Ифтихор ва шарафдур.

Муҳаммад Юсуф Баёний (1859-1923 йй) уша даврда тарихнавислик илми билан шуғулланишни давом эттирди. Халқ ҳукумати топшириғи билан ўзининг янги асари "Хоразм тарихи" асарини ёзиб тугаллади. Асар тўлалигича бизгача етиб келмаган.

Хоразмда яшовчи миллат ар уртасида дўстлик ва биродарликни кўчлати, милтий шават ва нисбатларни бартараф этиш ғояларини тарғиб қилиш шоир ва бастакор Сафо Муганний ижодида марказий ўринни эгал қилади. Ёшунинг "Яшасин миллат" шеърларидаги қўнидаги эл билан бир қўнида мумкин:

Яшасин миллат, битсин низолат,
Битсин иғволат, одам бузғувчи,
Йўқ бўлсин энди миллий адоват,
Ташланг гинани бугун уртоқлар.
Ҳамма бир дўғонмиз, ҳамда қардошмиз,
Ўзбек-ла йўмут, қозоқ, қалпоқлар
Бирлашиб ҳам қўлни қўлга ушлашиб,
Ватанни душмандан сақлаб, ғўчоқлар.

Дарҳақиқат, юқорида тараннум этилган дўстлик, биродарлик ва
инжиҳатлик гоёлари Хоразмда инқилобий демократик қайта
қўришларни амалга оширишда ҳаводек зарур эди.

Шундай қилиб, Хоразмда инқилоб ғалабасидан сўнг
дарҳақиқатан ҳам меҳнатқашлар манфаатини ўзида ифода этувчи
демократик санъат ва адабиёт шакллана борди. Ўша
даврда яшаб ижод этган бастакорлар ва адабиёт намояналари ўз
асарлари билан Хоразмнинг маънавий маданиятини бойитдилар,
меҳнатқашларни юксак гоёвийлик руҳида тарбиялашга ўзларининг
муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

МАТБУОТ. ХХСРда инқилобий демократик қайта қўришларни
амалга оширишда, меҳнатқашларни юксак маънавий руҳида
тарбиялашда матбуотнинг ҳам катта хизмати бор.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хоразм республикасида
инқилобнинг дастлабки йилларида хонлик давридан қолган тош
босмалитографиядан бўлак биронта замонавий босмаҳона
бўлмаган. Ўша даврда ХХСРга ўзбек, туркман, қозоқ, татар ва
рус тилларида нашр қилинган ойнома, рўзнома ва варақалар
туркистон республикаси ва РСФСР дан келтирилган 1921 ва 1922
йилда ХХСРга ёрдам учун Россия Федерациясидан 2 та замонавий
босмаҳона ҳамда уларни ишга тушира оладиган бир гуруҳ
мутахассислар юборилади. Бу тадбир Хоразм матбуот ишларини
йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1920 йил 8 мартдан
Хивада биринчи рўзнома-"Инқилоб кўёши" номи билан нашр
қилина бошланди. Хоразм иштирокиюм партияси Марказий
кумитаси органи ҳисобланган ушбу рўзнома ўзбек ва туркман
тилларида 500-600 нусхада нашр қилинди. Шунингдек Хоразм
республикасида 1921-1924 йилларда яна "Хоразм хабарлари",
"Ёрдам", "Қизил ёшлар овози", "Ишчилар товуши" каби
рўзномалар ҳам кўп нусхада босилиб, тарқатилиб турилди.¹²²

1921 йил 6 июлидан бошлаб Хивада РСФСРнинг Хоразмдаги
ваколатхонаси органи "Известия" (Ахборот) рўзномаси чиқарила
бошланди. Рўзнома уч тилда рус, ўзбек ва туркман тилларида
800 нусхада босилиб тарқатилди. "Известия" рўзномаси орқали
Хоразм аҳолиси Россия Федерациясида юз бераётган воқеалар

билан мунтазам танишис бордилар. "Сўнгги ахборот", "Оқ йўл" рўзномалари эса қozoқ тилида. "Дон юлдузи" туркман тилида, "Нажот" форс тилида нашр қилиниб тарқатилган эди. Булардан ташқари 1922 йилда "Қизил Хоразм" (ХКП МК органи) ва "Маориф" (Халқ маорифи нозирлиги органи) ҳамда ҳаминда "Қопқон" ойномалари ўзбек тилида босилиб мунтазам тарқатилиш борилди. Яна Хива босмахонасида бир қанча бадиий ва сиёсий адабиётлар, тўпламлар ва варақалар ҳам нашр қилинган. Шу билан бирга ўша даврда — ўқув юртларида, завод ва корхоналарда деворий рўзномалар чиқариб туриш кенг ишга қўйилган эди. Ана шу ойнома ва рўзномаларда республиканинг ички ва халқаро аҳолига онд ахборотлар, халқ ҳукумати ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг қарорлари ва фармойишлари эълон қилинарди ҳамда республика ҳаётидаги мавжуд камчиликлари рўй-рост очиб ташланарди.

Ўша даврда Хивада босмахона ишини ташкил қилишда Отажон Обдалов (1855-1927 йй) алоҳида хизмати бор. У киши Хиванинг саводхон илгор демократик ғоялари билан сугорилган зиёлиларидан бири эди. Петро-Александровск шаҳрида рус-тузум мактабини муваффақиятли тамомлаб, рус тилини пухта ўрганган О.Обдалов ҳали Хива инқилобидан анча илгари литография (тош босма) ни ташкил этиш ҳамда унда китоб босишни йўлга қўйишда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Республика даврида эса Хива типографиясида масъул вазифаларда ишлади, шу ерда турган номдаги рўзнома, ойнома, китоб ва тўпламларни кўп нусxada нашр қилиб тарқалиб туришига раҳбарлик қилган.

Хива босмахонасида ўзбек тилида босилган дастлабки асарлардан бири "Югурма" тўплами бўлиб, унда республика даврида ижод этган Хоразмлик ёзувчи ва шоирларнинг энг яхши асарлари жамлаштирилган эди.

1923-1924 йилларда Хива босмахонасида яна учта китоб нашр этилган. Шулар орасида "Оталар насиҳати" номи билан босилган халқ мақоллари тўплами ҳам бор эди.

Инқилобдан кейин Хивада ёзилган тарихий асарлар орасида Мўхаммад Юсуф Баёнийнинг (1870-1925) "Хоразм тарихи" асари алоҳида эътиборга сазовордир. Халқ маорифи Нозирлигида ишлаётган Баёний ҳукумат топшириғига биноан ўшбу асарни жуда қисқа вақтда ўзбек тилида ёзиб тамомлади. Баёний ўзининг Хива инқилобидан олдин тайёрлаган "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарини қайтадан ишлаб, Хоразм тарихини ортиқча муболағаларсиз ҳаққоний равишда яратди. "Хоразм тарихи" асари 16 бобдан иборат бўлиб, бизгача 8 боби етиб келган. Асарда Хоразмнинг XVI-XVII асрдан халқ инқилоби ғалабасигача бўлган тарихи объектив равишда баён этилади. Машхур тарихчилар Баёний

асарининг илмий қимматига жуда юқори баҳо бердилар. Ўша даврда яратилган "Хоразм мусиқаси тарихи" номи асари ҳам маданият тарихимизда алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар 1925 йилда Москвада нашр этилди. Ўшбу асар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келаяпти.

Юқорида зикр қилинган матбуот органлари Хоразм меҳнаткашларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда, уларни халқ ҳукумати олдидаги мураккаб вазифаларни бажаришга сафарбар этишда, халқ ҳужалигини қайта тиклашда, халқ демократик ҳокимиятини мустаҳкамлашда, шунингдек ўша даврда янги халқчил демократик маданиятни қарор топтиришда муҳим рол ўйнадилар.

АДАБИЁТЛАР ВА МАНБААЛАР

- кат, 37-дело, 89-варақ
47. Бюллетень ЦСУ Узбекистана -Ташкент, 1935 йил, 1-сон, 42-бет
48. Соседи Советов Союза ССР, Союзных автономных республик. Том 7-М 1965, 27 бетлар
49. Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-71-фонд, 1-руйхат, 2-дело, 28-30-варақлар
50. История Хорезмской Народной советской республики /сборник документов /- Тошкент, 1976, 348-бет.
51. История Хорезмской Народной советской республики /сборник документов /- Тошкент, 1976, 352-бет
52. М.Махмудов Революцией призванный. Хорезмская правда, 1989 йил, 19 январь
53. В.Лобачевский. Хивинский район-Ташкент, 1912 йил, 66 бет
54. Среднеазиатский экономический район, ТЭС, 1922, 40-42 бетлар
55. В.И.Юферов Справочная книжка по хлопководству в СССР-Москва, 1925 йил, 127 бет; Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-69-фонд, 1-руйхат, 55-дело, 12-варақ
56. Россия Марказий давлат архиви Ф.1318, 1-руйхат, 715-дело, 59-варақ.
57. Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-71-фонд, 1-руйхат, 4-дело, 107-варақ.
58. Россия Марказий давлат архиви Ф.1318, 1-руйхат, 715-дело, 59-60- варақлар
59. Россия Марказий давлат архиви Ф.1318, 1-руйхат, 715-дело 58-варақ.
60. "Жизнь национальностей"-Москва, 1922 йил, N 4,11,12 -бетлар
61. "Жизнь национальностей"-Москва, 1922 йил, N 1,191 -бетлар
62. Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-73-фонд, 1-руйхат, 18-дело, 15-17-варақлар.
63. Узбекистон ССР тарихи, 3-том-Ташкент, 1967 йил, 273 бет
64. Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-71-фонд, 1-руйхат, 45-дело, 29-41-бетлар.
65. Узбекистон Марказий давлат архиви Р-74-фонд, 1-руйхат, 31-дело, 93-99-варақ, 36-дело, 76-30 варақлар
66. Узбекистон Марказий давлат архиви Р-73-фонд, 2-руйхат, 3-дело, 20-18-варақлар, Р-70-фонд, 1-руйхат, 172-дело, 26-варақ
67. "Хлопковое дело". 1923, ИЛМ, N 7-8, 21 бет.
68. Узбекистон Марказий давлат архиви Р-2027-фонд 1-руйхат, 1-дело, 180-варақ
69. Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-73-фонд, 1-руйхат, 18-дело, 75-варақ, 86-дело, 45-48 варақлар.
70. Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-2027-фонд, 1-руйхат, 1-дело, 184-варақ.
71. Узбекистон Марказий давлат архиви. Р-2027-фонд 1-руйхат, 43-дело, 57-63-варақлар
72. Узбекистон Марказий давлат архиви Р-63-фонд, 1-руйхат, 51-дело, 22-23-варақлар, Хлопководство в Туркестане Ленинград, 1925 йил, 138 бет
73. Россия марказий давлат архиви 1318-фонд, 1-руйхат, 715-дело.

- 13 варақ.
- 74 "Новый Восток". 1923 йил. N 3, 215-бет.
- 75 А.Сатлыков. Из истории развития ирригации в Хорезме. (1920-1941г). Автореферат кандидатской диссертации.-Ташкент, 1967йил, 12-бет.
- 76 Россия марказий давлат архиви. 1318-фонд. I-руйхат, 670-дело, 89 варақ. Ўзбекистон Марказий давлат архиви. P-71-фонд, I-руйхат, 106-дело, 11-варақ.
- 77 Экономическая история Советского Узбекистана (1917-1965 гг.)-Ташкент, 1966 йил, 72 бет.
- 78 "Жизнь национальностей".-Москва, 1923 йил, N1, 70 бет.
- 79 Ўзбекистон Марказий давлат архиви. P-70-фонд, I-руйхат, 98-дело, 117-варақ, 233-дело, 3-12 варақлар.
- 80 Ўзбекистон Марказий давлат архиви. P-71-фонд, I-руйхат, 30-дело, 31-32-варақлар.
- 81 Ўзбекистон Марказий давлат архиви. P-2027-фонд, I-руйхат, 43-дело, 57-63-варақлар.
- 82 "Хлопковое дело". 1924 йил, N9-10, 3-4 бетлар.
- 83 Инқилоб қуёши, 1922 йил, 19 апрель.
- 84 Ўзбекистон Марказий давлат архиви P-70-фонд, I-руйхат, 233-дело, 9-10-варақлар.
- 85 "Жизнь национальностей".-Москва, 1923 йил, N1, 194 бет.
- 86 М.Маткаримов. Аграрные преобразования в Хорезме и их социально-экономические последствия. Диссертация қуўёзмаси.-Тошкент, 1976 йил, 59 бет.
- 87 Ўзбекистон Марказий давлат архиви P-69-фонд, I-руйхат, 32-дело, 21-варақ.
- 88 Ўзбекистон Марказий давлат архиви.P-73-фонд, I-руйхат, 13-дело, 14-варақ; М.Маткаримов Хоразм республикаси Давлат тузилиш нозирлари ва иқтисоди. Урганч, 1993 йил, 50-бет.
- 89 Ўзбекистон Марказий давлат архиви.P-2077-фонд, I-руйхат, 45-дело, 1-5-варақлар.
- 90 Ташенов К.Т. Национально-государственное размежевание в Средней Азии и Казахстане -Алма-Ата, 1960,С.20, Н.Каландаров. Образование и деятельность Хорезмской Компартии-Т:Ўзбекистан, 1975,С.305.
- 91 Қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том.-Т: "Фан", 1971, 393-бет.
- 92 Н.Каландаров. Образование и деятельность Хорезмской Компартии-Т:Ўзбекистан, 1975,С.305.
- 93 Инқилоб қуёши. 1924, 3 сентябрь.
- 94 Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том -Т: "Фан", 1971, 405-бет.
- 95 Н.Каландаров. Образование и деятельность Хорезмской Компартии-Т:Ўзбекистан, 1975, С.312.
- 96 История Хорезмской Народной советской республики /сборник документов/- Тошкент, 1976, 348-бет.
- 97 Ўзбекистон Марказий давлат архиви.P-71-фонд, I-руйхат, 31-дело, 3-варақ; Хоразм вилоят давлат архиви.445-фонд, I-руйхат, 36-дело, 104-варақ; 183 ф. 8-руйхат, 1-дело, 3-варақ.
- 98 Бюллетень ЦСУ Узбекистана, 1975, 1-сон, 43 бет.

100. Ал-Хоразмий номли Урганч давлат университети-Т: *Ўзбекистон*, 1995, 3 бет
101. И.В.Погорельский, ўша асар, 176 бет.
102. Г.М.Билалов, Хоразмда халқ маорифи тараққийси-Т: *"Ўқитувчи"*, 1969, 27 бет.
103. Г.Юлдашев. О деятельности Хамзы в области культуры и просвещения в ХНСР (1921-1924гг.) *Общественные науки в Узбекистане*, 1963, N I, 27-33 бетлар.
104. Г.М.Билалов. Из истории культуры и просвещения в Хорезмской народной советской республике (1920-1924гг.)-Ташкент, 1966, 56-57 бетлар.
105. История Узбекской ССР-Т.3-Ташкент, 1967, 302 бет.
106. *Ўзбекистон республикаси давлат архиви*. Ф.71, д.112, 6 ырақ
107. И.В.Погорельский, ўша асар, 177 бет.
108. Г.М.Билалов, Ўша асар, 10 бет.
109. Ўша жойда, 29 бет.
110. И.В.Погорельский, ўша асар, 177 бет.
111. К.Б.Мухаммадбердиев История Хорезмской революции-Ташкент, "Фан", 1986, 170 бет.
112. Г.М.Билалов. Из истории культуры и просвещения в Хорезмской народной советской республике (1920-1924гг.)-Ташкент, 1966, 65-66 бетлар.
113. История Бухарской и Хорезмской НСР-М: Наука, 1971, 150 БЕТ
114. К.Б.Мухаммадбердиев, ўша асар, 170 бет
115. Г.П.Непесов. Из истории Хорезмской революции (1920-1924гг.)-Ташкент, 1962, 234-235 бетлар
116. И.В.Погорельский, ўша асар, 125 бет.
117. Минкевич. Народное здоровье в Хорезме. Народное хозяйство Средней Азии, 1924, N 4, 172 бет
118. И.В.Погорельский, ўша асар, 126 бет
119. История Хорезма.-Ташкент: «Фан», 1976, 180 бет.
120. Н.Қобулов. ХХСРда адабий муҳит Қулёзма.
121. К.Абдуллаев. Сайиб назарий Хоразмнинг биринчи комсомол шоири. Ученые записки ХГПИ. Урганч, 1964, 19 бет.
122. Қаранг: История Бухарской и Хорезмской НСР-М: Наука, 1971, С.151; К.Б.Мухаммадбердиев. История Хорезмской революции-Ташкент; "Фан", 1986, С.178.

ИККИНЧИ БОБ. ХАЛҚ ХУЖАЛИҚИНИ ТИКЛАШ.
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН
КУРАШ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ /1925-1940/.

1.ВИЛОЯТДА САНОАТ, ЭНЕРГЕТИКА ВА
ТРАНСПОРТ ХУЖАЛИҚЛАРИНИНГ АҲВОЛИ
ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Россия истилосига қадар Хива хонлигида шаҳар ҳунармандчилиги айниқса уй ҳунармандчилиги анча ривожланган. XIX аср охири XX аср бошларида хонликда қўл меҳнатига асосланган, кўстар шаклдаги турли шахсий корхоналар: мисгарлик, заргарлик, темирчилик, гўнчилик, ипакчилик, бўёқчилик, позачилик, этакчилик кулолчилик, элакчилик ва ҳоказолар мавжуд бўлган.

Йирик фабрика ва завод саноати корхоналари бўлмаган. 1873йилда Хива хонлигини ҳор Россияси босиб олди ва уни ўз мустамлакасига айлантирди.

Уша даврдан бошлаб Хива хонлигига Россиядан савдогарлар ва саноатчилар кўплаб миқдорда кела бошладилар. Уларни қизиқтирган нарса арзон пахта эди. Ривожланаётган Россия тўқимачилик саноатини хом ашё билан таъминлаш учун кўп миқдорда пахта керак эди.

XIX аср 80-нчи йиллар ўрталарида Хивада "Большая Ярославская Мануфактура"си агентлари пайдо бўлдилар. Улар Хива хонлигида ерлар сотиб олиб, пахта плантациялари, конторалар, омборхоналар, магазинлар ҳамда завод ва фабрикалар қура бошладилар. Масалан, 1888 йилда "Большая Ярославская Мануфактура"сининг ишончли вакили И.Д.Кузин омборхона ва пахта тозалаш заводи қуриш мақсадида Ёқуб Иброҳимов деган шахсдан бир гектарга яқин ер сотиб олган. Рус, немис, татар усталари маҳаллий ишчилар иштирокида янги-Урганчда қўшма пахта-мой заводини жадал суръатлар билан қуриб, уни 1889 йил охирида ишга туширдилар. Ана шу кун Хоразмда биринчи саноат корхонаси вужудга келиш куни ҳисобланади.¹ Бу завод Ёта Джин, битта гидравлик ва қўл пресси /босма/ билан жиҳозланган бўлиб, йилига 25 минг пуд пахта тозалаган.

Бў буг босимида ишлайдиган двигатель ўрнатилган ва электр ёруғлигига эга бўлган биринчи пахта тозалаш заводи эди. Заводнинг асбоб-ускуналари Америка Қўшма штатларидан келтирилган.

Шундан кейин Хива хонлигининг бошқа шаҳарларида ҳам турли заводлар қурила бошлади.

"Познанский ва унинг компанияси" номли иккинчи бир йирик мануфактура фирмаси 1904-1907 йилларда Янги-Урганчда,

йирик пахта тозалаш заводлари қурилган.²

1914 йилга келиб хонликда қурилган пахта заводларининг сони 63тага етди. Шундан 50 таси кичкина ва қувват, 13таси эса йирик заводлар бўлиб, уларнинг 5таси Хива Урганчда, 2таси Гурланда, 3таси Тошховузда, биттадан Хива Мангитда ва Хонқада жойлашган.³

Йирик пахта тозалаш заводларининг 5таси маҳаллий бош Юсуфбой Хантбоевга, ака-ука Баққоловларга, Ризаевларга, Мадёровларга қарашли бўлган. Қолганлари эса рус хорижий компания ва фирмаларга: "Хива", "Кавказ ва Меркурий", "Большая Ярославская мануфактура", "Мануйлов", "Аксел Крафтлар", "Познанский ва унинг компанияси", "Шлюсберг оға-инилар", "Шуйская мануфактураси уртоқлиги" компанияларига қараган.

Октябрь инқилоби арафасида Хива хонлигида юқори курсатилган пахта тозалаш заводларидан ташқари яна 1 та ишт, 8та беда уруғи тозалаш, 4та чарм ишлаш, 4та ёғ заводлари ҳам бўлган.⁴

Мавжуд заводларнинг қуввати ва ишлаб чиқариш имкониятлари унча катта бўлмаган. Ўша даврда йирик ҳисобланган заводлар двигателларининг қуввати 30-50 кучидан, баъзилари эса 6-15 от кучидан ошмаган. Улар давомида 150-160 кун ишлаган. XIX асрнинг 90-йилларида хонликдаги барча заводларда 85 минг пуд пахта тозаланган ҳолос.

Ҳар бир заводда 30-40 энг купи 100тага яқин ишчи ишлаган. Ишчилар кунига 13-15 соат ишлаганлар, уларнинг иш шартлари ёмон, иш ҳақлари эса жуда кам бўлган.⁵

Заводларнинг қўлчилигида керосин мой ёқилғиси ёрдамчи ҳаракатланувчи двигателлар ўрнатилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида электр қувватидан фойдаланилмаган. Фақат бир йирик пахта тозалаш заводлари қошида завод ҳудуди ва хоналарни ёритиш мақсадида кичкина электр динamo двигоқлар ўрнатишган ҳолос.

Хоразмда 40 квт қувватга эга бўлган биринчи электростанцияси 1912 йилда Хивада қурилган. Унинг қурилиш тарихи жуда қизиқ. Маълумки, Хива хонлигида энг юқори маданият ва маърифат соҳибларидан бири хон вазири Ислон Хўшбод эди. У киши Россия билан Хива ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда, Оврупа маданияти, илм ва техникаси янгиликларини Хоразмга жорий қилишда жуда катта хизмат қилган. Унинг ташаббуси билан Россиядан усталар, муҳандислар, қурувчилар таклиф қилинган. Хива

биринчи Оврупа типдаги касалхона,почта-телеграф, янги услуб
очилди 1912 йилда эса Хивадаги Нуруллабой боғида
хоннинг яшовчи немис-меннонитлари ва рус қурувчилари
иштирокида Оврупа услубида хоннинг катта ёзги саройи-
қабулгоҳи қурилди.

Юртимизда элкор этилган иншоотларни қуриш ва жиҳозлаш учун
Германия ва Москвадаги немис фирмалари орқали қурилиш
материаллари ва зарур асбоб-ускуналар келтирилган. Масалан,
хоннинг Нуруллабойдаги ёзги саройи учун қандиллар, электр
асбоб-ускуналар "Паллака" ва "Вестингауз" немис фирмалари
Берлиндан олдирилган

Бу сарой, асосан рус ва хориждан келган савдогарлар,
шайблармонлар, рус офицерлари, элчилар ва бошқа нуфузли
кишиларни қабул қилиш, турли учрашувлар ўтказиш, зиёфатлар
ташқил қилиш учун мўлжалланган эди.

Нуруллабойда Оврупалик меҳмонлар учун махсус рус
шхонаси ташқил қилиниб, унда бош ошпаз лавозимида Россиядан
таклиф қилинган Янгуразов деган татар киши хизмат қилган. Уни
Сизран шаҳрида истикомат қилувчи Мусо Янгуразов исмли
укаси булиб, у электрик, дурадгорлик, тўқирчидик касбларидан
хабардор бўлган.

Кунлардан бирида Ислом Хужанинг хон саройига ўрнатилган
хира нурланадиган ёруғлик тизимидан нолиниб, бу саройни
Оврупачасига электр нури билан ёритиш керак, бунинг учун эса
кичкина бир электр станцияси зарур деган гапини бош ошпаз
эшитиб қолади ва унга электрчилик касбидан хабардор бўлган
уз укаси Мусани Хивага таклиф этишни тавсия қилади.

Тез орада кичкина электр станцияси асбоб-ускуналарини олиб
келиш учун бир гуруҳ кишилар жўнатилди. Муса Янгуразовга эса
таклиф хати юборилади. Муса Сабанович Янгуразов 1911 йилда
Хивага келади ва янги электр станцияси қуриш ишини бошлаб

Станциянинг барча асбоб-ускуналарини бир вақтда келиб
етмаганлиги ва баъзи бир эҳтиёт қисмларнинг топилмаслиги
натижасида қурилиш ишлари анча чўзилиб кетади. Ниҳоят 1912
йил декабрида станция қурилиши тугалланади ва Хоразм
эрихида биринчи марта электр лампаси ёруғлик беради
Станцияда бир цилиндрли ва бир поршенли 60 от кучига эга
бўлган двигател ўрнатилган булиб, у 40 КВТ қувватга эса
бўлган генераторни ҳаракатга келтириб, электр токи ишлаб
чиқарган. Хива халқи бу станцияни ток-ток деб номлаган,
шайлдиган ишчилар ва монтерларга ҳам фалончи ток-ток деб
ақаб қўйганлар. Масалан, Муса Янгуразов билан ишлаган
нинг шоғирдларини Карим ток-ток, Абдулла ток-ток, Машарип

ток-ток деб юритганлар. Хива электр станциясида иш бошлаганидан биринчи ишчилар Собир Матназаров, Бобожон Машарипов ва бошқалар бўлган. 1941-1943 йилларда Хива электр станциясининг монтери лавозимида Совет иттифоқининг булажак қаҳрамони Сотим-ака Нурматов ҳам ишлаган.

Хоразм инқилоби ва ундан кейин бошланган фуқаро уруши йилларида йирик фабрика ва завод эгалари ўз мулкларини ташлаб қочиб кетганлар, корхоналарнинг талайгина жўнатиб бузилган, кўплари хом-ашё йўқлиги ва мутахассислар етишмаслиги сабабли ишдан тухтаб қолган.

Хоразм инқилоби ғалаба қилиб, ХХСР ташкил топгач 1920-1923 йилларда йирик саноат корхоналари, чет эл фирмалари ва маҳаллий бойларга қарашли пахта тозалаш, ёғ-ғишт заводлари ва электростанция миллийлаштирилган яъни давлат мулкига айлантирилган. 1923 йил 10 февралда ХХСР иқтисодий кенгаши кейинроқ халқ хўжалиги нозирлиги ташкил этилиб, саноатга раҳбарлик қилиш анча дартибга солинди. Шундан кейин алоқ, транспорт ривожланиши ягона - халқ хўжалиги режаси асосида ривожлана бошланди.

Бироқ бу даврда экономикани, жумладан саноатни тиклаш ва ривожлантириш ниҳоятда қийин эди. Маблағ, қўшничи материаллари, мутахассислар етишмаслиги туфайли янги саноат корхоналари қурилмаган. Аммо шунинг қайд қилиш зарурки 1923 йилда Чимбой қалъасида яшовчи бир бой ерларга сув чиқариш (ер ости сувларини) мақсадида Водокачка қурдирган, у электр мотори ёрдамида ишлаган.

Инқилобдан чўчиган бу бой мол-мулкни ташлаб қочиб кетган. Бу ҳақда Хивага хабар етиб келади Хоразмнинг биринчи энергетикаси Муса Янгўразов қизил аскарлар ердамида Чимбойга бориб, ўша бой қурдирган двигатель ва электр моторини олиб келишга муваффақ бўлган.

Ниҳоят, Чимбойдан келтирилган асооб-ускуналар неғинида Муса Янгўразов 1923 йил охирида Хивада анча қувватли электростанцияни қуриб битирган. Бу электростанция Хиванинг бир қанча кўчаларини электр нури билан ёритишга имкон берган эди. 1924 йилга келиб, инқилоб ва фуқаролар уруши даврида вайрон қилинган пахта тозалаш ва ёғ заводларини тиклаш ва таъмирлаш учун Хоразм ҳукуматида 575 минг сум пул берилган.

Мамлакатни индустриллаштириш ва халқ хўжалигини реконструкциялаш йилларида Хоразмда саноат ривожланиши анча авж олди. Бу йиллар мобайнида бир қанча қишлоқ корхоналари барпо этилди. Жумладан, 1925 йилда Хивада Ўз Хазарасида пахта тозалаш заводлари ишга туширилди 1928-1929

йилларда Урганчда янги пахта тозалаш заводи ҳамда 1932 йилда беда уруғи тозалаш заводи қурилди. Умуман, биринчи ва иккинчи беш йилликлар давомида Хоразмда 24 та йирик саноат корхоналари қурилиб ишга туширилди.⁸

Эски сансат корхоналарини тиклаш ва реконструкция қилиш ҳамда янгиларини қуриш натижасида саноат корхоналари сони 12 тадан 1940 йилга келиб 50 тага етди.⁹

1913 йилга нисбатан 1940 йилда саноат ялпи маҳсулоти
1940 йилда саноат ялпи маҳсулоти 6.4 бараварига ўсди.

Шу йиллар давомида вилоятда энергетика қувватлари ҳам
иб борди. Янги жиҳозланган ва қурилган йирик корхоналар
ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ичдан ёнадиган

ёридаги аппаратлар ёрдамида ҳаракатланувчи электр моторлар, электр урнатилиб, улардан фақат ёруғлик манбаи сифатидагина эмас, балки баъзи бир ишлаб чиқариш жараёнларида

ҳам / туқорлик, дурадборлик, пармалаш ва ҳокимзо ишларда
/ фойдаланилган. Мавжуд электр станциялари қуввати ҳам
-бора оширилиб борилган. Агар 1913 йил Хивадаги ягона
электр станцияси қуввати фақат хон саройини ёритишга зурга

етган бўлса, 1940 йилга келиб ўлкада мавжуд электростанциялар ва электромоторлар ёрдамида 2.3 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди.¹¹

Агар инқилобдан аввал Хива хонлигида мавжуд барча завод ва фабрикаларда ҳаммаси бўлиб бир мингта яқин ишчи ишлаган бўлса, 1941 йилга келиб вилоятнинг фақат 5 та йирик

Хоразмда саноат ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан

бу ерда урушдан олдинги ва уруш йилларида ҳам оғир саноат корхоналари эмас, балки асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган энгил саноат корхоналари кўпроқ ривожланди. Чунки шунинг билан саноатни ривожланиши учун бу ерда зарур молий техника

Хоразмда маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмоли учун қўшма қўлдан чиқарувчи кустар-саноат кооперативлари

1923 йилда бақат Хива шаҳрида 1000 га яқин

артеллар 26 та бўлиб, уларда 2 мингдан ортиқ ишчи хизмат қилган.¹⁴

Бироқ Ватан урушидан аввалги беш йилликлар мобайнида Хоразм экономиниси, шу жумладан саноати ҳам Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча кам ривожлантирилган. Ушбу даврларда Хоразмда саноатни жадал суръатларда ривожлантириш, янги корхоналар қуриш, энергетика объектларини қуриш учун янги етарли маблағ, ва зарур шарт-шаронтлар бўлган. Бунинг устига собиқ СССРда, жумладан Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг нотамис /нотўри/ жойлаштирилиши, Хоразм вилоятининг саноат марказларидан узоқда бўлиши, бу ерда 50-нчи йилларгача тешир йўл транспортининг йўқлиги бунга сабаб бўлган эди.

Ватан уруши йилларида Ўзбекистонга гарбий районлардан 90 дан ортиқ янги саноат корхоналари қўчирилиб келтирилган ва қисқа муддатларда ишга тушirilган. Бироқ шулардан биттаси ҳам Хоразм вилоятига келтириб ўрнатилмаган. Уруш бўлиб турган жойлардан қатор электр станциялари демонтаж қилиниб, уларнинг асбоб-ускуналари ҳам Ўзбекистонга келтирилган. Қўчириб келтирилган электр станциялари асбоб-ускуналари негизда Ўзбекистонда бир қанча ГЭСлар қуриш планлаштирилган бўлиб, Ўзбекистон КП/б/ Марказий Комитети СССР давлат мудофаа комитетига шу ҳақда таълиф билан муурожаат қилди. Бунга жавобан СССР давлат мудофаа комитети 1943 йил 14 июнида "Ўзбекистон ССРнинг сув энергиясидан фойдаланиши янада давом эттириш ва янги ГЭСлар қуриш ҳақида"¹⁵ маълум қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ 1944 йилнинг феврал ойида Ўзбекистонда бир қанча ГЭСлар, шу жумладан Хоразм вилоятида Шовот ГЭСи қурилиши бошланиб кетди. Хоразм вилояти собиқ партия комитети ва икрония комитетининг қарорига биноан Шовот ГЭСи қурилиши бошқармаси ташкилб, унга вилоят икрония комитети раисининг ўринбосари Ильичев деген шахс бошчиқ этиб тайинланди. ГЭС қурилишига давлат томонидан 28 млн. сўм пул ҳам ажратилди.¹⁶

ГЭС халқ қурилиши уюмларида амалга оширилиши зарур эди. Шунинг учун ҳам ушбу мақдорда ер қазини ишларини бажариш мақсадида 600-га колхозчи сафарбар қилинди. Қисқа вақт давомиде қурилишда анча-мунча ишлар ҳам амалга оширилди. Ўзгуси ГЭС майдончаси танланди текисланди, биршунча ер қазини ишлари бажарилди. Ҳатто станциянинг цемент-бетон қўшылган пойдевори ҳам кўтарилди. Бироқ, бирданига қурилиш ишлари тўхтаб, станция битмай қолди. Баъзи бир китобларда жумладан, 1976 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан чоп этилган "История Хорезма" номли рисолаининг 223-бетиде

Шовот ГЭСи 1944 йилда қурилиб ишга туширилди. Аммо, б. фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки Шовот ГЭСи қуриб тугалланмаган Урушнинг оғир йилларида янги қурилишлар учун маблағ, қурилиш материаллари, инженер-техник ходимлар етишмаслиги, мавжуд ускуналар, машиналар қисмларининг Хоразмга келтириш имконияти йўқлиги ва бошқа сабабларга кўра Шовот ГЭСи охиригача қурилмай қолди.

Уруш йилларида қурилиши мулжалланган яна иккита йирик саноат корхонаси: Урганчда ип-йнгирув туқимачилик фабрикаси ва пиво заводи ҳам қурилмай қолди.

Ушбаевнинг ириқ заводларидан бўлган Хива ёғ заводи 1943 йилнинг январь охида қурила бошлади ва 1944 йилнинг охирида ишга туширилди. Бу заводни қўриш учун ҳам асбоб-ускуна ва қурилиш материаллари етишмас эди. Ички имкониятлардан фойдаланишга тўғри келди.

Завод биноси, цехлари ва бошқа хоналари Хива шаҳрининг мевастон ўрамада /завод қурилишидан 500-600 метр узоқликда/ жойлашган масжид ва унинг қошидаги минора ваҳшийларча қурилиб, шунинг гишти ҳисобига қурилди.

Заводнинг юраги бўлиш, унинг барча органларини ҳаракатга келтирувчи дизел двигатели Урганч ёғ заводида ва Хива почта-телеграф биносида ишламай турган эски дизел двигателларни демонтаж қилиш ва уларнинг зарур қисмларидан фойдаланиб, янги двигател машинаси йнгиштирилиши ҳисобига бунёд этилди.

Уруш йилларида завод ва фабрикаларда ишлаётган кўпгина техникасислар, малакали ишчи кадрлар фронтга жўнаб, уларнинг ўрнини хотин-қизлар ва ўспиринлар эгаллади. Янги ишчилар маълум касбларни эгаллашлари учун ўқишлари, ўз малакаларини оширишлари зарур эди. Шу мақсадда Урганч пахта тозалаш заводи қошида қисқа муддатли курс, кейинроқ доимий ўқиш кўрсатиш, Хива ёғ заводи қошида эса ФЗО мактаби ташкил қилинди. Бу курсларда ва ўқиш комбинатларида турли касбдаги ишчи кадрлар тайёрланди. 1943-1945 йиллар мобайнида Урганч шаҳар саноат корхоналари учун ўқишнинг турли шакллари орқали 774 нафар ишчи кадрлар тайёрландилар. Шу жумладан 157 нафар ишчи қисқа курслар орқали, 105 нафари техникумларда ва 485 нафари индивидуал равишда касб ўрганиш йўли билан тайёрландилар.

Саноат корхоналарининг ишчилари, барча меҳнаткашлар сингари фидокорона меҳнат қилиб, Совет халқи ғалабасига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шундан қилиб, Хоразмда завод-фабрика саноати XIX аср охирида руҳда келиб, инқилобдан кейин кенг ривож топди. Бу кўпгина пахта тозалаш ва ёғ-совун заводларининг

қурилишига қарамай, улка саноатининг асосий қисмини то йилларгача қустар, маҳаллий саноат жорхоналари ташки. То 60-нчи йилларгача Хоразмда йирик энергетика базаси эмас, мавжуд электр-энергетика объектлари саноат, хўжалиги ва коммунал хўжалик талабларини тула қон олмаган. Демак, Ватан урушидан аввал, ҳатто уруш йилла ҳам Хоразм экономикаси, жумладан, саноати Ўзбекистон бошқа вилоятларига нисбатан анча кўра ривожланган эди.

Шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, ўша даврда Хоразм катта халқ хўжалиги юкларини ташийдиган замонавий йўллар транспорт воситалари ҳам бўлган эмас.

Маълумки, Хоразм воҳаси буюк ипак йўли чаррақалари жойлашган бўлиб, шу йўлдан туя қарвонлари қадим-қадим Шарқдан Ғарбга, Жанубдан Шимолга мунтазам қатнаб турган йўллар асосан тупроқ-ердан ҳосил қилинган бўлиб, қумлиқда чўллардан кечиб ўтган. Шунинг учун ҳам йўловчилар учун ноқулайликлар туғдирган. Хоразм ҳудудидаги ички йўлларда 60-нчи йиллар бошларигача юриш кўп жиҳатдан об-ҳавога, фаслларига боғлиқ бўлган. Воҳада ариқ ва каналларнинг бўлиши, баъзи жойларда қурикларнинг бўлмаслиги йўловчилар ишини анча қийинлаштирган.

Шунинг учун ҳам йўл ҳаракати, юк ташиш отда, эшак аравада, пиёда амалга оширилган. Муҳим йўллардан бири-сув йўли бўлиб, Амударё ва катта каналлар орқали катта юклар ташишга Хоразмда арава йўллари 2000 верст, Амударё сув йўллари 1000 верстни, Полвон, Ғозовот ва Шовот каналлари орқали сув йўллари эса тахминан 160 верстни ташкил қилган.¹⁸

1923 йилда Хоразм халқ республикаси ихтиёрида 270 арава Амударё ва Орол флотилиясига қарашли 45 катта ва кичик ҳажмдаги кемалар, 7 параход, 2 теплоход, 1 катер, 8 баржа, 7 на ташувчи кема ва баркаслар бўлган.¹⁹ Катта юкларни ташийдиган темир йўл ҳам бўлмаган.

Хоразмда биринчи "темир йўл" 1929 йилда Урганчдаги эски ёғ ва пахта тозалаш заводлари оралиғида қурилган. Бу кичик қисқа энлиликдаги бор-йўти бир километр узунликдаги темир йўли бўлиб, чигит орттилган вагонеткалар от ёки эшак кучи билан ҳаракатга келтирилар эди.

1934 йилда Урганч-Чалиш пристани оралиғида 13 км узунликдаги иккинчи қисқа энли темир йўл қурилди. Бу йўлда Хоразмга ташқаридан Амударё орқали келадиган ва Хоразмдан бошқа ерларга юбориладиган юклар ташилар эди. Бу йўлда ҳам юк орттилган вагонеткалар от кучи билан ҳаракатга келтирилган. Кейинги йилларда, айниқса урушдан кейин автотранспортни ривожлантириш билан қисқа энлиги от кучи билан ҳаракатга

темир йулларга эҳтиёж қолмади. 20- Урушдан кейинги даврда Хоразм халқ хўжалигини тез суръатларда ривожланиши, худудлараро иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда қўл миқдорда халқ хўжалик юкларини келтириш ва ташқарига чиқариш катта темир йул қурилишини амалга қилар эди.

2. АГРАР ИСЛОҲОТЛАР: ЮТУҚЛАР, МУҚСОМЛАР ВА САБОҚЛАР.

Хоразм республикаси даврида аграр соҳада бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, бу борада аҳвол мураккаб иттиҳа қолди. Суғориладиган ернинг майдонларининг кўпий хажми, ҳосилдорлиги инқилобдан олдинги даражадан ҳамон орқада эди. 1925 йилда Хоразм қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили инқилобдан олдинги даражанинг 75 фоизини ташкил қилди, холос. Қишлоқ хўжалигининг сердаромад соҳалари бўлган пахтачилик, бедачилик, ипакчилик ва чорвачилик ҳам аввалги даражадан қўл орқада эди. Қишлоқда ҳам ерлик ва камқувват деҳқон хўжаликлари 50 фоиздан кўпроқни ташкил қилар эди. Вилоятда феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг таъсири кучли эди. Товар-пул муносабатлари сусти ривожланган эди. Қишлоқ хўжалигини нормал даражада юритиш учун деҳқонлар қўлида иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, уруғлик ва бошқа зарур нарсалар етишмас эди. 1924-1925 йилларда Хоразмда утқазилган иқтисодий текширишлар, ҳар юз хўжаликда ишлаб чиқариш воситаларининг кескин камлигини кўрсатди.

Миллий давлат чегараланишидан кейин, Хоразмда ана шундай мураккаб шароитда аграр ислохотларни амалга оширишга туғри келди.

20-йиллар урталаридан 30-йиллар охиригача Хоразмда амалга оширилган аграр ислохотлар қишлоқда демократик қайта қуришларни янада чуқурлаштиришни, камбағал ва урта ҳол деҳқон хўжаликларида моддий-техника ёрдам кўрсатишни, уларни турли ҳилдаги кооперацияларга уюштиришни, қишлоққа фан-техника янгиликлари ҳамда илғор агротехника усулларини кенг жорий қилишни тақозо қилар эди. Шунингдек сув хўжалигини тўғри ўзгартириш, ҳамда мутахассис кадрлар тайёрлашнинг шошилини чораларини кўриш лозим эди.

Хоразмда аграр ислохотларни амалга ошириш борасидаги дастлабки тадбирлардан бири қишлоқ хўжалиги моддий базасини кўрғизга келтириш бўлди. 1923 йил ноябрь ойида Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши мажлисида Хоразм қишлоқ хўжалигини

тракторлар ва бошқа механизмлар билан таъминлаш қўйилган эди.²¹ Ана шу қарорга биноан 1924 йил биринчи марта Амударё орқали Хоразмга 2 та "Фордзон" трактор олиб келинди ва 1924 йил 7 ноябрда Хива шаҳрида намойиш қилинди.²² Уни Хива шаҳридан Солий Маткаримов бошқарди.

1925 йилнинг баҳорида собиқ Ўзбекистон ССР ҳукумати ташаббуси билан Хоразм вилоятига яна 2 та трактор юборилган. Тракторлар афзалликларини намойиш мақсадида шу йил баҳорида Янги-Урганч ва Гурлан тажриба булинмаларида синаб кўрилди.

1925 йил баҳорида ушбу "фордзон" типли тракторлар 130 десятина ер сурилиб экин экилди. Тажриба ҳужалигида тракторлардан фойдаланиш жуда катта самарадорлик беришини кўрсатди. Масалан, иш ҳайвони билан ҳайдалган ҳар бир десятина ер учун Хоразм деҳқони 35 сарфлаган бўлса, трактор билан ишлаганда 11 сўм сарфай бўлди. Ушбу тажриба Хоразмда экин майдонлари кенгайтиришда замонавий техникалардан янада кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатди. Ана шу мақсадда 1926 йил Хоразмга келтирилган тракторлар сони 23 тани ташкил қилди бўлса, 1927 йилда 39 тани, 1928 йилда 50 тани ташкил қилди. Тракторлар Хоразм деҳқонларига техника афзаллигини намойиш қилиш билан бирга, уларнинг оғир меҳнатларини енгиллаштириш ва янги ерларни очиб уларни самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

Қишлоқ ҳужалик техникасини бошқара оладиган кадрлар тайерлаш кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири эди. Шунинг учун ҳам ушбу масала округ ижроия комитетининг мажлисларида бир қанча марта муҳокама қилинди.²³

1926 йилнинг баҳорида Хоразмда тракторчилар тайер курси очилиб уни 26 нафар киши битказиб чиқди.²⁴ Шунинг билан механизатор ходимлар четдаги жалб қилинди ёки марказий районларга юборилиб, маҳаллий кадрлар ўқитилди.

Деҳқон ҳужаликларини техникадан фойдаланиш яхшилашда Хоразмда ташкил қилинган "Бирлашган куч" техника ширкатининг ўрни катта бўлди.

Қишлоқ ҳужалигини механизациялаштириш билан бирга агроветеринария тадбирлари ҳам амалга оширила бошланди. 1926 йил январ ойида Хоразмда йирик қишлоқ ҳужалик тажриба станцияси очилди.²⁵ Унинг асосий вазифаси маҳаллий ишчи шароитига мослашган навларни яратиш, қишлоқ ҳужалик техникасини қўллашни самарали усулларини топиш, уни тарғиб

қилиш ва минерал ўғитлардан фойдаланишнинг афзалликларини
қўлга беришдан иборат эди.

Қишлоқ хўжалиги тажриба участкалари 1926 йилда
вилоятнинг 6 та туманида: Хива, Янғиариқ, Қушқўпир, Хазорасп,
Гурлан ва Манғитда ташкил қилинди. Вилоятдаги жами тажриба
участкалари умумий экин майдони 200 десятинадан кўпроқ ерни
эгаллаган эди.²⁶

Ушбу майдонларда техникавий-агрономик тажрибалар ҳам
намойиш қилинди. Аграномлар деҳқонларга маърузалар
қилишлар, суҳбатлар уюштирдилар. 1926-1927 йилларда ушбу
маъруза ва суҳбатларда 5688 киши қатнашди. Шунингдек, 1927
йилда Урганч туманида 4 жойда, Хазорасп туманида 10 жойда 3
кунлик семинарлар ташкил қилиниб, аграномия тажрибалари
оммалаштирилди.²⁷ Ана шу асосда техника ва аграномия
тажрибаларининг самаралари деҳқонлар фикрини ўзгартира борди
ва янгиликлар сари интилди.

Хоразмда минерал ўғитлардан фойдаланиш тажрибалари ҳам
қилиш натижалар берди ва уни қўлланиш йилдан-йилга кўпайиб
борди. 1928 йил Хива қишлоқ хўжалик тажриба станцияси 50 та
деҳқон хўжалиги ерларининг ҳар гектарга 126 кгдан минерал ўғит
ишлатиб, суперфосфатнинг бедага таъсири синаб қўрилди.
Натижада 1250 квадрат метр майдондаги бедаларнинг
ҳосилдорлиги биринчи ўримда 6,6 фоиз, иккинчи ўримда 18,1
фоиз, учинчи ўримда 17,1 фоиз, тўртинчи ўримда 14,6 фоиз
ўсди. Бу тажрибалар деҳқон хўжаликларида минерал ўғит
ишлатишга катта ҳавас уйғотди. 1927 йилда Хоразм округига
келтирилган минерал ўғитларни ҳеч ким сотиб олмай,
омборхоналарда қолиб кетган бўлса, 1929 йилда мавжуд бўлган
500 пуд минерал ўғит бир ҳафта ичида сотиб олинди.

Минерал ўғитларни келтириш ва ишлатиш йилдан-йилга
ўсиб борди. Жумладан, 1935 йилда Хоразм округига 1200 тонна
минерал ўғит келтирилган бўлса, 1937 йилда 21000 тонна минерал
ўғит келтирилди.

Қишлоқ хўжалик тажрибаларини Лобъсевич, Лисенко
сингари 20 дан ортиқ марказдан келган аграномлар, ветврачлар,
метеорологлар ва бошқалар олиб бордилар.

Фан ва техника ютуқларини намойиш қилиш асосан камбағал,
кам ерлик деҳқонлар ва давлат ерларида амалга оширилди. Агар
ушбу тажрибалар ўрта ҳол, бой деҳқон хўжаликларида амалга
оширилганда эди, бу тажрибалар янада самаралироқ булар эди.
Чунки бу хўжаликларда бой деҳқончилик ютуқларидан
фойдаланиш имконияти кўп эди.

Ислохотлар чорвачилик соҳасида ҳам амалга оширилди.
Жумладан, 1925 йилда Урганч шаҳрида ветеринария маркази,

Хива, Урганч, Турлан уездларида ветеринария пунктлари ташланган қилинди. 1926 йилда ветеринария пунктлари ихтиёрида 170 от ва 270 сигир бор эди. Ветеринария врачлари чорвадорлар уртасида маърузалар ўқидилар, суҳбатлар ўтказдилар, чорва молларининг аҳволини назорат қилиб бордилар. Ветеринария пунктлари 3 минг бошдан кўпроқ чорва молларининг назорат қилдилар. 1926 йилда округда 4 жойда янгидан ветеринария пунктлари ташланган қилинди ва 11389 бош қорамол назоратдан ўтказилди. Бу қорамоллар наслини яхшилаш, янги зотдор молларни яратиш чатиштириш ишларини яхшилаш борасида ташланган муҳим қадам бўлди.

30-йиллар бошларида Хоразм округида деҳқон хўжаликларининг турли хилдаги кооператив уюшмаларга, ширкатларга жалб қилинган ҳаракати кучайди. Кредит, пахтачилик, мелиорация ва бошқа типдаги ширкатлар вужудга кела бошлади.

Камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларни иқтисодий аҳволнинг кўтаришда молия-кредит системасини яхшилаш катта аҳамиятга эга эди. 1925 йилда жами 22 кредит ширкатлари бўлиб, уларга 4603 аъзо бирлашди. 1927 йилда эса ширкатлар сони 33тага ва аъзолари 33487 кишига кўпайди. Хоразм округида коллективлаштириш арафасида ана шу ширкатларга 65 фоиздан кўпроқ деҳқон жалб қилинган бўлиб, кредит ширкатларининг пул обороти 1926 йилда 479,5 минг сўмни, 1927 йилда эса 2727 минг сўмни ташкил қилди.³⁰

Кредит бериш "Бахт" кредит кооперацияси орқали амалга оширилди. Бундай кооперацияларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик банкига бўйсундирилган эди. Агар Хоразм округига 1925-1926 йилларда жами 388300 сўмлик кредит берилган бўлса, 1927-28 йилларда 885800 сўмлик кредит берилди. Жами берилган кредитнинг 55 фоизи камбағал деҳқон хўжаликларига берилган бўлса, 25 фоизи кам қувват хўжаликларига берилган эди.³¹

Солиқ сиёсати ҳам синфий характерга эга бўлди. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида пахта экинган майдонлардан кам солиқ олинди. Жумладан, 1, 5 десятинадан кам ерга эга бўлган, лекин пахта эккан хўжаликлар солиқдан бутунлай озод қилинди. 2 десятина ги ва 4 бош қорамолни бўлган пахтакор хўжаликлардан 9 сўм солиқ олинди. Боғдорчилик ва полнзчилик билан шугулланувчи хўжаликларга ҳам катта енгилликлар берилди. 1927 йилдан бошлаб йилга 80 сўмдан кам даромад олган хўжаликлар солиқдан озод қилиндилар. Йилга 400 сўм ва ундан кўп даромад кўрувчи хўжаликлардан, 100 сўмгача даромад кўрадиган хўжаликларга нисбатан 2 барабар кам солиқ олинди.³²

Таъминот участкалари, селекция ва чорвачилик станциялари, ташкилотлари, қишлоқ хўжалик уқув юртлири қишлоқ элигидан озод қилинди. Бой ва уз ерларини яширишга ҳаракат қилган хўжаликлардан 2 баравардан кўп олинди ва уларга маъмурий жазо берилди.

Муносибатларнинг тараққиётида ирригацияни кўпайтириш катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам 1925 йили Хоразм округ сув хўжалик бирлашмаси ташкил топди. Сувдан фойдаланишда қатъий интизомга риоя қилинган кишилар жазоланадиган бўлди.

Харбий хизматдаги кишиларнинг оилалари, милиция ва маъмурий қатнашчилари, тоғиронлар, камқувват ва қишлоқ хўжаликлар ирригация мажбуриятларидан озод қилинди. Айниқса ўша даврда мироблар масаласига катта аҳамият қаратилди. 1926-1927 йилларда 302 мироб тажрибалилик орасида обрў-эътибор қозонган камбағал ва урта ҳолдагилардан сайлаб қўйилди. Шулардан 74 миробга туланадиган ҳукумат томонидан бериладиган бўлди.

1927 йил куз ойида Хоразмда 2 мелиорация ширкати ташкил қилинди. Уларда 11255 десятина ерни ишландиган 2647 деҳқонлар бирлашган эди. Ушбу ширкатлар ирригация шалобчаларини гартибга солиш, янги ерларни улаштириш, қурилмаларидан фойдаланиш билан

банд бўлди. Давлат, мелиорация ширкатларига қарз пул, замонавий техника ва кадрлар билан ёрдам курсатиб турди. Жумладан, 1926 йил фақат Қиёт-Қунғирот мелиоратив ширкатига республика қишлоқ хўжалик банки 4 минг сум пул ажратди.

Хоразмда кооперативларни кўпайтиришда 1927 йил февралда бўлиб ўтган Хоразм округ кооператив бирлашмалари қурултойи алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Унда туман кооператив ташкилотларининг ҳисоботлари тингланди ва галдаги вазифалар

Қурултойда, айниқса кооперативларга ерсиз ва кам ерлик деҳқонларни куплаб жалб қилиш, пахтачиликка ихтисослашган кооперативлар салмогини кўпайтириш ва улар орқали пахтакорларга қишлоқ хўжалик машиналари, асбоб-ускуналар, шовонлар, уруғликлар, мануфактура товарлари етказиб бериш масалалари кўрилди. 1928 йилга келиб 14 пахтачилик кооперативларига 47883 пахтачилик билан шуғулланувчи хўжаликлар /99,5 фоиз/ уюшган эди.

1926-1927 йилларда пахтачилик кооперативлари 14287 тонна пахта ялли ҳосили етиштирган бўлсалар, 1927-1928 йилларда 27974 тонна пахта ялли ҳосили етиштирдилар.

Пахтачилик кооперативлари пахта билан биргаликда 1927 йилда 656 дона қорақул тери, 469 дона оддий тери, 3996 пуд бе уруғи, 40 минг боғ беда етиштирган бўлсалар, 1928 йилда 127 дона қорақул тери, 8766 дона оддий тери, 6271 пуд беда уруғи, 215 минг боғ беда етиштириб берган эдилар. ³⁴ Пахтачилик кооперативлари қишлоқ хўжалигини агротехника қонда асосида ишлаш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, ишлаб маданиятини ошириш, ташкилий-хўжалик ишлар мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлдилар.

1927 йил ўрталарига келиб Хоразмда иқтисодий-табиқ ишларни йўлга қўйиш ва ер-сув ислохотини ўтказиш ишлари бошланди. Иқтисодий-статистик ишларни амалга ошириш Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон округлари мутахассислар юборилди. Улар вилоятнинг умумий ер фойдаланиши ва унинг сифатини ўргандилар, ерга, меҳнат қуролларига ва ҳайвонларига эғалик қилиш даражасини аниқладилар. Ёр хўжаликларни ҳисобга олдилар, хусусан қишлоқ хўжалигига ирригацияга сарф қилинаётган меҳнат ва харажатларни аниқ ҳисоб-китобини қилдилар.

1927 йил августдан октябргача ўтказилган иқтисодий-статистик ҳисоб-китоблар Хоразмда 60758 ўрғинлик хўжаликнинг 1437 нафари ёки 2,3 фоизи ерсиз, 16989 хўжалик ёки 28 фоизи 1 десятинагача ерга эга, 31517 хўжалик ёки 51,9 фоизи 1 десятинадан 3 десятинагача, 8593 хўжалик ёки 14,1 фоизи 3 десятинадан 5 десятинага, 2042 хўжалик ёки 3,4 фоизи 5 десятинадан 10 десятинагача, 165 хўжалик ёки 0,3 фоизи 10 десятинадан 20 десятинагача, 10 хўжалик 20 десятинадан 50 десятинагача ва 5 хўжалик 50 десятинадан кўпроқ ерга эга эканлигини кўрсатди. ³⁵

Иқтисодий-статистик текшириш вилоятда ҳамон давом қилиб келаётган феодал муносабатларнинг қолдиқларини, хусусан ердан меҳнатсиз фойдаланаётган хўжаликларни тугатиш, ерни меҳнат қилувчиларга бўлиб бериш зарурлигини кўрсатди.

Ер-сув ислохотини муваффақиятли ўтказиш мақсадида ер ва кам ерлик деҳқонларни кўпроқ жалб қилиш белгиланди. Аммо Хоразмда 1928 йилнинг бошларида ўтказилиши лозим бўлган ер-сув ислохоти тайёргарлик ишлари етарли бўлмаганлигидан шу йилнинг октябр-декабр ойларига кўчирилди.

Бунинг асосий сабаби, ер эғалигининг парчаланиб кетганлиги ва тарқоқлиги, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кенг ўрин эгалламаганлиги, ер сотиш ва олиш жараёнларининг давом қилаётганлиги, меҳнаткаш деҳқонларнинг синфий табақаланишининг сустиги, ер эғалиги ва умуман мулкнинг муқаддаслиги туғрисидаги ғоянинг ва ислом динининг кучлилиги.

ерказни районлар билан боғлайдиган темир йўл шаҳобча-деҳқонлар уюшмалари йўқлиги, партия, совет ва деҳқонлар уюшмалари фаълиятининг пастлиги эди.

Хоразм округида 1928 йил 2 декабрда ер-сув ислохоти эмас, балки "Хоразм округида йирик меҳнатсиз ердан фойдаланишни тугатиш" декрети амалга оширила бошланди. Шунга асосан Хоразм округида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи 20 гектар ернинг 40 гектар бекор ери бор хўжаликлар, хон хонадонига, йирик судхўрлар, диндорлар ва 3-разряддан катта потентга эга бўлган сакко ва саноат ходимларига қарашли ерлар, қишлоқ хўжалиги асбоб-анжомлари, уйлари, ҳайвонлари ва бошқа мулкларини биринчи навбатда тортиб олинадиган бўлди. ³⁶

1928 йил 8 декабрда Хоразм округи ижроия комитетининг меҳнаткаш деҳқонларга, ишчиларга қарата мурожаатида йирик меҳнатсиз ердан фойдаланишни тугатишда актив қатнашишга кўрсатиш. Округ ер комиссияси ва район ер комиссиялари тузилди. Улар тортиб олинган ерлар, асбоб-анжомлар, уйлар ва ҳайвонларни меҳнаткаш деҳқонларга бўлиб бердилар ва ишонч гувоҳномаси билан мустаҳкамладилар.

Хоразм округида йирик меҳнатсиз ердан фойдаланишни тугатиш сиёсати асосан 2 даврга ажратилади. 1-тайёргарлик даври 1928 йил 8-25 декабрни ўз ичига олади. Бу даврда ерсиз ва кам ерлик деҳқонларни йирик меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш мақсадида партия ва ҳукумат атрофига жипслаштириш, йирик меҳнатсиз ердан фойдаланувчиларни мулкларини аниқлаш, ўрта ҳол деҳқонларни ҳам бу ишларга жалб қилишдан иборат эди. Ана шу мақсадда 443 жойда йиғилиш ва намойишлар ташкил қилиниб, унда 19550 ерсиз ва кам ерлик деҳқонлар қатнашдилар. Шунингдек, меҳнатсиз ердан фойдаланишни тугатиш даврида 18 бой, 14 хон амалдорлари, 10 дин вакиллари, 8 савдогар ва судхўрлар, жами 55 дан кўпроқ киши деҳқонлар ўртасида ушбу сиёсатга қарши бўлганлиги учун бадарға қилинди. ³⁷

1928 йил 29 декабрдан иккинчи даврга ўтилди. У 1929 йил 15 мартгача давом қилди. Йирик меҳнатсиз ердан фойдаланишни тугатиш даврида 200 нафар собиқ хон амалдорларининг 494 таноб, 52 диндорнинг 776 таноб, 141 савдогарнинг 1039 таноб, 126 бой хўжаликнинг 4347 таноб, 13 судхўр хўжаликнинг 337 таноб, қишлоқ хўжалик инвентарлари, 407 асбоб-анжомлари, 129 ёрдамчи корхоналари, 492 бинолари ва 606 бош ишчи ҳайвонлари тортиб олинди. ³⁸

Аграр ислохотларни ўтказишда Хоразмнинг маъмурий-худудий бўлинишининг яхшилланиши, округ, район ва қишлоқ шўроларига сайловлар ўтказилиб, уларни бошқаришга кам ер ва ерсиз деҳқонларнинг, ишчиларнинг жалб қилиниши, ўзининг

катта таъсирини кўратди. Хоразм Ўзбекистон ОСР тарқалган округ бўлиб қўйилгандан кейин улжада 3 та уезд /Гурлан, Янги-Урганч ва Хива/. 22та район /Гурлан уезида: Гурлан, Кипчоқ, Қиличбой, Клеғ, Моноқ, Мангит, Шовот, Хитом, Қўнғирот, Питнак, Хазорасп, Хонқа районлари; Хива уезида: Оқдарбанд, Остана, Ғозовот, Гўжа, Қўшқупир, Хива, Янги-Мавжуд эди. 1926йилнинг октябри яримидан бошлаб районлаштириш натижасида Хоразм округ деб аталадиган бўлиб ва 10 та район /Мангит, Гурлан, Шовот, Янги-Урганч, Ғозовот, Хива, Янгиариқ, Хонқа, Бороғ, Хазорасп, районлари/ ташкил қилинди. Хоразмда ўтказилган районлаштиришдан кейин мавжуд 111 қишлоқ шўролари ўрнига 187 қишлоқ шўролари ташкил қилинди. Қишлоқ шўроларига раҳбарлик қилиб келган раисларнинг 80 фоиздан кўпроғи ўз лавозимига нолойиқ деб топилган эди. Янгиланди. Бу хатли-саводли, ўрта ҳол ва бой табақадан чиққан қишлоқ жамоасини ўз изидан етаклаб бора оладиган кишилар эди. Уларнинг ўрнига камбағал, ерсиз ва кам ерлик деҳқонлардан қишлоқ шўролари раислари сайландилар.

Коллективлаштириш арафасида қишлоқ шўролари раисларининг ўзгартирилиши биринчидан, партия ва шўро ташкилотларининг берган топшириқларини сўзсиз бажариш имконияти берган бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий шароитни ҳисобга олмай, кўр-курона иш тутиш билан халқнинг норозилигини вужудга келтирди ва бир қанча хатоликларга йўл қўйилди.

Саводсиз ва чаласавод камбағал деҳқонни қишлоқ шўроларидан ташқари бошқа раҳбарлик лавозимларига ҳадеб қўйиб олиш ҳам яхши натижалар бермади. Хўжалик юритишнинг моҳир усталари бўлган ўрта ва бой деҳқонлар, қобилиятли, ишбилармон саводхон бўлишларига қарамасдан, барча раҳбарлик лавозимларидан сиқиб чиқарилди ва қулоқ синфи сифатида тугатила бошланди. Бу миллий низоларга, бир қанча бузғунчиликларга олиб келди.

Хоразм округида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари асосан 3 хил шаклда /ТОЗ, Коммуна ва қишлоқ хўжалик артели/ амалга оширилди.

ТОЗ /товаришество по совместной обработке земли/ ерларни биргалашиб ишлаш ширкати деган маънони билдириб, уни Хоразм округида қисқача ширкат" деб аташар эди. Кооперациянинг ширкат шаклида асосан ер ишлаб чиқариш қуrollари, иш хайвонлари, чорва моллари, уруғлик, етиштирилган ҳосил, уй-жой ва бошқа мулклар хўсуслилигича қолган ҳолда фақат меҳнат умумлашган, яъни биргалашиб ишлаш ташкили қилинган эди. Ширкатларда меҳнатнинг умумлашганлиги яхши бўлганлиги билан, кимни ерида олдин ва сифатли ишлаш

муаммолигича қолди ва яхши самара
масаласи бермади.

Кооперациянинг "коммуна" шаклида барча ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат, етиштирилган ҳосил умумлаштирилган эди. "Коммуналар" партия ва давлат раҳбарларининг "инқилобий" ташаббуслари асосида ташкил қилинган бўлиб, деҳқонлар бунга тайёр эмас эдилар.

Кооперациянинг "қишлоқ хужалик артели" /колхоз/ шаклида асосан ишлаб чиқариш воситалари: ер, меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари, меҳнат умумлаштирилиб, етиштирилган маҳсулотлар меҳнатга яраша тақсимланар эди. Артелларда меҳнатни ташкил қилиш ва тақсимот муносабатлари такомиллаштирилиб борилиши уни умричи узайтириш имкониятини берди. Хоразмда қишлоқ хужалик артеллари, ТОЗ ва коммуналар 1927 йилдан бошлаб тузила бошлади. 1927 йил баҳорида Ғозовот районида "Янгилик", Ҳинга районида "Янги ҳаёт", Хонқа районида "Бағрак", Урганч районида "Дўрман" қишлоқ хужалик артели ва битта ерни биргалашиб ишлаш ширкати /ТОЗ/ ташкил қилинган эди. 1928 йилга келганда колхозларнинг сони 7 тага, 1929 йил баҳорига келиб 20тага етказилди.

1929 йилда «ёппасига коллективлаштириш» шиори остида Хоразм округида коллективлаштириш кескин суръатларда жадаллаштирилди. Агар 1930 йил бошларида коллектив хужаликлар сони 121 тани ташкил қилган бўлса, 1934 йилга келиб уларнинг сони 715тага етди. Уларга бирлашган хужаликлар сони эса 7775 тадан 58810 тага кўпайди.⁴⁰

ТОЗлар ва коммуналар ҳаётда ўзларини оқламадилар. 1930 йилда мавжуд бўлган 123 кооперативнинг 43 таси ТОЗ ва 2 таси коммуна бўлган бўлса, 1934 йилга келиб, улар асосан қишлоқ хужалик артелларига бирлашиб кетган эдилар.

Колхозларнинг сони шу даражада кўпайиб, майдалашиб кетган эдики, натижада ишлаб чиқариш ва бошқаришда бир қанча қийинчиликларни туғдирди.

Авваламбор колхозларни бошқара оладиган мутахассислар деярлик йўқ эди. Камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларигина колхозларни бошқариш ҳуқуқига эга деб белгиланди. Лекин уларнинг кўпчилиги юқорида айтганимиздек саводсиз эди. 4-5 хужаликни бирлаштириш натижасида вужудга келган колхозларнинг бошқариш, уларга мутахассислар топиш, техника, уруғлик ва ўғит топиб олиш, маҳсулотларни сотиш ва бошқа ишларга раҳбарлик қилиш ишлари мураккаблашиб кетди. Колхоз раисининг битта ўзига ҳатто бесавод бўлишига қарамай, бир вақтнинг ўзида ҳам кассирчилик, ҳам аграномлик, ҳам омборчилик, ҳам кассирлик ишларни бажаришга тўғри келди.

Округда ёппасига коллективлаштириш юқоридан белгиланган режа асосида амалга оширила бошланди. Натижада, ихтиёрий принциплари бузилди. Кимки колхозга киришни хоҳлаётган қўлоқ қилиниб мол-мулки тартиб олинди ва ўзи бадарға қилди. Бу кўпгина норозичиликларга сабаб бўлди. Боғларнинг кўпчилиги кесиб ташланди, кўпгина чорва моллари сўйилди, айрим жамоа биноларига ва уйларга ўт қўйилди.

Хоразм округида ёппасига коллективлаштириш йили меҳнатсиз ердан фойдаланишни тугатиш жараёни билан деярлик бир даврда амалга оширилди ва бу иккала йирик ислохот ҳам Ўзбекистон республикасининг бошқа округларидан бошланди.

Хоразм округида ёппасига коллективлаштириш Ўзбекистоннинг бошқа округларидан ўзига хос фарқлари билан ажралиб турган. Биринчидан, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш даражасининг марказий областларга нисбатан паста бўлиши; иккинчидан, ер-сувдан фойдаланишда феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг қолдиқларининг кўпчилиги; учинчидан, мамлакатнинг марказий қаноат районларидан ўзгача жойлашганлиги темир йўлнинг йўқлиги, саноат корхоналарининг жуда камлиги; тўртинчидан, аҳолининг саводхонлик даражасининг пастлиги, диннинг таъсирини кучлилиги билан фарқ қилар эди.

Шу билан бир қаторда бу ерда қадимдан ирригация ишларида, қалъалар, масчитлар ва мадрасалар қуришда умуман раҳбарлик асосида биргалашиб ишлаш, халқнинг бир-бирларига кўмак, ёрдам бериш анъаналари коллективлаштиришни амалга оsonлик билан амалга оширишга имкон берди.

Ёппасига коллективлаштириш даврида ташкил қилинган колхозлар кўп тармоқли эдилар. Бу катта қийинчилик туғдирган. Шунинг учун ҳам кичик-кичик хўжаликлар бирлаштирилиб йирик хўжаликларга айлантирилган.

Агар 1934 йилда колхозларнинг сони Хоразм округида 715 тани ташкил қилган бўлса, 1939 йилга келиб уларнинг сони 445тага қисқарган. Шундай қилиб, ёппасига коллективлаштириш асосида Хоразм округида деҳқон хўжаликларининг 82 фоизи, 1937 йилда 98 фоизи ва 1940 йилда деярлик 100 фоизи жамоа хўжаликларига бирлашган эди.

Жамоа хўжаликлари билан бир қаторда совхозлар ҳам вужудга келди. Хоразм округида 1929 йилда 13 та совхоз ташкил қилинган бўлиб, 1773 гектар майдонга эга эди. Уларнинг деярли барчаси пахтачилик билан шуғулланди. Аммо совхозлар Хоразм округида давлатнинг бериши мумкин бўлган ёрдамнинг нисбатан чегараланганлиги сабабли ҳақиқий ривожлана олмади.

Хоразм округида коллектив хўжаликларни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашда 1930 йилдан бошлаб ташкил қилинган МТС /машина трактор станцияси/ ларнинг аҳамияти катта бўлди. МТС лар тракторларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини бир ерга йиғиш, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва таъмирлашни яхшилаш, шунингдек колхозларга техника хизмати кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган эди. МТС лар жамоа хўжаликларини ташкилий хўжалик жиҳатидан муштақиллашда ҳам муҳим роль ўйнадилар.

Ёппасига коллективлаштириш билан бир даврда МТС лар ва уларгаги тракторлар сонининг ўсиб бораётганини кўрамиз. 1930 йилда Хоразм округида деҳқонларга жами 57 трактор хизмат кўрсатган эди. 1932 йилда МТСлар сони 5 тага, улар ихтиёридаги тракторлар сони 235 тага, 1937 йилда МТСлар 12 тага етди, уларгаги тракторлар сони 1340 тага етди.⁴²

Асосан "Фордзон", "НАТИ", "СТЗ", "ЧТЗ" типли кам қувват тракторлар ҳам бўлган. Шунга қарамай улар ўша даврда деҳқонлар оммаси психологиясига катта таъсир қилган эди.

Хоразм округида "қулоқлар"га қарши кураш асосан икки йўл билан амалга оширилди. Агар совет ҳокимияти амалга ошираётган пахта мустақиллиги, коллективлаштириш ва бошқа аграр ислохотларга очиқ қаршилик қилган ва "Босмачилар" билан тил бириктирган ёки алоқада бўлган "Қулоқ"ларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, яшаб турган ерларидан кўчириб юборилдилар. Иккинчи хили, яъни коллективлаштириш моҳиятига тушунмасдан унга қаршилик қилганлар танбеҳ олиб, кейин жамоа хўжаликлари ишида қатнашиб кетдилар.

"Қулоқларни" синф сифатида тугатишда айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ёппасига коллективлаштириш, шошма-шошарлик билан, деҳқон хўжаликларида колхозларнинг аҳамиятини тула тушунтирмасдан туриб уларни колхозга киришга мажбур қилдилар. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган бугдой, шол, жўхори, мош, ловия, қовоқ, қовун ва бошқа экинлар экиладиган майдонлар кескин қисқариб, улар ўрнига пахта экила бошлади. Бу ҳам қишлоқ аҳлининг норозилигини кўчатиб берди. Бу аҳволга қарши чиққан айрим хўжаликлар ҳам бўлди.

"Қулоқлар" синфи сифатида бадарга қилиндилар. "Социализмга ўтиш" даврида "ким-кимни енгади" принципи СССРнинг саноати ривожланган марказий районларида иттифоқи ва деҳқонлар иттифоқи асосида буржуазияга қарши кураш олиб борилган бўлса, Хоразмда камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар марказнинг кучига ва кўргазмаларига таянган ҳолда "Қулоқ" ва бой хўжаликларни тугатишга киришдилар. "Енгил" илгир хўжалик юритишга таянган ҳолда, иқтисодий асосда эмас,

балки маъмурий-буйруқбозли, зўравонлик асосида оширилди. Ёппасига коллективлаштириш пахта мустақиллиги учун кураш даври бошланишига тўғри келди. У, бир томондан ташқи давлатлардан СССРга пахта келтиришни назарда тутиб қўйган бўлса, иккинчи томондан, пахта етиштиришни мустақиллик мулк асосида бирлаштириб, пахта билан иш олиб борадиган маҳаллий енгил саноатни тугатишга олиб келди. Маҳаллий ҳунармандлар қўлидан пахтани қайта ишловчи жиқ, чар ва бошқалар асбоб-ускуналар тортиб олинди ва пахтани қайта ишлаш тартиби йўли билан таъқиқланди.

Пахтачиликни ривожлантириш йилдан-йилга авж олиб боради. 1934 йил апрел ойида Фарғона водийсидан 75 нафар пахтачи усталари келиб пахтачиликни ривожлантиришда ёрдам берди.

Ўлкада колхоз тизимини ва пахтачиликни ривожлантиришда Хоразм зарбдор колхозчиларининг 1934 йилда биринчи ва 1935 йилда иккинчи слётлари, 1935 йилда Ўзбекистон зарбдор колхозчиларининг иккинчи қурултойи, шунингдек 1935 йилда Москвада Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қорақалпоғистон зарбдор колхозчиларининг кенгашини ўтказилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Агар 1927 йилда Хоразм округида пахта ялпи ҳосили 145 тонна ва 1928 йилда 22974 тонна ташкил қилган бўлса, 1934 йилда пахта ялпи ҳосили пландаги 53494 тонна ўрнига 64100 тоннага етказилиб, режа 120 фоизга бажарилди.

Пахта майдонлари йилдан-йилга кўпайтирилиб боради. Агар 1926 йилда пахта майдонлари 25760 гектарни эгаллашган бўлса, 1934 йилда 49930 гектар майдонга экилиб, 42,3 фоиз майдон эгаллади. 1940 йилга келиб Хоразм вилоятида пахта майдонининг гектарга етиб, жами экин майдонининг 60 фоизини эгаллади ва пахта ялпи ҳосили 83,7 млн тонна ташкил этди. 1924 йилда пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ҳосил 3,4 центнерни ташкил қилган бўлса, 1940 йилга келиб 11,4 центнерни ташкил қилди.⁴³ Бу 1940 йилларга келиб Хоразмдаги қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳокимлиги ўрнатилганлиги билан далолат берар эди.

20-йиллар охири ва 30-йилларнинг бошларида пахтачиликни оширилган аграр ислохотлар миллий кадрларнинг шаклланиши ҳам катта таъсир кўрсатди. Айниқса 1925 йилда Хива шаҳрида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик техникумининг, 1926 йилда бошлаб тракторчилар тайёрлаш мактабининг очилиши аҳамиятга эга бўлди.

Фақат 1929 йилда Хоразм округида 400 киши курсларда агрономия соҳасида ўқиб, мутахассис қилиб тайёрланди.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига 35 киши юборилди. Урганч шаҳрида 61 киши тракторчилик курсини битказди. 96 кишига иппакчилик, 52 кишига колхоз тизимининг бошқаруви асослари ўргатилди. 1935 йилда Урганч шаҳрида Хоразм давлат ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳининг очилиши кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнади.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларда пахтачиликни оширилган аграр ислохотлар Хоразм тарихида катта бурниш даври бўлди. Асрлар давомида майда натурал хўжалик асосида иш юритиб келган деҳқон хўжаликлари қисқа давр мобайнида йирик коллектив хўжаликка бирлашдилар.

3. СУВ УЧУН УМУМХАЛҚ КУРАШИ ТОШСОҚА, ПОЛЛЕОНФОЗОВОТ ВА ҚИЛИЧНИЙЭЗБОЙ КАНАЛЛАРИНИНГ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ. (1939-1941 йй)

Маълумки, урушдан олдинги учинчи беш йиллик бутун республикада бўлганидек Хоразмнинг ирригация хўжалигини ривожланишида ҳам катта бурилиш даври бўлди. Хоразм меҳнаткашлари ўша йилларда суғоришни тубдан яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш ва пахтачиликни юксалтириш учун умумхалқ ҳаракатини бошлаб юборган эдилар. Дарҳақиқат шу беш йилликда Хоразмнинг йирик магистрал каналлари халқ усули билан инженерлик асосида тубдан қайта қурилди.

Мамлакатимиз индустриал қудратини оширилганлиги, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш борасидаги муваффақиятлар, халқимизнинг моддий-маданий фаровонлигини оширилганлиги Хоразмда ҳам сув учун бошланган умумхалқ ҳаракатига замин тайёрлаган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида Хоразмда ирригацияни тараққий эттиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда жуда катта ҳисса қилинган эди. 1939 йилга келиб вилоятнинг сув хўжалигида 100 км яқин сув чиқариш насослари ва 150 дан ортиқ турли турли ер қазиниш механизмлари тинмай ишлаб турди. 1939 йилда вилоятнинг тозалашда ҳар йили 3-3,5 млн м³ ҳажмдаги гўпрок ва қўпрок механизмлар ёрдамида бажарилди.⁴⁵ Вилоят сув хўжалигидаги малакали мутахассислар сони икки бараварга кўпайди. Хоразмнинг ирригация хўжалигига ҳукумат тарафидан ҳар йили 100 млн рубль капитал маблағнинг ҳажми ҳам йилдан-йилга кўпайиб боради. Масалан, ана шу мақсадлар учун 1936 йилда 45

млн.сўм ва 1938 йилда эса яна 41,5 млн.сўм миқдориди сарфланганлигининг ўзи ҳам буни тасдиқлайди.⁴⁷

Вилоят сув ҳўжалигида ана шу тадбирлар туфайли ҳосилдорлиги ҳам ошди. 1928-1929 йилда гектаридан 5-7 цент ҳосил олинган бўлса, 1938 йилга келиб бу курсатки центнерга кўпайди. Лекин шунга қарамай Хоразмнинг ҳўжалиги, хусусан пахта ҳосилдорлиги ҳамон республика бошқа вилоятларига қараганда анча орқада эди. Воҳанин ҳўжалигида ҳамон мавжуд бўлган жиддий қийинчиликлар тўсиқ бўлиб келаётган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳали бу вилоятнинг суғориш шаҳобчаларида ҳар йили 12-14 млн. ҳажмдаги тупроқ ишлари қўл меҳнати орқали бажари келинаётган эди. Яна вилоятнинг экин майдонини 60 фоиз кўпроқ қисми катта ҳаражат талаб қилаётган чигир ва қурилмалари ёрдамида суғорилди. 1938 йилда Хоразм вилоят мавжуд чигирлар сони 25 мингдан ортиқ бўлган.⁴⁸ Хоразм аҳолисининг суғориш ва ариқларни тозалаш ишларига сарф этилаётган ҳар йилги меҳнатининг ўртача қиймати 30 млн. руб. бабаравар эди.⁴⁹ Магистрал каналлар бошсоқа қисмини ҳал қилиш тартибга солинмаганидан баҳорда сув танқислиги, ёзда сувнинг эҳтиёждан ортиқ даражада қабул қилиш ҳоллари бериб келаётган эди. Буларнинг барчаси қишлоқ ҳўжалигидан бундан кейинги ривожланишига тўсиқ эди.

Шунинг учун ҳам учинчи беш йилликда қишлоқ ҳўжалигига хусусан пахтачиликни янада ривожлантириш муаммоси тартибига Хоразмнинг ирригация ҳўжалигини инженерлик негизда тубдан қайта қуришни, экин майдонларига мўл етказиб бериш ва ерларни оёқ суви билан суғоришга ўтиш кавазифаларни қўйди.

Фарғоналик колхозчиларнинг ватанпарварлик ташаббуси руҳланган Хоразм вилояти меҳнаткашлари ўша вақтда ирригация соҳасидаги ана шу бош муаммоларни ҳал қилишга астойдил киришдилар. 1938-1941 йиллар Хоразм тарихида улкан ирригация қурилишлари даври бўлди. Ўша йилларда Хоразм магистрал каналлар инженерлик лойиҳалари асосида тартибга солинди, бир қанча янги каналлар ва йирик гидротехник иншоотлари қуриб ишга туширилди. Вилоят меҳнаткашлари 1938 йилда биринчи бўлиб воҳанинги энг муҳим суғориш тармоқлари Питнак ва Қипчоқ-Бўзсув каналларини инженерлик асосида қуришга муваффақ бўлдилар. Бу иккала каналнинг бош қисми биринчи марта мустақкам гидротехник иншоотлар бўлиб ўскуланди. Ҳалқ усули билан қурилган Питнак ва Қипчоқ-Бўзсув канали шу ҳудуддаги 15 минг гектардан ортиқ майдонни суғориш ишларини тубдан яхшилаш имконини берди.⁵⁰ Ирригация

қурилиши эришилган бу дастлабки муваффақият Хоразм ҳамда қўшни Ташховуз вилояти колхозчилари ғайратини оширди. Улар воҳада ирригация қурилишлари қўламини янада кенгайтириш талаби билан чиқа бошладилар.

Хоразм меҳнаткашларининг ана шу ватанпарварлик ташаббусини ҳисобга олиб, 1939 йил 11 августда ЎзКП Марказий Комитети ва ЎзССР Халқ комиссарлари Совети Тошсоқа бош иншооти ва магистрал каналини қуриш ҳақида махсус қарор қабул қилди.⁵¹ Бу тарихий қарорда биринчи навбатда Хоразмнинг энг йirik магистрал канали Полвон ва Ғозовотни қайта қуриш вазифаси қўйилди. Шунингдек Тошсоқа канали қурилишининг ташкилий тайёргарлик ишлари белгиланди ва раҳбарлари тайинланди. Қурилишга умумий раҳбарлик қилиш мақсадида бош штаб тўзилди. Бош штаб халқ ирригация қурилишида сиёсий-оммавий ва ҳўжалик-ташкилий ишларнинг ягона маркази бўлди. СССР Олий Совети депутати Поппла Махмудова Тошсоқа қурилишининг раҳбари, вилоят партия комитети котиби М.Мельников сиёсий ишлар бўйича унинг муовини, тажрибали мутахассис Г.О.Хорст қурилишнинг бош инженери қилиб тайинланди. Ҳукумат Хоразмдаги халқ ирригация қурилишига катта моддий-техника ёрдамини қўрсатди. Тошсоқа бош иншооти қурилишига давлат бюджетидан бир йўла 1,750 минг сўм пул, яна 85 тонна гуруч, 10 тонна ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.⁵²

Маххур олимлардан А.Н.Аскоченский, В.В.Пославский, Н.А.Янишевский ва бошқалар ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан Хоразмдаги халқ ирригация қурилишига мунтазам равишда ёрдам бериб келдилар.

Маҳаллий партия ва ҳукумат органлари ҳали қурилишда ишлар бошланмасданоқ ташкилий-тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар. Аҳоли орасида ирригация тадбирларининг халқ ҳўжалиги аҳамияти кенг тушунтирилди. Вилоят жамоа ҳўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида умумхалқ қурилишига бағишланган куп кишилиқ митинглар ташкил этилди. Ишчилар ва колхозчилар, инженер-техник мутахассислар ва зиёдалар ҳамма жойда Тошсоқа канали қурилиши ҳақидаги хабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Вилоят ва район партия ташкилотларига меҳнаткашлар томонидан халқ қурилиши иштирокчиси бўлиш истаги билан ёзилган куплаб аризалар тушди. Масалан, фақат Хива районида 5 мингдан ортиқ, Қўшқўпир районида 4,5 мингдан ортиқ ана шундай аризалар тушди.⁵³ Бундай ватанпарварлик ҳаракати айниқса ёшлар орасида қизғин тус олди. Вилоят колхозлари ва сув ҳўжалиги бошқармалари халқ ирригация қурилишига ўзларининг энг

қилинган кишиларини, моҳир колхозчиларни,
туташсечеларни ва ташкилотчи раҳбарларни сарфдор
Тошсоқа канали қурилишининг биринчи наъбатига
вилоятдан 33150 киши ва қараш Тошхөвүз вилоятидан
мингдан ортиқ туркман колхозчилари иштирок
Қурилишнинг бу катта армияси вилоят партия ташкилот
раҳбарлигида қўлларида баланд байроқлар ва ширин
транспарантлар кўтариб, ашулалар садоси остида ишга кетди.
Бутун трасса 10 та қурилиш участкаларига, ҳар бит участка
наъбатига прорабликларга ажратилди. Ирригация раҳбарлиги
қулайлаштириш учун участкалар иккита дисстанцияга
бирлаштирилди. Б.Н.Курчавов бошчилигида биринчи
дисстанция Тошсоқа магистрал каналнинг 15 кмда
Ж.Оғашев бошчилиги қилган иккинчи дисстанция
каналининг 15-70 километрнида қурилиш ишларига
қилди.⁵⁶ ҳамма участкаларда қурувчилар учун шарт
турар-жойлар; савдо дуконлари, ошхона, чойхона, кутубхона
даволаниш пунктлари ташкил этилди. Участка ва прораб
уртасида телефон ва радио алоқалар йўлга қўйилди.
воҳани гуллаб яшнатилш ияти билан ишга киришган ҳар
биринчи кунданоқ ўзаро мусобақани жадаллаштириб
ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсата бошлади.
Биринчи бўлиб иш бошлаб юборган Хива ва Хатлон
колхозчилари мислсиз матонат кўрсатиб уч кун ичида дарё
75 метр узунликдаги баҳайбат туғонни бунёд этиб, Тошсоқа
каналини тўсишга муваффақ бўлдилар. Шундан сўнг 19
август ойн охирига келиб бутун Тошсоқа канали трасса
қурилиш ишлари жадал бошланиб кетди. Қурилиш ишлари
кунни янги-янги ташаббуслар туғилди ва зарбдорлик
авж олди. Ўрганч райони колхозчилари қурилиш тўлиқ
муддатидан ун кун олдин, яъни 20 кун ичида Тошсоқа
ташаббусини бошлаб бердилар.⁵⁸ Шу ташаббус ҳамма
меҳнат беллашувларининг асосий шioriга айланди. Тошсоқа
ўзаро мусобақаларининг кенг ёйилиши туфайли меҳнатда
намуна кўрсатган ажойиб қаҳрамонлар етишиб чиқди.
Юсупов, Ўразбой Полвон Авазов, Шермат Полвон Авазов
бошқалар шулар жумласидандир. Улар Фарғоналик
қурувчи Дуран Дўсматов тажрибаси асосида ишлаб,
чиқариш режасини 100 фоизга етказиб бажардилар.⁵⁸ Шу
ўлар Тошсоқа канали қурилишида кенг ёйилган меҳнат
ҳаракатининг ташаббускори бўлдилар. Меҳнатда алоҳида
кўрсатган бундай илғорлар ҳаракати айниқса қурилиш
исстанциясида- Шовот, Гурлан, Манғит ва Тахта участкалари
қизгин тус олди. Оммавий-сиёсий ва ташкилий ишлар

бу участкада қурилиш, тупроқ чиқариш
бараварга ошириб бажарилди. 2-дистанция
беллашувларида қилиб чиқиб бутун қурилиш
табнинг кўча қизил байроғини ўз қўлида сақлаб
Наликда шу дистанция бўйича 700 минг м³
белгиланган топирик трассада биринчи
10 кун олдин бажарилди.⁵⁹ Тошсоқа канали
муратқаб халқчилари 23 сентябрда яъни 25
кун олдин бажарилди. Ана шу қисқа вақт ичида кенглиги 40
м узунлигидаги Тошсоқа магистрал канали
3,5 км узунликда янги айланма канал
Тошсоқа каналлари Тошсоқа магистрал
каналининг 1940 йил 12 март
кунини кенгайтириб 110 м³ сув ўтказадиган
каналнинг биринчи навбатида
Тошсоқа каналнинг биринчи навбатида
тупроқ чиқарилди. 3,5 минг м³ темир-
бетон ва 216 тонна ҳалқа металл конструкцияси

Тошсоқа каналнинг биринчи навбати қурилишини муҳим
шундан. Бунинг натижасида Хоразмнинг бир юз минг
гактар экин майдонида сугориш ишлари тубдан
яқшилади. Шу йилнинг ўзида ўн минг гектар майдонни қушимча
сугориш имконияти рўжудга келди. Вилоятда пахта
сугориш бир йилда 11,6 фозга кўтарилди.⁶¹ Бундан
қўшимча Хоразм меҳнаткашлари вилоятда ирригация
ишлари кўчилиши янада кенгайтириб юбордилар.

1949 йил 12 мартда Марказий Комитети ва СССР Халқ
Министрлари Шайхонинин 1939 йил декабрда "Ўзбекистонда
сугориш ишлари янада ривожлантириш чоралари ҳақида" чиқарган
қарори асосида Хоразмда сугориш ишларининг навбатдаги
навбати аниқ белгиланган бўлди. Жумладан, Хоразмда 200
гектардан ортиқ майдонда сугоришни тубдан яхшилаш шу
йилда Тошсоқа канал қурилиши иккинчи навбатини
башлаш билан Гурлан-Қиличчиёзбой канали қурилишини
ошириш билан боғлиқ бўлиб қўйди.⁶²

Тошсоқа каналнинг Гурлан-Қиличчиёзбой каналлари
билан боғлиқ бўлиб 1949 йилда хужжатлари ишлаб
чиқариш ишларида ҳамда уларни муваффақиятли
таъминлашда тажрибали мутахассислардан
Г.И.Дроздов, Г.О.Хорст, Ж.Оташев, Ёш
Зайнакин, Кусков, Мурабенко, Данико ва
халқчилари бор.

Собиқ ЎзКП Марказий Комитети ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ўзининг 1940 йил 30 январ қарорида Хоразмда навбатдаги халқ ирригация қурилиши раҳбариятининг таркибини белгилади. П.Махмудова бу гал ҳам қурилиш бошлиғи қилиб тайинланди. Яна унинг партиявий-сиёсий ишлар, комсомол ишлари бўйича ва иншоотлар қурилиши ҳамда тупроқ чиқариш ишлари бўйича муовинлари белгиланди. Хоразм ирригация қурилишининг иккинчи навбати Иттифокдаги энг йирик қурилишлардан ҳисобланади. Шуни қайд қилиш лозимки, ўша вақтда қурилиш ишлари икки юз километрлик масофада олиб борилди. Режада мўлжалланган тупроқ ишларининг ҳажми 10 млн.м³ дан, темир-бетон ишларининг ҳажми 10 минг м³. дан ортиқ эди. Иккинчи навбатдаги ирригация қурилишининг умумий қиймати 78 млн. сумга барабар бўлган.⁶³

Хоразмда навбатдаги халқ ирригация қурилишида бир кўз мингдан ортиқ ишчи кучлари, беш юзга яқин инженер-техник мутахассислар, бир мингдан ортиқ пропагандистлар армияси ва бошқалар иштирок қилди. Давлат бюджетидан қурилишнинг иккинчи навбати учун 10,5 млн.сум ажратилди. Яна қурилишга ёрдам кўрсатиш учун бошқа шаҳарлардан Хоразмга юздан ортиқ турли касб мутахассислари юборилган эди.⁶⁴

Ирригация қурилишининг иккинчи навбатини бошлаш ҳақидаги хабар Хоразм меҳнаткашларининг ватанпарварлик ҳаракатини янада кучайтириб юборди. 1940 йил март-апрель ойида Гурлан-Қиличнӣёзбой канали трассасида Хоразм вилоятидан 22 мингдан ортиқ ва Тошҳовуэ вилоятидан эса 3 мингдан ортиқ киши иш бошлади. Трассада 11та қурилиш участкаси тузилди.⁶⁵ Курувчилар ўзаро мусобақаларни жондантириб, зўр ғайрат билан ишга киришиб кетдилар. Улар баҳорнинг ноқулай табиий шароитига қарамай қурилишда тупроқ ишларини 25 кун ичида тамомлашга муваффақ бўлдилар. Шу вақт ичида Хоразмнинг Қиличнӣёзбой билан Мангит-арна оралиғидаги Амударёдан мустақил сув олиб келган 6 та канали тамоман қайтадан қурилди. Қиличнӣёзбойни дастлабки 8 километрлик қисми магистрал каналга айлантирилди. Яна узунлиги 30 км бўлган янги канал-Гурлан тармоғи чиқарилди ва Қиличнӣёзбойга бирлаштирилди. Шунингдек шу зонадаги мустақил Вазир, Тўқсон-арна, Явғи-ёп. Қора-кўз ва Мангит-арна каналлари, қайта қурилиб, улар Гурлан тармоғига қўшилди. Гурлан-Қиличнӣёзбой каналида эса 6 та гидротехник иншоотлари қурилиши ҳам жадал олиб борилади.⁶⁶

Гурлан-Қиличнӣёзбой каналининг қурилиши Хоразм вилоятининг Гурлан ва Мангит районларида, Тошҳовуэ вилоятининг Калинин, Тельмач, Андреев районлари ҳамда ҚҚАССРнинг Қипчоқ райони зонасида жами 41 минг гектардан

зиед майдонда суғоришни тартибга солди ва шу жойда келгусида 20 минг гектардан кўпроқ майдонни узлаштириш имконини берди.⁶⁷

1940 йил сентябрида Хоразм ва Тошховуз вилояти қолхозчилари яна бир муҳим қурилиш - Тошсоқа каналини иккинчи навбатини амалга оширишга муваффақ бўлдилар. Тошсоқада ўтказилган бу галдаги қурилишда Хоразм вилоятидан 50 минг ва Тошховуз вилоятидан эса 22 мингдан ортиқ қолхозчи қатнашиб, улар қурилиш бош штаби ва инженер-техник мутахассислар бошчилигида фидокорона меҳнат қилдилар. Қурилишнинг бориши ҳақида "Тошсоқа канали" газетасида тубандагича ёзилган: "Иш қушиқ, шуҳлик ва мардона қийқириқлар билан давом этмоқда. Ҳар оғизда куй. Бел отувчилар, замбилчилар ҳам куйлайди. Ишлаб туриб бир дам рақсга тушиб кетадилар. Орқада қолишни ҳеч ким истамайди. Ота билан ўғил, она билан қиз ўзишади. Халқ ўз бахт дарёсини уйин кулги билан, мардлик ва қаҳрамонлик билан қазаётир"⁶⁹ Дарҳақиқат қурувчиларнинг ана шундай мардондор меҳнати тугайли Тошсоқа каналида навбатда белгиланган вазифалар бир йил ичида бажарилди. Ўша вақтда Тошсоқанинг ўтган йили қурилган 34 кмлик жойи икки бараварга кенгайтирилди ва чуқурланди. Шу билан Тошсоқа бош иншооти ва магистрал каналнинг сув ўтказиш имконияти икки бараварга оширилди. Эндиликда у секундига 202 м³ сув ўтказадиган бўлди. Магистрал канал атрофида тўпроқ кўтармалари ҳам мустаҳкамланди. Яна Полдон-Ғозовот каналида ҳам кенгайтириш ишлари ва атроф дамбаларини баланд кўтариш чоралари кўрилди. Туркман қолхозчилари 15 км узунликда янги канал чиқариб Шовот каналини Полдон билан бирлаштирдилар. Булардан ташқари Тошсоқа канали ва унинг шахобчаларида 30 га яқин замонавий гидротехник иншоотлар қурила бошланди. Шулардан энг муҳими 44-кмдаги узел иншооти, 67-кмдаги сув ажратиш иншооти, 47-кмдаги шолола ва бошқалардир.⁷⁰ Гурлан-Қиличчиёзбой ва Тошсоқа системасидаги ана шу инженерлик иншоотлари 1941 йил баҳоригача қуриб тугалланган эди.

Худди шундай Хоразм вилояти собиқ партия комитети ва ижроия комитетининг 1940 йил 28 июнь қарорига мувофиқ ички тақсимлаш тармоқларида ҳам қайта қуриш тадбирлари ўтказилди.⁷¹ Бу муҳим тадбир уруш арафасида Тошсоқа ва Ғозовот каналлари доирасида амалга оширилди. Жуда кўп сонли майда қуриқлар янги қурилган умумий узунлиги 110 кмдан ортиқ 12 та ириқ сув тақсимлаш тармоқларига бирлаштирилди. Улар Тошсоқа системасидан сув олади ва бош томони регулятор иншоотлар билан ускунаданган.

Хоразмда халқ ирригация қурилишининг иккинчи навбатида қаҳрамонлик сақифаларига бой. Қурилишда иштирок этган инжандан ортиқ қурувчилар ва инженер-техник мутахассисларнинг беллашувларида ғолиб чиқиб, қурилиш зарбдорчилиги олишга муваффақ бўлдилар. ⁷²

Қурилишнинг бутун республикага донг таратган қаҳрамонидан /Урганч участкаси/ Рахим Ганжаев тупроқ чиқариш нормани 1328 фойзга етказиб мисли қурилишда эришди. У қурилишда ганжаевчилик ҳаракати аталган куп мингчилик ҳаракатининг ташаббусчиси бўлиб, илгор ҳаракатнинг сафни бутун трасса бўйлаб кенгайтириб Гурлан-Қиличчиёзбой канали қурилишининг Мамаз участкасидан 80 дан ортиқ киши, Қўшқўпир участкасидан 200 киши ва Гурлан участкасидан эса 300 дан зиёд ганжаевчилик ҳаракати сафига қўшилди. ⁷³ Қўшқўпир участкасидан Искандар ва Хусайн Полвоновлар Ганжаев услуби, тупроқ чиқариш кунлик нормасини 1700-1800 фойзга етказиб олишга муваффақ бўлдилар. ⁷⁴ Айниқса Ўрозбой Полвонов асосий иш методларидан кенг фойдаланиб, тупроқ чиқаришда курсаткичларни ҳам орқада қолдирди. У жуда ноқудда ишлашига қарамай, зўр ғайрат ва жасорат курсатиб йилда 48 м³ балчиқ лой чиқарди. Нормани 2666 фойзга етказди. Эртаси куни эса у 54 м³ ҳажмда лой чиқариб кунлик нормани 3000 фойзга бажаришга эришди. ⁷⁵ Бу қаҳрамонларнинг ғайрат ва шижоати ирригация қурилишида иштирокчи кишиларни янгидан-янги меҳнат зафараларига етказиб келтирди. Хоразмда халқ ирригация қурилишида тупроқ чиқариш асосан қўлда бажарилди. Айниқса гидротехник ишларни қурилиш тула механизациялашган эди. Шағал тозалаш ва бошқа ишлар махсус механизмлар ёрдамида амалга оширилди. Қурилиш участкаларида кўчма электростанциялар турди. Юк ташиш учун темир йўл излари утказилди. Ирригация қурилишининг фақат иккинчи навбатида жами экскаватор ва экскаватор, 251 та юк автомашиналари, 50 та насос қурилмалари ва бошқа механизмлар тинимсиз ишлатилди. ⁷⁶

1971 йил январда Хоразмда иккинчи навбатда қурилган янги каналлар ва иншоотлар С.А.Тяжелоу ва бошқаларнинг ҳукумат комиссияси томонидан юқори баҳога эриштирилди. Февраль ойи ўрталарида куп минг кишилик қўшқўпир системаларига ҳаёт суви қўйиб юборилди. Тошсўз канал қурилишида алоҳида жонбозлик кўрсатган 5 киши собиқ ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий

билан мукофотланди. 940 қурувчи қурилиш зарбдори фахрий номга сазовор бўлди. Қурилишда зарбдорчасига ишлаган туркман колхозчиларидан 600 киши собиқ ТССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрликларини олишга муяссар бўлди.

Шундан килиб 1938-1941 йилларда Хоразм халқ усули билан қурилган Кипчоқ-Бўзсув, Тошсўз магистрал канали, Полвонов канал, Гурлан-Қиличчиёзбой системаси ҳамда уларда ишлаган яқин йirik замонавий гидротехник иншоотлари қурилиб ишлатилди. Буларнинг барчаси Хоразм меҳнаткашларининг орзуларини рўйга чиқарди. Хоразмда халқ ирригация қурилиш даврида жами 12 млн.м³ ҳажмда тупроқ ишлари, 13 млн.м³ ҳажмда бетон ва темир-бетон ишлари бажарилди. Аҳоли қурилишларида 5 млн.иш куни сарф этди. Ирригация қурилишида бажарилган ишларнинг умумий ҳажми 85 млн.сўмни ташкил этди. Шундан 12.5 млн.сўм давлат бюджетидан, қолгани ишчиларнинг коллектив меҳнати ҳисобига бажарилди. ⁷⁸ Халқ ирригация қурилишида эришилган бу улкан муваффақиятлар юз минглаган ўзбек ва туркман колхозчилари, ишчилар, инженер-техник мутахассислар ҳамда қурилишнинг бошқа иштирокчиларининг қаҳрамонлиги меҳнатини самараси, давлатнинг бу ишда кўрсатган атрофлича ердамининг бевосита натижаси бўлди.

Ирригация системаларининг халқ усули билан тубдан қайта қурилиши жанубий Хоразмнинг ҳужалик ва сиёсий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу тадбир Хоразмда суғориш ишларини тартибга солди, экин майдонларида сув танқислигини тўғатди ва деҳқончиликни гарантияланган мул сув билан тизинлашни яхшилади, суғориш харажатларини кескин камайтириб юборди. Натижада аҳоли оғир ташқи қазув меҳнатидан қўлга бўлди. Каналларнинг бош қисми эндиликда тула механизация ёрдамида тозаланадиган бўлди. Шу билан каналларни тозалашда аҳолининг ҳар йилда сарф этиладиган 2.5 млн.иш куни тежаб қолинди. Хоразмда юқоридаги ирригация қурилишлари билан экин майдонларини чигир ва насосга қараганда жуда афзал бўлган оёқ сув ёрдамида суғориш шароити вужудга келди.

1941 йилда Хоразм вилоятида жами экин майдонининг 80 фоизга оқсуви билан суғорилди. Бинобарин чигир ердамида суғориш 3 фойзга ва насос билан суғориш эса 17 фойзга тушиб кетди. ⁷⁹

Хоразмда ирригация қайта қурилиши билан тозалаш ҳамда суғориш харажатларининг камайиши ҳисобига Хоразм меҳнаткашлари фақат кейинги уч йил ичида 58 млн.сўм

маблағни тежаб қолдилар. Бу эса уларнинг ирригацияни қуришда сарф этган харажатиға деярлик баробар эди.

Хоразмда халқ ирригация қурилишининг муҳим шучдаки, бу тадбир воҳанинг 200 минг гектардан майдонида суғоришни тубдан яхшилади. Фақат йил ичида жанубий Хоразмда суғориладиган экин минг гектарга, шу жумладан Хоразм вилоятида 15,2 гектарга кенгайди. Пахта ҳосилдорлиги ҳам тобора борди. 1941 йил охирига келиб 80 минг гектар майдонининг ҳар гектаридан 14,6 центнердан ортиқ пахта олинди.

Дарҳақиқат, Хоразмда уруш арафасида утказилган ирригация қурилишлари вилоятнинг келгуси порлоқ истисол учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

4. 1925-1940 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ МАОРИФИ, САНЪАТ, АДАБИЁТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

МАОРИФ. Республика даврида Хоразмда маориф ривожланиш соҳасида рўй берган янгиликлар ҳақида, жумлаи янги типдаги мактаблар, семинария ва интернатлар таълим уқитувчилар тайёрлаш ва саводсизликни тугатиш қисқа муҳлат курслар очилганлиги ҳақида сўз юритган эдик.

Бу жараён кейинги "социализм қурилиши" даврида ҳам давом этди. 1924 йилда Ҳазорасп, Қўшқўт, Янгиариқ, Шовот туманларида янги меҳнат-иш мактаблари, Урганчда фабрика-завод таълими мактаблари очилди. 1925 йилда Хива, Урганч, Қорамон, Гўжа, Ғойбу, Дурғадик, Янгибозор, Эшонбозор, Қораянтоқ, Тозабозор, Чигатой, Мингбозор, Дўсимбий, Қиличбой каби шаҳар ва қишлоқларда ҳам қишлоқ равишда меҳнат-иш мактаблари фаолият бошлади.

1925-1926 ўқув йилида 15 та диний мактаб қайта таълим этилиб янги усул мактабига айлантирилди. Ундан ташқари қанча махсус ўрта таълим ўқув юртлари, жумладан, мактаби, педагогика билим юрти, хотин-қизлар педагогика техникуми, қишлоқ-ҳўжалик техникуми ва бошқа меҳнат масканлари ҳам фаолият кўрсатиб турди. 1929 йилга келиб воҳадаги барча диний мактаблар тугатилиб, улар ўқув мактаблари эгаллади.

Собиқ СССР МИК ва Халқ Комиссарлари совети йилнинг 30 августида "Умумий мажбурий бошланғич таълим

тўғрисида" қарор қабул қилди. Бу қарорга асосан мамлакатнинг барча жойларида 1930-1931 ўқув йилдан бошлаб 8-10 ёшдаги болалар учун тўрт йиллик бошланғич мактаб ҳажмида умумий таълим жорий этилди. 1932-1933 ўқув йилида Хоразм округида 202-та бошланғич мактаб, 4 та туликсиз ўрта мактаб мавжуд эди. 1940-41 ўқув йилига келиб мактаблар сони 354 тага кўпайди, шу йилида 172 та бошланғич, 152-та етти йиллик ва 30 та ўрта мактаб бор эди. 1938 йилда катталар учун махсус 21 -та умумий таълим мактаби ҳам очилди. 1939 йил сентябрига келиб уларнинг сони 41-тага, ўқувчилар сони эса 2029-тага етди.

Шундай қилиб, мактаблар ва унда ўқийдиган йигит-қизлар йил сайин уса борди. Агар 1924/25 ўқув йилида умум таълим мактабларида 1341 ўқувчи, 1932/33 ўқув йилида-13814, 1939/40 ўқув йилида 65070 ўқувчи таълим олди.

Аста-секин ўқитувчилар сони ва сифати ўсди, мактабларнинг моддий имкониятлари кенгая борди.

Ўсиб бораётган мактабларни олий даражали ўқитувчилар билан таъмин қилиш мақсадида Урганч шаҳрида 1935 йилда ўқитувчилар институти ташкил қилинди. Бу институт учун 1939 йилда икки қаватли ўқиш биноси ҳам қурилиб ишга туширилди.

ТЕАТР. Хоразм округи Ижроня Кумитасининг 1927 йилги ҳисоботида кўрсатилишича 1925 йилда Хоразм давлат бюджети ҳисобида 5-та клуб, битта театр фаолият кўрсатган. Клублар қошида музика драматик тугараклари ишлаб турган. Хоразм вилояти партия архиви фондларида сақланаётган ҳужжатларда ўрта драматик, музика ва битта хор тугарагида 107 та ҳаваскор ва халқ санъаткорлари иштирок қилганликлари таъкидланади. Ўша 1925 йилнинг фақат май ойидагина Урганч шаҳар бадийи ҳаваскорлик тугараклари кучи билан 23 та концерт берилганлиги хабар этилади.⁸³

Хоразм округи Ижроня Кумитаси 6 сентябрь 1923 йилда "Барча театр жамоаларини, кинотеатрларни маҳаллий солиқлардан қўчи қилиш" тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор вилоятдаги барча театр тугаракларининг иш фаолиятини янада жонлантириб юборди. Хивадаги ҳукумат театри; "ёшлар сайёр театри", педагогика билим юрти қошида тузилган ҳаваскорлик тугараги, Урганч шаҳридаги 1-май клуби ва "Қизил Октябрь" заводи қошидаги театр уюшмалари Хоразмнинг истеъдодли кишиларини бирлаштирди ва улар кейинчалик халқ театри фаолиятинда фаол иштирок қилдилар.

Ўша даврда Хоразмда иккита Урганч ва Хива халқ театрлари шаклланиб ва фаолият кўрсатаётган эди. Ҳар бир туманда

труппалар, клублар қошида ҳаваскорлик тўғараклари ишлаб турдилар.

Халқ театрлари ижодкорлари Матюсуф Харратов, Чокор, Са-
Муғанний, Комил Девоний, Мадрахим Ёқубов, Шерозай
Матёқуб Отажонов, Ҳожихон Болтаев, Аҳмаджон Қадирова
Самандар Сарайманов, сахна устаси Абдулла Исмаилов, Ойиб
Сафаева, Худайберган Деванов ва бошқа машҳур санъат
драмматик тўғаракларнинг ишларига ҳам раҳбарлик қилдилар.

1927-1929 йиллар Хоразмда драмматик театрлар
тўғаракларнинг ташкилий жиҳатдан мустақамланиб, улар
репертуарлари янги асарлар билан бойиб бораётган давр эди. Бу
даврда давлат театрларида ва драмматик тўғаракларда Хамза
"Тухматчилар жазоси", "Ғолибият", Абдулла Қодирий "Бахти
куёв", Бехбудийнинг "Падарқуш", Чулпоннинг "Ёрқин"
Г.Зафарийнинг "Ҳалима", А.Навойнинг "Лайли ва Мажнун"
"Фарҳод ба Ширин" асарлари асосида ишланган шунинг
драмматик асарлари санъатлаштирилиб халққа курсатилди. Маълум
марказ 1929 йилда Хивадан Урганчга кучади. Урганч шаҳрида
давлат театри ва уни етарли мутахассис кадрлар билан
таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилади. Бу ҳақда "Иш
қуёши" газетаси шундай хабар берган эди: "Бугун Урганч санъат
ишининг қалдирғочи бўлиб қанот қоқа бошлади. Маҳаллий
ташкilotларнинг ташаббуси билан Урганчдаги сахна ҳаваско
ларини бир марказга йиғиб, улардан штатдаги труппа ташки
қилинади.⁸⁴ Орадан кўп вақт ўтмай ўша газета: "Урганчда давлат
драмма концерт труппаси тузилди", - деб хабар берди. Бу труппа
январнинг ўрталаридан иш бошлади. Труппани иқтисоди
жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 22 минг сўм пул ажратилди.⁸⁵

Урганч давлат театри билан бир қаторда Хивада ҳам давлат
театри ишлаб турди. Урганч давлат театрининг оёққа туриши ва
ривожланишида Тамарахоним, Зухур Қабулов, Пулатжон
Рахимов, Акбар Муҳаммадов, Юсуфжон Дадажонов, Ваҳоб
Фаёзов каби машҳур санъаткорларнинг хизматлари сезиларли
бўлган.

Урганч давлат театри моҳир артистлар, ашулачилар ва
раққосалар тайёрлаш мактаби бўлди. Булар орасида Бибижон
Девонова, Матниёз Юсупов, Раззоқ ота, Матчан Худайберганов,
Ражаббиги Байжонова, Маҳмуджон Сафаев, Қаландар Байжонов,
Онабиги Сафаева, раққосалар Розия Абдурахманова, Ойиб
Каримова, Уразгул Ғойинова, А.Маҳмудова, О.Рузматова,
Х.Раҳмановларнинг ижрочилик санъатини алоҳида қайд қилиш
ўтиш мумкин.

30-йилларда Хоразмда халқ қўшиқлари, мусиқаси ва рақс
езиб олиш ишн бошланди. Матюсуф ва Матёқуб Харратов

Сафо Муғанний, Комилжон Исмоилов-Девоний, Бибижон Девоннов ва бошқаларнинг ашулалари пластинкага туширилди. Хоразм мусиқасига оид бир қанча рисоалар чоп этилди. Фахриддин Розийнинг XII асрда форс тилида ёзган мусиқага доир асари ўзбек тилига ўғирилди. 1935 йилда Хоразм қушиқлари ва мақомларидан 48 намуна ўрганиш учун тайёрланди. Ўша йили округ давлат театри қошида "Ёш томошабинлар театри" ташкил этилди.

30-йилларда Хоразм театрларида "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Ҳалима", "Ғариб ва Шохсанам", "Гулсара", "Аршин-мил-олон", "Уйланиш", "Исён", "Ниқоб йиртилди" каби спектакллар намоиш этилди.

1937 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ун кунлиги декадасини ўтказиш ҳақида қарор қилинди. Бу хабар адабиёт, санъат аҳллариининг ижодий қобилиятини намоиш қилиш учун бир синов вазифасини ўтар эди. Шу муносабат билан 1936 йилнинг 26 июлидан 10 августигача Урганч шаҳри ва барча туманларда декада иштирокчиларини танлаш мақсадида танлов фестиваллари ўтказилди. Бу танлов фестивалларда Хоразм округи ҳаваскорлик тугарақлари, труппалар ва давлат театрлари жамоалари қатнашдилар. Натижада Сафо Муғанний, Мадраҳим Ёқубов-Шерозий, Раҳим Оллаберганов, Ўрозгул Ғойинова, Худак Курбонов ва бошқа атоқли санъаткорлар танлаб олинди. Шоирлардан Сафо Муғанний, Комилжон Исмоилов-Девоний, Матюсуф Харротов-Чоқар, ва Ота Махсум Муҳаммад Латиф ўғли-Партавларнинг иқтидори ва талантига бутун Ўзбекистон қойил қолган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев уларни Москвада ўтказиладиган ўзбек адабиёти ва санъатининг ун кунлигини тайёрлаш мақсадида Тошкентга чақиртиради.

Сафо Муғанний Хоразм халқ қушиқлари негизига бир қанча инсценировкалар яратди. У ҳам мусиқачи, ҳам ашулачи, ҳам шоир эди Сафо Муғанний, Чоқар, Комилжон Девоннов, Партавлар узлари ёзган шеърларга узлари куй басталаб, уни биринчи бўлиб халқ ўртасида ижро этганлар.

Чоқар ва Б.Раҳмонов ҳамкорликда "Хоразм мусиқаси тарихи" номли китоб ёзиб, 1925 йилда Москвада нашр этади. Чоқар отаси Матёқуб Харротов билан ҳамкорликда 30 дан ортиқ Оврупача куй яратади. Унинг "Колхоз куйи", "Ғайрат пахтага", "Пахтани теринг", "Қизил аскар", "Мудофаа марши", "Қизил қушин", "Зиндабод деҳқоний" каби ашулалари — шулар жумласидандир.

Хоразм театр санъатини ривожлантиришда, Хоразм халқ ашулаларини тўплаш ҳамда маҳаллий санъаткор каллар тайёрлаш

борасидаги хизматлари учун Чокар 1944 йилда "Ўзбекистон хизмат курсатган санъат арбаби" унвонига сазовор бўлди.

30-йилларнинг охирларида вилоятда хотин-қиз гармончи ансамбли ташкил этилди. Бу ансамблга 15 нафар қиз-жувоқ жалб қилинди. Улар орасида машҳур гармончи Сарафот таниқли санъаткор Онажон Сафаевалар ҳам бор эди.

Вилоятда вужудга келган театрлар, труппалар, ансамбллар ҳаваскорлик тўғраклари жамоалари халққа сидқидилдан хизмат қилиб, унинг маданий савиясини оширишда катта ҳисса қўшди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, 1925-1941 йиллар мобайнида Хоразм театр санъатини, жумладан ашулачилар раққосчилиқ санъатини ривожлантиришда, вилоят республикада танилган санъаткорларни тарбиялаб вояга етказиш борасида кўп ишлар қилинди.

Шу йиллар давомида улкада машҳур шоирлар, ёзувчилар сахна усталари етишиб чиқди. 1928 йилда Хоразм округи ёзувчиларини бир ташкилотга бирлаштириш мақсадида "Қизил қалам" ташкилотининг Хоразм бўлими ташкил этилди. 1934 йилдан эса Ўзбекистон ёзувчиларининг Хоразм бўлими сифатида иш олиб борди.

Хоразм меҳнаткашларининг маънавий-маданий савиясини оширишда маҳаллий матбуот ва радио кумитасининг хизматлари ҳам сезиларли бўлди. 1937 йилдан бошлаб вилоят радио кумитаси эшиттиришлар бера бошлади. "Инқилоб қуёши", "Хоразмская правда" ва туман рузномалари меҳнаткашларни кўндалан-кўндал янгиликлар ва хабарлар билан таништириб бордилар.

КИНО САНЪАТИ XX аср бошларида санъатлар ичида кинё санъати муҳим урин эгаллай бошлади. Хоразмда санъатнинг бу турини вужудга келиши ва ривожланиши машҳур фотограф Худойберган Девонов (1878-1940) номи билан боғлиқдир. У асримизнинг бошларида Хивага келган Оврупалик санъаткордан фотоаппарат сотиб олади ва тез орада машҳур фотосуратчи бўлиб етишади. Худойберган Девонов 1908 йилда Петербургга боради. "Ҳаракатланувчи фото" билан қизиқиб қолади. У Петербургда бир неча ой бўлиб, "Ҳаракатланувчи фото"нинг сирларини ўрганади. Хоразмга қайтиб келгач, у ўзбек киносининг дастлабки ленталарини суратга ола бошлайди. 1913 йилда Х.Девонов Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафарга жунайди. Сафар давомида "Ўрта Осиё архитектура ёдгорликлари"ни кинога олади, кўпгина қишлоқ ва шаҳарларнинг ҳаётини ифодаловчи эпизодлар яратади. Х.Девонов инқилобдан илгари "Туркистон кўринишлари", "Хива ва хиваликлар" кейинчалик эса "Қазув", "Чиқир", "Ўйингир", "Қўстар усулда бўз тўқиш", "Пахта териш" каби

Сизлар учун қанча ишлар қилинди,
Уйғон хотин-қизлар замон сизники!

Шоир ушбу мисралар орқали мазлумаларни янги ҳаёт барпо
ушун уларнинг куч-қудратларига ишонч билдириб, актив
курашга чақиради.

Онажон Сафарова эса "Битсин паранжи" номли шеърда
ўз замондошларининг қайғуси, алами, изтироби, ҳувончи ва
шодлигини ўзига хос бўёқларда тасвирлаб бера олган:

Паранжи солишнинг замони ўтди,
Энди хотин-қизлар даврони етди.
Паранжилар борса-кедмасга кетди,
Мен ташладим энди битсин паранжи.

Онажон Сафарова 1921 йилдан эътиборан совет ташкилот-
ларида актив иш олиб борди. Уша йили Хива шаҳрида
ташкил этилган хотин-қизлар артелига бошчилик қилади. 1922
йили XXСР Марказий Ижроия Кумитаси қошидаги хотин-
қизлар бўлимининг мудир, ВЧК га аъзо бўлиб, от миниб,
пистолет тақиб душманларга қарши кураш олиб боради.

У хотин-қизлар ичида партиявий иш олиб боришда,
клубларни, комсомол ячейкаларини ташкил қилишда фаол
қатнашади. Хоразмда 1921 йилдаёқ паранжи ташлаган
жамоатчи Онажон Сафарова 1940 йилдан бошлаб ҳукумат
томонидан умрлик пенсия билан таъминланади. Шоира 1955 йили
70 ёшида вафот этади.

Ҳаётда кишилар турмушида рўй бераётган ҳар бир ўзгариш ва
янгилик шоирларимизни илҳомлантирди. Уларнинг ижодида бу
ўсиш ва ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда янги-янги мавзудаги
асарлар вужудга келди. Айниқса, индустриялаштириш, қишлоқ
хўжалигини коллективлаштириш, маданий инқилоб, ватанпар-
варлик, тинч ижодий меҳнат каби мавзуларни кўтариб чиқиш ва
уни бадий шаклда ифодалаш Сафо Муғанний, Комил Девоний,
Роғиб, Партав, Ожиза, Нуриддин Қаландаров, Умар Қурбоний,
Қурбон ота Исмоилов, Онажон Сафарова каби шоирларнинг
ижодларидан муносиб ўрин олди.

Сафо Муғаннийнинг "Колхозчи зарбдорлар" шеъри, Партавнинг
"Оқ олтин", "Очил-очил", "Теримчи қиз", "Ўлкам", "Пахтазор
ичида" каби бир қанча асарлари шу темага бағишлангандир.

Партав қўшиқчи шоир эди. Унинг деярлик барча шеърлари
халқ созандалари томонидан куйга солиниб ашула қилиб айтилиб
ёқинмоқда. Шулар жумласидан "Олқиш", "Унутма", "Меҳнат",
"Чаманзор Ватан", "Лаҳза-лаҳза", "Теримчи қиз", "Яхши", "Оқ

олтин", "Хуш келдинг", "Ўзбекистон", "Пахтазор ичинда" каби қушиқлардир.

Ўзбек адабиёти 30-йилларга келиб янада ғамолат босқинчига кутарилди. Бу даврда ўзбек адабиётида проза жанри эндигина шаклланиб келаётган бўлиб, уни ривожлантириш учун Хоразмлик ёзувчилар ҳам бир мунча улуш қўшдилар. Инқилобдан кейинги даврларда Хоразмда "Кичик проза" тасаввур ривожланди. Афзал Тохиров, Қурбон Берегин, Умар Қурбоний, Шариф Оллаёров, Эшмурод Деванов, Мадамин Ёқубов, Матёқуб Абдуллаев сингари ёшлар бу соҳада ижод қилдилар. Уларнинг асарлари республика матбуотида, адабий тўпламларда ва алоҳида нашрларда чоп этилди. Афзал Тохировнинг "Тошқин дарё" повестида гражданлар урушида иштирок этган, кейинчалик армиядан бушаган бир йигитнинг сургузаштини ифодалайди. Қурбон Берегиннинг "Олма отиш", /1926/, "Чақир тикан", "Шодликли кунлар" /1929/ каби хикояларида ўтмиш сарқитларини қоралаш, инсон қадр-қимматини улуғлаш, давримизнинг моҳияти, унинг мазмунини ифодаланган.

Шариф Оллаёров "Озодлик сари" хикоясида ўтмиш Хоразмнинг феодаллари эшигида хизмат қилиб, қийин умр ўтказган меҳнаткашларнинг аянчли тақдирини ифодалайди. Ота-онасидан етим қолган қиз Гулбика образи орқали ёзувчи бахтиёр ҳаётга эришган мазлумалар тақдирини кўрсатиб беради.

Умар Қурбонийнинг "Эшвой ака ким эди, ким бўлди?" /1927/, Сарсанбоевнинг "Қора кунлар ичидан" /1927/ хикояларида Эшвой ака ва Комилжонларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли орқали кишилар онги ва турмушида содир бўлган ўзгаришлар ифодаланган.

Хоразм ёзувчиларининг хикоя, очерк, фелъетонлари республика газета ва журналларида, "Инқилоб қуёши" округ газетасида мунтазам равишда чоп этилиб турди.

Умар Қурбонийнинг "Ароқхўрларга ҳадя", "Ароқхўр ҳасрати", Шариф Оллаёров-Ғазанданинг "Еруғ кучда туманли гавда", "Ойдин кечада қоронғу куланкалар", "Бўйра устида гавда" каби шеър, хикоялар ва фелъетонларида алкоғолизмга берилиб кетган шахслар; хушомадгуй, мансабпараст, юлғич кишилар, савдогар бойваччалар ва шу каби одамлар ўткир ҳажв қилинади.

Афлотуннинг "Ҳўй почта" номли ҳажвий шеърда залока корхоналаридаги юз бераётган нуқсонлар ҳажв қилинди.

Шундай қилиб, Хоразмлик ёзувчилар ўзларининг юмартлиги ва сатирик асарларида кишилар онгида сақланиб келаётган эскилик сарқитларига, феодализмдан мерос бўлиб қолган ярамас иллатларга, давлат ва жамоат мулкига нисбатан хиёнаткорона муносабатда бўлган шахсларга, хотин-қизларга нисбатан соф-

муносабатда бўлувчи кишиларга қарши кескин
бордилар ва умузбек сатирасини ривожлантиришда
хисса қўшдилар.

Бу давр Хоразм адабий муҳитида поэзия билан бир қаторда
роман, драма, проза, роман, драматургия жанрлари ҳам ривожланди.
"Пўлат" /1935/, "Саодат" /1939/, "Яширин душман"
"Тошқин дарё" /1930/ каби повестлар, "Қилич" ва
"Тошқин" каби тарихий романлар яратилди. /Афзал Тоҳирӣ,
"Шарунов", драматургияда халқ оғзаки ижоди асосида
"Ошиқ Ғариб ва Шохсанам" аа Хоразм турмушидан
ёзилган "Пастдан кутарилганлар" номи остида уч парда,
кўринишли драматик асарлар майдонга келади.

СОҒЛИКНИ САКЛАШ. Вилоятда халқ соғлигини сақлаш
маъмурияти ҳам маълум даражада эътибор берилди. Урганч ва Хива
шароитлари ва туман марказларида касалхона ва поликлиникалар
қурилди. Агар инқилобга қадар Хоразм воҳасида бори-йўғи
та Хивадаги касалхона бўлган бўлса, 1940 йилга келиб
касалхоналар сони 21 тага етди, улардаги ўрин-каравотлар сони
жа 1-2 тадан 682-тага кўпайди. Ундан ташқари 1940 йилда
вилоятда 13-кўпроқ хот-ин-қизлар, болалар консультациялари ва
поликлиникалар мавжуд бўлган.⁸⁶ Ўша йили вилоятда барча
тиббиёт мутахассисликлари бўйича 73-та врач, 430-та ўрта
тиббиёт ходимлари халққа хизмат курсатган.⁸⁷

5. СУРГУН-ҚИРҒИН ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ

Сталин шахсига сиғиниш ва унинг вужудга келтирган
маъмурий-бюрократик, буйруқбозлик тизими ҳозирги кунда ҳам
катта мунозара ва баҳсларга сабаб бўлаётган муаммолардан
биридир.

Маъмурий-бюрократик, буйруқбозлик тизим ва Сталин
шахсига сиғиниш тахминан 30-нчи йиллар бошларида вужудга
келди. Бу тизим кейинги йилларда янада ривожланиб
мустаҳкамланди ва шўролар ҳокимиятининг охириг қунигача
шўро башқаруви сиёсатининг асосий услуби бўлиб қолди.

Республикада мустақилликка эришган ва бозор
иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий жамияти қураётган
ҳозирги шароитда ҳам маъмурий-бюрократик, буйруқбозлик
тизимининг қолдиқлари ишимизда катта тўсиқ бўлиб келмоқда.
Ушунинг ани шу ярамас иллатини батамом бартараф
қилишга муваффақиятли олға томон силжиш қийин бўлади.

Сталин шахонь демократиянинг бузукда келиш и
1917 йил сентябрда рўй берган оқ террорга
болшевиклар эълон қилган диктаторлик қизил террорга
тоқалати. Ушш ўша заурда пролетариат диктатурасининг
сотанлари бўлиши миллати ва ВЧК /Бутун Россия
миссияси/ тузилган эди. Ушш атанган йилларда
ҳокимияти тушимиларчи деб ҳисобланган гишиларга
курашда, уларни қаралаш ва яшашда қонуний чоралар
бир қаторда қонунга хилоф бўлган қарорлар ҳам қабул
эди.

ВЧК ва милиция органлари сафига соф аниқ
адолатпарвар кишилар билан бир қаторда нопок, мансобоқ
ошмига шахонь органларнинг орттиришини мақсад қилиб
кишилар ҳам кириб қолган эдилар. Уларнинг
ниятларини амалга оширишда улар ҳеч қарсадан тоқилар,
хатто минг-миляб софил ошмиларни сотуноқ
бўлишига сабаб бўлидилар.

1917 йили октябрь инқилоби эвронликча эвселанин эди.
Ўзининг махсус қонунарига тегинган, октябрь инқилоби,
гражданлар уруши ва "Ҳарбий коммунизм" сиёсати йилларда бул
қурилган қонунсизлик ва эвронликларга тинч ҳушлик
қурилишга ўтиш чек қурилиши зарур эди. Бундан
бундай бўлмади. Сталиннинг "социалистик қурилиш шиж
сари сикфий кураш ҳам қулайиб боради" деган нотўғри қонунга
амал қилган мажбуриятлари ошмича қотогонни янада
кучайтириб юбордилар.

1920 йиллар охирида мамлакат экономикасини бошқаришдаги
бул қурилган ҳаттоқча ва кишиларни бекитиш мақсадида
саноат соҳасидаги "хокимиятлар", уларни фаш қилиш сиёсати
бошлаб юборилди. Бу тал қотогон машинаси қилдираги остига
техник ашёлар вакиллари тушиб қолдилар. 1928 йилдаги
"пахта иши", "Промбастил" деб номланган компанияларни бунга
мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бир қаторда Сталин
бошчилигидаги раҳбарият коллективлаштириш даврида
экономикда қарши жаҳо чораларини уюштирди. Мингдан
деҳқон оилалари "КУЛОҚ" қилиниб узоқ Сибирга ва Уралга
сурғун қиланди. Сурғун қилинган деҳқонларнинг аксарият қисми
қарчилиқдан, сибирин совуқдан, одам чндаб бўлмайотган
қўмуш шифақ эди ҳалок бўлдилар. Бундай мудриқ сиёсат
экономикани ҳам қотогон ўтгани йўқ, албатта. Қулоқларин.

* Бу бекдан русчада ўқилганга проф. М. Матвеевнинг таржимаси асосан.

деҳқонларнинг сир сиратида тугатиш сиесати
деҳқоннинг асосий пахтачилик ҳудудларида ўтказилди.
бу маълумотларга кура Ўзбекистонда уша йилларда 40
дан ортиқ деҳқон хўжалиги қулсқ қилинган.
бу хўжаликларини зуравонлик қили билан
қилиштириш, уларни от улови, туя ва қўнлар ҳамда бошқа
ҳайвонларини тортиб олиб жамоаларга бирлаштирилиши кенг
қўлланган. норозиллигини кучайтириб юборди. Бу норозилик
деҳқон беш йилларда "босмачилик" деб ном олган ҳаракатда ўз
қилиништи.

Совет Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби Акмал
Маматовнинг таъкидлашича, 1931-1932 йилларда республикада
деҳқон эиёд "босмачилар" отрядлари мавжуд бўлиб, улар 164
деҳқонга колхоз тизимига қарши халқ исёни уюштиришга ҳаракат
қилишди. Бу исёнларда 13000 дан ортиқ киши иштирок этган.
Деҳқонлар оммасининг колхоз тизимидан умум норозиллиги чорва
ҳайвонларини ёппасига қирғин қилиш ҳаракатида ҳам намоён бўлди.
1934 йил сентябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон компартияси
Марказий Кўмитасининг Пленумида қайд қилинишича, Ўрта
Осиёда отлар сони 33 фоизга, йирик шохли моллар сони 50
фоизга, қўйлар сони эса 67 фоизга камайиб қолди.

Хоразм вилоятидаги аҳвол ҳам Ўзбекистоннинг бошқа
ҳудудларидан фарқ қилгани йўқ. Шу билан бирга Хоразм
вилоятининг айрим ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Гал
шундан, Хоразм асрлар давомида мустақил давлат сифатида
қилиб қолган. Бу ерда деҳқончилик ўзининг ўзоқ анъаналарига
эга бўлган.

1920 йилда Хоразмда инқилоб ғалабаси феодал ер эгаллигига
катта зарба берди. Ерсиз ва кам ерга эга булган деҳқонлар ерли
ва от-уловли бўлиб қолдилар. Деҳқонларнинг бойларга ва
заҳурларга булган қарзлари бекор қилинди. Ер олган деҳқонлар
ёқоқда яққа хўжалик бўлиб ажралиб чиқмасдан ердан, сувдан
ва қўнлардан биргаликда, жамоа бўлиб фойдаланишни давом
қилиштирдилар. Бу жамоа хўжаликлари тузишни анча
қилиштирди. НЭП /Янги иқтисодий сиесат/ йилларида
Хоразмда гарчи озчиликчи ташкил қилсалар, катта ер эгалари
қилиб бўлди. Кишлоқ аҳолисининг 5 фоизини ташкил этиб,
шундай хўжаликларнинг ҳар бири 50 десятинагача ерга эга эди.
бу ёлланма меҳнатдан фойдаланганлар ва турли йўللар
билан камбағал деҳқонлар қилидаги ерларни ўзларига ўзлаштириб
қилишди.

1928 йил 2 декабрда собиқ Ўзбекистон ССР МИК / Марказий Ижроия Кўмитаси / женгаши "Хоразм округида ердан фойдаланишнинг йирик шаклларини тугатиш тўғрисида" қарар қабул қилди. Бу декрет Хоразмда коллективлаштириш хўжаликлари ташкил қилиш /нинг бошланишидан даражаси берилди.

1929-1930 йиллар мобайнида 532 хўжалик ўз меҳор ҳисобига яшамаётган деб эълон қилинди. Улардан тўртб олти мулклар янги ташкил қилинган жамоа хўжаликлари натижасида берилди.

1931 йил Хоразм округида 813 колхоз тузилди, уларнинг деҳқон хўжаликлари бирлаштирилди. Суғориладиган майдонларининг 95.5 фоизи колхозлар ихтиёрига берилди.

Колхозлаштириш жараёнида жиддий камчиликлар хатоликларга йўл қўйилди. Кўп ҳолларда ихтиёрийлик принциби бузилиб, зуровонлик қилиш, баъзан норози бўлган деҳқонлар қамоққа олиш ҳоллари ҳам бўлди. Албатта йўл қўйилган хатоликлар, қонунсизликлар ҳақ оммаси норозилигини кучайтириб юборди. Колхозлаштириш сиёсатига қарши чиққан айрим жойларда ҳатто қуроли тўқнашувларга айланиб кетди. Шу ролар томонидан "Босмачилар" деб аталган ҳаракат авж олиб, 1931-32 йилларда Хоразм вилоятида 20 га "Босмачилик" октябрлари ҳаракат қилган. Қайтадан авж олган фуқаролар уруши натижасида минглаган кишилар нобуд бўлди. Кўп қишлоқларга ўт қўйилди, моддий қадриятлар вайрон қилинди.

Колхозлаштириш тугаллангач деҳқонлар бошига яна мушбатлар тушди. Шошма-шошарлик билан тузилган колхозлар тартиб-иътизом бўлашди, бебошлик ҳўкм сураб эди. Улар от-улов, уруғлик дон етишмасди. Колхозлар етарлича галлар қанд, чой, ёғ ва бошқа зарур озиқ-овқат маҳсулотлари таъминланмаган эди. Бу ҳол кишиларни бази бир маҳсулотларни уғирлашга мажбур қилди. 1932 йил август ойида собиқ СССР Марказий Ижроия Кўмитасининг "Социалистик мулкчиликни мустаҳкамлаш тўғрисида" махсус қонун қилинди. Бу қонунга мувофиқ 12 ёшдан юқори бўлган фуқаролар агар колхоз даласидан битта буғдой бошогини олган бўлса "Халқ душмани" деб эълон қилинди, улар 10 йилдан ортиқ қамалган жазосига, ҳаттоки отувга ҳўкм қилинадиган бўлди.

Шу қонун Хоразмда ҳам жўда кўп кишиларнинг умрига етказди. Масалан, Урганч тумани Чакка-Шоликор киши яшаган, эндигина 15 баҳорни курган Эшчанов Хожи 1932 октябрь ойида колхоз аравасини бир гилдирагини уғирлаш учун 5 йил муддатга қамоқ жазосига ҳўкм қилинди. 1937 йил эзида у қамоқдан қутулиб уйида бир ҳафтача яшади, ҳалос. Тез орада шу ролар ҳокимиятига қарши тарғибот тартибига

қайтариб яна 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига жунатилди. Ана шу вақт ичида тақдир уни турли лагерларда, ҳатто узоқ Шарқдаги лагерига етаклади. Ниҳоят қамоқдан озод бўлиб, 1949 йили уйига эсон-омон қайтиб келди. Лекин энг даҳшатлиси Ҳасанбон ота-онасини дийдорини кўришга муяссар бўлолмади. Улар фарзанд йўлига кўз тикиб аллақачон оламдан ўтган эдилар. Ўша кейинчалик ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, Ҳасан Ишчанов ҳақиқатдан ҳам ноҳақ айбланган, бегуноҳ қамоқда ўтирган. Хоразмда ана шундай бегуноҳ жазоланганлар сонини кўп эди.

Сталинча сургун қирғиннинг учинчи босқичи 1934 йил декабрида партия Марказий Кўмитаси ва Ленинград обкомининг котиби С.М.Кировни ваҳшийларча ўлдирилиши билан бошланди. С.М.Кировнинг ўлдирилиши Сталинга номаъқул шахсларни ёппасига қувғин қилиш учун бир баҳона бўлди. Жиноят қидирув органларига дарҳол, 10 кун ичида прокурор ва адвокатсиз шубҳа қилинган кишиларни айблаш ва жиноий жавобгарликка тортиш ишларини амалга ошириш тўғрисида алоҳида кўргазма берилди. Шубҳа остига тушган одамлар ва уларнинг қариндош-уруғлари томонидан кечириш ҳақида ёзилган шикоятлар инobatга олинмади. Айбномалар дарҳол амалга оширилди. Ўша даврда НКВД қошида прокурор ва суд органлари вакилларидаан учлик /тройка/ деб аталган алоҳида гуруҳ тузилиб, жиноятчи деб топилган одамлар дарҳол отувга ҳукм қилинди.

1934 йилда ОГПУ /бирлашган давлат сиёсий бошқармаси/ ўрнига НКВД /ички ишлар халқ камиссариати/ тузилди. Бу органларга галма-гал Г.Ягода, К.Ежов, Л.Берия каби нопок шахслар раҳбарлик қилди. Бу раҳбарларнинг ўзлари ҳам кетма-кет қотоғон машинасининг ўлжасига айланиб, отиб ўлдирилдилар.

1935 йил 10 апрелда Сталин таклифига мувофиқ 12 ёшдан катта бўлган барча СССР фуқаролари жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида қонун қабул қилинди. Сталиннинг таклифи билан айбланганларга нисбатан ҳақ-ноҳақдан жазо бериш, уларни дўппослаш, қийнаш ва шу йўл билан айбсизни ҳам айбдорга айлантириш услуби жорий қилинди. Шу тарзда қонунсизлик қонуний, тус олди. 1935 йилга келиб аксил инқилобий жиноятлари учун /террор, шпийонлик, ватанни сотиш/ 5 минг киши ва шўроларга қарши тарғибот юргизганлиги учун эса 30 минг киши айбланди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Даҳшатли 1937 йил Сталин ўзбошимчилигини юқори чуққисига кўтарилган йили бўлди. Фарба бу воқеа "Сталиннинг катта террори" ёки "Буюк подонлик" деб ном олди. Фарба таъқиқчиларининг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда 1936-1939 йиллар мобайнида собиқ СССРда 7 млн. киши қамоққа олиниб,

шундан 3 миллиони отиб ўлдирилган ёхуд қamoқ лагерларида ўлган. Ўзбекистонда, жумладан Хоразмда ўтказилган қотоғон кулами ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ баъзи бир тахминий ҳисоб-китобларга қараганда қирғин қурбонлари сони 1600 кишидан ошган.

1937 йилда ўтказилган катта террорлик сиёсати собиқ СССР НКВДси аппаратида тайёрланган эди. Бу террорнинг бошланишига Сталиннинг "Партия ишидаги камчиликлар ва троцкийчи ва бошқа иккиюзламачиларни тугатиш чоралари тўғрисида" 1937 йил 5 мартда ВКП/б/ Марказий Кўмитаси Пленумида қилган маърузаси асосида қабул қилинган қарори туртки бўлди. Шу йилнинг март ойида Хоразм округи НКВДси ҳам партия сафига алдаш йўли билан кириб олган миллилатчилик, ўнг троцкийчилик ишини олиб бораётган шахсларни "Халқ душмани" сифатида қamoққа олиш ҳақида кўргазма олди. Шундан кейин Хоразмда ҳам ёппасига қотоғон қилиш бошланди. НКВДга тушган шикоятлар, орган хизматчилари томонидан тўпланган материаллар, турли ёлгон-рост ахборотлар асосида бу муҳқиш иш амалга оширилди. Кимни ва қачон қamoққа олиш режалари ҳам тузиб чиқилди. Биринчи галда Сталин режими учун хавфли бўлган ҳақиқий коммунист-ватанпарварлар қотоғон қилинди.

Агар 1 январь 1930 йилда Хоразм округида 1617 коммунист ва коммунистликка номзодлар қamoққа олинган бўлсалар, 1 январь 1939 йилда 1662 партия аъзоси ва партия аъзолигига номзодлар қamoққа олинди. Хоразм вилояти партия ташкилотининг сафи кескин қисқарди. Хоразмдан етишиб чиққан қобилиятли раҳбарлардан Қурбон Берекин, Карим Болтаев, Давлат Ризиев, Машарип Қариев, Матёқуб Атажоновлар қирғин қурбонлари бўлдилар.

Ўзбекистон компартияси биринчи таъсис қурултонининг /1925/ барча делегатлари, Марказий Кўмитаси аъзолари, Ўзбекистон Марказий Ижроия Кўмитасининг аъзолари, Хоразм мустабид ҳокимиятини ағдаришда фаол қатнашган Назир Шолиқаров, Бобо Охун Салимов, Матёқуб Оллаёров, Ботта Хужаев ва бошқалар қотоғон қилиндилар. Хоразм компартиясининг биринчи котиби Аҳмаджон Махмудов 17 йиллик умрини қamoқда ўтказди. Хоразм маданияти ва адабиётига аниқса катта талофат етказилди. Ўрта Осиё кино сазнатиининг асосчиси Худойберган Деванов осиб ўлдирилди. Шоирлардан Қурбон Камолий, Партав /Ота Максумов/ Сафо Мўғаниев /Оллаберганов/, драматург Юнус Юсупов, адабиёт шунис Раҳмат Маждий, журналист Бекчон Мадрахимов ва б.к. Хоразмнинг ўнлаб-юзлаб зиёлилари бегуноҳ қamoққа олинди. 30

Мария Сталин, фарзанди оғил ушун лавозимда бўлган. Сталин қўлини ҳолларда бегуноҳ фарзандлар ўз оталари ва бундада, қўлини ўтмиши учун жавобгарликка тортилди. Соболари Мадрахимхон II /Феруз/нинг невараси таниқли шоир Насир Тура ўз шеърларида инқилобгача бўлган Мадрахимхоннинг аъзоэлади, деб айбланди. Ферузнинг невараси Кишжан Асфандиеровга ҳам худди аша шундай айб юкланган эди. Ўша муддатда йилларда Хоразм воҳасининг элга танилган қўпчилик элчилари, билимдон кишилари, маданият ходимлари, партия ва давлат раҳбарлари, оддий фуқароларнинг фожиали тақдири ана шундай бўлган эди.

Сургун-қирғин қилинганлар орасида турли миллат вакиллари ва ҳатто хотин-қизлар ҳам бор эди. Хоразмнинг биринчи комсомоли Марям Султонмуродованинг тақдири ҳам ута фожиали бўлган. У 1905 йилда Чендирқиёт қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси Жуманиёз Султонмуродов Хивада Черниковлар паста тозалаш заводида ишлаб, бошқарувчи лавозимига кўтарилган 1916 йилдан бошлаб у хон деспотизмига қарши халқ ҳаракатининг раҳбарларидан бирига айланди. Султонмуродовдан ўч олиш мақсадида хон унинг тўртта инисини қатл қилдиради ва хотинини турмага қаматади. Хоразм инқилоби ғалабасидан кейин Султонмуродов янги ҳукуматда раҳбар лавозимларида ишлайди. 1926 йилда у аксил инқилобчи кучлар томонидан қатл қилинди. Ота тарбиясини олган Марям Султонмуродова ёшлигидан инқилобий ҳаракатда иштирок этади. 1920 йилда у партия сафига аъзо бўлиб киради.

1920-1921 йилларда Марям Оренбургдаги шарқ институтида, кейин Тошкентда ўқийди ва партия органларида ишлайди. 1922 йилда Хоразм компартияси Марказий Кўмитаси қарорига мувофиқ бир гуруҳ ёшлар билан Германияга ўқишга юборилади. 1922-1924 йилларда Марям Берлин шаҳрида, 1924-1929 йилларда Дармштад шаҳридаги ўқитувчилар семинариясида таълим олади. Шу билан бир қаторда у медицина билим юртини ҳам битказди.

Германиядан қайтгач, Марям Тошкентда кечки коммунистик университетда ўқув бўлими мудир лавозимида, 1935 йилда "Тулистон" адабий журналида ишлайди.

Марям Султонмуродова кўп тилларни мукаммал билган. Ўта қўлиятли аёл эди. Бироқ ўша даврда бошланган Сталин террори унинг порлоқ ҳаётига катта тўғаноқ бўлди.

1937 йил 13 сентябрда у Тошкент шаҳри НКВДси томонидан қамолга олинди. Унга Гитлер разведкасининг агенти, миллатчилар элсинқилобий ташкилотининг иштирокчиси деган айблар қўйилди. Бундай айб қўйишга далиллар бўлмасда, у 10 йил муддати билан қамолга олинди. Қозон, Суздаль-шаҳарлари турмаларида,

кейин эса НКВД нинг Калыма Далстрой деб аталган лагерларида
азоб чекади. Узоқ йиллар давом этган машаққатлар, азоб
уқубатлардан кейин, қамоқ муддатини ўтаб, уйига қайтди. Бироқ
озодлик кўп давом этмади. Икки йилдан сўнг Марям яна қамоққа
олинди. Бу гал у "Миллатчилар" космополитларга қарши
бошланган компания ўлжаси бўлди. У Кроснаяр ўлкасига сурун
қилинди. Умрининг энг жўшқин йилларини турмаларда
лагерларда ўтказган Марям ўз ниятига-халқига хизмат қилиш
мўродига ета олмади. Сталин вафотидан кейин Марям қамоқдан
буткул озод қилинди, лекин Тошкентда яшаши ва ўз
мутахассислиги бўйича ишлаши мав қилинди. Умрининг
охиригача фельдшерлик лавозимида ишлади, холос. 1937 йил
1937 йилда ҳужжатларини ургиниш жараёнида 1937 йил
аудиофонограммага дуч келдик

Уша йиллар хужжатларини урганиш жараёнида 1937 йил
июнь ойида тузилган таажжуб бир телефонограммага дуч келдик.
Бу телефонограмма Хоразм округи НКВД бошқармасининг
бошлиғи Васильев томонидан Шовот район ички ишлар
булимининг бошлиғи Г.Содиқов номига юборилган.

булимининг бошлиғи Г.Содиқов номига юборилган. "Сиз
Бу телефонограммада тубандаги сузлар ёзилган эди: "Сиз
жуда сусткашлик билан ҳаракат қиляпсиз. Жадал тadbир-чоралар
кўрмайпсиз. Ўзингизга топширилган участкада тезкорлик билан
ҳаракат қилиб, рўйхатда номлари қайд қилинган қуръон ўқиш
баҳонаси билан аксил инқилобий иш юргизаётган рухонийларни
дарҳол қамоққа олиш лозим. Ҳушёр булинг, яна рухонийлар аввал
булганидек, Туркменистонга қочиб кетмасинлар. Бу вазифанинг
бажарилганлиги ҳақида тезлик билан мени хабардор қилинг".
булимининг бошлиғи Г.Содиқов номига юборилган. "Сиз
Бу телефонограммада тубандаги сузлар ёзилган эди: "Сиз
жуда сусткашлик билан ҳаракат қиляпсиз. Жадал тadbир-чоралар
кўрмайпсиз. Ўзингизга топширилган участкада тезкорлик билан
ҳаракат қилиб, рўйхатда номлари қайд қилинган қуръон ўқиш
баҳонаси билан аксил инқилобий иш юргизаётган рухонийларни
дарҳол қамоққа олиш лозим. Ҳушёр булинг, яна рухонийлар аввал
булганидек, Туркменистонга қочиб кетмасинлар. Бу вазифанинг
бажарилганлиги ҳақида тезлик билан мени хабардор қилинг".

булганидек, Туркманистонга қочиб кетганлар ҳол қамоққа олиниши билан мени хабардор қилинган бажарилганлиги ҳақида тезлик билан бошқа туман ички ишлар бўлимлари бошлиқлари номига ҳам юборилган эди. Бу даҳшатли топшириқ рухонийларнинг ёши, саломатлиги, шўрлар ху куматига майиллигига қарамай ёппасига қамоққа олиниши босланишидан дарак берар эди. Уша даврда беғуноҳ қамоққа олинган рухонийлардан тубандагиларни курсатиш мумкин:

Урганч тумани. Бекабод қишлоқ советидан Абдуллаев Мулла Саид /1857 йилда туғилган/, Урганч тумани Навхос қишлоқ советидан Масчит имоми Ваисниёз мулла Саид /1866 йилда туғилган/, Юқори бог қишлоқ советидан Бобожонов Мулла Отажон /1867 йилда туғилган/, Шовот қишлоғида истиқомат қилган Абдуллоев Мулла Оллаберган /1868 йилда туғилган/, шу қишлоқда Асматуллаев Мулла Ибад /1869 йилда туғилган/. Чуқли қишлоқ советидан Бакиев Қўзибой /1869 йилда туғилган/.

Тамадургадик қишлоғида истиқомат қилувчи Ўрозалиев Мулла Очил Маҳсим /1873 йилда туғилган/ ва бошқалар қамоққа олиндилар. Эски кадриятларни яхши билган. саводхон қадим рухонийлар ва муллатлар, шунингдек жума номозига иштирок қилиб юрган диндор-мусулмонлар ҳам қамоққа олиниш

Қўриғиш, жазолаш, қийнаш йуллари билан журта тузилган
 биённомаларга имзо чектирдилар ва айбсиз киши айбдор
 қилиниб қамоққа олинар эди. Бундай қонунсизликнинг тимсоли
 сифатида Тажиев Давлат деган шахснинг ёзма ахбороти
 характерлидир.

“Ман-деб ёзди Тажиев Давлат, - уша вақтда пахта тозалаш заводида ишлар эдим. Ноябрь кунларининг бирида мени Хоразм округи НКВД ходими Канцеров чақириб қолди. У мендан пахта тозалаш заводида ишловчи бир қанча кишилар устидан шикоят хати ёзиб, уларни аксилинқилобий гуруҳ тузганликда айблашимни талаб қилди. Мен унинг талабини бажаришдан бош тортдим. Мен унинг олдидан кетаётганимда у менга: “Сен ураган нарсани ёзмадинг, сени устингдан шикоят хати ёзадилар”, деди. Уни айтганидек бўлиб чиқди: 1943 йил 1 декабрь кечаси мени қамоққа олишди. Тергов вақтида суроқларга жавоб бераганим учун мени резинка дастак билан урдилар, буйнимдан бугдилар, ухлашга йўл қўмадилар. Бир кун НКВД терговчиси Николай Иванович /фамилияси эсимда йўқ/ олдиға чақирди. У менга “Мен ёзган хатга имзо чекмасанг сенга ёмон бўлади, биз чиқарган ажрим билан сени отиб ташлайдилар”-деди. Қўрқанимдан улар ёзган хатга имзо чекишга мажбур бўлдим. НКВД қошида тузилган “учлик” менга “аксилинқилобий эволюция”им учун 10 йил қамоқ жазоси берди. Қамоқ муддатини ўтаб, 1953 йилда озод бўлиб қайтдим. Умримнинг энг яхши йиллари қамоқда ўтди”.- Бу жирканч усул купчилик бегуноҳ кишиларга қарши уюштирилган уйдирмадан бир лавҳа, холос.

Оддий қишларни айблаш шу даражага етиб бордики, ҳатто инсон ўйламаган шаклларда номоеън бўла бошлади. Масалан, 1879 йилда туғилган Бошқиршайх қишлоқ советида яшовчи саводсиз Абдалов Кучқор аксилинқилобчи трошқийчилар шлотига алоқадорликда айбланади. Оддий деҳқон бу ташқилотини нима эканлигини мутлоқ тушунмасди. Терговчи уни айбдорлигини тан олишга мажбур қилади.

буларнинг ҳаммаси баъзи бир раҳбариятга номаъқул
қилиш йўқ қилиш ёки юқоридан берилган жазолаш
бажариш учун уйлаб топилган хийлалар эди.

даҳшатли йилларда уйламай айтилган номаъқул сўз ёки тусдаги даҳвиялар 5 йилга қамоқ ва лагер азобини таъминлаш учун уйлаб топилган хийлалар эди.

Терговда баённомалари рус тилида тузилганлигидан куп
айбдор оддий фуқаролар унинг мазмунини тушунмас

1936-1939 йилларда қотоғон қилинган баъзи фуқаролар
1954 йилда Берия ва унинг тўдалари фош қилингандан

сўнг қайта куриб чиқилди. КПСС XX съезидан кейин қотоғон қилинганлар ишини қайта куриб чиқиш оммавий олади. Лекин Брежнев раҳбарлигида бу иш эътибордан четда қолиб кетди. Фақат 1988-1990 йилларда Ўзбекистон ва Хоразм қотоғон қилинганларнинг муборак номлари қайта тикланди. 1991 йилда Хоразм вилояти матбуотида 1240 нафар тула оқланган юртдошларимиз рўйхати кенг жамоатчиликка эълон қилинди.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш зарурки, қотоғон, террор фақат фуқароларга қарши бўлиб қолмасдан, НКВД хизматчиларига ҳам катта талофат етказди. Ўз виждон амрига қарши иш қила олмаган чекистлар отиб ташландилар. Хаммаси бўлиб 23 мингдан зиёд чекистлар нобуд қилинди. Шунинг учун ҳам барча НКВД хизматчиларини жиноятчиликда айблам нотўғри булар эди.

Сталин шахсига сиғиниш йилларида бошланган қотоғон 1939 йилдан кейин ҳам давом этди. Лекин бу қотоғонлар аввалгидек оммавий характерга эга бўлмасада, улар маъмурий-буйруқбозлик тизимининг фуқароларни "қўрқитиш" механизми сифатида қўлланилган эди.

Хоразмда оммавий қотоғон йилларида қамоққа олинган ва қурбон қилинганлар ичида купчиликни партия ва совет органлари раҳбарлари, медицина ходимлари, ўқитувчилар, ижодий зиёлилар ташкил қилган. Хоразмда қотоғон йилларда тахминан 1600 киши қамоққа олинган. Қўзга қўринган партия ва совет раҳбарлари ва зиёлилар вакилларининг қурбон қилиниши Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Кўп йиллар давомида халқ ижодий ташаббуси бўғилди, ҳаёт-бахш тортишувлар, соғлом танқид ва фикр алмашувлар тўсилди. Булар ўрнига бюрократизм ва ўта марказлашган, чақимчилик, тўхмат ва иғво; мослашув ва лаганбардорлик гуллаб яшнади. Ўз қўл остида ишлаётган хизматчиларга нисбатан қўполлик, уларни менсимаслик, қўшиб ёзишлар, халқни алдаш, иккиюзламачилик ноллатура раҳбарлари ўртасидаги одат тусига айланди. Таталитаризм ва шахсга сиғинишнинг юқоридаги каби жирканч қолдиқларини буткул тугатиш, жамиятимизни соғломлаштириш, мустақил Ўзбекистонда чиндан ҳам ҳуқуқий демократик жамият барпо қилишнинг ишончли гаровидир.

1. Қаранг: Хорезмская правда, 1990, 27 октябрия.
2. Қаранг: Садиков А.С. Россия и Хива в конце XIX-начале XX века. - Ташкент: ФАН, 1972, с.64.
3. Қаранг: Тохтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX-начале XX века. М.; Наука.1969, с.109.
4. Қаранг: Ўша асар, '10 бет.
5. Қаранг: Садиков А.С. Юқорида курсатилган асар, 64-65 бетлар.
6. Қаранг: Ризаев К. Пионер энергетики Хорезма"Хорезмская правда". 1992, 22 декабрия.
7. Қаранг: Мамаджанов М.К. Социально-экономические преобразование и развитие экономики Хорезмской народной советской республики-Ташкент:Фан, 1974, с.82.
8. Экономическая история советского Узбекистана. 1917-1966.-Ташкент: Фан, 1966, с.147
9. Қаранг: Зиядуллаев С.К.Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы ее развития.-Т:Фан,1967.
10. Қаранг: Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник-Урганч,1969, с.6.
11. Қаранг: Ўша асар, 28 бет.
12. Қаранг: История Хорезма с древнейших времен до наших дней.-Ташкент: ФАН, 1976, с.188
13. Қаранг: Мамаджанов М.К. Социально-экономические преобразования и развитие экономики Хорезмской народной советской республики-Ташкент:Фан, 1974, с.84
14. Қаранг: История Хорезма... Ташкент: ФАН, 1976, с.189
15. Қаранг: Собиқ Ўзбекистон КП/6/ Марказий Кумитаси қошидаги партия тарихи институтининг архиви. Ф 58, рўйхат 151, Д.10- 376-377 варақлар.
16. Қаранг: История Хорезма:..., С. 223.
17. Қаранг: Ўша асар, 224 бет.
18. Қаранг: Мамаджанов М.К. Курсатилган асар, 43 бет.
19. Қаранг: Ўша асар, 43-44 бетлар.
20. ЎЗМДА Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, Ф.Р-73, рўйхат I, д.93, 30 варақ.
21. Қаранг: Хорезмская правда, 1974, 7 ноябрия
22. Қаранг: "Хлопковое дело", журналы, 1926, 1-2-сон, 165 бет.
23. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф 598, рўйхат I, д.20.146 варақ.
24. Ўша архив, Ф. 138, рўйхат I, д. 10.10-36 варақлар.

25. Известия Хорезмской сельскохозяйственной опытной станции. Вып. I.-Ташкент: Изд-во "Правда Востока". 1928.
26. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.598, руйхат I, д.17,84 varaқ., Ф.208, руйхат I, д. 45,24 varaқ.
27. Ўша архив, Ф.204, руйхат I, д.31,32 varaқ.
28. Известия Хорезмской сельскохозяйственной опытной станции. Вып.4.-Ташкент: Изд-во "Правда Востока". 1929, с.3-12.
29. Қаранг: ЎзДМА, Ф. Р_90, руйхат I, д.51,42 varaқ; Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.59, руйхат I, д.124,268 varaқлар.
30. Қаранг: Инкилоб куёши, 1927, 4 август.
31. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.16, руйхат I, д.10,4 varaқ. Ф.69, руйхат I, д. 182,131-133 varaқлар.
32. Ўша архив, Ф.208, руйхат I, д.70,36 varaқ; Инкилоб Куёши, 1927, 29 сентябрь.
33. Ўша архив, Ф.69, руйхат I, д.182,432 varaқ.
34. Ўша архив, Ф.200, руйхат 2, д.42,91 varaқлар.
35. ЎзДМА Ф.Р-90, руйхат 4, д.71,16 varaқ.
36. Ўша архив, Ф.Р-90, руйхат 4, д.71,16 varaқ; «Инкилоб куёши», 1929, 8 декабрь.
37. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.199, руйхат I, д.164,134 varaқ. К.Берегин. Хоразмда меҳнатсиз хужаликларни тугатиш якунлари-Самарқанд - Ташкент, 1930, 43 бет.
38. Қаранг: Ўша архив, Ф.199, руйхат I, д.160,79 varaқ; Ўша асар, 48 бет.
39. Қаранг: Бюллетень ЦСУ Узбекистана, N10.-Ташкент, 1925, с.29. Бюллетень ЦСУ Узбекистана. N 16.-Ташкент, 1927, с.90.
40. ЎзДМА, Ф.Р-96, руйхат I, д.30,385 varaқ; Ф.Р-90, руйхат 8, д.16,2 varaқ; Хоразм вилояти давлат архиви, ф.188, руйхат 2, д.12,94 varaқ.
41. Қаранг: Районы УзССР в цифрах, Самарқанд. 1930 С.253.
42. Қаранг: "Ер юзи", журнал, 1928, 180сон, 20 бет.
43. ЎзДМА, Ф.Р-2027, руйхат I, д.98,8 varaқ; Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.2, руйхат I, д.2,96 varaқ; Статсборник по хлопководству -М.1934, с.66.
44. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.398, руйхат I, д.26,2 varaқ.
45. Упрудикнинг жорий архиви, 1939 йилги техник-молиявий хисобот, I том, 10 varaқ.

46. Упрадикнинг жорий архиви, 1938 йилги техник-молиявий ҳисобот, 74-76 varaқлар.
47. Ўша архив, 2 varaқ.
48. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.41, руйхат 9, д.4,36-43
49. Ўша архив, 116 varaқ.
50. Ўша архив, Ф.4, руйхат 1, д.8,63-65 varaқлар.
51. Правда Востока, 1939.12 август.
52. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.41, руйхат 1, д.8,181 varaқ.
53. Ўша архив, Ф.41, руйхат 1, д.8,180-181 varaқлар.
54. Ўша жойда.
55. Ўша жойда.
56. Упрадикнинг жорий архиви, 1939 йилги техник-молиявий ҳисобот, 2-том, 14 varaқ.
57. Инқилоб қуеши, 1939, 22 август.
58. Правда Востока, 1939, 29 сентябрь.
59. Хоразм ҳақиқати, 1939, 22 сентябрь.
60. Упрадикнинг жорий архиви, 1939 йилги техник-молиявий ҳисобот, 2-том, 11-15 бетлар.
61. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.41, руйхат 1, д.10, 112 varaқ.
62. Хоразм вилояти ҳокимиятининг архиви, Ф.1, руйхат 2, д.5, 65 varaқ.
63. Упрадикнинг жорий архиви, 1941 йилги техник-молиявий ҳисобот, 11 varaқ.
64. Ўша архив, 1940 йилги техник молиявий ҳисобот, 77 varaқ.
65. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф.41, руйхат 1, д.19,87 varaқ.
66. Ўша архив, 195 varaқ.
67. Ўша архив, 195 varaқ.
68. Ўша архив, 87 varaқ.
69. "Тошсоқа канали", газета, 1940 йил, 5 апрель.
70. Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.41, руйхат 1, д.19, 55-57 varaқлар.
71. Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.41, руйхат 2, д.2,261 varaқ.
72. "Тошсоқа канали", газетаси, 1940 йил, 21 март ва 3 апрель.
73. Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.1, руйхат 1, д.19,92 varaқ.
74. Хоразм ҳақиқати, 1940, 29 сентябрь.
75. Упрадикнинг жорий архиви, 1940 йилги техник-молиявий

- хисобот. 2-том,89-92 varaқлар.
76. Хоразм вилояти давлат архиви,Ф.41 руйхат 9 д 4.3.5
varaқлар
77. Ўша архив, 3-5 varaқлар.
78. Ўша архив. Ф.41, руйхат 9.д 4, 1-3 varaқлар.
79. Ўша архив. Ф.41, руйхат 9.д.4, 1-3 varaқлар; Хоразм
вилояти хокимиятининг архив, ф.2, руйхат 8.д.1.14
varaқ.
80. Упрадикининг жорий архиви, 1941 йилги техник молиявий
хисобот. 20-22 varaқлар
81. Хоразм вилояти давлат архиви. Ф.41,руйхат 9 д.3.4
varaқлар
82. Қаранг Г.М Билолов. Хоразмда халқ маорифи
тараққийси-Тошкент: Ўқитувчи, 1969, 50 бет.
83. Хоразм вилояти давлат архиви, фонд-1, 82 руйхат. 554
дело, 15 varaқ.
84. «Инқилоб қуёши», 1931, 16 январь
85. Ўша газета, 1931. 26 январь.
86. Қаранг: Народное хозяйство Хорезмской области
Статсборник. Ургенч, 1974, С 234.
87. Қаранг: Ўша тўплам 234,236 varaқлар.

ИККИНЧИ БОБ. ФАШИЗМГА ҚАРШИ УРУШ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ / 1939-1945 /

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ БОШЛАНИШИ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА ХАРАКТЕРИ.

Маълумки, 1939 йил 1 сентябрида немис-фашист қўшинлари Польшага бостириб кирдилар. Польшага ёрдам бериш мақсуриятини уз зиммасига олган Англия ва Франция давлатлари 3 сентябрь куни Германияга қарши уруш эълон қилдилар. Шундай қилиб, инсоният тарихида энг даҳшатли ва ҳалокатли бўлган иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди.

Йириқ капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви натижасида келиб чиққан иккинчи жаҳон уруши уз характери жиҳатидан босқинчилик, империалистик уруш эди. Чунки у аллақачон бўлинган дунёни қайтадан бўлиш, таъсир асирларини кенгайтириш, янги бозорларни қўлга киритиш учун бир-бирига қарама-қарши турган асосан иккита блок ўртасидаги бир томонда Германия, Япония ва Италия, иккинчи томонда Англия, Франция ва АҚШ ўртасидаги уруш эди.

Биринчи жаҳон уруши каби, иккинчи жаҳон уруши олови ҳам Германия милитаристлари томонидан ёқилган эди.

Германия ва унинг иттифоқчиларига бу уруш оловини ёқишлари учун Англия, Франция ва АҚШ каби йириқ капиталистик давлатларнинг узлари кенг имкониятлар туғдириб бердилар. Уларнинг мақсади Оврупада ёнган уруш оловини шарққа томон, собиқ СССРга қарши йуналтиришдан иборат эди.

Бироқ капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар кучлироқ бўлгани боисдан, уруш даставвал улар орасида бошланиб кетди. Қисқа вақт ичида тиш-тирноғигача замонавий қўроқлар билан қўроқланган фашист қўшинлари деярлик барча Оврупа давлатларини истило қилди. Гитлер Германияси асоратига тушган Оврупа халқлари фашизмга қарши озодлик курашини авж олдириб юборди.

Англия ва Франция ваъда қилган ёрдам келмагач, Польша тез орада гитлерчи қўшинлардан мағлубиятга учраб, душманга таслим бўлди. Эндilikда фашист қўшинлари бевосита собиқ СССР чораларига яқинлашиб келдилар.

Ўз ҳудудга келган хавфли халқаро вазият собиқ СССР давлатидан уз чораларини мустаҳкамлаш тадбир чораларини куришни талаб қилди.

17 сентябрь 1939 йилда совет қўшинлари қисмлари мағлубиятга учраётган Польша чегарасини ёриб ўтиб, 1920 йилда поляк паслари томонидан босиб олинган ғарбий Украина ҳамда ғарбий Белоруссия ҳудудларини озод қилдилар ва собиқ Украина

ва Белоруссия совет социалистик республикалари таркибига қўшилдилар.

Гитлер Германияси Польшани босиб олгач, Болтиқ бўйи республикаларига - Литва, Латвия ва Эстонияга ҳужум қилиш ва уларни ҳам ўзига бўйсундириш ниятида эди.

Маълумки, бу давлатлар 1917 йил октябрь инқилобига қараб, собиқ Россия империяси таркибига эдилар. Октябрь инқилобидан галабасидан сўнг улар совет ҳукуматидан ажралиб чиқиб, ўз уэлариининг мустақил буржуа республикасини ташкил этиш талаб қилдилар. Уларнинг талаби 1918 йилда қондирилган. Лекин собиқ Совет ҳукумати учун бу республикаларнинг тақдир бефарқ эмас эди.

Собиқ Совет ҳукуматининг мавжуд расмий ҳужжатларида ёзилишича, Совет ҳукумати таклифи билан Болтиқ бўйи республикалари 1940 йил сентябрь-октябрь ойларида СССР билан ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузиб, Қизил аскарлар қисмларини ўз ҳудудларига киришга рухсат бергандар ва ихтиёрий равишда СССР таркибига қўшилганлар.

Ҳозирги Литва, Латвия ва Эстония мустақил республикаликлар ҳукуматларининг берган расмий маълумотларига кўра, бу мамлакатлар аксинча рўй берган.

1939 йил августида Гитлер Германияси билан собиқ СССР ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида битим тузилиб, Польша, Германия, Болтиқ бўйи республикаларини эса СССР бўлиб қўлини олишга келишганлар. Литва, Латвия ва Эстония республикалари СССР таркибига ихтиёрий равишда қўшилган эмас балки оқин совет қўшинлари бу республикаларни босиб олишган.

Бу маълумотларнинг қайси бири тўғри эканлиги ҳақида ҳозирги кунда ҳукман бир қарорга келиш қийин.

Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳудудлари ва Босния Болтиқ бўйи республикаларининг СССР таркибига қўшиб олинishi оқин собиқ совет иттифоқи давлат чегарасини 200-350 км ғарбга қўзилтирилшига ва унинг стратегик аҳволини анча яхшилашга имконият берди.

Аммо совет иттифоқини безовта қилаётган яна бир муаммо давлат чегарасидан 32 км масофада жойлашган Ленинград шаҳрида хавфсизлигини таъминлаш муаммоси эди. Ленинград чегарасини Ғарбийшимоли томонига бир оз қўзиш мақсадида СССР ҳукумати Финляндия ҳукуматига мурожаат қилиб, Карелья республикасини ҳудудининг бир қисми ҳисобига Карелья бўйи ер бериш таклиф қилди. Бу таклиф рад этилди. Империалистик давлатлардан СССРга қарши гиж-гижланаётган Финляндиянинг Ленинградга яқин жойларда ўзини ҳарбий истеҳкомлар билан қорғашга таянганлиги бошлады.

1939 йил ноябрида совет-фин уруши бошланиб кетди. 1940 йил март ойига бориб бу уруш Финляндиянинг мағлубияти билан Собик СССР ва Финляндия ўртасида сулҳ шартномаси имзоланди. Ленинград хавфсизлиги таъминланди. 1940 йил езида Бессарабия масаласи ҳам ҳал қилинди. 1918 йилда буржуаз-феодал Руминия ҳукумати Бессарабияни (ҳозирги Молдова) совет ҳукуматидан тортиб олган эди. Совет иттифоқи ҳукуматининг қатъий талаби билан Руминия ҳукумати уни қайтариб беришга мажбур бўлди. Шу билан бир қаторда украинлар яшаётган шимолий Буковина ҳам СССР таркибига қайтарилиши.

Шундай қилиб, Ватан уруши арафасида ўтказилган бу тадбир-ҳаракатлар собиқ СССРнинг ҳалқаро мавқеини анча оширди ва унинг мудофиа имкониятларини яхшилади. Бироқ, бу имкониятлардан фойдаланмади.

Шу орада фашистлар Германияси Оврупода уруш ҳаракатларини давом эттириб, 1940 йил апрел ойида Данияни, май ойида Белгияни, Голландия ва Люксембургни, 1940 йил июн ойида Францияни босиб олди.

1940 йил сентябр-1941 йил март ойларида гитлерчилар Австрияни, Руминияни, Словакияни, Болгарияни босиб олдилар. 5. мамлакатлар СССРга қарши уруш плацдармига айлантирилди.

1940 йил сентябрида Германия, Италия ва Япония биргаликда чиник иттифоқи тузиб, бутун жаҳонга ҳукмронлик қилишни ақсод қилиб қўйдилар.

1941 йил май ойига келиб, фашистлар Германияси деярлик бутун континентал Оврупани ўзига қаратиб олди. Энди навбат собиқ СССРга қарши уруш бошлаш эди.

2. ВАТАН УРУШИНING БОШЛАНИШИ АҲОЛИНИНГ ЁППАСИГА САФАРБАР ҚИЛИНИШИ ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИ ҲАРБИЙ ИЗГА КЎЧИРИЛИШИ.

1941 йил 22 июнда немис-фашист босқинчилари ҳужум қилиб, СССР тўғрисидаги шартномани хоннона бузиб, куққисдан СССР ҳудудига бостириб кира бошладилар. Бу уруш тарихда қилинмаган даҳшатли урушлардан бири эди. Тиш-қанчига қуролланган, деярлик бутун Оврупани ўзига қўйсундирган, урушларда чиникқан ва катта тажриба орттирган фашистлар армияси тез вақт ичида собиқ СССРнинг гарбий район ва ўлкаларини осонлик билан босиб олди, мамлакат хатта хавф остида қолди.

Шундай қийин, вазиятда собиқ СССР ҳукумати коммунистик партия раҳбарлари халққа мурожаат қилиб, бутун куч ва маблағларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишга халқ ҳужалигини ҳарбий изга кучиришга даъват этдилар.

Урушнинг биринчи куниданоқ бепоён мамлакатимизнинг барча жойларида, завод ва фабрикаларда, ташкилот ва муассасаларда олий ва ўрта ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда умумхалқ намоишлари ва митинглар бўлиб, фашистларнинг ватанимизга ҳоинона ҳужуми қаттиқ қораланди, халқ ўз юртини бир томон қони қолгунча ҳимоя қилишга, бутун куч ғайрати ва маблағларини душман устидан ғалаба қилишга сафарбар этишга тайёр эканлигини билдирди.

Шундай митинг ва намоишлар Ўзбекистоннинг ҳам барча шаҳар ва қишлоқларида, корхона ва муассасаларида бўлиб ўтди.

Ватанпарварлик ҳис туйғуси билан тулиб тошган Хоразм меҳнаткашлари ўз митинг ва намоишларида фашизмга нафратлар ўқиб, бутун куч-ғайратини ғалаба ишига сафарбар қилишга, кечаю-кундуз фронтчасига меҳнат қилиб, мардонавор жангчиларимизни зарур озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда фронтга ишлаётган завод фабрикаларни хом-ашё билан таъминлашга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

1941 йил 22 июнда Урганч шаҳар меҳнаткашларининг катта митингги бўлиб, унда 3000 дан ортиқ киши қатнашди. Сўзга чиққан ишчи, хизматчи ва зиёлилар вакиллари фашистларнинг ваҳшиёна ҳужумидан нафратланиб гапирдилар ва она ватанимиз ҳимоя қилишга тайёр эканлигини билдирдилар. Митингга яқинлик билан қабул қилинган резолюцияда (муносабат белгисидан) шундай денилган эди: "Биз ишлаб чиқариш унвмдорлигини янада оширамиз, ишимизда бракка йўл қўймаймиз, асбоб-ускуна ва станокларни авайлаб сақлаймиз. Корхонамиз ишлаб чиқариш режаларини кун сайин ошириш билан бажарамиз, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаймиз, мардонавор меҳнатимиз билан ватанимиз мудофаа қудратини оширамиз, зарур бўлса барчамиз бир тан бир жон бўлиб ватан ҳимоясига кутариларимиз."

Урганч район Ю.Ахунбобоев номли жамоа ҳужумчи аъзолари ўз митингларида "...қишлоқ ҳужалик ишлари унвмдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш кунига 2-3 норма бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олдилар."

Ўзлаган ёшлар ихтиёрий равишда фронтга кетиш истагини билдирдилар. Хоразмликлар Она-Ватани жону-жаҳди билан ҳимоя қилишга тайёр эканликларини фақат сўзда эмас, балки конкрет иш, амалий тадбири, қаҳрамонона меҳнати билан исботладилар.

Хоразмликларнинг ватанпарварлик ҳаракати даставвал ихтиёрий равишда фронтга кетиш ҳақида ҳарбий комиссариатларга асосий аризаларда яққол намоён бўлди.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Хоразм вилояти ҳарбий комиссариатига ихтиёрий равишда фронтга юбориш ҳақида 1156 ариза тушди, шулардан 147 таси хотин-қизлардан эди.³

Ғалабани фақат жанг майдонида эмас, фронт орқасида қаҳрамонона меҳнат қилиш билан қўлга кiritиш мумкин эди.

Собиқ ВКП(б) МК ва СССР халқ комиссарлари кенгашининг буйи, Урал, Ғарбий Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиё сайовлари учун 1941 йилнинг III-IV кварталлари ҳамда 1942 йилга мўлжалланган ҳарбий ҳужалик режасига биноан Ўзбекистон КП(б) Марказий комитетининг V Пленуми республика халқ ҳужалигини ҳарбий изга кучириш, фронт учун зарур бўлган қурол-аслаҳа ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида конкрет тадбир чоралар белгилади.

Хоразм вилояти партия ва совет ташкилотларида бу ҳужжатлар кенг муҳокама қилиниб, халқ ҳужалигини ҳарбий изга кучириш борасида асосий вазифалар белгиланди:

1. Фронт орқасини мустаҳкамлаш ва уни тинимсиз ишлашини таъминлаш, ҳар бир шаҳар, район, совхоз ва колхозни, фабрика ва заводни мудофаа истехкомига айлантириш;

2. Қизил армия сафларини ҳеч бушаштирмай тўлдириб бориш, 16 дан 50 ёшгача бўлган эркеклар ўртасида барчага умумий ҳарбий таълим беришни намунали ташкил қилиш;

3. Қисқа муддат мобайнида бутун аҳолини химия қуроли ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаага тайёрлаш, ҳар бир киши камидан битта ёки иккита ҳарбий мутахассисликни эгаллашчиси таъминлаш;

4. 1941 йил октябрь-декабрда, август ва сентябр ойларига нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 5-10 фоизга ошириш;

5. Қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаларини, аниқса пахтачилик бўйича тула-тўқис ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш ва бошқалар.⁴

Бу вазифаларни бажариш Хоразмнинг ўзига хос фронтларида амалга оширилди. Вилоятни асосий sanoat марказларидан узоқда жойлашгани, темир йўл йўқлиги, зарур товарларни келтириш ёки фронтга маҳсулот жўнатишни анча қийинлаштирди. Фақат Амударё орқали марказий шаҳарлар билан боғланиш имконияти бор эди, холос.

Ушбу вазиятни ҳисобга олиб, республика раҳбар органлари вилоят меҳнаткашлари олдига янги вазифа-аҳолига зарур кенг истеъмол молларини маҳаллий маблағ ва хом ашё ҳисобига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, вилоят sanoat корхоналаридаги

махсулотларини 2 баравар ошириш, мавжуд сув транспортдан фронтга махсулот юбориш мақсадларида фойдаланиш вазифасини қўйдилар

Вилоят меҳнаткашларининг ғайрат-шижоати туфайли биринчи навбатда саноат корхоналарида фронт учун махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўшимча имкониятлар ишга солиниб, саноат корхоналари маҳаллий хом-ашё асосида ишлатиб кўчирилди. Вилоят корхоналарида мавжуд асбоб-ускуна ва қувватлардан тула фойдаланиш, ёқилғи, электр энергияси, хом-ашё ва материалларни тежаш учун халқ ҳаракати авж олиб кетди. Ички резервларни сафарбар қилиш йўли билан дефицит ихтиёж қисмлар ва деталлар ишлаб чиқариш ҳам ташкил қилинди.

Бу ватанпарварлик ҳаракати "Ким бугун яхши ишлаган бўлса, эртага ундан ҳам яхшироқ ишлаши керак", "Ким бугун узи учун ишлаган бўлса, эртага икки киши учун ишлаши керак!" деган шиорлар остида авж олиб кетди.

Урганч тикувчилик фабрикасида урушнинг иккинчи кунини иш уч сменада ташкил қилинди. Бу фабрикани ишчилари Умарова, Садуллаева, Бекмонова, Азизова, Никифорова, Одамовалар кундалик вазифани 2-2,5 баравар қилиб бажардилар. Иккита ўғлини фронтга юборган Уллижон Маткаримова кундалик режани 170-200 фонзга бажарибгина қолмасдан, тикувчилик касбига ёшларни ҳам ўргата бошлади.⁵

Кўпгина корхоналарнинг жамоалари ойлик, кварталлик ишлаб чиқариш режаларини муваффақият билан бажариб бордилар.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ ишчи ва инженер-техник кадрлар муаммоси кундаланг бўлиб қолди. Чунки ишга лаёқатли аҳоли, асосан завод, фабрика, колхоз ва совхозларда ишлайётган эркаклар фронтга, мудофаа корхоналарида ишлаш учун сафарбар қилинди.

Бундай шаронда меҳнат резервларини армия ёшига тулмаган ўспиринлар, қариялар, инвалидлар, пенсионерлар ва хотин-қизлар ҳисобига тўлдириш мумкин эди.

Гуран пахта тозалаш заводида ишлайётган аксарият эркаклар фронтга кетди. Район партия ва совет органлари хотин-қизларни уй бекаларига мурожаат қилиб, ишлаб чиқаришда урушга кетган эрлари, ака-укалари ўрнини эгаллашга чақирдилар. Бу чақириқ ўзининг яхши самарасини берди. Фронтда жанг қилаётган жангчиларнинг оналари, опа-сингиллари бу чақириққа лаббай жавоб бердилар ва ёппасига ишлаб чиқаришга келиб бошладилар. Улар техникум ва курсларга кириб, мутахассислик эгаси бўлдилар.

Вилоят пахта тозалаш заводларига 366 хотин-қиз жалб
шулардан 141 аёл янги кор ўрганиб, мутахассис ишчига

1941 йил охирига келиб, вилоят саноат корхоналарига жалб
қилинган хотин-қизлар сони 1213 тага етди.⁷

Фаолиятини харбий изга кўчирган вилоят саноат
корхоналари 1941 йилда ялғи маҳсулот ишлаб чиқаришни 2
кўпайтирдилар ҳамда 1941 йил режасини 105 фоизга
орди.

Уруш йилларида вилоят деҳқонлари зиммасига ҳам оғир ва
қийин вазифалар юклатилди:

Пахта етиштириш давлат режаларини вақтида тула
қилиш, пахта майдонларини кенгайтириш ва унинг
қувиқдорлигини 15 фоизга ошириш;

2. Дон экинлари майдонини 2-3 барабар кўпайтириш ва
вилоятда етиштирилган ғалла билан аҳолини таъминлаш;

3. Сабзавот-бахча ва картошка экинлари экишни кўпайтириш;

4. Жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш ва ҳоказо.⁸

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида қишлоқ
меҳнатқашлари уртасида ҳам жушқин ватанпарварлик ҳаракати
қилиб кетди. Саноат корхоналаридагидек, қишлоқ ҳужалигида
ҳам бутун меҳнат хотин-қизлар билан ўспиринлар зиммасига
тушди. Хотин-қизлар колхоз ишлаб чиқаришида асосий кучга
айланди десак муболаға бўлмайди. Ватанпарварлик ҳаракати
"Фронтга кетган эрларимиз, акаларимиз ва ўғилларимиз ўрнида
меҳнат қиламиз" деган шиор остида ўтди. Фронтга жўнаган
тракторчилар, механиклар ва техниклар ўрнини эндиликда
хотин-қизлар ва ўспиринлар эгаллай бошлади. Урганч тумани
МТСида 243, Шавотда-164, Қўшқўпирда-204 хотин-қизлар
трактор ҳайдашни ўрганиб, фронтга кетган механик-тракто-
рчиларни ўрнини эгалладилар 1941 йил кузида вилоят бўйича
2116 хотин-қиз тракторчилар курсини битириб ишга
қилишдилар.¹⁰

1941-1942 йиллар мобайнида вилоятда 3000 дан ортиқ
хотин-қиз тракторчилар тайёрланди, 97 та аёл раҳбарлик
лавозимига тавсия этилди. 18 аёл қишлоқ совети раислиги
лавозимига, 8-нафари колхоз раиси, 358 нафари колхоз раиси
етгани, 28 нафари бригада бошлиғи, 8146 нафари звено
бошлиғи лавозимларига қўйилди.

1941-1943 йиллар мобайнида 316 нафар комсомол хотин-
қизлар совет раҳбарлик ўринларга, 1273 нафари ҳужалик
раҳбарлик лавозимларига кўтарилди.¹¹

Фақат 1941 йилда вилоятда турли мутахассисликлар бўйича
2200 хотин-қиз тайёрланди.¹²

1941-1942 йилларда 4400000 мактаб ва техникум тракторчи, табелчи, темирчи ва бошқа касбларга ўргатилди. 1941 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаш учун 9637 раҳбар ходимлар тайёрланган ва қайта тайёрланган. 1942 йилда 2500 кишига етди. 827 мактаб ўқитувчиси фақат ўқун эмас, балки фронтга кетган ҳамкасблари учун ҳам меҳнат қилдилар. 13

Тўрт йилдан ортиқ давом этган уруш қизил армия сафларидан янги-янги жангчилар билан тўлдириб туришни талаб қилар эди. Шу босидан куплаб тайёрланган ёш ишчи ва деҳқонлар фронтга жунатилиб, уларнинг ўрнида ишлаш учун қайта кадрлар тайёрлаш зарурати туғилар эди. 1943 йилда турккурслар орқали 11246 ҳар бир хил мутахассис тайёрланди, жумладан 3267 киши қишлоқ хўжалиги учун. 1944 йилда эса ҳар хил кордаги оммавий мутахассисликлар бўйича 20855 киши тайёрланиб, шулардан 12734 хотин-қизлар эди.

Фронтга кетган биродорларларимиз ўрнини қоплаш мақсадида хотин-қизлар ва ўспиринлардан янги мутахассислар, ишчи ва механизаторлар тайёрлаш халқ хўжалигининг мунтазам ривожланишини таъминлашда ва фронтга зарур маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришда юракда аҳамият касб этди. Хоразм меҳнаткашлари урушнинг қиёмининг йилларида мардонавор меҳнат қилиб, қатор мураккаб халқ хўжалиги вазифаларини ҳал қилишга муваффақ бўлдилар. 1942 йилда келиб, вилоятда дон экинлари майдони 4 баровар кўпайтирилиб, вилоят ўзини ўз дони билан таъминлайдиган бўлди. Жамоат чорвачилигида ҳам анча ютуқлар қўлга киритилди. 1943 йилда шохли моллар сони 21 фоизга, қўйлар 18.9 фоизга, эчкилар 7 фоизга, паррандалар 180 фоизга кўпайтирилиб, давлатга гўшак, жун, қорақўл, ипак тошмири режалари вақти бажарилади. Маҳаллий саноат ва промкооперация ташкилотлари ҳам 1942 йилда биринчи бор ўз ҳарбий хўжалик режаларини уддаладилар.

Вилсат қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғини уруш йилларида ҳам пахтачилик ташкил қилди, чунки пахта стратегик аҳамиятга эга бўлган ва хом ашё эди.

1941 йил август ойида собиқ ЎзССР халқ комиссарлари кенгаши ва Ўз КП(б) Марказий кўмитаси "1941 йил пахта ҳосилини йиғиш ва тайёрлаш тўғрисида" махсус қарор қабул қилди. Бу қарор вилоят партия ва совет ташкилотларининг пленумлари ва сессияларида муҳокама қилиниб, тегишли ташкил чоралари белгиланди. Жумладан, 1941 йил август ва сентябр ойлари мобайнида пахта йиғим-теримига 65 минг аҳоли сафарбёр қилиниши мўлжалланди. Ҳар бир теримчига қатъий норм

давлат пахта тайерлаш режасини ҳукман бажариш мажбурияти олинди.

Бу қарорнинг мажбурияти барча туман, колхоз ва совхоз меҳнаткашларига лекторлар, тарғиботчилар ва радио орқали кенг тушунтирилди.

Вилоят кишлоқ хужалиги меҳнаткашлари уртасида кунига 2-3 меҳнат нормасини бажариш учун жушқин ватанпарварлик ҳаракати бошланиб кетди. Юл фойзчилар, ун беш мингчилар, ғири беш мингчилар, фронт комсомол-ёшлар бригадалари вилоят колхозларида кенг қулоч ездди.

Уш шаронтида мисли кўрилмаган қийинчиликларни енгиб, вилоятимиз хотин-қизлари, қариялари ва ёшлар меҳнати ва ғайрат-шижоати туфайли 1941 йилги пахта тайерлаш давлат режаси 7 ноябрга муваффақиятли амалга оширилди. Вилоятда гектарига 14,2 центнер пахта ҳосили олинди. Давлатга топширилган пахта ялпи ҳосили 114041 тоннани ташкил

Юқоридан берилган кургазмага биноан Хоразм вилояти 1942 йилда экин майдонларини 47700 гектарга, шу жумладан пахта майдонларини 10 минг гектарга, дон экин майдонларини 69400 гектарга (1941 йилга нисбатан 7 баравар кўп) кенгайтириши

Пахтачилик билан шуғулланувчи ҳудудларнинг колхозчилари учун марказ минимум 150 меҳнат куни белгиланди.

Вилоят колхоз далаларида кунига 2-3 норма бажариш ҳаракати янги куч билан авж олиб кетди. 1942 йилда вилоятда бундай зарбдорлар сони 33407 кишига етди.¹⁸

Урганч райони Беговат қишлоқ советидан "Париж коммунаси" колхозининг аъзолари Ўғилжон Пирназарова, Шукуржон Эркаева, Ўхта Раҳимова, Қушқупис райони Сталин номли колхозда меҳнат қилувчи 6 синф ўқувчиси Жумагул Машарипова ва

Хива тумани бўйича 2412 ўсмир-ёшлар, пионер ва ёшлар бу ҳаракатга қўшилиб, кунига 3-4 норма бажардилар.

Зарбдорлар ҳаракатида 1942 йил мобайнида 11 минг комсомол ёшлар фаол иштирок этиб, кунига 3-4 норма бажардилар.²⁰

1942 йил баҳорги ер ҳайдаш ва экин мавсумида механизаторлар ўртасида бошланган мусобақа баҳорги қишлоқ хужалиги ишларини муваффақиятли якунлашда катта аҳамият этди. Бутун иттифоқ аёллар трактор бригадалари мусобақасига қўшилган унлаган Хоразмлик тракторчи хотин-қизлар юксак меҳнат намуналари курсатдилар. Урганч районидagi 2 МТС тракторчиси комсомол Айша Қўчқарова биринчи бўлиб

ер ҳайдашни бошлаб юборди. У ўз дугонаси А.Якубовани мусобақага чақириб, 427 гектар ерни шудгор қилди. Меҳнатда катта ютуқлари учун Айша Қучқарова "СССРда энг яхши тракторчи" нишони билан тақдирланди.

Бундай илғор тракторчи хотин-қизлар вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам оз эмас эди.

1942 йилда вилоятда 396 фронт комсомол-ёшлар бригадалари тузилиб, уларда 10890 комсомол ва 8203 колхозчи ёшлар иштирок қилдилар.

Кунига 2-3 норма бажариш учун бошланган ҳаракат юзлаган минглаган ёшларни ўзига жалб қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорлик билан иш қўришда катта аҳамиятга эга бўлди.

1942 йил ноябрь ойига келиб, ҳар кун икки иш нормаси бажараётган колхозчилар сони 35260 га, уч норма бажараётганлар 25970га, уч нормадан ортиқ бажараётганлар сони эса 12443 кишига етди.²¹

1942 йилги қишлоқ хўжалиги ишларида 8003 қариялар ва 21 минг мактаб ўқувчилари иштирок этди.²²

Фронт ва фронт орқасини кун сайин ўснб бораётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабинин қондириш учун вилоят меҳнаткашлари қанча фидокорона меҳнат қилмасинлар уруш даврининг мисли қўрилмаган қийинчиликларини тула енгизиш имкониятига эга бўлмадилар.

Қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг, умуман ишга яроқли эркакларнинг ёппасига фронтга жўнатилиши, дон ва пахта экин майдонларини янада кенгайтирилиши, техника ва минерал ўғитларни етишмаслиги пахтачиликни ривожлантиришда катта қийинчиликлар туғдирди.

Қишлоқ хўжалигида автомашина ва отларнинг деярли барчаси, МТСлардаги тракторларнинг кўп қисми фронтга жўнатилади. Қишлоқда меҳнат ресурслари камайди, колхозларнинг моддий-техника базаси сусайди. 1943 йилга келиб колхозларда ишчи моллар сони 34.6 фоизга, транспорт воситалари 26.5 фоизга, автомашиналар 21 фоизга, қишлоқ инвентарлари (плуг, мол, сеялка, культиватор ва ҳоказо) 8 фоизга қисқарди.

Мавжуд меҳнат қуроллариининг ҳам кўпчилиги ишдан чиққан, эҳтиёт қисмлар бўлмаганлигидан ишламай ётган эди.²³

Ирригация ва мелiorация ишлари ҳам қарсисиз аҳволга тушиб, янги коллектор ва зовурлар қуриш тўхтаб қолди. Бунинг натижасида ер ости сувлари кутарилиб, кўпгина ер майдонларида тузланиш ҳолатлари рўй берди. Бу аҳвол яхши ер майдонларини ишдан чиқаришга олиб келди. Урушнинг 3 йили ичида вилоятда 20500 га ер яроқсиз ҳолатга тушиб қолди.²⁴

Ана шундай шароитда колхоз ишлаб чиқаришга меҳнатга
проксив қарияларни, ўсмирлар ва хотин-қизларни кенг миқёсда
қўллаш меҳнат ресурсларининг етишмовчилигини қисман
қоплаш мумкин эди. Бироқ, бу етар-етмасчиликни иш кунини
ўзатиш билан ҳам, ҳар бир меҳнатчига юклатилган иш ҳажмини
қўлтириш билан ҳам тўла қоплаб бўлмас эди.

Хоразм вилояти колхоз, совхоз ва ёрдамчи хўжаликлари 1942-
43 йилларда экин майдонларини кегайтирган бўлсалар, уни тўла
ўзлаштира олмадилар. Экиш режаларини ҳам бажара
олмадилар. Вилоят бўйича асосий экинлар экиш режаси фақат
36,7 фоизга бажарилди, холос. 1942-43 йилларда вилоятда
пахта тайёрлаш дала тижори бажарилмай қолди. 1943 йилда
хўзчилар пахта ялпи йиғим-терими 1941 йилга нисбатан 2,8
баравар, унинг ҳосилдорлиги эса 2,5 баравар камайиб кетди.

Бундай оғир аҳвол фақат Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида
эм, мамлакатнинг барча жойларида ҳам руй берган эди. 1943
йилдаги ноҳосилдорлик ҳам аҳволни анча мушкуллаштириб
юборди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини
қўллаш, шу асосда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш
зарур эди.

1943 ва 1944 йилларда собиқ ВКП(б) МК ва СССР халқ
комиссарлари кегаши томонидан қатор қарорлар қабул қилиниб,
уларда қишлоқ хўжалик машинасозлигини тиклаш, тракторлар
ишлаб чиқаришни кўпайтириш, колхоз ва савхозларни зарур
техника воситалари билан таъминлаш вазифалари қўйилди.²⁵ Бу
қарорларга биноан 1943-44 йилларда қишлоқ хўжалигини техника
билан таъминлаш ишлари анча яхшиланди. Урганч шаҳри саноат
корхоналари тракторларни ва уларга эҳтиёт қисмлар тайёрлашда
қишлоқ меҳнакашларига катта ёрдам кўрсатдилар. Масалан,
шаҳар корхоналари қишлоқ хўжалиги машиналари ва тракторлар
учун 17 минг дона эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бердилар.²⁶

1944 йил январь ойида республика пахтакорларининг биринчи
қурултойи чақирилиб, пахтачиликдаги қолоқликни тугатиш
қарорлари муҳокама қилинди. Қурултой барча пахтакорлар олдида
1944 йилда пахтачиликда тўб бурулиш қилиш вазифасини қўйди.

Агар республика бўйича пахта ҳосилдорлигини ҳар
гектаридан 13 центнерга ошириш вазифаси қўйилган бўлса,
Хоразм вилояти пахтакорлари олдида ҳосилдорликни гектаридан
10,5 центнерга кўтариш вазифаси турар эди.²⁷

Бу қўйилган вазифани бажариш учун ун минглаган вилоят дала
меҳнаткашлари ўз зиммасига юқори мажбуриятлар олиб, пахта
ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кураш бошладилар.

1994 йил вилоят пахта далаларида 72843 киши мардонавор меҳнат қилиб, шулардан 53166 киши кунига 3 норма, 3558 киши 2-3 ва ундан кўри норма бажардилар.²⁸

Қизил армиянинг 1944 йилда Уруш фронтларида ғалабаларидан руҳланган Хоразм меҳнаткашлари пахтадан юкори ҳосил олиш учун оммавий ҳаракат бошлаб юбордилар.

Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини янги поронага кўтаришда, меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликни ўстиришда собиқ Ўзбекистон КП(б) МКнинг X Пленуми (апрель 1944) ҳақида "Пахта йнғим-терими ва тайёрлаш тўғрисида" (август 1944) қарорлари ҳам катта аҳамият касб этди. Бу қарорлар асосида колхоз ва совхозлар ташкилий жиҳатдан янада мустахкамланди, уларнинг моддий-техника базаси анча яхшиланди, меҳнат уттилар чиқариш икки барабар купайтирилди.

Агар Хоразмда катта темир йўл қуриш тарихига назар ташласак, бу масала инқилобдан аввал ҳам бир неча бор уриш қўйилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш зарурки, умуман Ўрта Осиёда темир йўл биринчи бор 1880 йилда Красноводск шаҳри яқинида қурила бошланди. 1886 йилда бу йўл Чоржуйгача олиб келинди. 1888 йилда темир йўл тармоғи Самарқанд шаҳригача, 1889 йилда эса Тошкентгача етказилди. 1890 йилда Оренбург-Тошкент темир йўли қурила бошланди. Бу йўллар Ўрта Осиёни Россия ва Оврупа билан боғлади.¹

Шимолий Қорақум темир йулини ўтказиш бўйича биринчи марта 1873 йилдаёқ пайдо бўлган эди. Бироқ Чоржуй-Қўнғиротдан Александров-Гай томонга темир йўл қурилиши масаласи пайсалга солиниб, 24 йилдан кейин, яъни 1897 йилда қуриб чиқилди: холос.

Россия подшоҳи ҳукумати темир йўл қурилишига ўз мақсадларини кузлагач эди: Хоразмни кўпроқ мустамлакачилар асоратига солиш ҳамда унинг табиий бойликларини пуманроқ Россияга олиб кетиш.

1897 йилда Хивага Гаринов, Штукенберг, Поповлардан иборат геология қидир ичи лойиҳачи гуруҳи келиб, Александров-Гай-Хива-Чоржуй марсири ичи ўрганишга келишди. Бироқ Россияда 1905-1917 йилдаги рўй берган инқилобни ҳаракатлар ҳукуматининг эъланилиши, 1914-1918 йиллардаги биринчи жаҳон уруши, 1920 йилда Хоразмдаги инқилобий ҳаракатлар ва нихоят 1939-1945 йилларда бўлган иккинчи жаҳон уруши Хоразм воҳасида темир йўл қурилишини кўп йиллар орқага суриб юборди.²

Факат 1947 йил 16 мартда собиқ СССР министрлар совети Чоржуй-Урганч-Қўнғирот темир йулини қуриш тўғрисида махсус қарар қабул қилди. Лойиҳа-смета ишларини бажариш мақсади

транспортнинг Днепропетровск бўлимининг А.Мироненко ва Киртирин, Н.Диденко каби мутахассислари юборилди. Улар шундан темир йўл қурилиш ҳужжатлари 1947 йил 17 июнда қўрилди берилди.³ Энди қурилиш ишларини бошлаб юбориш қўрилди бўлди. Ўзбек халқининг қадимий анъанасига айланган 1947 йил 22 августда 15 октябргача умумхалқ хашари қўрилди қилинди.

1947 йил 25 августда Қорақалпоғистон мухтор республикаси, Хоразм ва Туркменистоннинг Тошхувузи вилоятларидан темир йўл қурилиши трассасига 70 мингга яқин колхозчилар, 600 дан ортиқ медицина савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг вакиллари ҳамда қурилиш муҳандислари, артистлар, шоирлар, артистлар сафарбар қилинди. Генерал Фаниев қурилиш бошлиғи қилиб тайинланди.

Ўзбекистон республикаси ҳукуматининг шахсан Усмон Юсуповнинг топшириғига биноан қурилиш трассасига 101 юк машинаси, 200 бош кийим-кечак юборилди. Шарқий Сибир, Болтиқбўйи республикалари, Барнаул ва Иркутск шаҳарларидан 200 вагон шпал, 130 вагон ёғоч-тахталари келтирилди.⁴

Хоразм воҳаси меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати туфайли темир йўл асосига тупроқ уйиш ишлари қисқа муддатда - 55 кунда нихоясига етказилди. Чоржуйдан Урганчгача бўлган 400 километрлик масофада 5 миллион кубометр тупроқ етқизилди. Бу қурилиш бажарилиши 1948 йил бошларида темир йўлнинг етқизиши бошлаб юбориш имкониятини ёратди.

Темир йўл қурувчиларининг фидокорона меҳнати туфайли унга 20-24 километр темир йўллар етқизилиб, Чоржуйдан Урганчгача бўлган масофа кун сайин қисқара борди.

18 декабрь 1952 йилда Чоржуй темир йўл депоси машинисти И.И.Губанов бошқарган поезд Урганчда тантанали вазиятда кутиб олди. Бу воқеа Чоржуй-Урганч темир йулини ишга туширилганидан дарак берар эди.

Чоржуй-Урганч темир йўли тармоғи қурилиши шарофати билан Урганч шаҳарининг қамишзор ва чакалакзор кулларида шират жанубий қисмида янги замонавий шаҳарга - темирйўлчилар шаҳри қад кутарди.

Ушбу ерда 40 та икки қаватли ва 20 та бир қаватли уйлар, вокзал ва боинолари, 400 ўринлик 2 та болалар боғчаси, ўрта мактаб, 250 ўринлик темир-йўлчилар касалхонаси, дорихона, нонвойхона, 15 дан зиёд ошхона ва дўконлар барпо қилинди. Ҳозир бу шаҳар 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.⁵

Чоржуй-Урганч темир йулини қурилиши ва ишга туширилиши Хоразм вилояти иқтисоди ва маданиятини шахдам қадамлар билан ривожланишига имконият туғдириб берди.

Темир йўл қурилиши билан бир қаторда Хоразм экономикасини тез суръатлар билан ривожлантиришда халқ аҳоли турмуш маданиятини яхшилашда газлаштириш ҳам катта аҳамият касб этди.

Газлаштириш ишлари асосан 1959 йилда бошланди. Дастлабки газ Хива саноат корхоналарига, кейинчалик эса кўпайтирилган ўтказилди. 1967 йилга келиб Хивада 2170 квартираларга газлаштирилди.⁶ Агар 1960 йилда шаҳар ва шаҳар типидagi яшайдиган ҳудудларида жами 110-100 квартира газлаштирилган бўлса, 1965 йилга келиб газлаштирилган квартиралар сони 6100 га етди.⁷ 1965 йилда қишлоқ жойларларида эса 2700 вижда газлаштирилган. Вилоят бўйича газлаштирилган квартиралар сони 1965 йилда 8800 тани ташкил этди. Шулардан 6500 та суюлтирилган газ билан таъминланди.⁸ Агар вилоятдаги барча истеъмолчиларга 1965 йилда 15,7 млн кубометр таъмин етказиб берилган бўлса, 1970 йилда эса 57,9 млн кубометр таъмин газ берилган.⁹

Аҳоли яшайдиган квартираларини ва саноат корхоналарини газлаштириш юзлаган минглаган на уй бекаларини, ишчи ва хизматчиларни оғир қўл меҳнатидан озод қилди, уй-жойлар ва саноат корхоналари санитар-гигиена ҳолатини тубдан яхшилади.

1966 йилда вилоятимиз ҳудудлари орқали Бухора-Урал ва Урал-Осиё магистрал газ қурулишини ўтказилиши ҳамда Хазорат тумани яқинида "Очоқ" табиий газ ёз конини топилиши шаҳар ва қишлоқларимизни газлаштириш ишларини жаддлаштириш саноат корхоналарини газ ёкилгисига ўтказишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Вилоятимиз экономикаси ва маданиятини жадд суръат билан ривожлантиришнинг янги бир муҳим омили бу электрлаштиришдир.

1958 йилда Урганч шаҳрида 250 кВт қувватга эга бўлган энергопоезднинг ўрнатилиши. 1960 йилда Тахياتош ГРЭСининг биринчи навбатининг ишга туширилиши ва 1963 йилда Тахياتош-Урганч электр узатиш линиясини қурилиши вилоятимизда катта воқеа бўлди.

Юқорида зикр қилинган омиллар бар вилоятда қатор йирик завод ва фабрикаларни қуриш ва саноат маҳсулотларини ялпи ҳажмида ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Етти йиллик (1959-1965) ва 8-нчи беш йиллик (1966-1970 й)ларда вилоятимизда қатор йирик саноат корхоналари, жумладан: селикат темир бета-е-сут заводлари, қурилиш материаллари, йирик панелли уй қуриш ва нон комбинатлари, Хива тикувчилик фабрикаси, Ширк-Янги-ариқ, Янгибозор пахта тоза-алаш заводлари, Ширк-Янги-ариқ, Грензавод, Жумуртов майдалаш-саралаш заводи.

Мавжуд фабрикаси ҳамда бир қанча маҳаллни саноат комбинатлари қурилиб ишга туширилди.

Бундан ташқари, қайд этилган йиллар давомида вилоятда кўпгина қурилиш-монтаж, савдо ташкилотлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, болалар, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи корхоналари, кино-театрлар, телестудия, типография, вилоят маҳаллари редакцияси ва бошқа бинолар қурилиб ишга туширилди. 1970 йилга келиб, вилоятдаги йирик саноат корхоналарининг сони 70 га етди. Саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1940 йилга нисбатан 371 фоизга ўсди.¹⁰ Ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти турлари 100 дан ошиб кетди. Саноат корхоналарининг кўпайиши билан ишчилар ва инженер-техник ходимлар сони ҳам ўса борди. Агар 1960 йилда вилоят саноат корхоналарида 5557 ишчи, 413 инженер-техник ходимлар ишлаган бўлса, 1970 йилга келиб уларнинг сони нисбатан 9175 ва 369 га кўпайди.¹¹

60-70 йилларда саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши бошқа омиллар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Агар 1940 йилда пахтанинг ялпи ҳосили 76,3 минг тоннани ташкил қилиб, ҳар бир гектардан 10,6 центнер ҳосил олинган бўлса, 1970 йилда 407 минг тонна пахта терилиб, гектардан 39,0 центнер ҳосил йиғилди.¹²

Мавжуд сув иншоотларини таъмирлаш, кенгайтириш, янги ерларни барпо этиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Шу жумладан 290 километр узунликдаги Дарёлик коллектори, 18 километр узунликдаги Туямўйин ёрдамчи канали ва бошқа гидротехник иншоотлар қурилиб ишга туширилди.¹³

Вилоят қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожланиши унинг энергетика базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш талаб этар эди. Бу вазифа, юқорида зикр қилинганидек, 1960 йилда Тахياتош ГРЭСининг биринчи навбатини ишга туширилиши ва 1963 йилда Тахياتош-Урганч электр узатиш линиясининг қурилиши билан амалга оширилган эди. Бироқ Хоразм вилояти халқ хўжалигининг барча тармоқларини электр энергияси билан таъминлаш учун кўп миқдорда электр узатувчи линиялар, подстанциялар, трансформатор пунктлари қуриш зарур эди. Шу мақсадда 8-нчи беш йилликнинг туртинчи йилида (1969) Тахياتош ГРЭСидан вилоятимиз ҳудудида 403 километр узунликдаги электр узатувчи линия, 15 подстанция қуриб ишга туширилди. 1969 йилда вилоятимизда 4732 километр узунликда электр узатувчи линия, 48,1 минг КВА қувватга эга бўлган 719 трансформатор пунктлари мавжуд эди.¹⁴

1970 йил боёпларида 154 километр узунликдаги Тахнатон-Урганч электр узатувчи линиянинг иккинчи навбати ишга туширилди. Хоразм энергоузели 144 километр узунликдаги Дулдуд-Урганч электр узатувчи линияси орқали Ўзбекистон электр системаси билан боғланди. Бу тадбир қуви Амударё районлари ишлаб чиқарувчи қўшарини янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Хоразмнинг Тахнатон ПТЭСи ва Ўзбекистон энергосистемасига уланishi натижасида бу ерда электр энергияси ишлаб чиқариш камишиб кетди. Вилоятнинг узунда энг кўп миқдорда электр энергияси (0,6 минг КВТ·С) 1962 йилда ишлаб чиқарилган эди.¹⁵

Вилоят энергетика базасининг мустаҳкамлашнинг ҳал ҳужалигининг асосий тармоғи бўлиши қишлоқ ҳужалигини жидал суръатлар билан механизациялаш ва электрлаштириш имкониятини туғдирди.

1950 йилда вилоятнинг фақат 13 та колхозда 194 КВТ қувватга эга булган кичик электростанциялар мавжуд эди. 1960 йилга келиб, вилоятнинг 101 колхоздан 80 тасида 5290 КВТ қувватга эга булган электр қурилмалари барпо қилинди.¹⁶

Колхозларда дизель-электр қурилмалари сонининг ўсишига қарамай, улар хали колхозларнинг электр энергиясига эга булган эҳтиёжларини тула қондиришолмас эди. Чунки майда, камқувватли электр қурилмалари иқтисодий жиҳатдан унумсиз, фақат маланин-маниний талабларини, қисман ишлаб чиқариш талабларини қондиришга қодир эдилар, холос. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи тармоқлари, колхозчилар хонадонларининг аксарият қисми электр энергияси ва сўғелигидан маҳрум эдилар.

1959 йилда колхозчиларининг 52200 хонадонидан фақат 7077 ҳужалигига электр энергиясидан фойдаланган.¹⁷

Қишлоқ ҳужалигини электрлаштиришдаги қолоқлик юқори ташкилотлар диққатидан четда қолмади. 1960 йил 6 апрелида Ўзбекистон компартияси Марказий Қўмитаси ва Республика Министрлар Совети "Қишлоқ ҳужалигини электрлаштиришнинг 1960-1965 йилларга мўлжалланган режасининг бажарилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Ўзбекистон КП Хоразм вилоят Қўмитаси ва вилоят Ижроия Қўмитаси бу қарорни бажара бориб, вилоят қишлоқ ҳужалигини электрлаштириш борасида қатор тадбирларни амалга оширдилар. Бу тадбирлар ичида "Ўзсельэлектрострой" қурилиш монтаж бошқармаси Хоразм вилоят бўлими ҳамда "Сельэлектрострой" бошқармасининг ташкил этилиши ва Тахнатон-Урганч электр узатиш линияси қурилишининг тезлаштирилиши айниқса муҳим аҳамият касб этди. Қишлоқ ҳужалигини электрлаштириш эҳтиёжлари учун 81,8 минг сум капитал маблағ ажратилди.¹⁸

Қишлоқларни электрлаштириш юзасидан мўлжалланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 1966 йилга келиб вилоятдаги 89 колхоздан 35 тасида бу иш тўла бажарилди. 1969 йилда эса 88 колхознинг ҳаммаси, 3 совхоз, 65,4 минг колхозчи хонадонни (91%), 94 чорвачилик фермалари ва қатор қишлоқ хўжалик объектлари давлат электр системасига улаш нули билан электрлаштирилди.¹⁹ 1971 йилга келиб вилоятдаги барча колхозлар ва совхозлар (100%) электр энергиясидан фойдалана бошладилар.²⁰

Агар 1965 йилда колхоз ва совхозларда 17,2 млн. киловатт соат электр энергияси истеъмол қилинган бўлса, 1973 йилга келиб 92,0 млн. киловатт соат электр энергияси истеъмол қилинди.²¹ 1965 йилда мавжуд колхозчилар хонадонларининг 52% электр энергиясидан фойдаланган бўлсалар, 1971 йилга колхозчилар хонадонларининг 97% ва совхоз ишчилар хонадонларининг 75%и электрлаштирилди.²²

Шу билан бир қаторда қайд қилинган йиллар давомида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш босқисида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Буни биз тубандаги рақамлар билан исботлашимиз мумкин. Агар 1960 йилда қишлоқ хўжалигида тракторлар парки 3,9 мингга, дон йиғиш комбайнлари 2 мингга, пахта териш машиналари 400-тага, юк ташувчи автомобиллар сони 1,6 мингга ташкил қилган бўлса, 1970 йил охирига келиб уларнинг сони нисбатан 8,8 минг, 221 минг, 1,7 минг, 2,8 минг донга кўлайди.²³

Бу рақамлар электр энергияси ва турли механизмларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳамда қишлоқ аҳолиси турмушига кенг кулабда кириб бораётганини исботловчи далиллардир. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши унвондорлигини оширишга, қўл меҳнатини камайишига, қишлоқ турмуш маданиятини янада ўсишига ёрдам берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва ЎзССР Министрлар Советининг 1970 йил январида қабул қилган "Республика колхоз ва совхозларида ишлаб чиқариш ва уй-рузгорни электрлаштиришни кенгайтириш тўғрисида" деган қарори қишлоқларни электрлаштириш соҳасида янги истиқбол очиб берди.

Қарорда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида электр қувватидан янада кенгроқ фойдаланиш, айрим меҳнат жараёнларини электрлаштиришдан комплекс электрлаштиришга ва қўл меҳнат талаб қилувчи жараёнларни электромеханизациялашга ўтиш вазифасини илгари сурди.

Бу вазифаларнинг ҳаммаси бўлмаса да, талайгина қисми амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши янги

техника асосида ташкил этилди, қишлоқ меҳнаткашларининг шароитлари анча яхшиланди, колхоз ва совхоз ишчиларининг маданий-техника савияси ошди, индустриал меҳнат билан қишлоқ хўжалиги меҳнати уртасида тафовутлар анча камайди, қишлоқ механизаторлар ва энергетиклар сони тобора ошиб борди.

Агар 1960 йилда вилоят қишлоқ хўжалигида 6483 тракторчи машинистлар, тракторчилар ва комбайнчилар ишлаган бўлса, 1974 йилда уларнинг сони 9705 кишига купайди.²⁴ Механизаторларнинг маълум фоизини электрлаштирувчилар-электр монтерлари, электр-дурадгорлари ҳамда инженер-электриклар ташкил қилди. Механизатор кадрларнинг фидокорона меҳнати туфайли қишлоқ хўжалигининг энг оғир меҳнат турлари: ерларни хайлаш, текислаш, планлаштириш, экиш, чел чекиш, ўриш, қисман терил-нигиш, каналлар ва ариқлар қазиниш каби ишлар тула механизациялаштирилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва электрлаштириш вилоят халқ хўжалиги барча тармоқларини жадал суръатлар билан ривожланишига меҳнат унумдорлигини оширишга, халқ моддий-маданий фаровонлигини яхшиланишига ҳамда унинг турли радио ва электр-аппаратлари сотиб олиш қобилиятини ўсишига олиб келди.

Агар 1965 йилда вилоят меҳнаткашлари давлат ва кооператив савдоси орқали 5190 дона радиоприёмник ва радиолалар, 5464 телевизорлар, 1301-музлаткичлар, 1318-кир ювиш машиналари, 219-электр чанг сўриш машиналари, 1072-магнитофон, 3087-электр дазмоли сотиб олган бўлсалар, 1975 йилда 6982 дона радиоприёмник ва радиолалар, 7114-телевизор, 6098 музлаткич, 5861-кир ювиш машинаси, 971-электр чанг сўриш машинаси, 3151-магнитофон, 17607-электр дазмол сотиб олди.²⁵

Электр энергияси ёрдамида ишлайдиган маданий-маиший молларни аҳоли томонидан сотиб олинishi то 1991 йилгача тобора ўсиб борди. Шундай қилиб, урушдан кейинги йилларда вилоят эконоимикаси ва маданиятининг янада ривожлантириш учун моддий техника базаси вужудга келтирилди. Бу моддий-техника базасига таянган ҳолда кейинги йилларда вилоят халқ хўжалигини жадал суръатлар билан юксалтириш имконияти яратилди.

ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КУРАШ.

ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИДА ЮҚОРИ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШ. ПАХТА
ИШЛАШ ҲАМ ХОЖАЛИГИНИ ҚАРОР ТОПИШИ. Қишлоқ хўжалиги Хоразм
вилоятининг асосий етакчи соҳаси ҳисобланади. Шу сабабли
қишлоқ хўжалигининг янги иллатда бу соҳани тиклаш ва ривожлантиришга
эътибор берилади.

Урчи бегуни амлакатда бўлганидек, Хоразм қишлоқ
хўжалигида ҳам катта зарар етказди. Қишлоқ хўжалигининг
техника базаси жуда заифлашиб қолди, раҳбар ва
хизматчилар етишмади. Уларнинг кўплари жанг
йилларида қўлга кетдилар. Улар ўрнига келган раҳбар ва
хизматчиларда ҳам на билим ва на тажриба етарли эди. Шунингдек
қишлоқ хўжаликларида ҳисоб-китоб ишлари ва меҳнат
тақдирлаш ишлари қолган эди. Бу ахвол вилоятда қишлоқ
хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш ишлари етказишни ҳам кескин камайтириб
қўйди. Пахтанинг ялпи ҳосили 1940 йилдаги 76,3 минг тоннадан
1945 йилда 61,6 минг тоннага тушиб қолди. Дон экиладиган
майdonлар анча кенгайган бўлсада, ҳосилдорлик пасайиб кетди.
Ана шундай шароитда бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини
тиклаш ва ривожлантириш осон иш эмас эди, у жуда катта куч ва
мabлағ талаб қиларди.

1946 йил 30 августида Ўзбекистон республикаси Олий
қенгаши 3-сессиясида республика халқ хўжалигини тиклаш ва
ривожлантиришнинг 4-беш йиллик (1946-1950й.) режасини
маъқуллади. Шу йили бўлиб ўтган Хоразм вилояти меҳнатқаш
депутатлари Кенгашининг 15-сессияси ҳам вилоят доирасида
сан'ат ва қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг
иш вазифаларини белгилаб олди. Шу беш йилликда сан'ат
соҳасида пахта иши қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга
аҳолида эътибор берилди. Пахта толаси ишлаб чиқариш беш
йиллик охирида 48,8 фоизга оширилиши лозим эди. Шу мақсадда
пахта туманида янги пахта тозалаш заводи, бошқа туманларда яна
пахта тайёрлаш пунктлари қуриб ишга туширилди.
Вилоятдаги бошқа пахта тозалаш ва ёғ-мой заводларининг қуввати
оширилди. Шу беш йилликда Чоржув-Урганч-Қўнғирот темир йўли
қурилиши бошлаб юборилди, бу йўл Хоразмни бошқа вилоятлар
билан алоқасини мустаҳкамлашда муҳим рол уйнади.²⁶

4-беш йиллик охирига бориб қишлоқ хўжалиги
иш вазифалари ишлаб чиқариш 1,5 бараварга кўпайтирилиши, экин
майdonи 156,5 минг гектарга етказилиши, шу жумладан пахта
экиладиган майdonлар 85 минг гектарга, бедазорлар 54 минг

гектарга, дон экиладиган майдон эса 14,6 минг етказилиши кўзда тутилди. Беш йиллик охирида давлатга 161 минг тонна пахта топшириш, ҳосилдорликни гектарига 19 ц га ошириш мўлжалланган эди.²⁷

Юқоридаги улкан вазифаларни жамоа ҳўжаликлари ҳосилдорликни ошириш, деҳқончиликда фан ва илғор агротехника ютуқларидан фойдаланиш, пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш, айниқса қишлоқ ҳўжалигини механизмлашдириш орқали ҳал қилиш мумкин эди. Албатта бу борада бирмунча ишлар қилинди. Беш йилликнинг дастлабки йилиданоқ ҳўжаликлари зарур механизмлар ва минерал ўғитлар таъмин этила бошланди. Беш йиллик охирида ҳўжаликларида тракторлар сони урушдан олдинги даражадан 70 фоизга, юк машиналари эса 72 фоизга кўпайди. 1950 йил охирида жамоа ҳўжаликлари далаларида 3 мингга яқин трактор ва 600 дора ортиқ автомашиналар ишлаб турди. Механизаторлар тайёрлаш ҳам анча ишлар қилинди. 1946-1950 йиллар мобайнида машина трактор станциялари қошида ташкил этилган қисқа муддатта курслар орқали 8266 нафар трактор ҳайдовчилар тайёрлан берилди.²⁸

Шу беш йилликда жамоа ҳўжаликларини раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида ҳам анча ишлар қилинди. 1946 йилда вилоятнинг камқувват колхозларига ёрдам кўрсатиш учун 73 киши турли раҳбарлик лавозимларига ишга юборилди, шулардан 43 киши колхоз раислари қилиб тайинланган эди. Бригадалар, жамоа ҳўжаликлари ва туманлар ўртасида беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун меҳнат беллашувлари қизитиб юборилди. Шу 1946 йилда вилоят ҳўжаликлари давлатга 73444 тонна пахта сотдилар, бу олдинги йилдагидан 12,8 минг тонна кўп. Ҳосилдорлик бир йилда гектарига 2,5 ц.га кўтарилди.²⁹ Бироқ республикада бўлганидек урушдан кейин вилоят қишлоқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантириш жиддий қийинчиликлар ва камчиликлар юз берди. Шунинг билан таъкидлаш керакки, 4-нчи беш йиллик режалари вилоятнинг урушдан кейинги реал имкониятларини ҳисобга олмайди. Биланса ҳали ўша вақтда беш йилликнинг улғувор вазифаларини бажариш учун молиявий, моддий-техника ва инжимоий шароитлар етарли эмас эди.

Қишлоқда урушдан кейинги йилларда тракторлар ва машиналар механизаторлар сони кўпайишига қарамай, уларнинг иш унвон паст даражада эди. Қишлоқ ҳўжалиги механизмларига эҳтисот қисмлар, ёқилғи мойлаш материаллари етишмади. Шунинг билан малакали раҳбар ва мутахассис кадрлар, айниқса механизаторлар етиштирилган эди. Меҳнатга ҳақ тўлашда ҳам сезиларли ўзгариш

ёрилди, моддий манфаатдорлик принципига етарлича аҳамият

Биринчи даражада фойдаланишни талаб қилган ҳўжаликларида меҳнатни туфайли чегитни экиш муддати 1947 йил баҳорида 40-45 кунга чўзилиб кетди. Шу йил 185 та чопиқ трактори ва 84 та универсал тракторлар турли сабабларга кўра баҳорги дала иштирок этмадилар. Айрим туманларда ердан нотўғри иш оқибатида анча экин майдонлари қишлоқ ҳўжалик қоросида қолди. Фақат 1947 йилда вилоятда бундай ерлар 200 гектарни ташкил қилди.³⁰

Пахта-беда алмашлаб экиш режалари бажарилмади, янги экин дўғартириш зурга 30,7 фоизга бажарилди, холос.³¹

Меҳнатни ташкил этишдаги мавжуд камчиликлар ҳам шу беш йилликда ва ундан кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалигини ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Меҳнат интизомини бўғлаш кетиши оқибатида 1947 йилда 32 минг ва 1948 йилда эса 30 мингга яқин толхозчи дала ишларида иштирок қилмадилар. Ана шу сабабли вилоятда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мўлжалланган режалар 1946, 1947 ва 1948 йилда ҳам бажарилмади. Фақат 1949 йилда бирмунча ёлғиш бўлди, давлатга 119 минг тонна пахта сотилди, бу 1940 йилдагидан 37 минг тонна кўп эди. Шу даврда ҳосилдорлик гектарига 10 ц дан 13,6 ц га кўтарилди. Бироқ шунга қарамай 1949 йилда ҳам вилоятда давлатга пахта топшириш режаси 86,5 фоизга бажарилди, холос.

1946-1950 йилларда Хоразм вилояти жами бўлиб давлатга 476 минг тонна пахта топширди, ялпи ҳосил беш йил ичида икки бараварга ошди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 7 ц га кўтарилди. Лекин барибир мўлжалдаги вазифалар тула бажарилмади. Пахта етиштириш беш йиллик мўлжалидан 100 минг тонна кам эди, чорвачилик, дончилик ва бошқа соҳаларда ҳам кўзланган маррага эришилмади.

1950 йил охирига келиб вилоятда суғориладиган экин майдони 125,1 минг гектарга етди, бу 1940 йилдаги даражадан 6 минг гектарга кенгайгани ҳолда пахта майдони 17,2 минг гектарга кенгайтирилган эди. Бироқ дон, шоли ва чорвачилик учун озуқа майдонлари урушдан олдинги даражага етгани йўқ.³²

4-нчи беш йилликнинг асосий камчиликларидан бири шу бўлдики, молиявий ва моддий-техника ресурсларининг асосий қисми пахтачиликка ажратилиб, бошқа соҳаларга етарли эътибор берилмади. Бу айниқса вилоятда энг муҳим тармоқ- чорвачилик соҳасини янада оғирлаштириб қўйди. Чорвачиликка етарли маблағ ажратилмади, унинг моддий-техника базаси заифлигича қолди, бу соҳадаги асосий ишлар қўлда бажарилиб келинди. Чорвачиликнинг

озуқа базаси 1950 йилда 1940 йилдаги паражадан 7,5 гектарга камайиб қолди.

Булардан ташқари вилоятда чорвачилик маълумотли мутахассислар ҳам етишмади. Шу вилоятнинг ветеринария тармоқларида ҳаммаси воотехник ва 51 нафар ветеринария ходими шифали сабабли чорвачилик соҳасида режалар бажарилмади. У вилоят хўжалигининг қолоқ соҳаси бўлиб қолаверди. 1950 йил вилоят хўжаликларида 1940 йилга нисбатан эрамомоллар сон 36,5 минг бошга, ситирлар-18,4 минг бошга, қўйлар-23,5 минг бошга, чўчқалар-1,1 минг бошга, отлар сон 95 минг таррандалар-37,4 минг бошга камайиб қолди.

Навбатдаги беш йилликда (1951-1955 й.) Хоразм хўжалиги олдига янада улкан вазифалар қўйилди. Бешинчи йилликда ҳам асосий эътибор аввалгидек биринчи нахша пахтачилиكنи ривожлантиришга қаратилди. Пахтанинг экин ҳосили олдинги беш йилликдан 30 фоизга оширилди, ҳосилдорлик гектарига 25 ц га етказилиши мўлжалланган эди. Бу беш йилликда ҳам қишлоқ хўжалигига ажратилган маблағ ва техника воситаларининг асосии қисми пахтачиликка жаллтирилди.

Бундай сиёсат кейинги йилларда ҳам давом этди. Буна шундан ҳам аниқ куриш мумкинки, вилоятда пахта экидони 9,2 минг гектарга кенгайгани ҳолда дон экиладиган майдон 3 минг гектарга камайди. Шоли экиладиган майдон эса уша даврда 1940 йилга нисбатан 1,2 минг гектарга камайиб қолди. Озуқа экинлари майдони 1960 йилда 33,8 минг гектар бўлиб, бу 1940 йилдагидан 2,7 минг гектарга кенгайган эди, холос. Бу чорвачиликни ривожлантириш учун м тлақо етарли эмас эди. Пахта экиладиган майдон жами экин майдонларининг 70 фоизини эгаллашди. Пахтачилик тез ривожланиб қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари орқаси қолди. Шундан кўришарканки 50-йиллар, республикада булганидек, Хоразм вилоятида пахта якка ҳокимлигининг узил-кесил парор топган йиллар бўлди. Шу муносабат билан бутун Ўзбекистон ҳудуди маркази пахта ҳам-ашёси билан тэъминлайдиган асосий маконга айланган эди. Бу эса ўз навбатида шу ўлка учун қазимдан машхур доғчилик, чорвачилик, полизчилик, ботдорчилик ваон соҳалар орқага кетишига олиб келди. Ҳатт кейинча асосий экин сў ва бошқа маҳсулотларга булган эътиборни қишлоқ хўжалик жихатдан марказга ва бошқа республикаларга қарам бўлиб қолди.

Шу беш йилликда вилоятда пахтачиликни ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда жамоа хўжаликтарини ташқари

Хўжаликнинг ҳаётидан мустаҳкамлаш муҳим роль ўйнади. Шулардан
Жамоа хўжаликларини йириклаштириш тадбири бўлди.
1951 йилларда қўқуматнинг махсус қарори билан
бўлганидек, Хоразм вилоятида ҳам кичик
хўжаликларни йириклаштириш сиёсати ўтказилади. Бу сиёсат
Хоразм учун муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки вилоятда
200 га гектардан 413 га майда жамоа хўжаликлари мавжуд бўлиб,
ҳар бирига ўртача 300 гектардан экин майдони ва 217
кўта молдан тўғри келаётган эди. Майда хўжаликлар мавжуд
ҳаётда моддий-техника имкониятларидан самарали
фойдаланишга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ирригация-
мелиорация қурилишларини жадаллаштиришга, шунингдек
социал-маданий тараққиётга ҳалақит етказиб
қолган эди. Йириклаштириш натижасида вилоятда жамоа
хўжаликлари сони 1951 йилда 213 тага камайди. Бу тадбир
натижасида вилоятдаги жамоа хўжаликлар сони 165 га келиб қолади.
Йириклаштирилгач ҳар бир хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш
3-3,5 бараварга, экин майдони эса 850 гектарга кўпайди.³⁵

Жамоа хўжаликларини йириклашуви ва ташкилий-хўжалик
қилиш билан мустаҳкамланиши уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига
қўшимча таъсир кўрсатди. Жамоа аъзоларининг моддий ва маданий
баровонлиги ҳам кўтарилга бошлади. Масалан, 1951 йилда Хоразм
вилояти давлатга биринчи марта 160 минг тонна пахта топширди
ва ҳосилдорлик гектаридан 18 ц га кўтарилди ёки бир йилда 1,3 ц
га ошди. Жамоа хўжаликлари шу 1951 йилда 42 млн. сўмдан зиёд
зарфдор олдилар, бу олдинги йилдагидан 2,7 млн. сўм кўп.³⁶ Аммо
шунинг ҳам қайд қилиш лозимки, жамоа хўжаликларининг
йириклашуви билан муайян қийинчиликлар ҳам вужудга келган
эди. Бу кўпчилик колхоз раҳбарлари ва мутахассисларида йирик
хўжаликларга раҳбарлик қилиш маҳоратининг етишмаслигида очик
қўрилди. Шу сабабли кўпчилик хўжаликларда молиявий нитизом
қиссаси ҳисоб-китоб ишлари жуда бўшашиб кетди, оқибатда айрим
хўжаликларда колхоз кооператив мулк талон-тарож қилинди.
Қарашли бўлган ерлар, чорва моллари ва паррандаларни
қўқумат равишда узлаштириш ва ўғирлашга йўл қўйилди.
Хўжаликларидан ўтказилган текширишлар шу 1951 йилда
217 гектар экин майдонларини қонунга ҳилоф равишда
қўқуматилганлигини ва яна 370 бош қорамолни, 99 бош от ва
тули, 1898 бош бошқа тур ҳайвонларни, 1097 бош паррандаларни
ўқурланганлиги аниқланди. Жамоа хўжаликларида етказилган
муаммо моддий зарар 324 минг сўмни ташкил этди.³⁷

Хўжаликларнинг ташкилий хўжалик фаолиятини яхшилашга
муҳим тадбирлар қурилишига қадамдай, жиддий

камчиликлар батамом бартараф этилгани йўқ. Шу сабаб 1 сентябрь (1953й) Пленумидан кейин Хоразм вилоятида ҳам аграр секторга, айниқса пахтачиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Уларнинг молиявий ва моддий-техника қуввати оширилди, моддий жиҳатдан рағбатлантириш чоралари кўрилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштиришнинг янгича тартиби жорий қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари оширилди. 1947-1956 йилларда ҳукумат жамоа хўжаликлари ва МТСлар эҳтиёжи учун 17 млн. сўм маблағ ажратди. Фақат 1954 йилда ана шу мақсадлар учун давлат томонидан ажратилган маблағ 6,6 млн. сўмдан ошди.³⁸

Жамоа хўжаликларига ҳар хилдаги қувватли механизмлар ажратилди. 1955 йилда вилоятнинг машина-тракторлар парк урушдан олдинги даражадан 3,4 бараварга ўсди.

Бироқ ҳаётнинг ўзи жамоа хўжаликларига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашни кун тартибига қўйди. Маълумки хўжаликларга МТСлар орқали техника хизмати кўрсатиш уларнинг ўсиб бораётган талабини қаноатлантирмай қўйди. Ерга жуфт хўжайинлилик ишлаб чиқаришни ташкил этишда маъсулиятни сусайтириб юборди ҳамда бу хўжаликларда ортиқча харажатга сабаб бўлаётган эди. Шуларни ҳисобга олиб, 1958-1959 йилларда МТСларни қайта қуриш тадбирлари кўрилди, удар ихтиёридаги мавжуд механизмлар - тракторлар, пахта териш машиналари, культиватор, сеялка ва бошқалар колхозлар ихтиёрига сотиб берилди. 1958 йил охирида вилоятдаги 80 жамоа хўжалиги МТСлардан 1200 та трактор, 118 та пахта териш машиналари, 736 та трактор сеялкаси, 1118 та культиватор ва бошқа механизмларни сотиб олдилар. Уларнинг умумий қиймати 8 млн. сўмни ташкил этади.³⁹ Шунингдек 3500 механизатор ва 150 дан ортиқ инженер-техник мутахассислар ҳам доимий ишлаш учун МТСлардан колхозларга юборилди. МТСларнинг қайта ташкил этилиши билан колхозлар уларнинг хизмати учун олинадиган тўловлардан озод бўлдилар.⁴⁰

Бу тадбир хўжаликларда ишлаб чиқаришни янгича ташкил этиш имконини берди, механизмлардан самарали фойдаланиш мақсадида трактор-далачилик бригадалари барпо этилди.

1958 йил охирида вилоятда 90 та трактор-далачилик бригадалари ташкил этилди, келгуси йилда эса колхоз далаларида 260 та комплекс механизациялашган далачилик бригадалари фаолият кўрсатди. Ана шу бригадалар хўжаликларинда ишлаб чиқаришни янгича ташкил этишда, айниқса пахтачиликда бир қатор оғир ишларни тула механизациялаш, ҳатто теришда ҳам машиналардан кенг фойдаланишда муҳим рол ўйнадилар.¹⁹⁵⁸

йилда пахтани машиналар ёрдамида теришда дастлабки натижаларга эришилди. Шу йили машиналар ёрдамида териб олинган пахта 25 минг тоннадан ошди.⁴¹

Булардан ташқари кейинги йилларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари оширилди ҳамда колхозлардан олинадиган солиқлар миқдори анча камайтирилди. Яна олдинги йиллар учун тўланмай қолган солиқлар ва тўловлар ҳам бекор этилди.

Бироқ шунга қарамасдан юқоридаги тадбирлар вилоятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кескин даражада ривожлантириш учун етарли эмас эди. Буни шундан ҳам аниқ кўриш мумкинки. 50-йиллар ўрталарида вилоятнинг 108 колхозиди ҳосилдорлик паст даражада бўлиб, 23 колхоз бўлса мунтазам гектаридан 15 ц дан кам ҳосил олиб келаётган эди. Бу ҳол жамоа хўжаликлари экономикасини орқага судраб келди.

Кўпчилик хўжаликлардаги қоқоқликнинг асосий сабаби моддий манфаатдорликка етарли эътибор берилмаганидандир. Гарчи харид нархлари оширилган бўлса-да, у ҳамон деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги сарф-харажатларни қоплай олмайди. Колхозчиларга пул ва натура тўловларининг ўз вақтида берилмаганлиги сабабги хўжаликларда меҳнат интизоми ҳам анча бўзлашиб қолди. Ана шундай қоқоқ хўжаликлар вилоятнинг Шовот, Янгиариқ, Кўшкўпир ва Гурлан туманларида кўпчиликни ташкил қилаётган эди. Ҳукумат ва маҳаллий ташкилотлар кам қувват хўжаликларга ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатди, уларни илғор хўжаликлар даражасига кўтариш учун зарур чораларни кўрди. 1954-1955 йилларда кам қувват хўжаликларга қўшимча равишда 1100 тонна ўғит, 119 юк автомашинаси, 283 дона пахта сеялкалари ва бошқа механизмлар билан ёрдам қилинди. Булардан ташқари юқоридаги хўжаликларга зарур инвентарлар сотиб олиш учун 3,7 млн. сўм, қорва моллари сотиб олиш учун эса 6,7 млн. сўм миқдориди узоқ муддатга кредит берилди. Уларнинг кадрлар таркибини мустаҳкамлаш мақсадида 20 нафар мутахассис турли раҳбарлик лавозимларига юборилди.

Албатга, бу тадбир-чоралар қоқоқ хўжаликлар экономикасини кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатди. Натижада бундай хўжаликлар сони 1953-1958 йилларда 3 бараварга камайиб қолди. Фақат 1956 йилда вилоятнинг кам қувват хўжаликларининг умумий даромади 14 млн. сўмга кўпайди.⁴²

Ана шу тадбирлардан сўнг вилоят хўжаликлари 1956 йилда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда анча самарали натижаларга эришдилар. Улар шу йили давлатга 217 минг тонна пахта топширдилар, бу олдинги йилдагидан 37 минг тонна кўп бўлди. Ҳосилдорлик бир йилда гектаридан 3,6 ц га ошди. Бошқа

соҳаларда ҳам анча сезиларли ўзгаришлар юз берди. Пахтачилар ва бошқа соҳаларда эришилган муваффақиятлар учун кишлоқ меҳнаткашларидан 1018 киши ҳукуматнинг юксак мукофоти сазовор бўлди, 11 кишига социалистик меҳнат қаҳрамони унвони берилди.⁴³

Ана шу юксак унвонга сазовор бўлганлар орасидан Бороғ туманидан Наримонов номли колхоз раиси Искандар Давлат Шероғ туманидан Киров номли колхоз раиси Карим Раҳимов, Лонкалоқ "Хоразм" колхозини раиси Дурхоним Раҳимова, Урганч туманида бригада бошлиғи Шержон Вансжонов ва бошқалар бор эди.

Хоразм пахтакорлари 1957 йилда ҳам гарчи об-ҳаво шароитининг ноқулай келишига қарамай давлатга пахта сотиш режаларини ошириб бажардилар. Шу йили давлатга 241 минг тонна пахта сотилди, ҳосилдорлик 23 ц га етказилди. 1956 йилларда вилоятда пахта етиштириш 1955 йилга нисбатан 100 тонна кўпайди.⁴⁴

Урушдан кейинги йилларда кишлоқ ҳўжалигининг ривожлантиришда шаҳар меҳнаткашларининг, саноат ва муассасаларининг қўллоққа, жамоа ва давлат хўжалиқ машина-трактор станцияларига кўрсатган оталиқ ёрдамлари ҳақ алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улар хўжаликлардаги мавжуд механизмларни таъмирлашда, уларга эҳтиёт қисмлар таъмирлаб беришда, юк ташиб беришда, радиолаш ва электрлаштириш ферма ва жамоа бинолари қурилишида, раҳбар ва мутахассис кадрлар тайёрлаб беришда, шунингдек экин ва терим мавсумларида ҳам атрофлича ёрдам кўрсатдилар. Фақат 1950 йилда шаҳар ва туман марказларидаги 137 корхона ва ташкилот, колхоз, совхоз ва МТСларга ана шу мақсадда беркитиб қўйилган эди. Жумладан, Урганч шаҳридаги 34 та ириқ корхона ва бошқармалар Урганч ва Янгибозор туманларидаги хўжаликларга беркитилди. Улар колхоз ва МТСларга нафақат маддий-техника жиҳатдан, шунингдек сиёсий, маданий-тарбиявий ва ташкилот жиҳатдан ҳам яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Фақат 1953 йилда Урганч шаҳридан 21 мутахассис-агроном инженер-техниклар, трактор ҳайдовчилар, яна 25 токар ва слесарлар колхоз ва МТСларга доимий ишлаш учун юборилди. Шаҳарликлар пахтани парвариш қилиш ва пахта терими даврида ҳам хўжаликларга қўмаклашдилар. Масалан, 1954 йил пахта теримида 2 мингдан ортиқ шаҳарликлар иштирок этдилар. 1955 йилларда пахта далаларидан шаҳарликлар ёрдами билан 53 минг тонна пахта ва 640 минг тонна қўрак, 1957 йилда эса 103 минг тоннадан ортиқ пахта териб топширилди.⁴⁵

Кишлоқ меҳнаткашлари 1958 йилда ҳам шаҳарликлар ёрдами пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, давлатга 241,5 минг тонна

пахта топширилиб, ҳосилдорлик 25 ц га етказилди. Вилоятда пахта еттиштириш 1958 йилда 1953 йилга нисбатан 1,4 бараварга ўсди.⁴⁶

Ҳукуматнинг ҳар тарафлама ёрдами, колхоз меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати туфайли Хоразм вилояти 1954-1958 йилларда пахтага жами бўлиб 1 млн. 96 минг тонна пахта топширди, бу эътиборини беш йилликдагидан 782 минг тонна кўп демакдир.

Пахтачиликнинг ривожланиши жамоа ҳўжаликлари маданини оширди 1953-1958 йилларда колхозларнинг пул мадани 434 млн. сўмдан 809 млн. сўмга ошди, шу даврда маданий фондларга ажратилган маблағ 69,5 млн. сўмдан 157,8 млн. сўмга етди. Жамоа ҳўжаликларининг асосий даромади пахтачиликдан бўлиб, пахтадан олинган даромад 1958 йилда 723 млн. сўмни ташкил этган эди.⁴⁷

1959-1965 йиллар республикада бўлганидек Хоразм вилоятида ҳам халқ ҳўжаликларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Шу етти йилликда ҳам асосий эътибор биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, 1965 йил охирида вилоятда пахта ҳосили 280 минг тоннага етказилиши белгиланган эди. Ана шу маррага эришиш учун ишлаб чиқаришда комплекс механизацияга, илғор агротехникага алоҳида эътибор берилди, ирригация-мелиорация қурилишлари жаддалаштирилди, социал-маданий соҳаларга эътибор янада кучанди. Етти йилликнинг улкан вазифаларини амалга ошириш учун давлат томонидан 32,5 млн. сўм капитал маблағ ажратилган эди.⁴⁸



Ҳукумат ва маҳаллий ташкилотлар, жамоа ва давлат ҳўжаликларини техника қувватини янада ошириш, уларни малакали раҳбар ва мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда кам қувват ҳўжаликларини ўрта ва илғор ҳўжаликлар даражасига кўтариш тadbирларини кўрдилар. 1959 йилда вилоятдаги 111 колхоздан 59 таси гектаридан 25 ц дан кам ҳосил олаётган эди. Ана шу ҳўжаликларни ташкилий-ҳўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш мақсадида илғор ҳўжаликларга беркитилди. Пахтачиликда ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида ҳосилдорликни ошириш учун ирригация-мелиорация қурилишлари кенгайтирилди. Йирик коллекторлар ва ноёб гидротехник иншоотлари қурилди. Етти йилликда 17 минг гектардан ортиқ янги трассалар ўзлаштирилди. Ҳўжаликларнинг техника қуввати ошди. 1961-1965 йилларда уларга 30 мингдан ортиқ ҳар хил механизмлар етказиб берилди. Етти йиллик мобайнида вилоят қишлоқ ҳўжалигида меҳнатни энергия билан таъминлаш даражаси икки бараварга ошди. Бу эса қишлоқ ҳўжалигидаги асосий ишларни ериштириш, чигит экиш, пахтага ишлов бериш, чеканкалаш ва саргиларни сунтиш йўли билан тўкиш ҳамда қисман пахта теримини

механизациянинг имконини берди. 1965 йилда вилоятда 72 минг тонна пахта машиналар ердамида териб олинди. Вилоятдаги комплекс механизацияланган бригадалар сони 450 тадан ошди. Вилоят хўжаликларидagi 219 олий ва 715 ўрта маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатдилар. Яна шу етти йилликда қишлоқ меҳнатчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш чоралари ҳам қўрилди. Қўнчилик хўжаликларда хўжалик ҳисобига ўтилади, ҳар ойда колхозчиларга ланс пул бериб борилади ҳамда меҳнатга гарантйали пул тулаш тартиби йўлга қўйилди.

1961-1962 йиллардан бошлаб қишлоқ хўжалиги механизмлари, екили ва қўрилиш материаллари учун давлат томонидан белгиланган нархлар камайтирилди. Деҳқончилик маҳсулотларининг харид нархлари эса 20-35 фоизга оширилди. Юқоридаги тadbирлар етти йилликда жамoa ва давлат хўжаликлари экономикасини мустаҳкамлашга ҳамда уларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришига ижобий таъсир кўрсатди. 1963 йилда Хоразм вилоятида пахта ҳосилдорлиги гектарига 31 ц га етказилди, яъни пахта ҳосили биринчи мартаба 310 минг тоннани ташкил этди. Бу эса етти йиллик охирига мўлжалланган даражадан 33 минг тонна кўндир. Шунини таъкидлаш лозимки, 50-60 йилларда амалга оширилаётган аграр сиеcat ҳали ҳам ушиб бораётган талабга тўла жавоб бера олмас эди. Аграр сиеcatда ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд эди. Авваламбор қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда ҳамма вақт ҳам иқтисодий қонунлар талабига риоя этилмасди. Моддий-манфаатдорлик принципларига тўла амал қилинмади. Хўжаликка раҳбарлик қилишда устиворлик қидаётган маъмурий-бўйрукбозлик усули ишлаб чиқаришнинг бундан кейинги ривожланишига тўсиқ були бошлади. Қишлоқ хўжалиги учун ажратилаётган маблағ ва техника ресурслари ҳам аграр секторни тўла интенсифлаш имкониятини бера олмас эди. Масалан, шу етти йилликда (1959-1965 й.) қишлоқ хўжалигига ажратилган капитал маблағ хатқ хўжалигига ажратилган жами капитал маблағнинг атиги 7.5 фоизини ташкил этди, бу кўрсаткич олдинги беш йилликда 11.3 фоиз қили белгиланган эди. Яна ўша вақтда қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш ҳамда шу механизмлар билан қишлоқни таъминлаш даражаси ҳам пасайиб қолди.⁴⁹

Шунингдек, 60-йилларда ўтказилган иқтисодий тadbирлар ҳам хўжаликнинг бошқариш тизимидаги ўзгаришлар етарли таъсир беравермади. Жумладан, ўша йилларда Хоразм бир қанча таъриб-намуна хўжаликлари, "Ўзсельхозтехника" вилоят бошқармаси, вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди. Бу қайта қўрилишлар раҳбарликка бирмунча такомиллаштирсада, аслида маъсулйатни бўшатириб

қаторди ишда асабилик вазиятини вужудга келтирди. Партия ташкилотларида устуналик қилатган буйруқбозлик сиссати уша рақтда ишлаб чиқариш бошқармаларининг мустақил фаолият беришини тусқинлик қилди. Яна маҳаллий шароитни ҳисобга олмасдан қишлоқлар структурасига, агротехник қондаларга, чорвачилик ва бошқа масалаларга доир юқоридан берилган бир қатордаги асоссиз топшириқлар ҳам маҳаллий ташаббусларни босди. Ишни нормал ташкил этишга ҳалақит берди. Ана шу камчиликлар республикада булганидек Хоразм вилоятида ҳам суғориладиган деҳқончиликнинг қулай имкониятларидан тула қондаланиш, қишлоқ хужалигини интенсив ривожланиш йулига утказиш имконини бермади.

Етти иилликда ҳам олдинги ииллардагидек пахта якка ҳокимлиги тенденцияси лавом этади. Маблағ ҳамда техника ресурсларининг етарли булмаганлигидан қишлоқ хужалигининг бошқа тармоқларида узгаричлар унчалик сезиларли булмади. Диччилик, поллизчилик, боғдорчилик ва айниқса чорвачилик олдинги иилларда булганидек ҳамон орқадга қолди. Янги ерларни узлаштириш секинлик билан олиб борилганлиги туфайли экин майдонларининг кенгайишида ҳам сезиларли узгарич булмади. Масалан, вилоятда жами суғориладиган экин майдони 1960 йилда 144,7 минг гектар ва 1965 йилда 143,9 минг гектарни ташкил этгани ҳолда пахта майдони 89,4 минг гектардан 101 минг гектарга кенгайди. Бошқача айтганда пахта майдони жами суғориладиган майдонни деярли учдан икки қисмини ташкил этди. 1960-1965 йилларда ғалла майдони зурга 2 минг гектарга, шולי 1,3 минг гектарга кенгайди. Сабзавотчилик, боғдорчилик ва картошкачиликда аҳвол узгаргани йуқ. Чорва учун озуқа майдонлари булса 6 минг гектарга қисқариб кетди, бу бедазорларни пахта майдонларига айлантирилиши ҳисобига юз берди.⁵⁰

Вилоятда қишлоқ хужалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда пахтачилик ҳиссаси 85 фоизни, бошқа турдаги экинлар 7 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари эса 8 фоизни ташкил этади. Демак, шундан кўриниб турибдики, қишлоқ хужалигининг ривожланишига фақат бир тарафлама қаралиб, пахтачиликдан булак бошқа соҳаларга етарли эътибор берилмади.

Қишлоқ хужалиги соҳасида мавжуд камчиликлар КПСС МКнинг март (1965й.) Пленумида очиб ташланди. Пленум қишлоқ хужалигининг бундан кейинги тараққиёти учун зарур булган вазифаларни белгилаб берди. Асосий эътибор жамов ва лавлат хужаликларини моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга, хужаликнинг барча тармоқларини устун даражада ривожлантиришга, ирригация қурилишларини жадаллаштиришга

қаратилди. Ана шу мақсадда қишлоқ хўжалигига давлат томонидан капитал маблағ сарфи кўпайтирилди, моддий манфаатдорликни яхшилаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари яна оширилди. Колхоз ва совхоз аъзоларининг пенсия ва нафақа таъминотлари ҳам яхшиланди.

Юқоридаги тадбирлар Хоразм вилоятида пахтачилик билан бир қаторда, бошқа тармоқларни ҳам аста-секин кўтарилиб боришига шароит яратди. Бу хайрли ишларнинг самараси 1965 йил охирида ноқ сезила бошланди. Шу йилнинг охирида Хоразм пахтакорлари давлатга 352,4 минг тонна пахта сотиб, ҳосилдорликни 34,9 ц га етказишга муваффақ бўлдилар. Ушбу етти йил мобайнида (1959-1965й.) давлатга вилоят бўйича жами 2 млн.57 минг тонна пахта сотилди, бу режалардан 303 минг тонна кўп демакдир. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тур маҳсулотлар тайёрлашда ҳам сезиларли натижага эришилди. Режадан ташқари давлатга 2 минг тонна дон, 20 минг тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари, 5 минг тоннадан ортиқ гушт, 250 тонна пилла зиед сотилди. Колхозларнинг дэромади 1959 й га нисбатан 2 бараварга кўпайди.⁵¹

Жамоа ва давлат хўжаликларининг моддий -техника базаси ҳам анча мустаҳкамланиб қолди. 1965 й. охирига келиб 8 мингга яқин трактор, 2 мингга яқин пахта териш машиналари ва 1,5 мингдан ортиқ юк автомашиналари ва бошқа механизмлар уларга техника хизмати кўрсатди. Хўжаликларда ишлаётган юқори маълумотли мутахассислар ва механизатор кадрлар ҳам кўпайди. Кейинги йилларда ирригация-мелиорация қурилишларига ва янги ерларни ўзлаштиришга эътибор кучайди. 1965-1970 йилларда вилоят ҳудудида 8,3 минг гектардан ортиқ партов ва қумлоқ майдонлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. Янги ўзлаштирилган майдонларда 13 та давлат хўжалиги барпо этилиб, улар асосан шоличиликка, полиз ва сабзавотчиликка ва чорвачиликка ихтисослашган эди.⁵²

Кейинги йилларда вилоятда чорвачилик соҳасида ҳам бир оз силжиш юз беради. колхоз ва совхозларда йирик шоҳли моллар сони 60-йил бошларига келиб 1950 йилдаги даражадан икки бараварга кўпайди ёки 200 минг бошга етди.

Бироқ вилоятнинг чорвачилик хўжалигида камчиликлар мажуд эди. Энг асосий камчилик чорвачиликнинг моддий-техника базаси жуда заиф эди. Маблағ ва техника таъминоти бўлмаганидан бу соҳада асосий ишлар ҳамон қўлда қоларди. Шунинг учун келинди, чорвачиликда юқори маълумотли мутахассис кадрлар зоотехниклар, ветеринария ходимлари ва механизаторларни етишмади. 60-йилларда вилоятдаги 250 чорвачилик фермалари бошлиқларидан атиги 50 таси махсус маълумотга эга эди.

Зсотехник ва ветеринария ходимларининг 50 фоизидан ортироғи ўрта ёки тулиқсиз ўрта маълумотга эга амалиётчилар эди. Чорвачиликда илғор фан ютуқларидан етарли фойдаланилмади. айниқса насилчилик ишлари орқада қолди. Вилоятда чорвачиликнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган сабаблардан яна бири озуқа базасини етарли эмаслигидир. Вилоятнинг ичкарисида чорва молларини яйловлатиб боқадиган майдонлар сўнгги йилларда мутлақо камайиб қолди.

Чорвачилик озуқаси учун ажратилган майдонлар ҳам жуда секинлик билан кенгайди. Масалан, 1930-1960 йилларда бу соҳадаги ўсиш 7,8 минг гектарни ташкил этди. Бироқ бедапоялар ва бошқа кўп йиллик ўт экинлари майдонлари шу йилларда 10 минг гектарга камайиб кетди. Улар асосан пахта майдонларига айлантириб юборилган эди. Чорва молларини озуқага бўлган талаби вилоятда зўрға 60 фоизга қаноатлантирилган эди.⁵⁴

Юқоридаги аҳвол вилоятда чорвачиликнинг ривожланишини тўсди, унинг маҳсулдорлигини камайитириб юборди. Бу ҳолат вилоятда озуқа экинлари майдонларини кенгайтиришни ҳамда кўшни вилоятлар ҳисобига яйловлар ажратиб беришни талаб қиларди.

Пахта якка ҳокимлиги туфайли вилоятда озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш масаласида сезиларли ўзгариш бўлмади, аксинча 60-70 йилларга келиб озуқа майдонлари салкам 7 минг гектарга камайди. Бироқ яйловлар масаласида бир муҳим муаммо ҳал этилди. Республика ҳукумати вилоят раҳбарлари қаноатлантириб, 50-йил бошларида Қорақалпоғистон мухтор республикасига қарашли Қизилжар ва Тахтакўпир массивидан 70 минг гектарга яқин яйловни ажратиб берди. Ҳуқуқда Қизилжар массивида иккита - "Қизилжар" ва "Дўстлик" давлат чорвачилик хўжаликлари ташкил этилди. Массивдаги жамоа хўжаликларига қарашли моллар ана шу ихтисослашган давлат хўжаликлари ихтиёрига берилди. Юқоридаги давлат хўжаликларида 20 минг бошдан ортиқ қорамоллар боқиладиган бўлди. Лекин бу етарли эмас эди, жамоа хўжаликларига қарашли қорақўл қўйларни яйловлатиб боқиш учун ҳам кенг ўтлоқларга эришиш эди. Шу мақсадда қардош Туркманистоннинг Дорғон массивидан 1967 йилда 200 минг гектарга яқин қўмлоқ яйлов ажратилиб узоқ муддатга Хоразмга фойдаланиш учун берилди. Бу эрда яйловда вилоятнинг 20 минг бошга яқин қўй-эчкиларни боқилди.⁵⁵

60 йил бошларига келиб жамоа хўжаликлари экономикасини таъкамлаштириши билан вилоятнинг чорвачилик хўжаликларида замонавий техникавий имкониятлар анча яхшиланиб қолди. Кўпчилик жамоа ва давлат хўжаликларида замонавий ферма

бинолари, 300- ветеринария ходимлари, 50- хизмат
Чорвачилик фермасы раҳбарларининг 50- фонзга
соҳанинг етук мутахассисларидан қўйилди.

Чорвачиликда қўл меҳнати ишлатиладиган бир
ишлар- емхашак тайёрлаш, силос бостириш, юнг
сигирларни соғиш ва бошқалар механизмлар
юклатилди. Буларнинг барчаси вилоятда кейинги йилларда
хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори
сезиларли натижаларга эришиш имконини берди 56

1970 йилга келиб Хоразм вилояти давлатга 407 минг
пахта, 40 минг тоннага яқин дон, 3 минг тонна картошка, 80
тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари
топширди. Ҳосилдорлик ҳам анча кўтарилди. Пахта
гектарига 32 ц га, дон 30.5 ц га, шולי 40.4 ц га,
сабзавот-полиз маҳсулотлари эса 88 ц га кўтарилди. Бунга
сўғориладиган майдонлар самарадорлигини ошириш
эришилди. Шунингдек вилоятдаги чорва моллари сони
кўпайиб қолди.

Вилоятнинг жамоа ва давлат хўжаликлари ихтиёри
қорамоллар сони 216 минг бошдан, ситирлар сони 81.2
бошдан, қўй-эчкилар 257.1 минг бошдан ошди 57

Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам бир мунча яхшил
қолди. Хўжаликлар давлатга 1970 йилда 1960 йилга қараган
минг тоннага яқин гўшт, 22 минг тонна сут, 5 млн. дон
200 тоннадан ортиқ юнг ва бошқа маҳсулотларни
топширдилар. Хўжаликларнинг чорвачиликдан олган
млн. сўмдан ошди. 58

Бироқ қишлоқ хўжалик соҳасидаги бу ижобий силаниш
кейинги йилларда жадал давом этмади. Бу борада яна
камчиликларга йўл қўйилди, қишлоқ хўжалигига раҳбар
қилишда буйруқбозлик усули ҳамда пахта эikka ҳокимлиги яна
кучайиб кетди. Ишлаб чиқаришда молдий манфат
принципларига эътибор яна сусайиб қолди. Буларнинг с
кейинча халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каон
хўжалигида ҳам турғунлик деб аталган нохуш хотатларни
келтирди.

Қишлоқ хўжалигининг молдий техника базасини
камлаштириш ва мутахассис кадрлар шилин таъ
Урушдан кейинги йилларда мамлакатнинг индустриал ку
тобора ўсиб бораётганлиги қишлоқ хўжалигига қўйи
замонавий техникалар етказиб бериш имконини туғдирди.

Тўртинчи беш йиллик охирига келиб жамоа хўжали
ишлатётган тракторлар сони урушдан олдинги даража
фонзга, юк автомашиналари эса 72 фонзга кўпайди. Масала

йилда вилоят қишлоқ хўжалигида 1,6 минг трактор /15 от
ҳисобида/ ва 240 автомашина хизмат қилган бўлса, 1950 йил
гача келиб тракторлар сони 2,7 минга юк автомашиналари эса
59

Бешинчи беш йиллик /1951-1955/ режаларида қишлоқ
хўжалигини механизациялашга катта эътибор берилди. Бу даврда
қишлоқ хўжалиги қудратли механизмлар билан янада
таъминланади. Бу эса қўл меҳнати сарф этиладиган бир
соҳаларни-ерни экишга тайёрлаш, чигит экиш ва
қўшқарларга ишлов беришни тула механизациялаш имконини
1953 йилга келиб колхоз далаларида 3 мингга яқин
қудратли тракторлар ишлади. Вилоят сув хўжалиги ҳам қудратли
қўшқар механизмлари билан мустаҳкамланди. Сув хўжалиги
таъминотида 31 экскаватор, 37 землесос, 322 прицепли механизмлар
техникалар ишлаб турди.⁶⁰

Лекин механизатор кадрларнинг камлиги, уларнинг
маҳоратининг етарли даражаси ҳамда меҳнатни ташкил этишдаги
таъминотнинг сабабли механизмлардан унумли фойдаланилмади.
1953 йилда МТСлар қўлида ташкил этилган курслар ва
механизациялаш мактабларида 1200 трактор ҳайдовчи тайёрлаш
хўжаликчан бўлса, амалда уларда 655 киши таълим олди. 210
таълимда механикларни ўрнига 15 киши тайёрланди, холос.
МТСларда махсус маълумотли мутахассислар етишмади. 16
таълимда бошчилигидан фақат бир киши, 55-та участка
механикларидан эса фақат 6 киши ўрта махсус маълумотга эга

Шу сабабли ҳукумат ва маҳаллий ташкилотлар МТС ва
хўжаликларнинг моддий-техникавий қувватларини оширишга ва
таъминотни кадр тайёрлашга эътиборни кучайтирди, уларга катта
қўллаб-қувватилди. Бу тадбир ўз самарасини берди. 1954 йилда
вилоят МТСлари ва жамoa хўжаликларига 246 нафар олий ва ўрта
Қўн қам давомида қилинган тинимсиз меҳнатнинг тарозуси қўн қамнинг натижаси билан ўлчанади. Обод ва қўн қам қўн қамнинг қад кўтариши ҳам ана шу меҳнат туфайлидир. - Қўн қам шоир. Шунинг учун ҳам шоир тасвирларидаги лирик меҳнатга шон-шараф ва виждон иши деб қарайди.

Шоирнинг "Мирзачул", "Муборак Хоразм халқи", "Олкин", "Ўзбекистон", "Чаманзор Ватан", "Самарқанд ўлкаси", "Улка", "Республика", "Жоним Ўзбекистоним" каби бир қатор шеърлари борки, уларда асрларча қақраб ётган Мирзачулни, Самарқанд ва Хоразмдаги қуриқ ва бўз ерларни ушлаштириб, боғ-бўстонлар яратаётган халқнинг жасорати, пахтадан юқори ҳосил олиб, галабага эришган пахтакорларнинг ажойиб фазилатлари, хоразмликларнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарган Чоржўй-Қўнғирот темир йўлининг қурилиши ва шу каби улкан воқеалар ўзининг бадийиёфодасини топади.

Чоржўй-Қўнғирот темир йўли улуг иш,
Эл қалбида ётар эди ёзу қиш.
Янги ният бугун қилиб намоён,
Муддаоси бўлди ёри элимнинг.

Партав классик адабиётимизни жуда яхши билган шоир эди. У классик адабиёт билан янги адабиётни улашда кўприк вазифасини ўтаган Аваз Ўтар, Баёний, Фақирӣй, Девоний, Роғиб сингари пешқадам шоирлар билан шогирд ва ҳамсуҳбат бўлиб камол топди. Натижада Партав классик адабиёт анъаналарини янги адабиётга ривожлантирди. Шоирнинг бир талай ҳажвий асарлари борки, ароқхўрлик, чайқовчиларни қилмиш қидирмишларини, бозорларнинг аҳволини тасвирлашга қаратилади. Эҳтиёж юзасидан бозорга бориб, харид қилиш учун келган харидорларнинг бошини айлантириб, ярамас молни мақтаб, ўз нархидан бир неча баравар қиммат сотишга ҳаракат қилувчи чайқовчилар устидан шоир заҳарханда қилади, кинояли кулади:

Бозорда қорчалонлар ё савдогар, ё даллол,
Чақирилмаган меҳмонлар, ё савдогар, ё даллол,
Бўйни йўғон кенг оғиз, сергап, қаллоб, бемағиз,
Текин томоқ ялмоғиз, ё савдогар, ё даллол.
Қилай десанг бир савдо, бўлиб тўсатдан пайдо,
На ҳол сурбет, беҳаё, ё савдогар, ё даллол.
Дарров ураб олгайлар, ҳар ўйинга солгайлар.
Хийла созин чалгайлар, ё савдогар, ё даллол.
Қўшним олган кўк сизир, касал чиқди ҳам қисир.
Бунга зомин баробар ё савдогар, ё даллол.

Шу тариқа шоир савдогар ва даллолларнинг ҳаракатларини қадам-бақадам фош қилар экан, уларнинг кўп мол-дунё йўлида ҳеч нарсадан қайтмасликларини ишонарли деталлари

ташлайди. Партав "Кўз чиқариб, қўяр қош", "Маккор тайтонга йўлдош" дейиши билан чайқовчиларнинг ўта кетган тубан шахс эканликларини характерлайди.

Партав ижодини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, унинг асарларининг тематикаси ранг-баранг бўлиб, уларда дўстлик, тинчлик, Ватанимиз кундалик ҳаётидаги содир бўлаётган ва амалга оширилаётган улкан вазифалар халқ бахт-саодати йўлида қилинаётган ҳар бир янгилик узининг бадий ифодасини топди.

Эгам Раҳим асосан, Улуғ Ватан уруши йилларидан бошлаб тўпбуотда уз шеърлари билан қўрина бошлади. Унинг ҳикоя, очерк ва шеърлари "Хоразм ҳақиқати", "Қизил Ўзбекистон", "Ёш ленинчи" каби газеталарда, "Шарқ юлдузи" журналича мунтазам чоп этилиб турди. Унинг "Бахт йўли" номи биринчи шеърлар тўплами 1951 йилда нашр қилинди. Тўплам Чоржуй-Қўнғирот темир йўли қурилишига бағишлаб ёзган шеърлар ва бошқа асарларидан иборат бўлиб, шоир уларда халқимизнинг ижодий меҳнати, унинг самараси, қишлоқ ва унинг меҳнатсевар кишилари ҳақида ҳамда халқнинг асрлар давомида орзиқиб кутган орзуларини рўёбга чиққанлигини қаламга олади. Шоир тўпламга кирган шеърларида ҳам "Асрлар орзиқиб минг кўз бўлиб кутган замон", "Очиб баҳрини мангу яшнаб бир жаҳон келди" деб бонг

Темир йўл Хоразмнинг қалбида орзу эди доим,
Чиқиб рўёбга энди бахтимиз йўли равон келди.

Шоирнинг "Зафар боғи" шеъри немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган буюк ғалаба ҳақида бўлиб, унда кишиларга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик каби тушунчалар алоҳида ифодаланади.

Мисли буюн ҳаммамиз,
Ёв устига елдик жадал.
Кўзга суртиб ҳур
Ватаннинг ҳар сиқим тупроғини.

Шоирнинг "Янги қадам" номи остида иккинчи тўплами ҳам этилди. Бу эса, Эгам Раҳим ижодида ҳақиқатан ҳам янги эди.

Раҳим Бекниёз урушдан кейинги йилларда тинчлик учун кураш темасида бир қанча асарлар ижод қилди. Унинг "Курашмасин қуроллар", "Ўинамасин катталар" каби асарларида шоир оташин тинчлик учун курашчи, ватанпарвар сифатида ифодаланади.

Раҳим Бекниёз иқтидорли кучли шоирдир. Унинг деярлик барча асарларида халқимизнинг орзу-истаклари, уларнинг кундалик ҳаёти, тинч ижодий меҳнати, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги, кишиларнинг ватанпарварлик туйғулари шоирона завқ-шавқ билан ифодалангандир. Уларда урғи бекорга ўтказмаслик, халққа, Ватанга хизмат қилиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлиги ишонарли мисраларда тасвирланади.

Унинг лирик қаҳрамони фронтдан ғалаба билан ўзининг тугилиб ўсган жонажон қишлоғига қайтиб келиб, қўлидаги уруш қуролларида ўроқ ясаб "пахта экиб", "бугдой ўриш"га қасамёд қилади.

Эртами кеч очиб кенг кучоқ.
Мен ҳовлига кириб бораман
Ясайман-да қиличдан ўроқ,
Пахта экиб, бугдой ураман.

Ана шу лирик қаҳрамон "аскар бўлиб", "ғарб"ни, "жануб"ни кезади, "Олис йуллар кечиб" бир талай кўпгина қишлоқ-шаҳарларни, дарё ва денгизларни ҳаёлан ўзининг Москва, Тошкент шаҳарлари, Аму ва Сир дарёлари билан қиёс қилади. Бироқ "Эркин Оврўпа"нинг барча еридан ўзининг Ватанига тенг кела оладиган биронта қишлоқ, шаҳарни топа олмайди. Ҳатто дарёларнинг сувлари ҳам ўзгача туюлади шоирга.

Оврўпада шаҳарлар кездим,
Кеча-кундуз, саҳарлар кездим,
Очилмади ва лекин баҳрим,
Тушларимда балқийди шаҳрим:
Гоҳ Москва, гоҳи
Тошкантим. Тўққан элим, ўз одми кентим,
Не дарёлар сувидан ичдим,
Одердан ҳам ичдим ҳовучлаб,
Эльба лабига ҳам қўйдим лаб
Ташналигим қонмади бироқ,
Мен талпиндим Амуга чанқоқ

У 1941-1945 йилларда, яъни Ватан урушининг бошидан то унинг охиригача қуроли билан она диёнимизни фашист газандаларидан ҳимоя қилди. Бу урушда шоир жуда кўп қуролдош дўстларидан, элдошларидан жудо бўлди. Бу воқеалар шоирга ором бермас, кўнглини тинчитмасди... Шоир ўзининг ёшликдаги мактабдош дўсти, ҳамқишлоғи ва қуролдош уртоғи Самандар

Хурезов хотирасига бағишлаб ёзган "Марсия" номли шеърида урушда ҳалок бўлган дўстларининг хотираларини ёдидийлаштиради. Шу билан бирга дўстига бўлган эҳтиромини иминий дўстлик ҳурматини ҳам изҳор этади.

Урушдан кейинги йилларда лирик шеърлар, баллада ва поэмалар, ҳикоялар ва повестлар ҳам майдонга келди. Ж.Шарипов, Э.Раҳим, Раҳим Бекниёз каби ёзувчилар бу соҳада қалам тебратдилар. Жуманиёз Шарипов "Хоразм" (1946) поэмаси "Шарқ қолдузи" журналича босилиб чиқди. Унинг "Саодат" (1957) номли повести эса, алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Повестнинг марказида асосан уруш йилларидаги ўзбек пахтакорларининг фидокорона меҳнати, пахтадан юқори ҳосил олиш учун олиб борган курашлари ва ватанпарварлик туйғулари ифодаланади. Жуманиёз Шариповнинг "Хоразм" поэмасида Хоразмликларнинг фидокорона меҳнати ифодаланади. Кейинчалик эса, ёзувчи ўзининг шу номлиги тўрт жилддан иборат романини кенг ўқувчиларга тақдим қилди. Эгам Раҳимнинг "Бахт йўли" поэмаси Қорақумни кесиб Хоразм, Қорақалпоғистон, Туркменистоннинг Тошхөвүз вилоятларининг маданий маркази Москва-Тошкент, Душанба ва Ашхобод шаҳарлари билан бирлаштирадиган темир йўл қурилишига бағишланади. Поэмада ана шу улкан қурилишда қани-қулга бериб, бир ака-ука, оға-ини бўлиб ишлаган турли меҳнат вакилларининг дўстлиги, аҳиллиги қаламга олинади. Шу билан бирга поэмада халқларнинг асрий орзу-умидларининг бизнинг замонимизда рўёбга чиққанлиги алоҳида таъкидланади. Бу ҳақда шоир ўзининг таржимаи ҳолида шундай деб ёзган эди: "1924 йилда Москвага ўқиш учун йўлга чиққан Амударёда синфий душманлар томонидан ваҳшиёна улдирилган "Иигирма йил" номли билан Хоразм воҳасида машҳур бўлган комсомоллар фожiasi мени қизиқтирди ва 1957 йилда "Маърифат қурбонлари" поэмасини ёздим. Бу дoston янги шеърларим билан бирга 1958 йилда "Янги қадам" номли билан нашр этилди".

Бу тема доирасида Раҳим Бекниёз "Қалдирғочлар" номли романини ёзди. Бу даврда лирика ва проза жанрлари билан бирга драматургия ҳам жонланди. Аҳмад Бобожон, Эгам Раҳим, Юнус Осипов-Айёмийларнинг "Ғазал фожiasi", "Азиз ва Санам", "Ошиқ ва Ғазал", "Армуғон", "Ойгул ва Бахтиёр", "Мавлоно Отаҳнӣ". "Маърифат қурбонлари" номли драматик асарлари майдонга келди. Уруш йилларининг марказида Хоразмда юз берган воқеалар қаламга олинади. Улар халқ ҳаёти, тақдир билан боғлиқ равишда бадиийлаб берилади.

Ушбу даврда юмор ҳам ривожланди. Умид Партаев, Афлотун, Абдулқодир Исmoilов каби шоирлар ижод қилдилар. Адабиётга қўшган ҳиссаи ҳақиқатан ҳам катта. Порлоқ Ёқубов, Қамтар, Рузв. Ёқубов, Ганжа

Худойбергенов, Нурмат Яхшим, Матрасул Худойбергенов, Қаландар Қурбоний каби бир талай ёзувчилар етишиб чиқди. Уларнинг ижодида ҳаёт кун таритибида турган масалалар ифодалана бошлади.

Умуман, бу давр адабиёти кекса ёшнинг ёзувчиларининг ижодида теран ифодаланган бўлса-да, ёшлар ижодида эса у қадар изчил ва бадий пухта асарлар ҳали кўп эмас эди. Шунга қарамасдан уруш ва урушдан сўнгги 50-60-йиллар адабиёти Хоразм шоир ва ёзувчилари томонидан шеър, баллада, поэма, хикоя ва киссаларда узининг ифодасини топди.

ТЕАТР САНЪАТИ соҳасида урушдан кейинги йилларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Огаҳий номидаги вилоят театри ва туман марказларидаги труппаларнинг иш фаолияти янада яхшиланди. Уларнинг репертуарларидан классик асарлар билан бир қаторда замонавий асарлар ҳам катта урин олди. Бу даврда "Мавлоно Огаҳий", "Республика ўт ичида", "Маърифат қурбонлари", "Мирзо Улугбек", "Сўнгги хон", "Ревизор", "Икки бойга бир малай", "Равшан ва Зулҳумор", "Алишер Навоий" каби драмалар халққа кўрсатилди. Огаҳий номли театрда қўйилган спектаклларда Салоҳиддин Комилов, Ваҳобжон Фаёзов, Карим Раҳимов, Матқуб Раҳимов, Маҳмуджон Сафаев, Султонпошша Раҳимова, Санъат Девонов, Ўрозгул Ғойибова, Онабиби Очилова каби машҳур санъаткорлар асосий ролларни ижро этдилар.

Ашулачилик санъати соҳасида мақомларнинг моҳир ижрочилари Ҳожихон Болтаев, Нурмуҳаммад Болтаев, Комиљон Отаниёзов, Назира Юсупова сингари ажойиб талант соҳиблари Ўрта Осиё халқларининг фахри бўлдилар.

Ўша даврда туманлардаги труппаларда ҳам ажойиб истеъдодлар етишиб чиқди. Бола-бахши Абдуллаев, Ибоулла Жабборов, Қувондиқ Искандаров, Искандар Пирназаров, Раззоқ Абдуллаев сингари санъаткорлар халқни маънавий жиҳатдан тарбиялашда катта хизмат қилдилар.

Ўша йилларда колхоз ва совхозларда, завод ва фабрикаларда, Ўрта ва Олий ўқув юртларида бадий ҳаваскорлик ҳаракати ҳам авж олиб кетди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ривожланиши соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. 60-йиллар бошларида мустақил телестудия ташкил қилиниши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Радио ва телевидение вилоят меҳнаткашлари ҳаётига мустақил ўрин эгаллади. Халқимизнинг ҳозирги келажақ аълои ўз ҳаётини телевизорсиз фарз қилиши қийин. Меҳнаткашлар

оммасининг гоёвий ва маданий савиясини оширишда радио ва телевидениенинг роли каттадир. Матбуот воситалари ичида рўзнома ва ойномаларнинг тутган ўрни маълум. Тилга олинган йилларда Хоразмда иккита вилоят рўзномаси: "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" ҳамда тўртта туман рўзномалари фаолият кўрсатди. Халқ ўртасида фан ва техника янгиликларини тарғиб қилишда кундалик воқеа ва ҳодисаларни баён этишда, уни гоёвий-эстетик жихатдан тарбиялашда бу рўзномаларнинг хизмати каттадир. Урушдан кейинги йилларда ўзларининг фидокорона меҳнати билан вилоят матбуотини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган журналистлардан Э.Раҳимов, Мильготин, Р.Отаев, К.Аксенов, Э.Самандаров, М.Машарипов, Ф.Зоҳидов, О.Авазмуродовларни ҳурмат билан тилга олса арзийди.

ХАЛҚ СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ борасида ҳам тақсинга сазовор ишлар қилинди. Даволаш-профилактика идоралари, дорихоналар тармоғи жадал суръатлар билан ривожлантирилди. Амбулаториялар, диспансерлар, касалхоналар, поликлиникалар, соғлиқни сақлаш, фельшер-акушерлик пунктлари анча кенгайтирилди, янгилари қурилди. 1965 йилда вилоятда 2780 уринли 42 та даволаш муассаси, 175 та фельшерлик ёрдами кўрсатиш пункти ишлаб турди. Врачлар ва ўрта медицина ходимлари сони кўпайди. Меҳнаткашларни даволаш ва профилактика иши билан 533 та доктор, 1919 та ўрта махсус маълумотли медицина ходими банд бўлди.

Вилоятда даволаш-профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш натижасида безгак, тошма, тиф, трахома каби юқумли касалликлар тугатилди.

Тиббиётнинг онкология, нейрохирургия, отоларингология сингари янги тармоқлари ташкил топди. Даволашнинг замонавий усуллари қўлланиб, уларда малакали врачлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатдилар. Ўша йилларда тиббиёт соҳасида жонбозлик кўрсатиб ишлаган врачлардан Ш.Қурбонов, Р.Ўтаров, Ш.Ходжаев, С.Дусчанов, Р.Раҳмонов, Б.Ўринов, А.Аширов, А.Сапаев, С.Шарипов, Э.Хожиев, А.Қурбонбоев, Р.Қурбонов, Б.Ҳусайнов, А.Абдуллаев, С.Раҳимов, Н.С.Чабан, Б.А.Федаренко, З.Ким, Р.Рўзматова, Н.Бобожонова ва бошқаларни номларини тилга олиш жоиз.

Шундай қилиб, 1946-1965 йиллар мобайнида мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг авж олишига қарамай вилоят халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида олдинга силжиш ва янгиланиш сеҳиларли бўлди.

АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР.

1. Қаранг: Каримов Р. Поезда ведут Хорезмцы -Урганч, 1993.
2. Қаранг: Бахт нули (1952-1992) -Урганч, 1992, 10 бет.
3. Қаранг: Ўша асар, 11 бет.
4. Қаранг: Ўша асар, 12 бет.
5. Қаранг: Ўша асар, 13, 28 бетлар.
6. Қаранг: История Хорезма. -Ташкент: Фан, 1976, с.278.
7. Қаранг: Народное хозяйство Хорезмской области.
Статсборник - Урганч, 1969, С. 136.
8. Қаранг: Народное хозяйство Хорезмской области. (1976-1980 гг) Стат.сборник. -Урганч, 1969, с. 136.
9. Қаранг: Ўша асар.
10. Қаранг: Ўша асар, Урганч, 1974, 29 бет.
11. Қаранг: Ўша асар, 34 бет.
12. Қаранг: Ўша асар 80 бет.
13. Қаранг: Ўша асар, Урганч, 1969, 8 бет.
14. Қаранг: Хорезмская правда, 1970, 31 января.
15. Қаранг: Ўша рузнома, 1970, 2декабря.
16. Қаранг: Хоразм вилоят давлат архиви, Ф 20, руйхат 1,д.348, 57
варақ
17. Қаранг: Ўша хужжат.
18. Қаранг: Хорезмская правда, 1970, 31 января.
19. Қаранг: Ўша рузнома, 1969, 20 декабр.
20. Қаранг: Народное хозяйство Хорезмской области.
Статсборник,- Урганч, 1974, С. 57.
21. Қаранг: Ўша статсборник,с.57.
22. Қаранг: Ўша статсборник,с.57.
23. Қаранг: Ўша статсборник,с.57.
24. Қаранг: Ўша статсборник,с.153.
25. Қаранг: Правда востока, 1969, 1 октябр.
26. Қаранг: Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.20, руйхат 1,
д.113,7варақ.
27. Ўша архив,Ф.20, руйхат 1,д.113, 10 варақ.
28. Ўша архив, Ф.20, руйхат 1,д.97, 86 варақ.
29. Ўша архив, Ф.20, руйхат 3,д.49, 81 варақ.
30. Хоразм вилояти партия архиви. Ф.1,руйхат 1,д.60,53 варақ.
31. Ўша архив, Ф.1, руйхат 6,д.63, 8, 22 варақлар.
32. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Стат.сборник,
Ташкент, 1967, 91-93 бетлар.

33. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1968 году, Статсборник, Тошкент, 1968, 143-146 бетлар.
34. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статсборник Тошкент, 1967, 91-93 бетлар.
35. Каранг: Хоразм вилояти давлат архиви, Ф 20, руйхат 3, д.86,38 varaқ.
36. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 1, д.114,66,91,185 varaқлар.
37. Уша архив, Ф 1, руйхат 1, д.153, 183 бет.
38. К.Эшчанов. Деятельность Ком.партии Узбекистана по развитию хлопководства Хорезма. Ташкент, 1973, 32 бет.
39. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 1, д.257,7 varaқ.
40. Уша архив, Ф.1, руйхат 1, д.257, 19 varaқ.
41. К.Эшчанов, Уша асар, 36 бет.
42. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 1, д.231,34 varaқ.
43. Уша архив, Ф.1, руйхат 1, д.231, 16 varaқ.
44. Уша архив, Ф.1, руйхат 1, д.238, 16 varaқ.
45. Уша архив, Ф.20, руйхат 7, д.96, 20-21 varaқ.
46. Уша архив, Ф.1, руйхат 1, д.254, 49 varaқ.
47. Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.20, руйхат 3, д.306,15 varaқ.
48. К.Эшчанов, Уша асар, 80 бет.
49. Итоги и перспективы. М.1968, 7 бет.
50. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статсборник Тошкент, 1967, 91-93 бетлар.
51. К.Эшчанов, Уша асар, 94 бет.
52. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник, - Урганч, 1974, 154 бет.
53. Уша тўплам, 150-153 бетлар.
54. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1968 году. Статсборник, Тошкент, 1969, 120 бет.
55. Б.Абдалниёзов. Хоразм чорвачилиги. - Урганч.1992. 136-137 бетлар.
56. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник, - Урганч.1974, 153 бет.
57. Уша тўплам, 50 ва 101 бетлар.
58. Уша жойда.
59. К.Эшчанов, Уша асар, 12 бет.
60. Уша асар, 31 бет.
61. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 1, д.146,3 varaқ.
62. Уша архив, Ф.1, руйхат 1, д.192,48 varaқ д.181,243 varaқ.
63. Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.1, руйхат 2, д.57,53 varaқ.
64. Уша архив, Ф.2, руйхат 1, д.1417,8 varaқ.
65. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статсборник Тошкент, 1967, 59 бет.

66. Ўша тўплам, 143 бет.
67. Ўша тўплам, 135-137 бетлар.
68. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник.- Урганч, 1974, 148 бет.
69. Ўзбекистон Республикаси партия архиви, Ф.1, рўйхат 171 д.160,162 бетлар.
70. Хоразм вилояти давлат архиви, Ф.1, рўйхат 2 д.1081, 19, 123, 128 бетлар.
71. Ўша архив, Ф.17, рўйхат 3 д.136, 140 варақ.
72. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, рўйхат 1 д.168, 118 варақ.
73. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 1 д.196, 160 варақ.
74. Советский Узбекистан за 40 лет. Статсборник, Тошкент, 1957, 323 бет.
75. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник, Урганч 1974, 22 бет.
76. Ўша тўплам, 176-177 бетлар.
77. Ўша тўплам, 153 бет.
78. Ўша тўплам, 179-180 бетлар.
79. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, рўйхат 26 д.100, 204 варақ.
80. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 26 д. 37, 20-23 варақлар.
81. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 1, д. 66, 25 варақ.
82. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 50 д. 26, 26 варақ.
83. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 54 д. 2, 29 варақ.
84. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 62 д. 2, 2 варақ.
85. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 1, д. 299, 47-98 варақлар.
86. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник, Урганч, 1974, 7 бет.
87. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1956 г. Статсборник, 18-бет.
88. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник.- Урганч, 1974, 192 бет.
89. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, рўйхат 1 д. 299, 58 варақ.
90. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 1 д. 299, 58 варақ.
91. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 1 д. 281, 113 варақ.
92. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 1 д. 251, 70 варақ.
93. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник.- Урганч, 1974, 142 бет.
94. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, рўйхат 1 д. 18, 138 варақ. д.182, 38 варақ. д. 251, 16, 40 бетлар.
95. Ўша архив, Ф.1, рўйхат 1 д. 229, 36-38 варақлар.
96. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник.- 211 бет.
97. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, рўйхат 1 д. 281, 113 варақ.

- Народное хозяйство Хорезмской области. 293 бет.
- Ўша тўплам, 237 бет.
- Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, рўйхат 1 д. 182, 54
- Народное хозяйство Хорезмской области, 226 бет, 229 бетлар.
- Қаранг: Ўзбекистон СССР тарихи IV том. -Тошкент, 1971 169-бет
- Қаранг: Г.М.Билолов. Хоразмда халқ маорифи тараққийси. Тошкент, 1969, 70 бет.
- Қаранг: Ўша асар, 101 бет.
- Қаранг: Ўша асар.

БЕШИНЧИ БОБ.

1965-1985 ЙИЛЛАРДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ

1. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон ҳукуматининг туққизинчи ва ундан кейинги беш йилликлар даврида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш унинг самарадорлигини оширишга доир қатор қарорлари бутун жумҳуриятдаги каби Хоразм вилояти меҳнатчиларининг ҳақ-диққат эътиборида бўлди.

Шу муносабат билан Вилоят Ижроия Кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тadbирларда қишлоқ хўжалигини айниқса пахтачиликни янада ривожлантириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, асосий вазифа қилиб қўйилган эди. Шунингдек янги ерларни ўзлаштириш, ердан фойдаланишдаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, пахта-беда алмашлаб экишни, езда ўзлаштириш, минерал ўғитлардан ҳамда техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш вилоят қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг муҳим гарови эканлиги уқтириб ўтилди.

Вилоят қишлоқ хўжалигини юксалтиришни энг муҳим омилларидан бири ирригация ва мелиорация тармоқлари фаолиятини тубдан яхшилаш эди. Вилоят Ижроия Кўмитаси ўзининг 1967 йил 15 декабрда қабул қилинган қарорида навбатдаги беш йилликда вилоятда 10000 гектар ерни ўзлаштириш, 25 минг гектар майдонда-капитал текислаш ишлари ўтказиш ва 30 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш вазифаси қўйилган эди.¹

Ана шу мақсадда вилоят сув хўжалиги қурилиши ва ирригация-мелиорация ишларига 1971-1975 йилларда 227 миллион сум маблағ сарфланган бўлса, 1976-1980 йилларда шу мақсадга учун 300 миллион сум ажратилди. Катта ҳажмда янги ерлар ўзлаштирилди ва ерларнинг мелиоратив ҳолати анча яхшиланди. Шунинчи беш йилликнинг ўзида қум массивларида шолчилик, туртта узумчилик давлат хўжаликлари ташкил этилди.

Узунлиги 156 километрли ташкил этадиган Ҳазорасп, Бобот Янгиариқ, Хива ва Қушқўпир туманлари чегарасидан ўтган Озерний текисловчи коллектор системасининг Хоразм вилоятида умумий таъсир доираси 255 минг гектарга етказилди. Унинг ердамида йилига ўртача 3 миллиард куб метр зах сув ва 10 миллион тоннадан зиёдроқ зарарли тузлар Хоразм вилояти ҳудудидан Сарихамиш сунъий денгизига кўборитмоқда.

1985 йилга келиб Хоразм вилоятида мавжуд коллектор ва совур тармоқларнинг умумий узунлиги 7980 километрга етди ва у 400 гектар майдонга 36 погон метрдан туғри келади. Фақатгина Озернинг текисловчи коллекторига туташган хўжаликлараро коллекторларнинг сони 117 га ва узунлиги эса 649 километрга етказилди. Ана шу коллекторлар қурилишида 31,4 миллион куб метр ҳажмдаги тупроқ қазिश ишлари бажарилди.

Юқорида амалга оширилган ирригация ва мелиорация ишлари ерлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим рол ўйнади. Пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда механизациялаш, айниқса унинг моддий техника базасини мустаҳкамланиши алоҳида аҳамият касб этди. Республика ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайди 1970-1985 йилларда ерлар қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга ажратилган капитал маблағ 4 бараварга оширилди. Бу ўз навбатида вилоят қишлоқ хўжалигининг, айниқса унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имкониятини берди.

Буни қуйидаги рақамларда яққол кўриш мумкин:

ТРАКТОРЛАРНИНГ ТҲРЛАРИ	Й И Л Л А Р			
	1970	1975	1980	1985
Турли маркадаги трактор, нинг дона.	8,8	9,8	9,9	11,4
Пахта териш машиналари, дона.	1679	1600	1587	1625
Ғалла ўрадиган комбайнлар, дона.	221	318	567	721

Фақат XI беш йилликда вилоят хўжаликлари 200 дан зиёд трактор, 360 автомобил, 300 та пахта териш машинаси ва бошқа хўжалик техникаси олдилар.⁵ Бундан ташқари вилоят қишлоқ хўжалигига трактор плуглар, кўрак териш ва ўғит сочувчи махсус машиналар ҳамда бошқа тур техника воситалари кўплаб берилди.

Мамлакат ва давлат хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши янада ривожлантиришда, ҳосилдорликни оширишда механизациялаштириш, минерал ўғитлар, гербицидлар ва бошқа химия маҳсулотларидан кенг фойдаланиш ҳам алоҳида рол ўйнади. 1-гар 1972 йилда 131,2 минг тонна азотли ва 92,4 минг тонна фосфорли ўғит шлатилган бўлса,⁶ 1982 йилда 180 минг тонна азотли, 109 минг тонна фосфорли ва 145 минг тонна калийли ўғитлар шлатилди.

Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлари, айниқса пахта ҳосилдорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

таъсир курсатди. IX беш йилликда ўғитлар самарадорлиги килограмм ҳисобига 10,5 кг ни ташкил этган бўлса, X йилликда бу курсаткич 14 килограмм, илғор ҳўжаликларда 8 килограммгача пахта ҳосилини оширишга таъсир курсатди.

Вилоят қишлоқ ҳўжалик экинларини заҳаркунаклардан сақлашда трихограмма, габробреккон каби фойдаланган фойдаланишга ва уларни сунъий усулда кўпайтиришга кўп эътибор берилди. 1985 йилгача 64-та механизациялашган линия қуриш ва биометод ёрдамида 300 минг гектаргача майдонда киши бериш лозим эди.

Биолабораториялар қуриш, айниқса 1980-1985 йилларда кўп авж олдириб юборилди. 1989 йилда вилоятда 11 та биолаборатория ва 2-та механизациялашган линия мавжуд бўлиб, биометод ёрдамида 97668 гектар майдон ишлаб берилган бўлса, 1995 йилга келиб биолабораториялар сони 62 тага еттирилди ва 20 ҳўжалик 43 та механизациялашган линия ишлаб турди.⁹

Ҳашоротларга қарши биологик усулда қурғашнинг муваққат томонларидан бири антомофосларни далага юборишда кўп қўл кучини талаб қилишидир. Вилоятда ана шу ишни механизациялаш учун "ОВХ-28" агрегатида урнатилган ПРЭ-40 аппаратида фойдаланилган. Натижада меҳнат унумдорлиги кескин ошди.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини фан ва техника ютуқларини жорий қилиш соҳасида анча ишлар қилинди. Вилоятда 20 га яқин илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари, Хоразм давлат педагогика олийгоҳи мавжуд эди. Республика ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли 1982 йил Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг Хива филиали, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг муамтехника факультети очилди.¹⁰ Олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ишига ўз ҳиссаларини қўшди. Хоразм пахтачилик тажриба станцияси ходимлари томонидан, пахтанинг янги навлари синаб кўрилди, беданинг Хоразм нави яратилди. Бошқа тур экинларга ишлов беришнинг илғор агротехник усуллари ишлаб чиқилди.

Улар вилоят ва туман қишлоқ ҳўжалик бошқармаларига фан ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга амалий ёрдам бердилар.

Вилоят сув ҳўжалиги муаммолари устида тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадида 1971 йилда САНИРИИнинг Хоразм вилоят бўлими ташкил этилди. Улар воҳага тикник сув юборишда ирригация шахобчалари фаолиятида қандай ўзгаришлар юз беришига тадқиқ қилдилар. Уларнинг илмий тавсиялари

"Тўямуйин", "Тошсоқа", "Шовот" каналларида лойиҳалашда кенг фойдаланилди ва "Ўзгидроводхоз" институти ҳисобларига қараганда 360 минг сумлик иқтисодий самара олинди.¹²

1970-1985 йиллар мобайнида вилоят жамоа ва давлат ишларида энергетика қувватлари 6 бараварга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги уртача йиллик бир ходимнинг энергия билан қуролланганлик даражаси 2 бараварга ошди. Бу эса механизациялашган ишлар ҳажмини 78 фоизга етказиш имконини берди.

Замонавий техникалар пахта етиштиришда прогрессив усуллари янада кенг фойдаланишга ёрдам берди. Аввало қишлоқ механизацияланган чигитни аниқ миқдорда ташлаб кетиш ва кенг қаторлаб экиш назарда тутилади. Ушбу усул қўлланилаётган майдонлар кенгайиб борди. 1978 йилнинг узида 4 минг гектар майдонга аниқ миқдорда чигит экилиб ва 30 минг гектардан кўпроқ майдонга кенг қаторлаб экилди. 1981 йилда эса 61700 гектар майдон икки ярусли плуглар билан қувватлантириб ҳайдалди. 37100 гектар майдонга чигит кенг қаторлаб экилди. Ғузани кенг ва кўш қаторлаб экиш, бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланиш, пахтанинг янги тез пишар ва ҳосилдор "Тошкент-1", "Тошкент-2", "Қизил Равот", "175-Ф" ва бошқа 10 дан ортиқ навларини районлаштириш, ғузаларни машиналарда чеканка қилиш ҳамда пахтачиликда янги технология ва илғор тажрибалар дадиллик билан жорий этилиши ҳосилдорликнинг кўтарилишига ижобий таъсир этди. 1971 йилда ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига 38.4 центнерга етди.

Эндиликда қишлоқ хўжалигининг техника билан қуролланиш даражасининг ўсиши туфайли, қисман механизациялашдан комплекс механизациялашга ўтиш анча жадаллашди. Республиканинг бошқа вилоятларидаги каби Хоразмда ҳам бу ишда муайян тажриба тўпланди. Масалан, Богот туманидаги "Коммуна" жамоа хўжалигини олиб кўрайлик. Бу хўжалик ҳар йили ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олади. Шу йилда харажатларни анча камайтиришга эришди. 1977 йилда хўжаликда пахтанинг уртача ҳосилдорлиги гектарига 41.4 центнерни ва машина теримининг салмоғи 90 фоизни ташкил этди. Ҳазорасп туманидаги Фрунзе номи жамоа хўжалигининг меҳнат қаҳрамони Солай Худойқулиев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси гектар бошига 50 центнерга қадақ пахта етиштириш билан бутун ҳосилнинг 90 фоизини машиналарда териб олишга муваффақ бўлди. Ҳазорасп туманида тажрибали механизатор Дўсжон Бакиев, Шовот туманидан Пўлат Маткаримов, Қўшқўпир туманидан меҳнат қаҳрамони Ўғилжон Муруллаева бошлиқ бригадалар ҳам пахтачиликда ҳар йили яхши

курсаткичларга эришдилар.¹⁴ Аммо вилоятда воситалардан фойдаланишда қатор камчиликларга йул қўйилган. Пахтачиликда гектар бошига илмий тавсияларга риоя қилинган ортиқча заҳарли химикатларни ишлатиш; аввалдан бор бўлиб келган структураси бузилишига ҳамда экологик инқирозга олиб келди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бу борада йул қўйилган камчиликларни бартараф этишнинг мусул омилларидан бири-қишлоқ хўжалик ташкилотларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминланишидир.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамлаш борган сари малакали мутахассис хўжалик ва механик кадрларга бўлган талаб кундан кунга оша борди. 1970 йилда республикада 39 та олий ўқув юртларидан 4 тасида, урта махсус ўқув юртларининг 25 тасида қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрланар эди.

Жумҳурият ҳукуматининг 1982 йилда қабул қилган "Жамoa ва давлат хўжаликларини раҳбар кадр ҳамда мутахассислар билан мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида"ги қарори қишлоқ хўжалигини юқори малакали кадрлар билан таъминлашда муҳим рол ўйнади.

Бу қарорнинг бажарилиши жараёнида вилоятда юқори билимли, қобилиятли, хўжалик вазифаларини ҳал қилишга қодир бўлган қишлоқ хўжалик ходимларининг кўп сонли отряди шаклланди. Масалан, 1985 йилга келиб 90 нафар жамoa бошқаруви раисларидан 89 нафари олий, бир нафари урта махсус маълумотга эга эди. Улар орасида 33 аграном, 24 зоотехник ва ветврач, 12 инженер ва техник, 21 иқтисодчи бор эди. Давлат хўжаликларининг 42 нафар директорларидан 38 нафари олий, 4 нафари урта махсус маълумотга эга бўлиб, 12 таси аграном, 11-таси зоотехник ва ветврач, 10-таси инженер ва техник, 9-таси иқтисодчи эди.

1970-1985 йилларда вилоятда жамoa ва давлат хўжаликлари урта бўгин кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Аммо уларнинг сафи ўсишига қарамай, сиёсий жиҳатдан ҳали талаб даражасида эмас эди. Хўжаликлардаги 1948 бригада бошлиқларидан 31 нафари олий, 1314 нафари урта махсус маълумотга эга бўлган, холос.¹⁵

Республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукумат механизатор кадрлар тайёрлаш, ҳамда улардан рационал фойдаланиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масаласига ҳам эътибор бердилар. Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳаллий механизатор кадрлар етказиб беришнинг асосий манбаи бўлиб хунар-техника билим юртлари ҳисобланар эди. Агар 1971 йилда

умумтаълим мактабларининг 9-10 синфларида таълим
 йигит-қизлар механизаторлик касбини эгаллаган бўлса,
 ўқув йилида уларнинг сони 330 кишига етди. Шу йили 23-
 Хива қишлоқ касб-ҳунар техника билим юртида 606,
 "СЕЛЬХОЗТЕХНИКА" туман бирлашмалари ҳузуридаги доимий
 598 механизатор тайёрланди.¹⁶ Ҳунар-техника билим
 сони йилдан-йилга кўпайди. 1976 йилда 24-та ҳунар-
 билим юрти фаолият кўрсатган бўлса, 1988 йилда
 сони 38 га етди. Ушбу ўқув юртларида механизатор
 тайёрлашнинг ўсиб боришини қуйидаги жадвалдан куриш
 17

1971-85 ЙИЛЛАРДА МЕХАНИЗАТОР КАДРЛАР СОНИНИНГ ЎСИШИ.¹⁸

Каттиқлар	Йиллар			
	1971	1975	1980	1985
М вилояти жамса ва давлат шикларидаги механизаторлар ферлар сони	12508	14232	14646	17460

Жадвалдан кўриниб турибдики, гарчи механизатор кадрлари
 ашда анча натижага эришилган бўлсада, у дaмон вилоят
 ҳужалигини техника билан таъминланиш даражасидан
 қолмоқда эди. Ҳўжаликларда ҳар 100 тракторга 120
 торчи тўғри келади. Тракторларнинг 1,5-2 сменада ишлашини
 илаш ўрнига жамoa ҳўжаликларида смена коэффициенти 1,2
 ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ ҳўжалик
 касидан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатди.
 ҳўжалиги соҳасида мутахассис ва механизатор кадрлар
 ашда бир ёқламаяикка йўл қўйилди. Шунини алоҳида
 илаш лозимки, пахтачиликни механизациялашга алоҳида
 ор бериб, бу соҳада механизациялаштириш даражаси 70-80
 ташкил этган ҳолда, боғдорчилик, сабзавотчилик,
 ичилик, ипакчиликда бу кўрсаткич 20-25 фоизни ташкил
 а, холос.¹⁹

Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ҳамда
 аторларни тайёрлаш ўсаётганига қарамай, жамoa ва давлат
 илари, қишлоқ ҳўжалик органларининг бундай кадрларга
 ҳали тўла қондирилгани нўқ Айниқса кадрларни қайта
 а малакасини ошириш борасида вилоятда қатор
 ларга йўл қўйилди.
 ҳиссага олиб маҳаллий ҳукумат раҳбар ва мутахассис
 механизаторлар тайёрлаш ва малакасини ошириш
 асида такомиллаштириш чораларини кўрди.

Кадрларнинг анъанавий қишги ўқуви ҳар йили уюшқ-оқлик билан ўтказилди. Давлат ва жамоа бошқаруви раислари, бош агрономлар, зоотехниклар, инженерлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалик институтларида ўқишди. Ўрта бўғин раҳбарлик-бригадирлар, бўлим ва ферма бошқарувчилари, ҳисобчи ҳолчилар ва бошқалар техникумларда ўз билнмларини оширдилар.

Юқоридаги тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам берди. Шундай қилиб, вилоят меҳнаткашлари фан-йутуқлари ва илғор тажрибалардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришни механизациялаш, химиялаштириш, ирригация ва мелiorацияни ривожлантириб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан, бунинчи навбатда пахтадан барқарор юқори ҳосил олишга эришдилар. Бунда жамоа ишлаб чиқариш бошқаруви моҳир раҳбарларнинг ҳиссаси зўр бўлди. Жумладан Шовот туманидаги Шкалов жамоа хўжалиги бошқаруви раиси меҳнат қаҳрамони Зафар Рамамов, Хива туманидаги Фрунзе номи жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Рўздат Мадаминов, Қўшқўпир туманидан Отабой Матниёзов, Янгиариқ туманидаги Аваз Ўтар номи жамоа хўжалиги бош агрономи Ражаббой Болтаев, Ҳазорасп туманидаги республикада хизмат кўрсатган механизатор Аҳмад Жумабоев, Гурлан туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Аминбой Вафоев²⁰ каби кўплаб мутахассис кадрлар шулар жумласидандир.

Вилоятда барқарор юқори ҳосил олинганлигини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.²¹

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Йилига ўрта ҳисобда		
		1971 1975й	1976 1980й	1981 1985й
Пахта	минг.т.	399,3	369,4	376,3
Дон		616,4	130,9	172,3
Шундан шоли		44,5	82,3	108,1
Дон учун мақажухори		12,9	46,9	62,2
Олма		11,5	17,2	24,5
Картошка		3,5	14,86	6,7
Гушт/сўйилган вазнда/		11,6	14,6	19,1
Сабзавот		23,0	58,7	78,1
Полиз экинлари		32,9	52,9	71,5
Ўзум		4,4	6,2	8,8
Сут		89,7	136,7	190,3
Тухум	млн.дона	51,7	75,7	103,6
Жун	тонна	434	324	492
Қорақул	минг дона	6,2	8,7	8,2

Туманда Хоразм вилоятида 1971-1985 йилларда
ишлаб чиқаришнинг юксалганлигини кўрсатувчи далиллар

Йиллар	Ялпи ҳосил ҳисобида/	/минг тонна	Бажа- рилди фонз ҳисо- бида	Ҳар гек- тардан олинган ҳосил Ў.йилига уртача ҳисобда
1975 й	1.830	1.996	106,5	37,7
1980 й	1.860	2 млн. 28	109,5	35,3
1985 й	1.900	2 млн. 41	110,8	35,0

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, Хоразм вилоятида пахта етиштириш шу йиллар мобайнида қарийб 45 минг тоннага ошди.

Вилоятда 1971-85 йиллар ичида деҳқончиликнинг етакчи тармоқларидан бири шоличилик ҳам ривожланди. Агар 9-нчи беш йилликда давлатга 45,5 минг тонна шоли сотилган бўлса, 10-нчи беш йиллик ичида 82,3 минг тонна, 11-нчи беш йилликда эса бу кўрсаткич 108,1 минг тоннага етди. Ҳонқа туманидаги "Ал-Хоразмий", Гурлан туманидаги "Тулистон", Богот туманидаги "Богот", Шовот туманидаги "Колос", Янгиариқ туманидаги "Янгиариқ" жамоа ва давлат хўжаликлари шоли етиштиришнинг асосий базаси бўлиб қолди.

1985 йилда барча турдаги хўжалиklar бўйича 139,9 минг тонна дон, шу жумладан 117,9 минг тонна шоли, 71,1 тонна қизилча, 52,9 минг тонна полиз, 26 минг тонна мева ва бошқа маҳсулотлар етиштирилди.²³

Жуман, вилоят қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари кўпгина маҳсулотлар турлари бўйича давлатга сотиш режаларини оширишга эришди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг моддий даровонлигини анча оширишга имкон берди. Жамоа хўжалиklarнинг пул даромади 1975 йилда 167,6 млн. сўмни, 1980 йилда 204,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1985 йилда 362,7 млн. сўмни ташкил этди.²⁴

Даромаднинг кўпайиши жамоа ва давлат хўжалиklarини қурилишни кенгайтиришга имкон берди. "КОЛХОЗ

ҚУРИЛИШИ" трестига бирлашган 11 қурилиш ташкилотидан 9 таси 5 йиллик режаларини анча ошириб бажардилар. Бундан ташқари 1971-1975 йиллар мобайнида воҳа қишлоқларида 50830 ўқув мактаб ва болалар муассасалари, 15519 кв метр турар жой бинолари, 110 уринли битта касалхона ва бошқа қатор маданий-маиший объектларни қуриб фойдаланишга топширдилар.²⁵

Туямўйин гидроузели ва Гидроэлектростанциянинг бириктирилган навбати, Урганч бройлер-паррандачилик фабрикаси, Хива қишлоқида чўчкачилик комплекси ва бошқа йирик объектлар ишга туширилди. Давлат капитал маблағлари ҳисобига 1981-1985 йилларда 1462 минг кв метрдан кўпроқ турар жойлар қурилди: шифоналар, техника билим юртлари, қатор маданий-маиший объектлар қад кўтарди.

Жамоа хўжаликларидаги қурилишларни амалга оширишда колхоз қурилиши трести бўлиналарининг ҳиссаси бор. Бу трест 11-беш йиллик ҳажмидаги қурилиш ишларини 106 фоиз қилиб адо этди. 16 минг бош молга мўлжалланган чорвачилик биноларини қарийб 156 минг парранда асрайдиган хоналарни қуриб ишга туширди. Шунингдек касалхоналар, мактаблар, клублар қурилиши билан боғлиқ топшириқлар ҳам ошириб бажарилди.

11-беш йиллик мобайнида қишлоқ жойларида беш минг оғал хўторлардан ободонлаштирилган посёлкаларга кўчиб ўтдилар. Кўплаб водопровод ва канализациялар ҳаракатга келтирилди. Вилоят бўйича газлаштириш даражаси 65 фоизга етди. Автомобил йўллари 172 километрга узайди ва асфальтланди.²⁶

Аммо вилоят маҳаллий ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик ишлари бўлими чўқариш самарадорлигини ошириш, бу соҳани механизациялаш масалалари диққат марказида турган бўлса-да, пахтачиликни ривожлантириш борасида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилди. 1985 йилда ўн тумандан олтитаси (Богот, Қўшқўпир, Янгиариқ, Шовот ва бошқа) режадагидан 30 минг тонна кам пахта етиштириб, 5-йиллик режасини бажармадилар. 90 жамоа хўжалигидан 46 таси 5-йиллик, 58 таси кейинги икки йиллик режаларини бажардилар.²⁷ Натижада вилоят 1984-1985 йиллар учун белгиланган пахта тайёрлаш режасини бажармади. Шу йилларда пахта ҳосилдорлиги ва меҳнат унумдорлиги ҳам пасайиб кетди.

Бундан ташқари вилоятда 5 йилликда пахтани машиналар билан териш ўртача 59 фоиздан 27 фоизга камайди.

Шу билан бирга чорвачиликка раҳбарлик ишларида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Оқибат натижада бу тармак ривожини суръатлари секинлашди. Сўт соғиб олиш, молларни топширишдаги вазн камайди. 1984 йилда 31 хўжаликда бу тармак

400 минг сўм зарар берди. Бундай аҳвол кейинги йилларда давом этган эди.

Хулоса шуки, бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий тармагининг ташкилий вилоят халқ хўжалигига, айниқса унинг тармоғи қишлоқ хўжалиги ривожига салбий таъсир кўрсатди. Чунки бошқарувнинг кўпгина функциялари марказга йўналди. Иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистон ҳамда Хоразм вилоятининг ҳуқуқлари кескин торайди. Пахта тармоғи ҳокимлиги натижасида «арзур экинлар майдони қисқарди. Ҳоразм хом-ашё базаси бўлиб қолди. Буларни ҳаммаси иттифоқ шартларидаги вилоятларнинг, жумладан Хоразм қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тараққий эттириш имкониятларини камайтириб қўйди.²⁸

1994 йил 18 март халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қўйилган таъкидлади: Иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққийдан чиқиш учун бозор иқтисодиётини танладик. Бунинг асоси шуки, ўзимизнинг 74 йиллик аччиқ тажрибамиз, дунёдаги тараққий этган давлатларнинг тажрибаси маъмурий-буйруқбозлик билан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатди.

Бизлар воз кечган эски тизимнинг энг асосий қусури шу эдики, унда хусусий мулк ман қилинган эди. Ҳаётини тажриба шунини кўрсатадики, мулкдан жудо бўлган одамда изланмиш, иштироки ва ташаббус йўқолар экан. Бу объектив ҳақиқат ва бунинг асло инкор этиб бўлмайди.²⁹

2. ВИЛОЯТ САНОАТИ ВА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА ЯНГИ БОСҚИЧ. ТУЯМЎЙИН ГИДРОТЕХНИК ИНШООТИНИНГ ҚУРИЛИШИ.

Тўққизинчи (1971-1975йй) ва унинг (1976-1980йй) беш йилликлар Хоразм саноати ва энергетикаси ривожланишида янги босқич бўлди. Шу давр ичида 15 га яқин йирик саноат корхоналари, жумладан Урганч ипак-йигирув фабрикаси, ёғ-экстракцион ва экскаватор ремонт заводи, Хива гилам комбинати қурилиб ишга туширилди. Бу даврнинг энг йирик иншоотларидан бири Туямўйин гидротехник комплекси қурилиши бўлди. Республикамиз ривожланишининг тарихий хусусиятларини, унинг тараққий сўғоришга асосланган қишлоқ хўжалигидаги ўзига хослигини, гидротехник ресурслардан комплекс фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси ва

Министрлар советининг 1969 йилда "Амударёда Туямуён гидроузели қуриш ҳақида" қарор қабул қилди.³⁰

Туямуёинда 5, 3 млрд. м³ фойдали ҳажмга эга бўлган 4-та омбори. (Капарас, Султон Санжар, Қушбулоқ), 150 минг кВт қувватга эга бўлган гидроэлектростанция, ишлаб чиқариш базаси қурувчилар шаҳарчаси, баландлиги 28 метр ва узунлиги 141 метр бўлган темир бетон ҳамда 550 метрга чузилган 27 туғонлиқ барпо қилиш кузда тutilган эди. Ундан ташқари темирбетон туғоннинг икки томонидан иккита катта канал-Қорақалпоғистон ерларини сув билан таъминловчи секундига 200 метр куб сув ўтказувчи ўнг қирғоқ канали ва Хоразм ҳамда Ширканда Туркменистон ерларини суғоришга мўлжалланган секундига 30 метр куб сув ўтказувчи сўл қирғоқ канали, дарё устида автомобил ўтадиган куприк ва бошқа иншоотлар барпо этиш зарур эди.³¹

Туямуён гидроузелини қуришда 110 миллион кубометр ер ва тош қазилар ҳамда ташиш ишлари бажарилиши, 1,3 миллион кубометр бетон ва темир бетон ётқизиш зарур эди.³² Амударёни тусиш, гидроузел туғонини ва ГЭС биносини қуриш учун 2 миллион кубометр тош ва шағал ётқизиш керак эди.³³ Ҳукумат томонидан тасдиқланган сметада Туямуён гидроузелини қуриб битириш учун 334 миллион сўм пул ажратилди.³⁴ Туямуён гидротехник иншооти комплекси 1979 йилда қурилиб ишга туширилиши мўлжалланди. Туямуён иншоотини қуриш 1970 йил июнь ойида ташкил қилинган "Туямуёнгидрострой" қурилиш бошқармасига топширилди.

1973 йилга келиб Туямуён қурилишида 2 мингга яқин қурувчи ва 250 инженер-техник мутахассислар меҳнат қилди.³⁵ Қурилишнинг автоҳужалигида 40 экскаватор, 56 бульдозер, 18 скрепер, 250 автомашина бўлиб, ер қазилар, текислаш, тош ётқизиш ишлари тула механизациялаштирилган эди.³⁶

Туямуён зарбдор қурилиши деб эълон қилинди. Мамлакатнинг турли улка ва республикаларидан қурувчилар келди бошлади. Бу қурилишда ягона оила бўлиб руслар, ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, татарлар, қорақалпоқлар, белоруслар, немислар, украинлар, қисқаси 40 га яқин миллат вакиллари қатнашдилар. Қурувчиларнинг аксарият қисми ёшлардан иборат эди. Қурилишда бошланғич партия, комсомол ташкилотлари қайта уюшмалари тузилди, улар қурувчиларни қўйилган вазифаларни бажаришга сифербар қилдилар. Республика комсомол ташкилотлари қурилишни мунтазам равишда ишчи кучи билан таъминлаб турди. 1974 йил май ойида республика комсомол ташкилоти Марказий Кўмитасининг ташаббуси билан "Гидростроитель" номи билан махсус кунгилли комсомол отряди тузилиб, Туямуёинга ишга жўнатилди. Бу отряд Тошкент.

Бухоро, Фарғона шаҳарларидан ўз истаклари билан равишда тупланган инженерлар, электриклар, бульдозерчилардан иборат эди. Туямўйини Республикамиз олийгоҳлари талабалари ҳам меҳнат вақтида фаол қатнашдилар. 1974 йилнинг ёз ойларида давлат педогогика институти талабаларидан 250 комсомол Туямўйинида меҳнат қилиб, 235 минг сўмлик қурилиш бажардилар.³⁴

Партия ва ҳукумат қурувчилар олдида "Туямўйин гидротехник ширкати тез суратлар билан қуриб ишга тушириш" вазифасини қўйди. Бу вазифани белгиланган муддатдан илгари ва сифатли бажарниш учун қурилишнинг барча бригада, цех ва кончалари уртасида ўзаро мусобақа авж олиб кетди. Кенг қулоқ билан бу мусобақада қурувчиларнинг аксарият қисми фаол қатнашиб, юксак меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Қудратли электр экскаваторларнинг машинистлари М.Урозбахтин, О.Гопп, А.Траутман, И.Оллаёровлар фидокорона меҳнат қилиб, Туямўйин қурилишининг гвардиячилари деган фахрий номга сазовор бўлишди.

Қудратли юк автомобиллари ҳайдовчилари Х.Урозов, М.Кличев, Аҳмад Васеев, Тэн, Ф.Терских, бульдозерчилар А.Сафаров, Б.Рузимбоев, Н.Нурматов, скреперчи Р.Ҳасанов, экскаватор машинистлари А.Мўминов, М.Ибраҳимов ва бошқалар барболовчасига ишлаш намуналарини кўрсатиб, мусобақанинг янги сафларида бордилар.

Туямўйин қурилиши вилоятимизнинг юзлаган ёшлари учун қурувчилик касбларини эгаллаш мактаби бўлди. Айниқса, бу ишлаган кечаги ёшлар бульдозерчи, скреперчи, экскаватор машинист, шофер, йўнувчи, дурадгор, монтажчи ва бошқа касбларни эгаллаб, малакали ишчи бўлиб етишдилар.

Кўпгина ёшлар қурлиш қошида очилган ўқиш комбинатини муваффақиятли битириб турли касб эгаси бўлишди. Кўпгина келган кўпгина ишчи кадрлар аввал бир қанча электр станциялари қурилишларида, жумладан, Братск, Красноярск, Чорвоқ ГЭСларида ишлаб анча тажриба ортирган малакали қурувчилар эди. Масалан, В.М.Мельников Чорвоқ ГЭСида, Евгений Шапавалов Чиркей ГЭСидан келган эдилар. Ана шу малакали қурувчилар ёрдамида қурилиш жараёнида маҳаллий кадрлардан ҳў сонли ишчи кадрлар тайёрланган эди.³⁵

Туямўйин қурилишига Тожикистондан келган ёш қурувчи Мавлонов ўзи ҳақида шундай ҳикоя қилади. "Мен 1971 йилда келдим. Менда маълум касб йўқ эди. Қурко қурувчи устанинг бригадасига шогирд қилиб беркиндилар. Бригадада ишлаб, бир қанча қурувчилик касбларини

эгаллаб олдим. Мен ўз устозларимдан миннатдорман" 39 Яна бир курувчи Б.Рўзимбоев ўзи ҳақида бундай ҳикоя қилади: "Мен Туямўйин гидроузели қурилишига ўрта мактабни битказиб келган эдим. Ҳозир бу ерда бульдозерчилик касбини урганаман. Бу корни ўрганишда менга Украинадан. Козогистондан Бу Бошқирдистондан келган дўстларим ёрдам бераптилар" 40

1970-1981 йиллар мобайнида Туямўйин қурилишида турли курувчилик касбига эга бўлган 9839 ишчи кадрлар тайёрланди. 4414 нафар курувчи эса қурилиш жараёнида ўз малакасини оширди. Ишчи кадрлар тайёрлаш турли шаклларда: шотир қилиб беркитиш ва бригада усулида ўқитиш ҳамда ўқиш комбинати, мавжуд курс ва мактаблар орқали амалга оширилади 41

Куп миқдорда малакали гидрокурувчиларнинг тайёрланиши қурилиш ишларини жадал суръатларда олиб боришга имконият туғдирди.

Бу эса ўз навбатида қурилиш олдида турган улкан вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминлади. Ҳар йили сайин бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ошиб борди. Агар 1971 йилда 3 миллионлик иш бажарилган бўлса, 1972 йилда 11 миллионлик, 1973 йилда эса 15,2 миллионлик иш бажарилди. 42

Собиқ КПСС XXIV съезди Директиваларига биноан қурилатган Туямўйин гидроузелининг катта халқ хўжалиги аҳамиятини ҳисобга олиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси, Республика Вазирлар Маҳкамаси, бу иншоотни тезроқ қуриб, фойдаланишга топшириш мақсадида бир қанча қарорлар қабул қилдилар. 1973 йил 23 ноябрида "Туямўйин гидроузели қурилишида ишларни янада кучайтириш чоралари тўғрисида" ва 1974 йил 2 октябрда "Туямўйин қурилишини жадаллаштириш" тўғрисида қарор қабул қилдилар. 43

Туямўйин гидроузелида бунёдкорлик ишларини ташкил қилишни яхшилаш ҳамда иш суръатларини ошириш мақсадида қурилишга бош пудратчилик қилиш вазифаси Ўзбекистон ССР мелiorация ва сув хўжалиги министрлигига топширилди. Қурилишга алоқадор бўлган барча министрликлар, қурилиш ташкилотларига эса 1974-1975 йилларга мўлжалланган иш ҳажмини бажариш ва қурилишни асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Гидроузелдаги қурилиш ишларига диққатни кучайтириш, қурилиш раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, қурилишда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, олдинтаи бажуриятларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилишини таъминлаш вазифалари Хоразм вилоят ва Ҳазорасп туман партия кўмиталари зиммасига юклатилди.

Қорида зикр этилган қарорлар қурилиш-монтаж ишлари суръатини жадаллаштиришда, қурувчиларни янги меҳнат сафарларига сафарбар қилишда катта рол уйнадилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кумитаси ва республика министрлар советининг 1974 йил 2 октябрда қабул қилган қарорида қурилишда бетон ётқизиш ишларини жадаллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Шу қарорни бажара бориб, қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш базасини янада кенгайтирди ва бетон қуйиш ишлари кенг куламда олиб бориш учун муҳим тадбир-чоралар кўчирди. В.Ф.Андрюшенко бошлик 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорларига бетон ётқизиш ишларини кенг куламда ва сифатли олиб бориш вазифаси топширилди. Авваллари қатор объектив ва объектив сабабларга кўра бетон ишлари суст олиб борилган эди. Эндиликда бу ишлар жадаллаштирилиб, тўғон танасига йилига 900-1000 м куб бетон ётқизиладиган бўлди. Бетон ётқизиш ишлари кун сайин ошиб борди. Бинокорларнинг фидокорона меҳнати туфайли қурилиш бошлангандан то 1976 йилгача 267.067 м куб бетон ётқизилди.⁴⁴ 9-беш йилликнинг охириги йили 1975 йилга келиб гидроузел қурилишида анча ишлар амалга оширилди. Қурилиш бошлангандан буён утган беш йил ичида 61,8 миллион ёмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қурилишнинг саноат ишлаб чиқариш базаси комплекси барпо қилинди, йилига 300 минг м куб бетон тайёрловчи завод ишга туширилди. Арматура цехи, энергетика хужалиги базаси, темир йўл станцияси фойдаланишга топширилди, саноат базасининг иситиш системаси, автобаза, компрессор станцияси, цемент омбори, моддий-техника таъминот ва бошқа объектлар қурилиши ниҳоясига етказилди.⁴⁵

10-нчи беш йиллик (1976-1980) Туямўйин гидроузели қурилишида ҳал қилувчи давр бўлди. Бу йиллар мобайнида бинокорлар оядида бебош. Амударёни жиловлаш, унинг олдини тасно, сув омборларини тўлғазиш, темир бетон тўғони, ГЭС биноси қурилишини жадаллаштириш ҳамда ГЭС гидроагрегатларини ўрнатиш каби муҳим вазифалар турар эди.

Бу улкан вазифаларни бажаришга бинокорларни сафарбар қилишнинг ўша даврда бирдан-бир йўли бригадалар, цехлар, архоналар ва бошқа қурилиш объектлари ўртасида ўзаро мусобақа ташкил қилиш эди. Қўлни-қўлга бериб беш мингдан ошмак бинокор ҳормай-толмай меҳнат қилди. Зарбдор меҳнат тез орада уз самарасини берди. 1979 йил декабрь ойида Амударёнинг қурилиш тусилди. Шундан сўнг ГЭС биносини қуриш ва ГЭС агрегатларини ўрнатиш учун кураш авж олиб кетди.

"Спешгидроэнергомонтаж" бошқармаси монтажчиларининг фидокорона меҳнати туфайли 1981 йил октябрга келиб ГЭС нинг бинокорлари агрегати ўрнатилиб, синовдан ўтказилди. ЎзССР

мелiorация ва сув хўжалиги министрлигига Қарақалпоғистон Республикаси "Туямўйингидрострой" коллективи ёшқа субпудрат ташкилотлар билан биргаликда 1985 йил бошларига келиб гидроузелининг иншоотларини қуриш ишларини ниҳоясига етказди. 4 та катта сув омбори барпо қилинди. ГЭСнинг 150 минг КВТ қувватига эга бўлган 6 та агрегати ҳам ишга туширилди. Дўржа шаҳри қад кутарди.

Туямўйин гидроузели қурилиши бошлангандан бундан утган 15 йил мобайнида 337 млн. сумлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 270 млн. сумлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Хоразм, Қорақалпоғистон ва Туркменистоннинг Тошхўвўз миндотларига 245 минг гектар ерни кафолатли суғоришга қобил бўлган 5,2 млрд. м. куб ҳажмдаги сув омбори бунёд этилди.

Туямўйин гидротехник комплексининг қайта қурилишига топширилиши Хоразм, Қорақалпоғистон ва Туркменистоннинг қатор халқ хўжалик муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берди. Туямўйин гидротехник комплекси катта халқ хўжалик аҳамиятига эга:

1. Бу иншоотнинг қурилиш билан катта сув омборлари ташкил қилинди. Бу эса ўз навбатида Амударё сув оқими ва ундай фойдаланиш ҳажмининг ҳар бир йил фаслида тартибга солиб туриш "дейгиш" ва сув тошқинлари олдини олиш имкониятини яратди.

2. Туямўйин сув ҳавзасининг қурилиши қуйи Амударё зонасида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал қилди. Ҳозир Туямўйин сув ҳавзасидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси шаҳар ва қишлоқларига кўп километрлик сув қувурлари тортилган.

3. Туямўйин гидроузели қурилиши билан сув оқимини тартибга солиниши 500 минг гектарга яқин мавжуд ерларни суғоришни яхшилаш ҳамда келажақда суғориладиган ер майдонларини 1200 минг гектарга етказиш имкониятини беради.

4. Туямўйин гидроузели кафолатли ер шўрини ювиш ва вегетация даврида мўнтазам суғоришни амалга ошириш ҳамда шўр суғориладиган ерларни ўзлаштириш ҳисобига (собиқ ССРСНИИ ҳисоб-китобларига мувофиқ) пахта ҳосилдорлигини гектарида 1,3-3,9 ц/га, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини бир неча мартабага кўтариш имкониятини туғдирди.

Туямўйин гидроузели қурилиши туфайли суғориладиган суғориш системасига ўтиш фақат 1981-1983 йилларда, яъни гидроузели вақтинча ишга туширилиш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинган соф фойда 290 млн. сумни ташкил этди.

5. Гидроузелнинг ўнг ва сул соҳилларидан сув оладиган нақлиёт канал йилнинг турли фаслларида суғориш системалари, минимал

иший хўжалиги ва саноат корхоналарини мунтазам равишда сув билан таъминланган кафолатини беради. Ундан ташқари магистрал каналларга, ариқларга лойқа-қум урнашиб қолишини ва уларни тазалашга сарф қилиниб келинган миллион-миллион пул харажатларини жиддий равишда камайтиради.

6. Гидроузел орқали ўтказилган автомобил ва темир йўллар Қорақалпоғистон ҳудудлари билан алоқани ривожлантирибгина эмасдан, Амударёнинг урта оқимида қимматга тушадиган қоромларда юк ташишга барҳам беради.

7. Тўғон олдида барпо қилинган сув омборларида йилига 600 т қор бар балиқ урчитиш имкониятини туғдирди.

8. Туямуён гидротехник иншооти қурилишига нафақат йирик инженирига ва энергетика иншоотлари бўнад этишга, балки республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида раҳбарлик қилишга қобил юзлаган ерлик миллат вакилларида, кечаги қолхозчилар ва қишлоқ ўспиринларида малакали ишчи кадрлар, инженер-техник ходимлар ва хўжалик раҳбарларини тарбиялаш ва тайёрлаш мактабига айланди.

Туямуён Питнак қишлоғида оддий қолхозчи оиласидан чиққан Искандар Юсупов тақдирида катта рол ўйнади. У қурилишда оддий бир ишчидан республикадаги йирик "Туямуёнгидрострой" қурилиши бошқармаси бошлиғи лозимигача кўтарилди.

У ўзидан аввал Туямуён қурилишини бошқарган Корниенко П.Ризаев, Ю.Шержонов, В.Духанинлардан раҳбарлик сирларини ўрганиб, қурилишнинг деярлик барча объектлар ва участкаларида бошлик лавозимида ишлаб бой таржиба ва билим орттирди. Искандар Юсупов 30 ёшида 3 сонли қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи, кейин партком котиби, қурилиш бош инженери, Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг масъул ходими ва ниҳоят "Туямуёнгидрострой" бошқармасининг бошлиғи лавозимларида фаолият курсатди. Маҳаллий аҳоли ичидан ўсиб чиққан бу ёш инженер-раҳбарнинг Хоразм воҳасининг халқ хўжалиги ҳаётида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган Туямуёнгидротехник иншооти қурилишига қўшган хиссаси беқийсдир. Кейинги йилларда И. Юсупов республикамизнинг қатор раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ҳозирги кунда у Хоразм вилояти ҳокими лавозимида фаолият курсатмоқда.

9. Тўғон устига қурилган 150 минг КВТ қувватга эга гидроэлектростанция Қорақалпоғистон энергосистемаси қувватини анча оширди. У арзон сув энергиясини электр энергиясига айлантириб, йилига 360 т шартли ёкилчини (316 млн м³ табиий газни) тежаш имконини берди.

Туямуйин ГЭСи қурилгач қуйи Амударё зонасида электр энергиясидан фойдаланиш икки баравар, коммунал-маданий хужалик эҳтиёжлари учун эса уч баравар ошди.

Туямуйин ГЭСи ва Тахиатош ГРЭСининг ишга туширилиши қуйи Амударё худудларини, жумладан Хоразм вилоятини еппасига электрлаштириш имконини берди.

1986-1990 йилларда Хоразм вилоятида 6-20 КВ қувватли 311,8 минг. км: узунликдаги, 0,4 КВ қувватли 544,2 минг. км. узунликдаги электр узатгич линиялари қурилди.⁴⁶

Энергетика хўжалигининг ривожланиши ва кўп миқдорда электр энергиясини ишлаб чиқарилиши Хоразм вилоятида янги, замонавий технология билан жиҳозланган оғир саноат корхоналарини қуриш имконини тугдирди.

80-йилларда вилоятда бир қанча йирик корхоналар, жумладан Урганчда "Кормамаш" машинасозлик заводи, пойафзал фабрикаси ва бошқа заводлар қурилиб ишга туширилди. 1985 йилда вилоятда 721 саноат корхонаси булган булса, 1991 йилга келиб, уларнинг сони 933 тага етди.⁴⁹

Саноат ва қурилиш корхоналарининг кўпайиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, транспорт ва алоқа воситаларининг усиши, коммунал хўжалиги тармоқларининг кенгайиши кўп миқдорда электр энергияси талаб қиларди.

1991 йилда вилоятда 588,1 млн. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган, 1 млрд. 441,2 млн. киловатт-соат электроэнергия ташқаридан олинган, шундан 401,0 млн. киловатт-соат электр энергияси саноат эҳтиёжлари учун, 114,9 млн. киловатт-соат - қурилиш, 415,5 млн. киловатт-соат-қишлоқ хўжалиги, 144,8 млн. киловатт-соат-коммунал хўжалиги, 25,2 млн. киловатт-соат- транспорт, 101,3 млн. киловатт -соат-алоқа, маданият, соғлиқни сақлаш ва савдо муассасалари ва бошқа ташкилотлар эҳтиёжлари учун сарфланган.⁵⁰

Кейинги йилларда вилоят саноати ривожланишида пасайиш тенденцияси вужудга келди. Чунки собиқ СССР тарқалиб, республикалар мустақил ривожланиш йулига, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мавжуд иқтисодий алоқалар узилиб, саноат, қурилиш ва бошқа тармоқлар учун зарур бўлган ускуналар, эҳтиёж қисмлар қом-ашё келиши камайиб, пархоналашиб кетди. Бу ҳол саноат қурилиши ва қишлоқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Ўтиш даврининг катта қийинчиликларига мардонавор барҳам бериб Ўзбекистон Республикаси ҳукумати саноат, энергетика ва бошқа тармоқлар ривожланиш даражасини пасайиб кетишига қўймаслик мақсадида одилона сиёсат юргизиб, барча ички ба

ташқин имкониятлардан тула фойдаланиш борасида катта тадбир-чоралар кўрмоқда.

Ҳозир турли чет эл компаниялари фирмалари ва корхоналари билан шартномалар тузиб, улар билан биргаликда янги энергетика ва саноат корхоналари қуриш ишлари йўлга қўйилди. Хоразм вилоятида ҳам саноатни тараққий топдириш, одамларни иш билан тўқинлаш юзасидан кенг куламда тадбир-чоралар режалаштирилган.

Бу соҳада мустақил республикамиз ҳукумати ва вилоятимиз ҳокимияти режалаштирилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳамда йирик саноат-энергетика базасини вужудга келтириш вилонини яратди. Ўша базага таянган ҳолда вилоят иқтисодиксининг барча тармоқларини юксак поғонага кутариш, таълимнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш мумкин.

3. ВИЛОЯТДА СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

60-йиллардаги иқтисодий ислохотлар Хоразм вилояти халқ ҳўжалигига ҳам анча сезиларли таъсир кўрсатди. Бу вақтга келиб вилоят халқ ҳўжалигининг моддий-техника базаси бир мунча бақувват бўлиб қолди. Шу билан саноат ва қишлоқ ҳўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Бу ўз навбатида вилоятнинг бундан кейинги социал-маданий тараққийети учун зарур моддий имкониятни вужудга келтирди. Ҳақиқатан ҳам 70-80 йилларда вилоятда социал-маданий қурилишлар учун давлат томонидан ажратилган маблағ ҳар қачонгидан кўпайди. Масалан, 1965 йилда социал-маданий эҳтиёжларга 25,8 млн. сум ажратилган бўлса, 1985 йилда социал-маданий эҳтиёжларга 121 млн. сум ва 1990 йилда эса бу кўрсаткич 200 млн. сумни ташкил этди.⁵¹ Ўша йилларда вилоятда социал-маданий соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга ошди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ишларида, аҳоли турмуш маданиятини оширишда, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида катта ишлар қилинди. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб замонавий ўй-жойлар, маъмурий-иқтисодий-маиший бинолар қурилди, электрлаштириш, газлаштириш тармоқлари рақон йўллар қурилишида катта натижаларга эришилди.

Ўша йилларда Хоразмда социал-маданий қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятларда Ф.Шамсиддинов, Б.Раҳимов, Э.Эшчанов, М.Маткаримов, М.Ражабов, М.Жуманиёзов, Р.Тоҳиров, С.Жобберганов, Л.Асқарова каби ташаббускор раҳбарларнинг хиссаси каттадир.

Ана шу маданий қурилиш ва ободонлаштириш ишлари туфайли вилоятнинг Урганч, Хива, Дўжба шаҳарлари, Хонқа, Шовот, Қўшқўпир, Богот ва Гурлан туманлари мутлақо янгида чирой очди. 60-йилларда вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳар йилда ўртача 200-220 минг м² ҳажмда янги турар жой бинолари қурилган. 80-йилларда бу кўрсаткич 2-2,5 барабарга ўсди. 1985 йилда 400 минг м², 1990 йилда эса 585 минг м² ҳажмда замонавий типдаги уй-жойлар қурилди.⁵² Шунингдек ўша йилларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам анча яхшиланди. Масалан, агар 1985 йилда аҳолига 415 минг сумлик маданий-маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич 80 млн. сумлигига ошди.⁵³

Маданий қурилишларнинг жадаллашуви туфайли айрим туман марказлари Хонқа, Шовот ва Гурлан шаҳар қиёфасини олди.

Ана шундай обод поселкалар ва шаҳарчалар Урганч ва Хива атрофларида ҳам вужудга келди. Урганч шаҳри шимолий-шарқий ва жанубга томон, хусусан Шовот каналининг ҳар иккала соҳили бўйлаб кенгайди, бу ерда маданий-маиший бинолар, спорт комплекси ва куплаб замонавий уй-жойлар қурилди. Хиванинг "Қосмообод" зонасида эса янги обод шаҳарчаси вужудга келди.

Шундай қилиб, қадимий ва ҳамиша навқирон Хоразм қисқа вақт ичида ўзининг маданий қиёфасини ўзгартириб юборди. Бунинг халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва бошқа соҳаларда эришилган муваффақиятларда ҳам янада аниқ куришимиз мумкин.

ХАЛҚ МАОРИФИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
Вилоятнинг маданий ҳаётида, айниқса ёшларни меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда халқ маорифининг роли бениҳоят катта. Илмий-техника тараққиёти халқ маорифини барча тармоқлари олдига улкан вазифаларни қўйди. Халқ маорифида таълим-тарбиявий ишларни тубдан қанча қуришни, мактабни ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашни, ёшларга фан асосларини ўргатиш ва тарбиялашни янги талаб даражасига кўтаришни ун тартибига қўйди. Бу аввало мактаб ва тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини янгиланиши ва мустаҳкамланишига ўқитувчи ва тарбиячиларнинг сифат таркибини тўғри яхшиланишига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Шунинг ҳисобига олий маҳаллий ва республика ҳукумати ўша йилларда вилоятда маориф муассасаларининг моддий-ўқув базасини янгилашга, уларни таъмир-ўқув жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Халқ маорифига эътибор бериш бутун жамоатчилик вазифасига айланди. Дарҳақиқат вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида замонавий типдаги янги мактаблар, боғча-ясилар қурилиши жадаллашиб кетди. Ана шу умумхалқ ишига

давлат маблағларидан ташқари вилоятнинг қўпчилик жамоа ва давлат хўжаликлари ҳам ўз маблағлари ҳамда қўрилиш материаллари билан фаол иштирок этдилар. Вилоятнинг Урганч, Хива, Дўжба шаҳарларида, туман марказларида ва жамоа хўжаликларида қисқа вақт ичида жиҳозланган ўқув кабинетларига, лаборатория ва спорт майдончаларига эга бўлган қўп қаватли янги мактаблар, болалар муассасалари қўплаб қўрила бошланди.

Халқ маорифи қўрилишларига давлат бюджетидан 1965 йилда, 16,6 млн.сўм ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 1985 йилда 75,5 млн. сўмдан ошди ёки 4,5 барабарга қўпайди.⁵⁴ Фақат 1981-1985 йилларда шаҳар ва қишлоқларда жами 41,2 минг ўқувчи ўринга мўлжалланган янги мактаблар ва 10,3 минг ўринли боқча-ясиллари фойдаланишга топширилди.⁵⁵ Мактаб-маориф шахобчалари қўрилиши шундан кейинги йилларда ҳам жадал олиб борилди. Натижада вилоятда умумтаълим мактаблари ҳамда улардаги ўқувчилар сони кескин қўпайди. Масалан, агар 1965 йилда вилоятдаги жами мактаблар сони 393-та бўлса, 1990 йил охирига келиб 500 га етди.⁵⁶ Эндиликда уларнинг қўпчилиги янгидан қўрилган мактаблар эди. Уларда таълим олаётган ўқувчилар сони шу йилларда 63,3 минг кишидан 300 минг кишига яқинлашиб қолди. Ҳар йили ўртача 15-18 мингга яқин ўғил-қизлар ўрта мактабларни муваффақиятли тамомлаб ҳаётга йўлланма ола бошладилар.

Мактабларда ўқув-моддий базасини мустаҳкамланганлиги таълим-тарбия ишларини яхшилаш имконини яратди.

Ўша йилларда мактабларда табиий ва гуманитар фанлардан чуқурлаштирилган билим беришни йўлга қўйилганлиги маориф ҳаётидаги энг катта воқеа бўлди. Иқтидорли ўқувчилар учун ташкил этилган ана шундай махсус билим даргоҳлари вилоятнинг қўпчилик мактабларида фаолият кўрсата бошлади. Масалан, Урганчдаги Х.Сиддиқов номи лицей математика ва химия фанларидан, А.Ибрагимов номи мактаб ўзбек тили ва адабиётидан, Шовотдаги Ал-Хоразимий номи лицей эса математика фанидан чуқурлаштирилган билим даргоҳларидир. Уларда ўқувчилар етук олимлар ва тажрибали муаллимлар қўлида таълим олмоқдалар.

70-80 йилларда халқ маорифи соҳасидаги яна бир муҳим янгилик вилоят мактабларининг бевосита ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланди. Меҳнат таълимини махсус фан сифатида ўргатишга алоҳида эътибор берилди. Агар 1965 йилда меҳнат таълими вилоятнинг 6 та мактабида жорий қилинган бўлса, эндиликда бу фан барча мактабларда ўқув дастурларига киритилди. Меҳнат таълими ўқувчиларда касб-ҳунар ўникмаларини ҳосил бўлишига ёрдам бермоқда. Ана шу мақсадда

Ана шу маданий қурилиш ва ободонлаштириш ишлари туфайли вилоятнинг Урганч, Хива, Дўстлик шаҳарлари, Хонқа, Шовот, Қўшқўпир, Богот ва Гурлан туманлари мутлақо янги чирой очди. 60-йилларда вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳар йилда ўртача 200-220 минг м² ҳажмда янги турар жой бинолари қурилган. 80-йилларда бу кўрсаткич 2,2,5 бараварга ўсди. 1985 йилда 400 минг м², 1990 йилда эса 585 минг м² ҳажмда замонавий типдаги ўй-жойлар қурилди.⁵² Шунингдек ўша йилларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам анча яхшиланди. Масалан, агар 1985 йилда аҳолига 415 минг сумлик маданий-маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич 80 млн. сумдан ошди.⁵³

Маданий қурилишларнинг жадаллашуви туфайли айрим туман марказлари Хонқа, Шовот ва Гурлан шаҳар қиёфасини олди.

Ана шундай обод поселкалар ва шаҳарчалар Урганч ва Хива атрофларида ҳам вужудга келди. Урганч шаҳри шимолӣ-шарқий ва жанубга томон, хусусан Шовот каналининг ҳар иккала соҳили бўйлаб кенгайди, бу ерда маданий-маиший бинолар, спорт комплекси ва куплаб замонавий ўй-жойлар қурилди. Хиванинг "Космообод" зонасида эса янги обод шаҳарчаси вужудга келди.

Шундай қилиб, қадимий ва ҳамиша навқирон Хоразм қисқа вақт ичида ўзининг маданий қиёфасини ўзгартириб юборди. Бунда халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва бошқа соҳаларда эришилган муваффақиятларда ҳам янада аниқ қўшимчи мумкин.

ХАЛҚ МАОРИФИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
Вилоятнинг маданий ҳаётида, айниқса ёшларни меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда халқ маорифининг роли бениҳоят катта. Илмий-техника тараққиёти халқ маорифини барча тармоқлари олдига улкан вазифаларни қўйди. Халқ маорифида таълим-тарбиявий ишларни тубдан қант қўришни, мактабни ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашни, ёшларга фан асосларини ўргатиш ва тарбиялашни янги талаб даражасига кўтаришни тўғрисида тўғрисида қўйди. Бу аввало мактаб ва тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини янгиланиши ва мустаҳкамланишига ўқитувчи ва тарбиячиларнинг сифат таркибини тубдан яхшиланишига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Шунинг ҳисобга олиниб, маҳаллий ва республика ҳукумати ўша йилларда вилоятда маориф муассасаларининг моддий-ўқув базасини янгилашга, уларни ўқув ўқув жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлашга алоқидан эътибор берди. Халқ маорифига эътибор бериш бутун жамоатчилик вазифасига айланди. Дарҳақиқат вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида замонавий типдаги янги мактаблар, техникумлар қурилиши жадаллашиб кетди. Ана шу умумхалқ ишига

давлат маблағларидан ташқари вилоятнинг купчилик жамоа ва давлат хўжаликлари ҳам ўз маблағлари ҳамда қурилиш материаллари билан фаол иштирок этдилар. Вилоятнинг Урганч, Жирка, Дружба шаҳарларида, туман марказларида ва жамоа хўжаликларида қисқа вақт ичида жиҳозланган ўқув кабинетларига, лаборатория ва спорт майдончаларига эга бўлган кўп қаватли янги мактаблар, болалар муассасалари қўллаб қўрила бошланди.

Халқ маорифи қурилишларига давлат бюджетидан 1965 йилда, 16,6 млн.сўм ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 1985 йилда 75.5 млн. сўмдан ошди ёки 4,5 бараварга кўпайди.⁵⁴ Фақат 1981-1985 йилларда шаҳар ва қишлоқларда жами 41,2 минг ўқувчи ўринга мулжалланган янги мактаблар ва 10,3 минг ўринли боқча-ясиллари фойдаланишга топширилди.⁵⁵ Мактаб-маориф шаҳобчалари қурилиши шундан кейинги йилларда ҳам жадал олиб борилди. Натижада вилоятда умумтаълим мактаблари ҳамда улардаги ўқувчилар сони кескин кўпайди. Масалан, агар 1965 йилда вилоятдаги жами мактаблар сони 393-та бўлса, 1990 йил охирига келиб 500 га етди.⁵⁶ Эндиликда уларнинг кўпчилиги янгидан қурилган мактаблар эди. Уларда таълим олаётган ўқувчилар сони шу йилларда 63,3 минг кишидан 300 минг кишига яқинлашиб қолди. Ҳар йили ўртача 15-18 мингта яқин ўғил-қизлар ўрта мактабларни муваффақиятли тамомлаб ҳаётга йўлланма ола бошладилар.

Мактабларда ўқув-моддий базасини мустаҳкамланганлиги таълим-тарбия ишларини яхшилаш имконини яратди.

Ўша йилларда мактабларда табий ва гуманитар фанлардан чуқурлаштирилган билим беришни йўлга қўйилганлиги маориф қаётидаги энг катта воқеа бўлди. Иқтидорли ўқувчилар учун ташкил этилган ана шундай махсус билим даргоҳлари вилоятнинг купчилик мактабларида фаолият курсата бошлади. Масалан, Урганчдаги Х.Сиддиқов номи лицей математика ва химия фанларидан, А.Ибрагимов номи мактаб ўзбек тили ва адабиётидан, Шовотдаги Ал-Хоразимий номи лицей эса математика фанидан чуқурлаштирилган билим даргоҳларидир. Уларда ўқувчилар етук олимлар ва тажрибали муаллимлар қўлида таълим олмоқдалар.

70-80 йилларда халқ маорифи соҳасидаги яна бир муҳим йўналиш вилоят мактабларининг бевосита ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланди. Меҳнат таълимини махсус фан сифатида ўргатишга алоҳида эътибор берилди. Агар 1965 йилда меҳнат таълими вилоятнинг 6 та мактабида жорий қилинган бўлса, эндиликда бу фан барча мактабларда ўқув дастурурига киритилди. Меҳнат таълими ўқувчиларда касб-ҳунар кўникмаларини ҳосил бўлишига ёрдам бермоқда. Ана шу мақсадда

мактаблар замонавий ўқув жиҳозлари, техник телевизион аппаратлар, электрон-ҳисоблаш компьютерлар ва кино аппаратлари билан жиҳозланди. Шунингдек, дурадгорлик, токарлик, чилангарлик станоклари бўлган устахоналар ва ўқув комбинатларига эга бўлдилар. Қўшма мактабларда турли тугараклар-тикувчилик, гулчилик, қўшма тугараклари мунтазам ишлаб турди. Уларда ўқувчилар тақрибан мураббийлар ёрдамида турли касбларга ургатилади. Ўқувчи мактабларида ташкил этилган ўқувчиларнинг ишчилик бригадалари меҳнат таълимини амалга оширишнинг янги усулларидан эди. Қишлоқ мактабларида 1979 йилда 267 та ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари фаолият кўрсатди, уларга 6 мингдан ортиқ ўқувчи ёшлар бирлашган. Улар пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик ва чорвачилик касблари билан машғул бўлдилар.

Вилоятнинг қўшма сансат корхоналари, ташкилотлари ва жамоа хўжаликлари мактабларга кабинетлари, лабораториялар, устахоналар участкаларини зарур жиҳозлар билан ускуналаштиришдан ёрдам курсатиб келдилар. Айниқса, Урганч пахта тозалаш ва етказиш заводи, тикувчилик фабрикаси, пахта тозалаш заводи, "Хоразмводстрой" ташкилоти, Хива гиламчилик фабрикаси, Боғотдаги Нариманов/Искандар Дусов/ номли, Шовотдаги Қарим Раҳимов номли жамоа хўжаликларининг бу жиҳатдан ибратли ишлари эътиборга лойиқдир.

Шунингдек, ўша йилларда Хоразм вилоятида мактабгача тарбия муассасаларига ҳам эътибор анча қўйилди. Айниқса, қишлоқ жойларда боғча-ясил қурилишлари юқори суръатлар билан олиб борилди. Агар вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида 1961 йилда жами 201 та боғча-ясил фаолият кўрсатган бўлса, 1985 йилда келиб уларнинг сони 400 тадан ошди. Уларда 50 мингдан ортиқ ўғил-қизлар тарбияланди.⁵⁶

Вилоятдаги барча тарбия муассасалари олинчи синфга таълим маълумотга эга бўлган тарбиячилар билан таъминланди. Айниқса, вилоятнинг Урганч, Боғот, Шовот, Қўшқўпир туманларида қўшма қўлайликларга эга бўлган қўшма боғча-ясиллар қўрилди. Жумладан, 1976-1985 йилларда фақат Шовот туманида 30 та боғча-ясиллар фойдаланишга топширилган. Гуманитар соҳада боғча-ясиллар билан таъминланиш даражаси 35 фоизга етди.⁵⁹

Бироқ юқоридаги натижаларга қарамай вилоятда тарбиясида жиддий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ҳал қилиш яслилар билан таъминланиш даражаси 26,5 фоизни ташкил қилди, холос.

Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам халқ маорифининг муҳим соҳаларидан Ҳисобланади. Бу борада вилоятда хунар-техника билим юр்தларининг хизмати эътиборга лойиқдир. Ҳаётда вилоятда хунар-техника билим юр்தларини тайёрлаш ва улардаги таълим-тарбия ишларини амалга оширишга қарата қатор чора-тадбирлар қилинди.

1975 йилда вилоятда жами унга яқин хунар-техника билим юр்தлари бўлиб, уларда 3200га яқин ёшлар турли касбларга тайёрланди. 1987 йилга келиб техника билим юр்தлари сони 40 дан ортиқ ва уларда 20 мингдан ортиқ йигит ва қизлар таълим олмоқда. Ана шу билим юр்தлари халқ хужалигига ҳар йили 9 минг ортиқ ишчи ва механизатор кадрлар тайёрлаб берди. Уларнинг саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, сув таъминоти, автотранспорт корхоналари ҳамда жамоа ташкилотларида хизмат қилмоқдалар.

Ҳаётда вилоятда Хоразм вилоятида ўзларининг бутун ҳаётини хунар-маорифи равнақига бағишлаган ажойиб ташкилотчилар бўлиб чиқди. Шулардан Хужамурод Худайберганов, Матрасул Худайберганов, Матвафо Аллаберганов каби ўнлаб маорифчиларни эслоқ тилга олиш мумкин.

Ҳаётда маорифи соҳасида юқори маълумотли ўқитувчилар сони 1970-71 ўқув йилида вилоятда 7,7 минг ўқитувчи таълим олиш имконияти шуғулланди. 1990/1991 ўқув йилида эса уларнинг сони 22,1 минг кишига етди еки уч қабатга кўпайди. 61 ўқитувчи орасида хотин-қизлар 60 фоизни ташкил этади. Халқ таълиф ходимлари орасида эса ўзларининг фидойи меҳнати билан ҳаётда ҳурматига сазовор бўлганлар оз эмас. Шулардан 4 нафар республика халқ ўқитувчиси, 37 киши Ўзбекистонда хизмат қилган ўқитувчи фахрий унвонларига, 400 га яқин ўқитувчи орасида ҳукуматнинг орден ва медалларига сазовор бўлганлар. 62 Улар орасида Марям Ёқубова, Қадам Абдуллаев, Н.Нуриллаев, Рузим Бекчанов, Саид Аллаберганов, Б.Д.Янишев, Қодир Жабберганов, Роза Билолова, Абдулла Ибрагимов, Назар Матқубов, Қучқор Жуманиёзов каби халқ маорифи фидойилари

Вилоят халқ хужалиги учун юқори маълумотли педагоглар тайёрлашда ошқ мутахассис кадрлар тайёрлашда олий ва урта махсус таълимнинг роли катта. 1965 йилда вилоятда битта олий ва 4 та урта махсус ўқув юрти мутахассис кадрлар тайёрлаш билан шуғулланди. Улардаги талабалар сони 3 минг кишига яқин эди.

1987 йилга келиб вилоятдаги урта махсус билим юр்தлари 9 тага кўпайди, уларда 10 мингдан ортиқ ўқувчилар таълим олмоқда. 63 Шулардан Хоразм давлат педагогика институти, Хива педагогика техникуми, қишлоқ хужалик техникуми, қишлоқ

хўжалигини механизациялаш мактаби, Урганч қурилиш коллежи, гидромелиорация техникуми, автомобиль йўллари техникуми, медицина техникуми каби билим юртлари халқ хўжалигига ҳар йили 3,5-4 мингга яқин мутахассислар тайёрлаб берди. Хоразм давлат педогогика институти эса ўзининг ўтган ярим асрлик фаолияти мобайнида халқ маорифига 20 мингдан ортиқ педогог кадрлар етказиб бердики, уларнинг бир қисми қўшни Туркменистон республикаси Тошҳовуз вилояти ва Қорақалпоғистон жумҳуриятида хизмат қилмоқда. ⁶⁴

Ушбу илм даргоҳида Х.Сиддиқов, М.Матниёзов, Н.Қаландаров, Я.Ражабов, О.Мадрахимов, Г.М.Билолов, А.Нурметов, Х.Абдуллаев, А.Сотлиқов, С.Рўзимбоев, М.Салаева, Е.С.Фамина, Р.Жуманиёзов каби етук педогог-олимлар узоқ йиллардан буён ёшларга таълим-тарбия беришга катта ҳисса қўшиб келдилар. Вилоятдаги билим юртларини муваффақиятли тамомлаган мутахассисларни эндиликда халқ хўжалигининг барча тармоқларида учратиш мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълимнинг ривожланиши билан вилоятда мутахассислар сони ҳам йил сайин кўпайди, уларнинг сифати ҳам яхшиланди. Агар 1970 йилларда вилоят халқ хўжалигида 19,1 минг олий ва ўрта маълумотли мутахассислар ишлаган бўлса, 1989 йилга келиб уларнинг сони 75,9 минг кишига етди. ⁶⁵ Вилоятда юқори маълумотли мутахассислар сонининг кўпайиши иқтисодий ва маданий ҳаётда юз берган ўзгаришларнинг муҳим омили бўлди.

МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИ. Маданий оқартув муассасалари-клуб, кутубхона, маданият саройлари, кинотеатр, музей, матбуот ва бошқалар вилоят аҳолисининг маданий ва маънавий юксалишида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли маҳаллий ҳукумат маданий оқартув муассасалари фаолиятини яхшилашга ва кенгайтиришга ҳамниша катта эътибор бериб келди. 70-80 йиллар вилоятда маданий-оқартув муассасалари қурилишининг низоҳатда авж олган йиллари бўлди. Шаҳар ва қишлоқларда янги типдаги кўплаб кутубхоналар, маданият саройлари, ёзги ва қишқи кинотеатр бинолари қал кўтарди. Жумладан, Урганч шаҳридаги маданият саройи, кутубхона, кенг экранли кинотеатр, Огаҳий номли драма ва комедия театри буюрди, маърифат уйи ва бошқа кўплаб маданият иншоотлари ўша йилларда барпо этилган эди. Ана шундай маданий қурилишлар вилоятнинг Шовот, Янгиариқ, Гурлан, Бобот туманларида ҳам кўплаб қурилди.

Фақат 1981-1990 йилларда вилоятда жами 12 минг ўринли янги клублар ва маданият саройлари фойдаланишга топширилди.

Ушдан олдин вилоятда ҳаммаси бўлиб 96 та клуб ва кутубхоналар бўлган. Улардаги китоб фонди 100 минг нусхадан ошган эмас. 1965 йилга келиб вилоятдаги оммавий кутубхоналар сони 362 ва клублар сони эса 225 тага етди. Кутубхоналардаги китоб фонди 1105 минг нусхадан ошиб кетган. Аҳолининг умуммаданий даражаси юксалиши билан бирга талаб ҳам ошиб боради. 1985 йилга келиб вилоятдаги кутубхоналар 522 тага, клублар сони эса 302 тага етди. Улардаги китоб фонди 4.8 млн нусхадан ошиб кетди. Шулардан 263 та клуб ва 438 та кутубхона қишлоқ меҳнаткашлари хизматида бўлди.⁶⁶ Шунингдек, Урганч ва Хивада, туман марказларида болалар кутубхоналари ҳам ташкил топди. Урганчдаги марказий вилоят кутубхонаси йирик маданий ва методик марказлардан бўлиб, унинг китоб фонди 1.5 млн нусхадан ортиқ.

Вилоятда кутубхоналар фондидан фойдаланган ўқувчилар сони 1987 йилда 400 минг кишидан ошди.⁶⁷

Клуб ва маданият саронлари, маданий-оқартув ва оммавий-сиёсий ишларнинг энг муҳим маркази ҳисобланади. Бу ерда турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказилди, уруш ва меҳнат фахрийлари билан жонли учрашувлар ташкил этилди, кино, концерт ва спектакллар намойиш қилинди. Ёшлар эса турли тўғаракларга, айниқса бадий ҳаваскорлик тўғаракларига жалб этилди. 1989 йилда вилоятда 600 га яқин ана шундай бадий тўғараклар ишлаб турди, уларга рақс, мусиқа ва ашула санъати шайдолари бўлган 10 мингдан ортиқ ёшлар уюшган эди. Бадий ҳаваскорлик тўғаракларидан айримлари ҳатто халқ ансамбли ва халқ театри фахрий унвонларига сазовор бўлдилар. Шулардан Бобот туманидаги Шермат Файзуллаев бошлиқ "Қалдирғоч" ашула ва рақс ансамбли ва Шовот туманидаги Қаландар бахши Норматов бошлиқ "Авазхон" фольклор-этнографик ансамбли Республикада ўтказилган курик танловнинг совриндори бўлдилар. Улар ҳатто қанча хорижий давлатларда ҳам бўлиб томошабинлар қўлатини қозондилар.

Инсон тафаккурининг энг буюк кашфиётларидан ҳисобланган кино вилоят аҳолисининг манавий камолатида жуда муҳим рол ўйнади. Кейинги йилларда кино санъатини ривожлантиришга кўп эътибор берилди. Урушгача Хоразм вилоятида ҳаммаси 28 та кино установакалари бўлган. Улар ҳам мослаштирилган йилларда ўрнатилган эди. Вилоятнинг тўла электрлашуви ҳамда маданий-қурилиш ишларининг жадаллашуви билан кино установакалари сони кўпайди. Масалан, агар 1965 йилда вилоятда 192 та кино установакалари аҳолига маданий хизмат кўрсатган бўлса, 1990 йилга келиб уларнинг сони 377 тага етди. Шундан 70 тадан ортиғи қишлоқ жойларида эди. Урганч, Хива

айрим туман марказларида кенг экранлиги кинофильмлар ва ойнаш қилинди. Аҳолига кино хизмати ҳам яқинидаги оёнда кинофильмларни томоша қилганлар оёни 1 йилда уртача Вил минг кишига етди. 68 Айниқса, ўзбек ва ҳинд кино филмлари 10 оёндан суратга олинган кинофильмлар томошабинларга катта том сурат қолдирди.

Меҳнаткашларнинг маънавий камолатида Хива тарих ва ашнослик музейининг ҳам алоҳида хизмати бор. Музей аш тарихи, маданияти ва санъатига доир 110 мингдан ортиқ Хоразм экспонатлар тўпланган. 1969 йилдан бошлаб у Хива тарихи нодир архитектура ёдгорликлари қуриқхонаси деб исмирилди. Бошқача аш музей-қуриқхонасининг умумий майдони 256 гектар. Бу ерда Хива та энг нодир архитектура ёдгорликлари жойлашган. Уларнинг 125 бири Хоразм санъатининг бетакрор дурдоналаридир. Шунинг билан Хива эндиликда хорижий туризмнинг янги лирик сабабларидан бирига айланиб қолди. Хоразм ва Хива тарихи ва маданияти, Осиё ва Америка қитъаси давлатларида кўплаб Овқатчилар ташриф буюришади, улар Хоразм усталари санъатига саяёҳат қилмоқдалар.

Агар 1980 йилда Хивани 681 минг киши саяёҳат қилган бўлса, эндиликда 1 йилда уни зиёрат қилаётганлар сонини 1 миллиондан ошиб кетди. 80-йил урталаридан бошлаб Урганчда яна бир зиёратхона жой-санъат музейи фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда Хоразмлик рассом ҳайкалтарош ва амалий санъат усталарининг энг нодир асарлари намойиш қилинмоқда.

Кейинги йилларда Хоразмда унитилмаётган қадимий санъат турларидан бадий-декоратив ва халқ амалий санъатини қайта тиклашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Кулолчилик, гилемчилик, қалмачилик, уймакорлик, заргарлик ва дурдгорлик каби маънавий санъат турлари янгидан сайқал топа бошлади. Айниқса, давлат мукофоти лауреати А. Болтаев, О.Палвонжов, С. Бонибеков ва Р. Машарипов каби Хивалик кекса уймакор наққошлар ва заргарлар ана шу нодир санъатни авайлаб сақлаб қолиш билан уни ривожлантирдилар ва ёшларга ўргатдилар. Уларнинг шогирдлари ҳозирги вақтда республикадаги тарихий обидаларни таъмирлашда ҳам давлат-жамоа бинолари қурилишларида ўз санъатлари билан ва оқиништирок этмоқдалар.

Хоразмнинг маданий тараққиётида матбуот, радио ва телевидениянинг ҳам катта хизмати бор. 70-йилларда вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқлари радио ва телевизион эшиттиришлардан тўла баҳраманд бўлдилар. 1963 йилда ишга туширилган Хоразм телевизион маркази вилоятнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Радио ва зангори экран эндиликда Хоразмликларни ҳар бир хонадонидан муносиб жой олди. Улар ўзбек тожик, рус, қozoқ, татар тилларидаги, ҳатто шу кунларда турк ва инглиз тилларидаги эшиттиришлардан баҳраманд бўлдилар. Радио ва телевидения эътибори аҳолисини республика ва чет эл янгиликларидан, фан-техника ва маданият янгиликларидан мунтазам хабардор қилмоқда, уларнинг маданий дам олишини ташкил этишга ёрдам бермоқда. 80-йилларда ўзбек ва рус тилларида 2 та вилоят газетаси "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" ва 9 та туман газеталари нашр қилинди. 80-йил бошларида янги ускуналар билан жиҳозланган Урганч марказий босмахонасининг ишга туширилиши бу ерда маҳаллий муаллифлар томонидан тайёрланган бадий ва илмий асарлар нашр қилишни йўлга қуйиш имконини берди.

80-йил бошларида вилоятнинг маданий ҳаётида юз берган яна бир муҳим янгилик шу бўлдики, марказнинг қаттиқ қаршилигига қарши миллий қадриятларни тиклашда дастлабки қадам қўйилди. Халқимизнинг қадимий баҳор байрами Наврўз байрамини ва ҳар йили "Хотира" кунларини нишонлаш одат тусига кирди. Қабристонларни ободонлаштириш тадбирлари қурилди. Уларнинг атрофи гиштдеворлар билан ўраб олинди, дарахтлар экилди. Хоразм меҳнаткашларининг умум маданияти ва билим даражасини оширишда тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. 1949 йилдан буён фаолият кўрсатиб келган вилоят "Билим" жамияти, медицина маорифи уйи, "Маърифат уйи" ва "Табиатни муҳофаза қилиш" бошқармаси ва бошқа илмий-маданий муассасалар аҳоли ўртасида илмий ва сиёсий билимлар тарқатишнинг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Шулардан "Билим" жамияти энг йирик маърифат ва тарғибот марказларидан бўлиб, у ўз атрофига 3,5 мингдан ортиқ етук олимларни, ўқитувчи, шифокор ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, санъат ва адабиёт ходимларини бирлаштирган эди.

Республикаимиз мустақилликка эришуви муносабати билан тарғибот ишларининг мазмуни, услуби ва йўналишлари ҳам ўзгарди. Ташвиқот ва тарғибот ишларида аввалги қуруқ вазхонлик ва ақидапарастликдан воз кечилди. энди асосий эътибор мустақил республикаимиз ҳаётига, бозор иқтисодиёти муаммоларига, миллий мафкура қадрият масалаларига, республикаимиз ва Хоразм тарихи, маданиятини тарғиб қилиш каби долзарб масалаларга қаратилди. Илмий ва сиёсий билимларни тарғиб қилишда маҳаллий матбуот, радио ва зангори экрандан кенг фойдаланилди. Тингловчилар билан жонли суҳбат ва савол-жавоб кечалари ташкил этилди. Корхоналар, билим юртлари ва жамоа хўжаликлари қошида кўптарма ҳамда педагогик ва медицина университетлари мунтазам ишлаб турди. Меҳнаткашлар ўртасида зиё тарқатишда фаол

иштирок этган тарғиботчилардан Урганч давлат университети олимларидан М.Матниёзов, Я.Ражабов, О.Мадраҳимов, О.Собиров, М.Матяқубов, А.Нурметов, Г.Хажикурбонвалар, шифокорлардан Ҳ.Мўминов, Б.Бабажанов, А.Абдуллаева, О.Юсупов каби, ёншоқ хўжалиғи мутахассислардан Р.Тоҳиров, Ш.Ибраҳимов, О.Ҳусайнов, А.Мадаминов каби, меҳнат фахрийларидан О.Худайберганиева, Б.Давлатов ва Э.Искандаров каби тарғиботчиларнинг сермазмон маъруза ва суҳбатлари тингловчиларнинг эътиборига сазовор бўлди.

Хоразмга ҳар йили Тошкентдан жуда кўп тарғиботчилар ташриф буюрдилар. Шулардан акад. М.Хайруллаев, С.Шермухаммедов, А.Асқаров, проф. Б.Исмаилов, И.Жамалов, Ю.Жумабоев ва бошқалар томонидан ўқилган маърузалар вилоят меҳнаткашларида катта таъсирот қолдирди. 1994 йилда "Билим" жамияти "Маърифат уйи", маданият фонди ва бошқа маданий муассасалар ягона "Маърифат ва маънавият" уюшмасига бирлаштирилди. Бу аҳоли уртасида олиб бориладиган тарғибот ишларини янги талаб даржасига кўтариш имконини беради.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШЛАРИ. 70-йиллардан бошлаб вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Дарҳақиқат, 60-70 йилларда Хоразм воҳасида юз берган экологик аҳвол бу масалага алоҳида эътибор беришни талаб қилди.

Экологик вазиятнинг ёмонлашуви Хоразм вилоятида ҳам илгари кам тарқалган ва асорати оғир бўлган турли касалликларни-рак, юрак қон томири, қон босими, кам қонлик ва бошқаларни кўпайишига олиб келди. Айниқса аёллар ва болалар орасида кам қонлилик касали ривож топди. Статистика маълумотлари янги туғилган ҳар минг чақалоқдан 49,9 нафари турли касаллик сабабли бир ёшга етмасдан ҳаётдан бенавоқт куз юмаётганлигини кўрсатди. Шу билан Хоразм воҳасида касалга чалиниш ва бенавоқт ўлиш ҳоллари республикадаги ўртача даражадан юқори туради.

Ана шу аҳвол республика ва маҳаллий ҳукумат раҳбарларини, шунингдек бутун жамоатчилик эътиборини вилоятда касалликларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга қаратди. 70-80 йиллар Хоразм вилоятида соғлиқни сақлаш ишларида жиддий бурилиш йиллари бўлди. Шу йилларда соғлиқни сақлаш ишларига ажратилган маблағ ҳар қачонгидан кўпайди, унинг моддий-техника базаси батамом янгиланди. Масалан, 1965 йилда давлат бюджетидан ана шу соҳадан 8,8 млн сўм ажратилган бўлса, 1985 йилда 43,6 млн. сўм ва 1990 йилда эса 74,4 млн сўм сарф этилган. Бошқача айтганда кейинги чорак аср мобайнида тиббий хизматга

созилган давлат маблағи салкам ун бараварга кўпайган.⁶⁹ Ходдий имкониятларнинг ошиши вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида барча қулайликларга эга бўлган янги замонавий шифохоналарни, поликлиникалар, амбулаториялар ва бошқа даволаш муассасаларини кўплаб ишга тушириш имконини берди. Улар замонавий даволаш ва диагностик аппаратлар билан ўқуналанди. Энг муҳими бу даврга келиб вилоятда ерли аҳолидан истифода қилинган малакали шифокорлар сони кўпайди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кенгайди ва сифати яхшиланди. Соғлом ҳаёт учун кураш уша даврда бутун жамоатчиликнинг шарафли ишига айланди.

Урушдан кейинги ўтган даврда вилоятнинг соғлиқни сақлаш қилимига, узок йиллар республикада хизмат кўрсатган шифокор Ибодулло Абдуллаев, Отаназар Абдуллаев ва Аҳмаджон Қурбонбаев каби жонкуяр, ташаббускор раҳбарлар бошчилигида Уларнинг ғайрат шижоати, ажойиб ташкилотчилиги ҳамда ҳукуматнинг ҳар тарафлама кўрсатган ёрдамлари натижасида вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Айниқса 60 йиллардан кейин ўтган қисқа давр мобайнида вилоятнинг барча шаҳар ва туман марказларида, жамоа ҳўжаликларида кўплаб янги замонавий даволаш муассасалари-шифохоналар, амбулаториялар-поликлиникалар, фельшер-акusherлик пунктлари, тез ёрдам станциялари, дорихоналар ва бошқалар фойдаланишга топширилди. Барча шифохона ва поликлиникаларда электрокардиограмма, флюорография, функционал диагностика кабинетлари ҳамда клиникобиохимия лабораториялари мунтазам ишлаб турди. Уруш арафасида соғломда саноқли шифохоналар бўлиб, уларнинг кўпчилиги қурилган биноларда жойлашган эди. Масалан, 1940 йилда вилоятда жами 21 та шифохона, 73 та врач ва 430 медицина ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатган эди.⁷⁰ 1965 йилга келиб эса вилоятдаги даволаш муассасалари 1940 йилга нисбатан 2.5 бараварга, медицина ходимлари 5.5 бараварга, лабораториядаги ўринлар сони эса 5 бараварга кўпайди. Кейинги йилларда вилоятда даволаш муассасалари қурилиши янада жадаллашади. Фақат 1981-1990 йилларда шаҳар ва қишлоқларда 3.4 минг тиббий янги шифохоналар ва бир сменада 5.5 минг беморга хизмат кўриладиган поликлиникалар қурилиб ишга туширилди. Уларнинг 50 фонзи қишлоқ жойларида бунёд этилди.⁷¹ Ўзбекистонда 1990 йилга келиб вилоятдаги жами даволаш муассасалари сони 162 тага етди. Улардаги ўринлар сони эса 13 мингдан ошди. Ана шу шифохоналарда 3268 нафар турли касбдаги аҳоли вақтида врачлар ва 11 мингдан ортиқ ўрта маълумотли медицина ходимлари вилоят меҳнаткашларига тиббий хизмат кўрсатиб

келмоқда. Оналар ва болалар соғлигига алоҳида эътибор берилди. Аёллар ва болаларни даволаш муассасалари сони кенгайди. Агар 1960 йилда вилоятда жами 17 та аёллар консултантлари, туғруқхона, болалар касалхонаси ва поликлиникаси бўлса, 1980 йилда 63 тага етди. Эндиликда эса уларнинг сони 100 дан ошди.⁷³ Вилоятнинг ҳар бир шаҳрида, туман марказида ва қишлоқ посёлкаларида аёллар ва болалар шифохоналари ишлай бошлади. Улар замонавий даволаш ва диагностика аппаратлари билан усқуналандики, бу беморларни даволашда диагностика ва профилактика ишларида замонавий усулларни кенг қўланиш имконини бермоқда. Эндиликда вилоят шифохоналари ва поликлиникаларида беморларга уттиз турдан ортиқ тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ўша йилларда меҳнаткашларни соғломлаштириш борасида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Серфайз, оромгоҳ жойларда уруш ва меҳнат фахрийлари учун соғломлаштириш ва даволаш жойлари ҳамда санатория-профилакториялар барпо этилди. Вилоятда қисқа вақт ичида 50 дан ортиқ ана шундай соғломлаштириш, санатория-профилакториялари ишга туширилди. Улар зарур медицина анжомлари ва малакали шифокорлар билан таъмин этилди.

Соғломлаштириш ва даволаш жойларини барпо этишда вилоятнинг илғор саноат корхоналари, ўқув юртлари, жамоа хўжаликлари, касаба уюшмалари фаол иштирок этдилар. Айниқса вилоятнинг Урганч ва Хива шаҳарлари ва туманларида, Шовот, Қушқўпир, Боғот ва Гурлан туманлари марказларида беморларни даволаш ишлари намунали ташкил этилди. Эндиликда Урганч ва Хива шаҳарлари Хоразмнинг йирик соғломлаштириш марказига айланиб қолди. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳали 50- йиллар бошларида вилоятнинг маъмурий ва маданий маркази ҳисобланган Урганчда етарли қулайликка эга бўлмаган атиги 4 та шифохона, битта поликлиника ва бир неча амбулаториялар мавжуд эди. Ҳолос. Шу йилларда шифокорлар орасида ерли миллат вакиллари озчиликни ташкил этарди. Россия федерацияси ва бошқа вилоятлардан ишга юборилган шифокорлар аксар кўпчилик эди. Шулар орасида А.А.Никитина, М.Я.Завадская, Ю.А.Федоренко, В.И.Манулик, С.Н.Чабан, А.А.Ўзбекова каби тажрибали, элда эътибор қозонган шифокорлар бор эди. Шунингдек улар ерли аҳолидан куплаб малакали шифокорлар тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшдилар.

60-йиллардан бошлаб вилоятнинг бошқа жойларида бўлганидек Урганч шаҳрида ҳам даволаш муассасалари қурилиши жадаллашиб кетди. 1962 йилда шаҳарнинг жанубий қисмида 200 ўринли 1-сон марказий шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Кейинча унга қўшимча хоналар қурилиб

тайтирилди. Ўша йилларда шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида юрлар учун барча қулайликка эга бўлган яна бир замонавий шифохона 2-сон вилоят марказий шифохонаси, туғруқхона, болалар шифохонаси ва бошқа даволаш муассасалари ишга қўйилди. Умуман айтганда, 60-70 йилларда фақат Урганч шаҳрининг ўзида янгидан бунёд этилган замонавий шифохоналар сони 15 тага, поликлиникалар эса 8 тага етди. Улардаги даволаш ўринлари бир мингдан ошди. Шаҳардаги шифохоналарда жами 1100 нафар малакали шифокорлар ва 3 мингдан ортиқ ўрта махсус кўлумотли тиббиёт ходимлари беморларга ҳар тарафлама хизмат кўрсатиб келаяпти.⁷⁴

Кейинги йилларда 1-сон марказий шифохонаси вилоятнинг йирик даволаш ва шу билан бирга илмий-тадқиқот марказига ҳам айланиб қолди. Шифохонага узоқ йиллар И.Абдуллаев, М.Ўтаров, О.Дўсчанов каби тажрибали шифокорлар раҳбарлик қилди. Кейинги уттиз беш йил мобайнида республикада хизмат курсатган врач, фан номзоди Ш.Н.Хўжаев (1969-1989) ва фан номзоди Б.Хусайнов бу ерда бош шифокорлик вазифасида ишлаб келмоқда.

Шифохонада 30 га яқин даволаш бўлимлари ва лабораториялар, 137 нафар юқори малакали врачлар ва 400 га жонкуяр ҳамширалар беморларга хизмат қиляпти.

Шифокорларнинг асосий қисми ерли миллат вакилларидан иборат бўлиб, улар орасидан фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиқди. Шифохонанинг диагностика, хирургия, урология, травматология, реанимация, нейрохирургия ва бошқа бўлимлари Россия, АҚШ, Франция, Германия ва Япония каби хорижий давлатлардан сотиб олинган янги медицина аппаратлари ва техникалари, жумладан лазер аппаратлари, плазма нурлари, киши организмдаги тошларни парчалаш аппаратлари, сунъий буйрак, барокамера, лепароскопия каби куплаб янги техника воситалари билан жиҳозланди. Шифохонанинг даволаш бўлимларига элда сору-эътибор орттирган ташаббускорлар шифокорлардан академик Б.Бобожонов, фан номзодларидан О.Юсупов, О.Нармедов, Б.Мирзаев, Б.Эшчанов, Г.Машаринов каби шифокорлар раҳбарлик қилмоқда.

Шифохонанинг хирургия, урология, кардиология бўлимларида элто, республиканинг бошқа вилоятларидан, қушни Туркменистон, Тожикистон ва Қорақалпоғистон республикаларидан келган беморлар ҳам ўзларига шифо топмоқдалар.

Вилоятнинг 1-сон марказий шифохонасида ҳар йили 17 мингга яқин беморлар тажрибали жонкуяр шифокорлар қўлида даволаниб, уларнинг оғир дардларидан халос бўлмоқдалар.⁷⁵ Вилоятда ўз вақтини, билим ва маҳоратини меҳнаткаш халқимиз сўхат-сўхатлиги йўлига бахшида этган жонкуяр шифокорлар

кўпчиликини ташкил этади. Шулардан 15 нафари республикада хизмат кўрсатган шифокор фахрий унвонига сазовор бўлган. 300 га яқин тиббиёт ходимлари ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан ва медаллари билан тақдирланди. Вилоятда ўзларининг фидойи меҳнати билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган аниқ шундай шифокорлардан С.Раҳимов, Ш.Хўжаев, Э.Ҳажиев, С.Н.Шой, О.Каримов, Э.Искандаров, Э.Жумабоев, Н.Бакиев, О.Мадаминов каби унлаб шифокорларнинг номларини фахр билан кўрсатиш мумкин.

Хоразмлик жонкуяр тиббиёт ходимлари ичида эндиликда республикамиздан ташқарида ҳамдўстлик давлатларида ҳам ҳурмат қозонган шифокорларни кўплаб учратиш мумкин. Ана шундай ташаббускор шифокорлардан бири Отажон Каримовдир. У ўша шарафли касбда 40 йилдан ортиқ меҳнат қилди.

Умуман айтганда, 60-80 йиллар Хоразм вилоятида медицина хизмати соҳасида улкан бурилиш йиллари бўлди. Вилоятда замонавий шифохоналар сони кўпайди, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланди. Шифокорларнинг фидойи меҳнати туфайли минг-минглаб беморлар соғайиб, ўз қобилиятларини қайта тиклаб олдилар. Эндиликда вилоят аҳолиси илгари воҳада жуда кўп тарқалган айрим хавфли касалликлардан-трахома, дифтерия, йўтал, тери, чечак, фалаж ва бошқалардан деярлик халос бўлдилар. Лекин шунга қарамай ҳали вилоятда медицина соҳасида бир талай муаммолар сақланиб келмоқда. Медицинага ажратилган ҳукумат маблағи кейинги йилларда анча камайиб қолди. Вилоят қишлоқларидаги кўпгина даволаш пунктлари ҳамон эски мослаштирилган биноларда жойлашган. Шифохоналарда дори-дармонлар етишмаяпти. Улардаги медицина асбоблари ва техникаларини янгилари билан алмаштириш имкониятлари ҳам камайиб қолди. Вилоят аҳоли орасида, хусусан болалар орасида турли касалликларни кўпайиш ҳолати аниқ сезилмоқда. Буларнинг барчаси даволаш-профилактика ишларига эътиборни ҳар қачонгидан кучайтиришни талаб этмоқда.

ФАН ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ. Хоразм қадимдан илмий билимлар маркази бўлган. Бу муқаддас ўлка шу кунларда ҳам республика фани ва маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшаётган олимларни, илм-фан фидойиларини тарбиялаб бераёпти.

Хоразмлик олимлар Ўзбекистон Фанлар Академияси илмий-тадқиқот институтларида, илмий лабораторияларда, Тошкент, Самарқанд ва Урганч шаҳарларидаги олийгоҳларда ҳамда халқ ҳужалигининг бошқа соҳаларида илмий фаолиятини давом эттирмоқдалар. Улар ўзларининг илмий-тадқиқот ишлари билан республикада фан-техника тараққиётида ҳамда халқ ҳужалигида

бошқа бир қатор мураккаб муаммоларини ҳал этишда бевосита иштирок этмоқдалар. Вилоятимиздан етишиб чиққан олимлар орасида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси ва Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби деган юксак фахрли номга мушарраф бўлган фан фидойилари борки, уларнинг номлари эндиликда ҳатто хорижий давлатларда ҳам машҳур, шулар жумласидан С.Искандаров, М.Саидов, Ғ.Орипов, М.Қўшчанов, А.Садуллаев, Б.Исмаилов, И.Жабборов, О. Содиқов, Ж.Шарипов каби олимларнинг номларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Академик И.Муминов, Я.Ғуломов, С.Юнусов, С.Камолов, А.Асқаров, Я.Дусимов ҳамда профессорлардан Х.Иноятов, Ғ.Абдуллаев, Х.Зиёев, О.Содиқов каби республикаимизнинг таниқли олимлари Хоразмга етук мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш хир жиҳатдан ёрдам кўрсатдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли урушдан кейинги ўтган қисқа вақт ичида Хоразмнинг истеъдодли ёшларидан илм-фан фидойиларининг бутун ён авлоди етишиб чиқдики, улар ўзларининг илмий фаолиятлари билан жонажон республикаимизнинг фан ва маданият равнақига муносиб ҳиссаларини қўшиб келаяптилар.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, проф. Садулла Искандаров республикада химия фанлари соҳасида ўз мактабини яратган йирик олимлардан бири. У машҳур олим, меҳнат қаҳрамони акад. С.Ю.Юнусов раҳбарлигида 1966 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1973 йилда эса С.Искандаров химия фанлари доктори деган илмий даражага эга бўлди. У узоқ олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли химия фанида 35 та алколоидни кашф этди.

Унинг илмий салоҳияти айниқса янги пестицидларни синтез қилиш, уларнинг биологик активлигини ошириш, ҳамда янги препаратлар тайёрлаш технологиясини яратиш ва уларни халқ хўжалигига жорий қилиш борасида кенг намоён бўлди.

С.Искандаров химия соҳасида 120 дан ортиқ асарлар ва мақолалар муаллифидир. 27 та ихтирога бевосита ўзи бошчилик қилди. Олийгоҳ талабалари ва ўқитувчилари учун химиядан ўқув дўрсанк тайёрлаб берди. Шогирди проф. Б.Содиқов билан ҳамкорликда тайёрланган "Органик химиянинг назарий асослари" номли дарслик ўзбек тилида ёзилган биринчи оригинал асардир. Акад.С.Искандаров томонидан яратилган янги химиявий препаратлар тиббиётда янги дори-дормонлар тайёрлашда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек улар пахтачилик, ипакчилик, дончилик ва қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқларида ҳосилдорликни оширишга ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашга самарали таъсир қилмоқда.

Акад. С.Искандаров мустақил республикаимизда мутахассис ва илмий кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида қўшиб келаяпти. Фақат кейинги бир неча йил ичида ёшлар унинг раҳбарлигида фан доктори ва фан номзоди илмий даражани олишга муваффақ бўлдилар.

Республикаимизда физика фани ривожига ўзининг хиссасини қўшиб келаятган олимлардан яна бири Саидовдир. М.Саидов физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, вилоятнинг Манғит туманида (ўша вақтда Хоразм вилояти таркибида эди) деҳқон оиласида таваллуд топди. Шу ерда ўрта мактабни муваффақиятли тамомлади. Сўнгра Хоразм давлат педогогика институтига ўқишга кирди. Бу ерда физика-математика факультетида Х.Сиддиқов, Ф.Садратдинова, Б.Д.Янишев каби тажрибали устозлар қўлида тарбияланди. Физика-математикадан етук мутахассис бўлиб етишди. Сўнгра ХДПИда физика ўқитувчиси қилиб ишга қолдирилади. Илмий ишга алоҳида қобилиятини ҳисобга олиб, институт раҳбарияти уни Москвага Ломоносов номи Давлат университети аспирантурасига ўқишга юборди. Бу ер физиканинг энг долзарб муаммолари юзасидан илмий иш олиб бориб, дастлаб номзодлик, кейинча эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Истеъдодли олим проф. М.Саидов мана ўн беш йилдан буён республика фанлар Академиясининг физика-техника институти илмий лабораториясига раҳбарлик қилиб келмоқда. Лабораторияда қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш муаммолари устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Проф. М.Саидов ана шу масалага бағишланган ўнлаб асарлар муолифидир. Унинг бир қанча илмий асарлари хорижий давлатларда ҳам чоп этилди. Проф. М.Саидов фанда ўз мактабини яратган олимлардан. У ҳозирги вақтда купина халқаро илмий жамиятга аъзодир. Шунингдек у "Телеотехника" халқаро илмий журнаlining бош муҳаррири ҳам ҳисобланади. Физика фани соҳасида ўнлаб шоғирдларнинг илмий ишларига мураббийлик қилиб келмоқда.

Республикаимизда математика соҳасида ўз мактабини яратган Хоразмлик олимлардан яна бири Азимбой Садуллаевдир. Физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси.

А.Садуллаев 1947 йилда вилоятнинг Шовот туманида, Москва участкасида олдий деҳқон оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни ўз қишлоғида муваффақиятли тугаллади. Унда физика ва математика фанларига бўлган қизиқиш ва истеъдод ешларидан шаклланиб, ана шу ноёб қобилиятни тарбиялашда

устозлари уруш ва меҳнат фахрийси Йулдош Султонов ва Шарифбой Ражабовларнинг алоҳида хизматлари бор.

Ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлагач дастлаб Тошкент Давлат Университетида, сўнг Ломоносов номи Москва Давлат Университетида ўқишни давом эттиради. Университетнинг математика факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Шундан сўнг Университет раҳбарияти илмга бўлган алоҳида қобилиятини ҳисобга олиб, уни аспирантурада ўқишга олиб кетади. А.Садуллаев бу ерда математиканинг энг долзарб муаммолари устида тадқиқот ишларини давом этдирди. Айни вақтда МГУда талабаларга математикадан дарс ҳам берди.

Ёш истеъдодли олим Азимбой Садуллаев ўзининг илмий ишига кўнглидан олдин яқун ясади. Ниҳоят у 1972 йилда Москва Давлат Университетининг кенгашида ўзининг номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишга эришди.

Бироқ шу билан илмий ишни тўхтатгани йўқ. Математиканинг кўп қиррали соҳаси "Потенциаллар назарияси" масалалари юзасидан кўп тадқиқот ишларини яна давом эттирди. 1982 йилда Москвада ана шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг илмий ишига таниқли математик олимлар проф. Б.В.Шабат ва А.А.Гончар каби олимлар раҳбарлик қилдилар.

Проф. А.Садуллаев узок йиллар Тошкент Давлат университетида ўқитувчи, сўнгра кафедра мудири ва факультет декани вазифаларида фаолият курсатди. Шу вазифада у етук мутахассислар тайёрлашга ўзининг билим ва ғайратини сафарбар қилди. 1992 йилдан бошлаб истеъдодли олим А.Садуллаев Хоразмнинг кекса олийгоҳи-Урганч Давлат университетида ректорлик лавозимига тайин этилди. Проф. А.Садуллаев математикага доир 60 дан ортиқ илмий асарлар муаллифидир. Унинг иштирокида олий мактаблар учун ўн томлик "Олий математика" дарслиги тайёрланмоқда. Шу кунларда ана шу катта ишнинг 6 томи тайёрланиб нашрга топширилди.

Проф. А.Садуллаевнинг илмий ишлари хорижий давлатларда ҳам жамоатчиликнинг орасида кенг тарқалган. У бир неча тилларни пухта эгаллаган олим. У Россия Федерацияси, Европ ва Американинг бир қанча давлатларида бўлиб математикадан маърузалар ўқиб келмоқда. Юртдошимиз истеъдодли олим А.Садуллаев АҚШ математиклар жамиятининг аъзосидир. У Россия, Швеция, Франция, АҚШ математиклари билан жуда яқин илмий ҳамкорлик ўрнатган.

Проф. А.Садуллаев ёш математик олимларнинг жонкуяр раҳбийси ҳамдир. Унинг раҳбарлигида қисқа вақт ичида

математика бўйича 3 фан доктори ва 9 нафар фан номзодлари ўн илмий диссертацияларини муваффақиятли якунладилар.

Тошкентда ижод қилаётган бир гуруҳ Хоразмлик олимлар гуманитар фанлар соҳасида ҳам йирик илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шулардан филология фанлари доктори, академик М.Қўшчанов ва Ж.Шариповнинг илмий ишлари-ўзбек адабиёти тарихи, адабий танқидчилик ва таржима тарихи муаммоларига бағишланган. Уларнинг ана шу масалага доир асарлари илмий жамоатчилик томонидан маъқулланди ҳамда рус, қozoқ, туркман ва тожик тилларига таржима қилинган.

Фалсафа фанлари докторлари Б.Исмоилов, И.Жоборон ва И.Жумабоевларнинг илмий ишлари фалсафанинг энг мураккаб муаммоларига яъни тил ва тафаккур, дин тарихи, миллий қадриятлар ҳамда Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирларнинг ахлоқ, одоб ва бахт хусусидаги ижтимоий-сиёсий қарашларига бағишланган. Шу масалада уларнинг унлаб асарлари республика матбуотида нашр қилинди. Улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хоразм вилоятида буюк аждодларимиз Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг хайрли ишини давом эттирган ажойиб тарихшунос олимлар ҳам етишиб чиқдики, улар ўзларининг илмий ишлари билан республикаимиз тарихини ёрқин саҳифалар билан бойитишга маълум ҳисса қўшдилар. Шулардан бири юртдошимиз Каримберган Юсуповдир.

К.Юсупов (1913-1950) қисқа, лекин жуда мазмунли ҳаёт йулини босиб ўтди. Унинг меҳнат ва илмий фаолияти уруш ва урушдан олдинги оғир машаққатли йилларга тўғри келади. Ёшлигидан илмга бўлган иштиёқ уни ўрта мактабни тугатгач Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) кириб, ўқишга етаклаб келди. 1943 йилда у тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугаллади. Сўнгра анча вақт шу олийгоҳда тарих ўқитувчиси ва факультет декани муовини вазифасида фаолият курсатди. Университет раҳбарияти К.Юсуповда тарих илмига бўлган истеъдодни ҳисобга олиб уни 1947 йилда Москвага СССР Фанлар Академиясининг тарих институтига аспирантурада ўқишга юборди. Бу ерда таниқли олимлар раҳбарлигида Хоразм тарихининг энг мураккаб даври юзасидан илмий излаш ишларни давом эттирди ва жуда бой маълумотлар тўплади. Ниҳоят у 1950 йил майида "Абдулғозий ва XVII асрда Хива хонлиги" деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Унга тарих фанлари номзоди деган илмий даража берилди. У Хоразмда биринчи бўлиб юксак илмий ўнвонга сазовор бўлган тарихчи олимлардан эди.

К Юсупов махсус йўлланма билан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тарих ва археология институтига катта илмий олим қилиб ишга юборилди. Аммо тақдир уни ана шу вазифадан вазифада узоқ ишлашга муяссар этмади. У 1950 йил 26 декабрида Симферополь шаҳрида оғир касалликдан сунг 37 йилида ҳаётдан кўз юмди.

Хоразмликлар элдоши тарихчи олим К.Юсупов номини ҳамиша ҳурмат билан эсга оладилар. Янгибозор туманида мактаб ва меҳнат фахрийси Шукуржон Юсуповадан олинди.

Тарих фанлари доктори, проф. О.Содиқов XIX ва XX аср бошларида Хива-Россия муносабатлари тарихи, проф. К.Эшчанов урушдан кейинги йилларда Хоразмда аграр муносабатлар тарихи ҳақида қимматли асарлар ёздилар.

Сунгги йилларда вилоятимизда фаннинг турли соҳаларида ижод қилган олимлар янада кўпайиб қолди. Ал-Хоразмий номли Ўганч давлат университети эндиликда вилоятдаги йирик илмий марказлардан бирига айланди. Университет олимлари физика, математика, филология, география, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, масалаларига доир 10 та йирик муаммолар устида илмий ишлар олиб бораётганлар. Уларга университетнинг етакчи олимлари раҳбарлик қилмоқда. Жумладан проф. А.Садуллаев ва А.Ҳасанов математика соҳасидаги, фан доктори проф. Г.Арипов ва А.Юсупов физика соҳасидаги, фан доктори С.Рўзимбоев филология соҳасидаги, Н.Қабулов ва Х.Абдуллаевлар ўзбек адабиёти, фан доктори профессор Р.Таганов ва проф. М.Матниёзовлар фалсафа ва Хоразм тарихи соҳасидаги, проф. А.Нурметов методика ва педагогика соҳасидаги илмий гуруҳларга раҳбарлик қилаяптилар.

Университетнинг 4 та лабораториясида (биология, экология ва қишлоқ ҳужалиги, Хоразм тарихи ва маданиятини ўрганиш, марказий тиббиёт лабораторияси) ҳам катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Фақат сунгги йилларда университет олимлари томонидан 10 дан ортиқ илмий мақола ва методик йўлланмалар нашрга тайёрланди. Маҳаллий олимлар томонидан тайёрланган "Хоразм тарихи" нинг биринчи ва иккинчи жилдлари шу соҳада эришилган муҳим ютуқлари ҳисобланади.

Хоразм вилояти кейинги йилларда табобат ва деҳқончилик соҳасида ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам кўпгина муваффақиятларга эришилди. Уларнинг тарбиялаб етиштирилди. Уларнинг илмий ва амалий ишлари эндиликда республикадан ташқарида ҳам амалга оширилмоқда.

Тиббиёт фанидаги хизматлари билан эл ҳурматиға сазовор бўлган ана шундай шифокор олимлардан фан доктори Отаназар

Абдуллаев, Худоёр Оллаёров, Бахтиёр Бобожонов, Равшан Курбонов, Бахтиёр Дўсчанов, фан номзодларидан Баҳодир Хусайнов, Шокир Хўжаев, Отаҳон Норметов, Отаҳон Юсупов, Оллаёр Оллабергенов ва Отабой Эшчанов каби олимларнинг чомларини алоҳида курсатиш мумкин. Шифокор олимларимиз ўзларининг асосий эътиборини воҳамизда куп тарқалаётган турли касалликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни даволаш жараёнида илғор самарали усулларни ахтариб топиш масаласига қаратдилар.

Отаназар Абдуллаев (1926-1986) вилоятимизда биринчи бўлиб тиббиёт фанлари доктори деган илмий даражага сазовор бўлган шифокор олимлардан бири. У узоқ йиллар вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига раҳбарлик қилди. Сўнгги йилларда эса Тошкент тиббиёт институтида кафедра мудирлиги вазифасида ишлади. Проф. О.Абдуллаевнинг илмий иши Хоразмда тиббиётнинг ривожлаиш тарихига бағишланди. У ўз тадқиқотларида нодир қўлёмаларни синчковлик билан ўрганиб энг қадим замондан то XIX аср охиригача ўтган даврда Хоразмда табобат илмини ривожланиш тарихини илмий асосда умумлаштирди. Айниқса ал-Беруний, Ибн-Сино, Абу Саҳл Масихий (X-XI аср), Исмоил Журжоний, Чағминий (XII-XIII аср), Абулғозий Баҳодирхон (XVII аср) ва Насраддин Ҳазараспий (XIX аср) каби буюк алломаларнинг тиббиёт соҳасидаги бой меросларини илмий жамоатчиликка ўз асарлари орқали кенг маълум қилди. Марказий матбуотларда олимнинг шу мавзуга бағишланган 2 та монографияси ва 50 га яқин илмий мақолалари чоп этилди.

Ўзининг сермахсул илмий фаолияти билан танилган Хоразмлик олимлардан яна бири Бахтиёр Бобожоновдир. У 1972 йилда Самарқанддаги тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тамомлагач Урганчдаги I-сон марказий шифохонасига ишга юборилди. Бу ерда оддий жарроҳ, сўнгга анча йиллар бош врач ёрдамчиси вазифаларида ишлади. Ёш қобилиятли жарроҳ Б.Бобожоновга Ю.А.Федоренко, С.Раҳимов ва Ш.Хўжаев каби тажрибали шифокорлар устозлик қилди. Сўнгги ўн йилдан ортиқ ўтган давр мобайнида шифохонанинг жарроҳлик бўлимига раҳбарлик қилмоқда. У тез орада ўзининг чуқур билими, изланувчан ва ташаббускор шифокор эканлигини кўрсатди. Амалий ишни илмий изланишлар билан қўшиб олиб борди. Оғир асоратли хасталикларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги усуллари устида тинимсиз иш олиб борди. Ниҳоят у меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраларини, шунингдек, эхинокхоз хасталигини жарроҳлик усулида даволаш муаммоларига бағишланган илмий ишига яқун ясади. Шу мавзуда 1987 йилда номзодлик диссертациясини, 1992 йилда эса Москвада докторлик

диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Тиббиёт фанлари доктори, проф. Б.Бобожонов томонидан нашр қилинган илмий асарлар, мақола ва методик қўлланмалар сони 200 дан ошди. Шунингдек жарроҳлик масаласида унинг томонидан 35 та янги иxtиро ва кашфиётлар яратилдики, уларнинг купчилигидан амалиликда беморларни даволашда кенг фойдаланилмоқда. Моҳир жарроҳ ва истеъдодли олим Б.Бобожоновнинг илмий ишлари Тошкент, Москва, Петербург ва Киев шаҳарларидаги йирик олимлар томонидан юқори баҳоланди. Эндиликда шифохонанинг проф.Б.Бобожонов раҳбарлик қилаётган жарроҳлик бўлимида ҳар йили камида 200-250 га яқин беморлар унинг ишлаб чиққан янги жарроҳлик услуби билан даволаниб меҳнат қучоғига қайтиб кетмоқдалар.

Хўш меҳнат кишига хурмат, обрў-эътибор келтириши алоҳидасиздир. Шу боисдан ҳам моҳир шифокор проф.Б.Бобожонов вилоятда жарроҳлик илмий жамиятининг раиси, Россия Федерациясида Н.И.Пирогов номи жарроҳлик ассоциациясида ва республика жарроҳлик лазери илмий кенгашининг фахрий аъзосидир. У вилоятда ундан ортиқ ёш қобилиятли шифокорларнинг илмий ишларига устозлик қилди.

Тиббиёт фанини ривожлантиришда эришилган улкан ютуқлари учун юртдошимиз Б.Бобожонов 1994 йилда ал-Хоразмий номи давлат мукофотида сазавор бўлди. 1997 йилда унга Россия Федерацияси лазер академиясининг академиги илмий унвони берилди. Отахон Маҳмудович Нормедов ҳам Хоразмнинг машҳур шифокор олимларидан. У Ленинградда акад. И.П. Павлов номи 1-тиббиёт институтида илмий ишни ниҳоясига етказиб медицина фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Унинг илмий иши тиббиёт илмининг энг муҳим муаммосига, яъни инсон организмининг тош касаллигидан ҳолос қилиш масаласига бағишланган. Шу соҳадаги тадқиқот натижаларини беморларни даволаш амалиётига синчковлик билан тадбиқ этмоқда. У амалилик қилаётган вилоят марказий касалхонасини урология бўлими ҳақиқий илмий марказ шаклини олди. Ана шу урология бўлимида О.Нормедов кашф этган янги усул билан беморларни даволашда жуда яхши натижага эришилмоқда. Шу бўлимда кенинги йилларда 5 мингдан ортиқ бемор тўғрисида тош касалидан қутулди ва 1500 дан ортиқ беморни жарроҳлик операцияси билан муваффақиятли ўтди.

Урушдан кенинги йилларда Хоразмда деҳқончилик илмининг тарқашсини пухта эгаллаган етук аграрномлар ва олимлар ҳам бўлаб етишиб чиқди. Уларнинг номи вилоятимиздагина эмас, балки Республикамизда ҳам машҳурдир. Ана шундай кишлоқ ўқувчилигининг жонкуяр етук амалиётчи олимларидан бири

Абдушариф Мадримовдир. У ўзининг фидойи меҳнати ва изланувчанлиги туфайли эл ҳурматини қозонди. У аграномлигидан фахрий акадмиклик даражасига кутарилди.

А.Мадримов қўхна Хиванинг Соёт қишлоғидан етишиб чиқди. У анча йиллар жамоа хўжаликларида аграномлик қилиб бой тажриба орттирди. 1960-1966 йилларда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институті аспирантурасида таҳсил қилиш ва Мирзачулнинг шўрҳок ерларида пахта ҳосилдорлигини ошириш муаммолари устида илмий изланишлар олиб борди. Бу йш йилларда энг долзарб муаммолардан эди. Ёш олим ўзоқ изланишлар ва тажрибалаш туфайли Мирзачўл шаронтида пахта ҳосилдорлигини 5-10 ва андан ҳам юқори центнерга ошириш мумкин эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. А.Мадримовнинг илмий тадқиқоти Ўрта Осиё олимлари томонидан юқори баҳоланди ва унга қишлоқ хўжалик фанлари номзоди деган илмий даража берилди. Ёш истеъдодли олим шундан сўнг вилоят қишлоқ хўжалигининг тўли масъул лавозимларида фаолият кўсатди. Айниқса унинг 1976-1992 йилларда Хивадаги "Хива" ва Рўзмат Мадаминов (олдинги Фрунзе) номли жамоа хўжаликларига бошчилик қилган йиллари жуда самарали бўлди. Бу ерда у ўзининг чуқур билимини ва ажойиб ташкилотчилигини кўрсатди. Юқоридаги хўжаликлар хонкуяр олим А.Мадримов ташаббуси билан вилоятимизнинг илмий тажриба мактабига айланиб қолди. Бу ерда деҳқончиликнинг илмий агротехника усуллари синовдан ўтди.

1991 йил декабрида юлдошимиз амалиётчи олим А.Мадримов деҳқончилик илмини ривожлантиришда қўшган бебаҳо хизматлари учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари Академиясининг фахрий академиги деган юсак унвонга сазовор бўлди.

-Хоразм қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси олимларининг илмий фаолиятлари ҳам шохида эътиборга лойиқдир. Бу ерда 30 га яқин илмий ходимлар вилоят қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантириш устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Бу ерда 4 та асосий йўналиш бўйича тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Ёزا селекцияси ва уруғчилиги, қишлоқ хўжалиги агротехникаси, қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва суғориш ҳамда ўсимликларни химоя қилиш ва озиқлантириш. Ана шу соҳаларда сезиларли натижаларга эришилди. Тажриба станцияси илмий ходимларининг ўзоқ йиллар олиб борган тадқиқотлари туфайли қўзанинг Хоразм шаронитига мос серхосия ва вилтга чидамли навлари "Хоразм -125" ва "Хоразм -127" навлари етиштирилди. Ҳозир ана шу навлар вилоятнинг кўпчилиги хўжаликларида экилиб яхши натижа бермоқда. 77

Янги нав ва илғор агротехника тавсияларини яратишда
ишда хизмат қилаётган илмий ходимлардан қишлоқ хўжалиги
номзоди Ж.Йулдошев, О.Искадаров, А.Жуманиёзов,
Пиров, М.Қутлимуродов кабиларнинг номларини алоҳида
сатиш лозим. Улар томонидан яратилган янги навлар ва илғор
техник усуллар вилоятда пахта, дон ва бошқа экинларидан
хосил етиштиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Хоразмнинг олим, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди
Абдолниёзовнинг яқинда нашр қилинган илмий асарини "Хоразм
таълими қадим замонлардан ҳозиргача" (Урганч, 1992 й.)
қилиш фани соҳасида муҳим илмий тадқиқотдир. Асар узок
лар давомидида олиб борилган илмий изланишлар яқини бўлиб.
Хоразм чорвачилигининг қадим замондан то шу кунгача
ўтган ривожланиш йуллари тарихий далиллар асосида
қилинади. Асарда вилоятда чорвачиликни ривожлантириш
уш зарур илмий тавсиялар берилган.

Кейинги йилларда Хоразмда рационализаторлик ва
иختирочилик ҳаракати ҳам тез ривожланиб боради. Бу вилоятда
илмий тафаккурнинг қанчалик ушиб бораётганлигидан гувоҳлик
беради. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида, бир ярим
мингдан ортиқ илмий ходимлар, инженер-техниклар, агрономлар ва
фокорлар иштирок этмоқда. Ана шу ижодий ҳаракатда 1981-
1985 йилларда 6,8 минг киши ва 1986-1990 йилларда эса 5,6 минг
иштирок этди. Ўтган ун йил мобайнида улар томонидан халқ
хўжалигида қўлланиш учун 15 мингдан ортиқ янгиликлар тақлиф
этилди. Шулардан 12 мингдан зиёд тавсия ишлаб чиқаришга
таъсир этилди.⁷⁸ Бу эса ўз навбатида вилоятда ишлаб чиқариш
ишдорлигини ошуви ва меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига
таъсир қилди. Натижада 1981-1990 йилларда вилоятда
рационализаторлик ва ихтирочилик тақлифларидан қўрилган
ишсодий самара 67,3 млн. сумдан ошди.⁷⁹

Ана ва техника янгиликлари ва илғор технологиянинг халқ
хўжалигида жорий қилиниши, хусусан саноатда ишлаб чиқариш
ишдорларининг комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш
ишонини берди. Уша йилларда Хоразм саноатида бир қатор
автоматлашган ва механизациялашган поток линиялар, участка ва
ишдор вужудга келди. 1981-1985 йилларда вилоятда жами 41 та
автоматлашган ва механизациялашган поток линиялар ишга
қўйрилган 1986-1990 йилларда эса уларнинг сони 69 тага етди.
Шу йилларда ана шундай корхона, цех ва участкалар сони 14
тага 35 тага кўпайди.⁸⁰ Ишлаб чиқариш жараёнининг
автоматлашуви ва механизациялашуви саноатда янги тур
ишсодлар ишлаб чиқаришни йулга қўйишга имкон яратди.
1980 йилда вилоятда жами 15 турда янги маҳсулот

ишлаб чиқарилган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони 145 тага
Шу билан бирга вилоятда меҳнат унвондорлиги ҳам йилдан-йилга
кўтарилди. Масалан, 1986 йилда вилоятнинг саноат корхоналарида
меҳнат унвондорлиги олдинги йилдагидан 3,7 фоизга, 1990
келиб эса 5,5 фоизга ўсди.⁸¹

Ўзбекистоннинг мустакил истироҳат билан қадимий фан-техника
техника соҳасидаги истироҳатларни ҳалқ ҳужумида жорий қилиш
марказлаштириш заруриятини тугдирди. Шу мақсадда вилоят
ҳукумати махсус қўроқ билан республика фан-техника
комитети ташкил этилди. Унинг жойларда шу жумладан Хоразм
ҳам махсус бўлими тузилди. Бу республика маданият ва
муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлди.

Фан ва техника давлат комитетининг Хоразм бўлими
вилоятдаги барча илмий-иждоий кучларни йиғиш мақсади билан
бирлаштиради илмий тадқиқот ва истироҳатларни ишлаб чиқариш
жорий қилади ҳамда фан-техника янгиликларини тарғибот
ташвиқот қилиш каби вазифалар билан шуғулланади.

Шундай қилиб, Хоразм илм-фан ва маданият соҳасида
азалий мавқеини яна қайта тиклаш босқичига қадим қадам
кириб кела бошлади. Республикада фан тараққиётида Хоразм
олимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

ТЕАТР АДАБИЙ МУҲИТ. 60-80 йилларда Хоразмда мусиқа
ижрочиликлари санъатининг, айниқса театр санъатининг ҳам
мунча ривож топган йиллари бўлди. Бунда Хоразмнинг
авлодга мансуб хофизлари Мадрим Ёқубов, Шароф, Хужо
Ҳожихон ва Нурмат Болтаевлар ва Хоразм
Отаниёзовларнинг катта хизматлари бор. Улар талантили еш
ўз атрофига тўплаб Хоразмнинг бетақдор ашула ва мусиқа
сирларини ўларга ўргатадилар. Ўзинингдан истеъдодли шогирд
қолдирдилар. Айниқса уларнинг ташаббуси билан ташкил
Хоразм мақомчилар ансамбли эндиликда республикага тани
истеъдодли ижрочиларни етказишда алоҳида маъна
Шулардан Отажон Худойшукуров, Бобомурод Худайберганов,
Отажон ва Руздат Жуманиёзов каби санъат
чиларининг ижрочилик маҳорати билан республикада ҳам
қўшни Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қорақанд
республикаларида ҳам ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Уша йилларда Хоразмда театр-саҳна санъати ҳам ривож
Республиканинг кекса театрларидан Оғаҳий театри
комедия театри Хоразмнинг маданият ҳаётида мавқеа
70-йил охирида вилоят театри Урганч шаҳри
қилинган янги чиройли бинога кўчи. Театр эътибори ўша
талантли еш актёрлар ва мусиқачилар билан му

репертуарларини янги, замонавий асарлар билан бойитиш ва
иштироқ имконини берди. Театр репертуарларида Ҳамза
Ниязид, А. Қаҳҳор, М. Шайхзода, Уйғун ва И. Султон
Ўзбек драматурглари асарлари билан бирга чет эл
драматургларининг саҳна асарлари ҳам кенг намоиш қилинди.
Ўзбек театр саҳнасида маҳаллий авторлардан Ю. Юсупов -
нинг "Ғариб ошиқ ва Шоҳсанам", "Мавлоно Оғаҳий", "Тун
хон" каби А. Бобожоннинг "Сўғи хон", "Ошиқ Ғариб", Эгам
нинг "Маърифат қўрбонлари", Р. Бекниёзнинг "Сенсиз яшай
", "Икки ут уртасида", Э. Самандаровнинг "Аждодларимиз
", "Мунозара давом этади", Қ. Матризаевнинг
", "Қасам ва виждон" каби асарлари саҳналаштирилди.
Олимлар олқишига сазовор бўлди.

Театр ўзининг юқоридаги репертуари билан Хоразм
аҳолисини ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик,
ва инсоний муҳаббат каби умум инсоний қадриятлар
таълимлашда катта хизмат кўрсатди.

Ўзбекистон драма ва комедия театри вилоятдагина эмас, ҳатто
республикада ном таратган машҳур актёрларни, режиссер ва
режиссёрларни тарбиялаб берган. Улар орасида Республика халқ
эстрада артисти ва хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор
санъаткорлар бор. Шулардан С. Деванов, Н. Юсупова,
С. Раимова, К. Салоҳиддинов, Р. Бойжанова, К. Бойжанов,
С. Раимова, Ш. Рамазанова, Б. Искандарова, Г. Матяқубова,
А. Рахимов, М. Бабажанов каби санъаткорларни, М. Юсупов,
О. Олаберганов, А. Отажонов каби бастакорларни, Л. Абдуллаева
О. Олаберганов каби театрнинг ажойиб рассомларини ҳурмат
билан кўрсатиш мумкин.

Хоразм драма ва комедия театри жамоаси ўз репертуари билан
республиканинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон
вилоятларида, шунингдек қўшни Туркманистон, Тожикистон ва
Ўзбекистон республикаларида бўлиб томошабинларда эса
таассурот қолдирдилар. 1986-1990 йилларда вилоят
театр репертуарларини томоша қилган театр иҳлосмандлари бир
кўп кишидан ошди.

60-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг охирида
Хоразм адабий иждодиётининг ҳам шахдам қадамлар билан
қилинганлигини гувоҳи бўламиз.⁸² Уша йилларда Хоразм
адабий иждодиёт майдонида кекса авлод вакиллари Юнус Юсупов,
А. Жуманиёз Шарипов, Порлоқ Ёқубов, Аҳмад Бобожон,
Қаландар Қурбоний каби иждодкорлар сафига Эгам Раҳим,
Р. Бекниёз, Дўсжон Матжон, Эркин Самандар, Руздат Отаев,
Матжон, Қуронбой Матризаев, Фозил Зоҳидов, Эркин
Раҳимов, Комил Аваз, Матназар Абдулҳакимов, Жоббор

Жуманиёзов, Уллибиби Отаева, Бибисора Отаева каби истеъдодли қаламкашлар ўзларининг сермазмун ижодлари билан кириб келдилар. Ўша йиллар адабий муҳитидан бадий публицистик ҳикоя, роман, шеърят ва драма асарлари яратиш етапи уриниб эгаллади. Шунингдек болалар адабиёти билан мансуб бўлган ёзувчилар етишиб чиқди. Эгам Раҳимнинг "Боғотлик баҳодирлар", "Раим Қизилжарга келди", "Йигирма иккилар" каби Э.Самандарнинг "Ўқирма Қорақум", Фозил Зоҳиднинг "Туғмуйин қушиғи", Рузмат Отаевнинг "Мусаффо осмон", "Чирок кутарган киши", Э.Мадраҳимовнинг "Қалдирғоч" каби асарлари бадий публицистиканинг етук намуналаридир. Ушбу публицистик асарларда ҳаётини воқеалар, қишлоқ ҳаётидаги ўзгаришлар, қуриб бажоҳодирлари ва улкан қурилиш корхоналарининг фаолиятлари ҳақида жонли ҳикоялар қилинади. Айниқса Раҳим Бекниёзовнинг "Биринчи учрашув", "Мовий тулқинлар", "Овчининг куйлари", "Дерсу Узала изидан" каби ҳикояларида муҳим ҳаётини муаммоларга она табиатни, ҳайвонот дунёсини асраш, атроф муҳитини муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини сақлаш каби муаммоларга бағишланади. Шу сабабли Р.Бекниёзовнинг асарлари алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга. Ўша йилларда Хоразм ёзувчиларининг қисса жанрида ёзилган унлаб асарларни вужудга келди. Шу даврда яратилган қиссалардан Р.Бекниёзовнинг "Ёлқин", "Қалдирғочлар", "Армонли дунё", Р.Отаевнинг "Зумрад яроқлар", "Кунгил-кунгилдан сув ичар", Эркин Мадраҳимовнинг "Пулат бобоси", "Чақмоқ" каби қиссалари юксак ғоявий руҳ билан йўғрилган, замондошлар ҳаёти, улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳақида, Хоразм инқилоби ва маърифат қурбонлари ҳақидаги тарихий воқеалар асосида ёзилган асарлардир. Эркин Мадраҳимовнинг 1988 йилда нашр қилинган "Чақмоқ" қиссаси биринчи ўзбек киномотографияси қалдирғочи Хитроқ Худойберган Девоновнинг сермазмун ва мураккаб ҳаётини жонли далиллар асосида ҳикоя қилинади.

Шу йилларда Хоразм адабий муҳитида романчилик соҳасида ҳам эътиборга лойиқ асарлар яратилди. Шу жиддатин Эркин Самандаровнинг "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романи бадий тили мазмуни ва ғоявий баркамоллиги билан алоҳида ажратио туради. Романда ҳикоя қилинадиган воқеалар асосан Амударёда туғилган гидроиншооти ва Султон Санжар сув омбори қуришнинг бош бевосита алоқадор. Унда Аму жиловдорларининг бузилиши ва қаҳрамонона меҳнати билан бирга дўстлик ва ҳамжиҳатлик сўғиши ва вафо инсоннинг қадр-қиммати ва социал адолатидан сўз қилинади. Энда қоларли об'ектларда талқин қилинади. Шу билан бирга тоталитаризм даврида кенг тарқалган айрим раҳбарлар босқинчи маънавий бузилиш, мансабпарастлик, суистеъмолчилик, турочи

ахлоқсизлик каби ярамас иллатлар жонли образлар орқали очиб
чиқиланади, фош этилади.

Булардан ташқари романда Хоразм воҳаси табиат муҳитини
хофаза қилишнинг долзарб муаммолари ҳақида ҳам теран фикр
мулоҳазалар юритилади.

Э. Самандаровнинг ушбу романи
нинг уткир ижтимоий-сиёсий ғоялар билан ўзбек
тобхоналари орасида катта қизиқишга сазавор бўлди.

Хоразм ёзувчилари уша йилларда республика матбуотида нашр
қилинган шеърини тўпламлари билан ҳам машҳур бўлдилар.

Булардан Эгам Раҳимни "Салом сизга Хоразмдан" (1969), "Нур
дарёси" (1974), "Қалбим қиссаси" (1977), "Маърифат қурбонлари"

"Орак садоси" (1967) каби шеърини тўпламлари ва поэмалари,
Бекниязнинг "Овчининг куйлари" (1967), "Мовий тулқинлар"

(1975), "Тутиё" (1984), "Ўйнамасин катталар" каби, Р. Отаевнинг
"Баҳорни қаршилаб" (1968), "Менинг боғим" (1966), "Осмон тўла"

(1966), "Вафо деган гавҳар" (1975), "Баҳор оқшомлари"
(1984), "Севги фасллари" (1987) каби, Ф. Зоҳиднинг "Ассалому

алайкум" каби шеърини тўпламлари ўзининг юксак бадийлиги
билан ўқувчиларда яхши таъсирот қолдирди.

Уша йилларда Жаббор Жуманиёзов, Уллибиби Отаева,
Бибисора Отаева каби шоирлар ҳам ўзларининг бир неча шеърини

тўпламлари билан шеърини ихлосмандларига танилиб қолдилар.
Хоразмлик шоирлар ахлоқ ва одобни, садоқат ва эзгуликни катта

тарғибот билан тараннум этдилар.

Ушбу даврда Хоразм адабий муҳитида болалар адабиёти ҳам
етакчи ўринни эгаллади. Айниқса бу соҳада шоир Дусжон

Матжоннинг "Ўғилларингиз қўшиғи" (1966), "Кичкинтойлар
гапиради" (1970), "Таити айиқ" (1975), Э. Самандарнинг "Соҳилдаги

болалар" (1982), Б. Отаевнинг "Сўрасам майлими, ойи?" (1982)
каби асарларида меҳнатсеварлик, ростгўйлик, поклик, дўстлик,

садоқат каби ёшлар тарбияси учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эга
бўлган ғояларни тарғиб қилади.

Шундай қилиб, 70-80 йилларда Хоразм адабий муҳити етук
шоирларни, ёзувчиларни ва драматургларни етиштириб берди.

Улар ўзларининг сермазмун ижодлари билан ўзбек адабиётини
завожланишига, миллатимизнинг маънавий камолотига муносиб

хисса қўшдилар.

АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Хоразм вилояти УОС нинг жорий архиви. 1970 йил ҳисоботи, 17 варақ
2. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 10, Д.104.1 варақ
3. Хоразм ҳақиқати, 1986, 14 март.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году-Тошкент 1988, с.152-153.
5. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 1, Д.7.27 варақ.
6. Хоразм ҳақиқати, 1973, 19 январь.
7. Хоразм вилояти партия архиви Ф.1, руйхат 112.Д.31.114 варақ
8. - Ушша архив, Ф.1, руйхат 98, д.102.22 варақ.
9. Хоразм ҳақиқати, 1985, 5 февраль.
10. Хорезмская правда, 1983, 6 февраль.
11. Хоразм ҳақиқати, 1983, 8 февраль.
12. Хоразм ҳақиқати, 1986, 22 январь.
13. Ўзбекистон Коммунисти, 1978, N 10
14. Қаранг: Ўша манба.
15. Народное хозяйство УзССР в 1987 году-Тошкент, 1988, 191 бет.
16. Э.Бекметов: Механизатор қишлоқда асосий куч.-Тошкент Ўзбекистон,1978, 12 бет.
17. З.Қўчқоров, Э.Бекметов Ҳаёт чироғи.-Урганч, 1992, 27 бет.
18. Народное хозяйство УзССР в 1987 году-Тошкент, 1988, 162 бет.
19. Э.Бекметов: Механизатор қишлоқда асосий куч.-Тошкент: Ўзбекистон 1978, 20 бет.
20. Э.Бекметов. Интенсификация колхозного производства на современном этапе.-Ташкент:Меҳнат, 1987, с.76
21. Народное хозяйство Хорезмской области в 1989 году-Урганч,1990, с.29.
22. Хоразм ҳақиқати, 1976, 9 февраль. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 109, д.3.11 варақ
23. Хоразм ҳақиқати, 1986, 6 февраль
24. Народное хозяйство Хорезмской области в 1989 году-Урганч,1990, с.46.
25. Хоразм ҳақиқати, 1976, 9 январь.
26. Хоразм ҳақиқати, 1986, 28 январь.

27. Хоразм вилояти партия архиви, Ф.1, руйхат 120, д.219, 18 varaқ Э Бекметов. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар.- Тошкент: Меҳнат, 1992, 7 бет.
28. Халқ сўзи, 1994, 17 март.
29. Қаранг: Правда востока, 1969, 1 октябрь.
30. Қаранг: Гидростроитель, /куптиражли газета/, 1975, 10 июль.
31. Қаранг: Хорезмская правда, 1973, 11 июль.
32. Қаранг: Правда востока, 1970, 27 январь.
33. Қаранг: Хорезмская правда, 1974, 26 февраль.
34. Қаранг: Ўша рузнома, 1973, 11 апрель.
35. Қаранг: Ўша рузнома.
36. Қаранг: Хорезмская правда, 1974, 31 май.
37. Гидростроитель, 1975, 10 май.
38. Қаранг: Хорезмская правда, 1973, 24 август.
39. Қаранг: Ўша рузнома, 1973, 28 август.
40. Қаранг: Туямуйин гидрострой бошқармаси кадрлар бўлимининг жорий архиви.
41. Қаранг: Хорезмская правда, 1974, 26 февраль.
42. Правда востока, 1974, 2 октябрь.
43. Қаранг: Гидростроитель, 1982, 1 январь.
44. Қаранг: Совет Ўзбекистони, 1975, 16 январь.
45. Қаранг: Правда востока, 1985, 5 январь.
46. Қаранг: Хорезмская правда, 1985 4 января.
47. Народное хозяйство Хорезмской области в 1989 году.- Статсборник. - Урганч, 1991, с.11.
48. Қаранг: Ўша асар, с.71.
49. Қаранг: Давлат истиқболини белгилаш ва вилоят статистика бошқармаси қошидаги ҳисоблаш марказининг sanoат бўлими жорий архиви.
50. Народное хозяйство Хорезмской области. Статсборник.- Урганч, 1974, с.242. Народное хозяйство Хорезмской области в 1991 году.- Статсборник.- Урганч, 1991, с.63.
51. Қаранг: Ўша статсборник /1974/, 195 бет, Статсборник /1991/, 1 бет.
52. Народное хозяйство Хорезмской области в 1991 году.- Урганч, 1991, 1 бет.
53. Р Тохиров. Район ва қишлоқда турмуш.- Тошкент, 1985, 50 бет.
54. Народное хозяйство Хорезмской области.- Урганч, 1974, 242 бет. Статсборник /1991/, 62 бет.
55. Ўша статсборник /1974/, 219 ва статсборник /1991/, 54 бетлар.

57. Р.Жуманиёзов. Хоразм.-Урганч, 1991, 68 бет.
58. Народное хозяйство Хорезмской области.Статсборник.- Урганч,1974, с.224. Народное хозяйство Хорезмской области в 1991 году.-Статсборник.52 бет.
59. Р.Тохиоров. Ўша асар, 55 бет.
60. Р.Жуманиёзов, Ўша асар, 69 бет.
61. Народное хозяйство Хорезмской области в 1991 году.Статсборник.-Урганч,1991, 51 бет.
62. Хоразм вилояти халқ маорифи бўлими материалларидан
63. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году,281-282 бетлар.
64. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году,212 бет Народное хозяйство Хорезмской области в1991 году Статсборник.-Урганч, 1991, 21бет.
65. Народное хозяйство Хорезмской области в1991 году Статсборник. -Урганч,1991, 50 бет.
66. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 288-289 бетлар; Народное хозяйство Хорезмской области в1991 году.Статсборник. -Урганч,1991, 59 бет.
67. Қаранг: Ўша статсборник, 61 бет.
68. Народное хозяйство Хорезмской области в 1991 году. Урганч, 60 бет.
69. Народное хозяйство Хорезмской области в1991 году. Статсборник.-Урганч,1991, 14 ва 63 бетлар.
70. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 298-299 бетлар.
71. Народное хозяйство Хорезмской области в1991 году. Статсборник.-Урганч,1991. 50 бет.
72. Қаранг: Ўша статсборник.-Урганч,1991, 62 бет
73. Народное хозяйство Хорезмской области в1991 году Статсборник.-Урганч.1991 62 бет.
74. Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси материалларидан.
75. 1-сон вилоят касалхонаси материалларидан
76. Шовот тумани соғлиқни сақлаш бўлими материалларидан
77. Хоразм вилояти қишлоқ ҳужалиғи тажриба станцияси материалларидан.
78. Народное хозяйство Хорезмской области в1991 году. Статсборник. -Урганч,1991, 67бет.

9. Ўша жойда, 67 бет.

0. Ўша жойда, 67 бет.

1. Ўша жойда, 77 бет.

2. Хоразмда адабий мухит масаласини яратишда проф.Н.Қабулов материалларидан фойдаланилди.

ОЛТИНЧИ БОБ.
ШЎРОЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ИНГИРОЗИ
ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
/1985-1991 йй./

1. ҚАЙТА ҚУРИШ, УНИНГ ЗАРУРЛИГИ,
ЗИДДИЯТЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ.

70-нчи йиллар ўрталарига келиб, социализм узининг барча имкониятларидан деярлик фойдаланиб бўлган эди. Мамлакат халқ хужалиги доирасининг кенгайиши, фан ва техника тараққиёти ролининг тобора ошиб бориши, меҳнаткашларнинг билим, касб маҳорати ҳамда сиёсий онглилик даражасининг кундан-кунга ўсиб бораётганлиги ижтимоий ҳаётни демократлаштиришни, эконимкани бошқаришни такомиллаштиришни, хизматчилар ва меҳнат жамоалари ҳуқуқларини кенгайтиришни талаб қилаётган эди. Бироқ бу борада ўз вақтида зарур тадбир-чоралар қўрилмади. Бир жойда турғунлашиб қолган ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига тўсиқ бўла бошлади, ижтимоий онг ва маънавиятга салбий таъсир кўрсатди. Партия ҳаёти ва раҳбарлик услублари ҳам борган сари турғунлашиб, унда расмийчилик, порахўрлик, маъмурийчилик авж олиб кетди.

1985 йилдан бошлаб собиқ КПСС МК ташаббуси билан мамлакатда ижтимоий адолат ва сиёсий демократияга, асосан социализмнинг янги босқичига ўтиш жараёни бошланди. Бироқ бу жараён изчиллик билан давом қилдирилмади. Мамлакат раҳбариятининг оппортунизмга томон юз ўгириши, айниқса Горбачев-Яковлев гуруҳининг кейинги йилларда мамлакатда капитализмни реставрация қилиш мақсадида социализм ишига ҳоинлик қилиш йўлига ўтиши жамиятни инқироз ёқасига олиб келди. 1989-1991 йилларда халқнинг турмуш даражаси ёмонлашиб кетди. Ижро қилувчи ҳокимият тизими оғир касалликка дучор бўлди. Собиқ СССРнинг халқаро миқёсдаги мавқеи ҳам камайиб кетди. Буларнинг барчаси аксарият қисми ораёсида партияга, ҳукуматга, социализм ишига, коммунистик идеалларига ишончсизликни вужудга келтирди. КПСС таркибида "юкори ва "пастки" қатламларга табақаланиш кучайиб, у ўзининг социал таянчи бўлмиш ишчилар синфидан, умумий халқдан ажрала бошлади. Ошкоралик ва демократияга ўтиш жараёнида мамлакатда бошланган кўп партиявийлик тулқинларида капитализмни қайта тиклашни мақсад қилиб олган қатор сиёсий ҳаракатлар вужудга келди. Мамлакат ташқарисидаги антикоммунистик кучларга ва

ичкарисида пайдо булган янги буржуа синфига, ижодан зиёлиларнинг юқори қатламига, ҳамда давлат ва партия аппаратидаги ўз ҳомийларига таянган бу кучлар жамиятнинг анчагина қисмини ўз орқасидан эргаштиришга муваффақ бўдилар. Оммавий ахборот воситаларининг ҳам социализм душманлари қўлига ўтиб кетиши антикоммунистик пропаганданинг кучайишига, жамиятни ичдан бузилишига олиб келди. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларни, хусусан оддий коммунистларни қаттиқ азаблантирди. Улар партия раҳбарлигидан социалистик сиёсат юргизишни талаб қилдилар. Бунга жавобан буржуазия 1991 йил августида аксил инқилобий давлат тунтарилиши уюштириб, ҳокимиятни антисоциалистик кучлар қўлига олиб беришга муваффақ бўлди.

1991 йил август ойининг уч куни ичида тарихнинг учта катта бурилиши рўй берди: биринчиси, ГКЧистлар томонидан амалга оширилган бўлса, иккинчиси, путчни тўхтатган демократик кучлар томонидан ва ниҳоят, учинчиси, либерал кучлар томонидан қилинб, улар, КПСС фаолиятини тўхтатишни ва капиталистик ривожланиш йулига утишни талаб қилдилар. Ана шу давлат тўнтариши натижасида мамлакатда шаклланаётган буржуазия ва хорижий капитал манфатларини ҳимоя қилувчи кучлар мавқеи мустаҳкамланди. Уларга тоталитар тизими қайта қуриш натижасида қузданаётган демократик социализм доираси торлик қилар эди.

Шарқий Оврупа мамлакатлари кетидан август воқеаларидан сўнг Россия ҳам капитализмга томон юз тутди. Собиқ президент Горбачев томонидан бошланган "қайта қуриш" боши берк кўчага кириб қолди.

1991 йил декабрь ойида Россия президенти Ельцин, Украина собиқ президенти Кравчук ва Белорус Олий кенгаши собиқ раиси Шушкевич Беловежское Пуше деган жойда узаро келишиб, СССРни тарқатиб юбориш ва унинг ўрнида мустақил давлатлар тузиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекдилар.

Шундай қилиб, КПСС фаолиятининг тўхталиши ва СССРнинг тарқатиб юборилишидан сўнг собиқ иттифоқчи республикалар бирин кетин ўзларини мустақил давлат деб эълон қила бошладилар.

СССРнинг тарқалиб кетиши оқибатида иттифоқнинг барча республикалари узоқ иқтисодий ниқирозга учради. Уларнинг барчасида пулнинг қадри пасайиши, турмушнинг қийматлашуви, бир вақтлар ягона бўлган молия, пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, кўп йиллар давомида тартиб топган ҳўжалар шўқаларининг бузилиши бошланди. Буларнинг барчаси бошқа республикаларда бўлганидек Ўзбекистонда, жумладан Хоразм

вилоятида ҳам оғир иқтисодий қийинчиликни вужудга келтирди. Бундай аҳволдан қисқа даврда қутилиш Ўзбекистон учун осон эмас эди. Чунки Ўзбекистон ҳукумати ва партия марказий қўмитаси собиқ иттифоқ даврида Марказдан бериладиган буғирч ва кўргазмаларни сўзсиз бажарадиган қўғирчоқ ҳукуматга айланиб қолган эди. Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятлари билан ҳисоблашилмади. Натижада республика экономикаси бир томонлама ривожланиб, амалда марказнинг хом ашё базасига айлантирилган эди. Республика айрим хом ашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологиянигина эмас, балки ҳаётини муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмол молларини ҳам марказдан ва бошқа республикалардан келтирадиган бўлиб қолди.

Республикада, жумладан вилоятимизда ҳам мавжуд сановат корхоналарининг техника даражаси паст, технология жиҳатлари эса ҳам жисмоний ва ҳам маънавий эскирган эди. Республика ва вилоятнинг табиий ресурсларига ва экология муҳитига собиқ иттифоқ даврида катта зарар етказилган эди.

Оғир касалликка дучор бўлган жамиятни "қайта қуриш" йўли билан даволаш мумкин деган назария уйлаб топилди. Бу назариянинг асосчиси ва ҳаётга тадбиқ қилувчиси собиқ КПСС Марказий Қўмитасининг бош секретари, СССР президенти М.С.Горбачев эди.

"Қайта қуриш" собиқ КПСС Марказий Қўмитанинг Апрель /1985/ Пленуми ва партия XXVII съезди қарорларида белгиланган берилди. "Қайта қуриш" назариячиларининг фикрича, уни амалга ошириш жараёнида Совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини янгиланиш содир бўлиши, социализмга энг замонавий ташкилий шакллар берилиши, унинг "устунликлари" иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ғоявий қадриятларда юз очиши лозим эди. "Қайта қуриш" натижасида СССР жаҳоннинг энг иқтисодий ривожланган халқ фаровонлиги юксалган, чинакам демократик мамлакатлардан бирига айланиши зарур эди.

Бироқ цошма-шошарлик билан, етарлик тайёргарликсиз мамлакатдаги ва унинг турли ҳудудларидаги вазият ва шароитлар ҳисобга олинмасдан ўтказилган "қайта қуриш" далабати ижобий натижаларга эмас, балки чуқур иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий инкирознинг бошланишига олиб келди.

2. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ "ҚАЙТА ҚУРИШ" ЙИЛЛАРИДА

Собиқ СССРнинг барча халқлари каби ўзбек халқи ҳам "қайта қуриш" га катта умид боғлаган эди. Бу умид пучга чиқди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича "1985 йил апрели айрим умидлар туғдирди. Биз М.С.Горбачев ташаббуси билан бошланган "қайта қуриш" ва ислохотлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида туб ўзгаришлар ясайди, энг муҳими Ўзбекистоннинг иттифокдаги ва жаҳон жамиятидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлайди, деб ўйлагандик, умид қилгандик. Асоски, ишончимиз оқланмади... Уша биз учун эсдан чиқмас қора кун бўлган, марказнинг ва шахсан КПСС Марказий Қўмитаси асосий бюроси аъзоси Е.К.Лигачев тазйиқи билан ўтказилган Марказий Қўмитанинг XVI Пленумидан бошлаб Ўзбекистон неосоветизмнинг турли тажрибаларининг даҳшати полигонига айланди".

Марказдан республиканинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, халқининг тили, маданият, анъана ва урф-одатларини мутлақо билмайдиган юзлаган КПСС функционерлари юборилди. Бу "чекланган десант" Ўзбекистонда, шунингдек Хоразм вилоятида партия ва совет органларининг асосий лавозимларини эгалладилар. Марказ вакиллари Ўзбекистон олдинги раҳбариятининг бевосида иштироки ҳамда бепарволигида Москвада ишлаб чиқилган сценарий бўйича "Ўзбек иши", "Пахта иши" деб аталган найрангларини тўқидилар. Шу асосида террор бошланиб, юзлаб партия, совет ва хўжалик раҳбарлари қамоққа олинди. Бу фожиа Хоразмни ҳам четлаб ўтмади, бу ерда "пахта иши" бўйича кўп раҳбарлар қотогон қилинди.

1989 йилнинг иккинчи ярмида республика раҳбарлигига И.А.Каримовнинг келиши билан Ўзбекистон олдинги раҳбарлари республика ва вилоятнинг ҳалол ва ҳурматли кишиларига нисбатан йўл қўйган маъмуриятчилик асоратларини тугатиш, уларни қамоқдан озод қилиш, ишга жойлаштириш, ҳурматли номларини тиклаш учун жасоратли кураш бошланди. Бу иш тўла сўффақият билан адо этилди. Ўйлаб қўйилган "пахта иши" бўйича асоссиз қотогон қилинган хоразмликлар оқланди, раҳбарлардан озод этилиб қадрдон оилаларига, туғишганларига қайтарилди.

"Қайта қуриш" сабабли иттифок иқтисодиётининг издан чиқиши ягона халқ хўжалик мажмуининг емирилиши Ўзбекистон ва Хоразмда ҳам халқ хўжалик алоқаларининг бузилишига, "турғун" ликдан чиқиш ўрнига, ишлаб чиқариш суръатининг ўзлуксиз пасайишига олиб келди.

Масалан, 1981-1985 йилларда Ўзбекистонда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ўсиши, 3,4 фоизни ташкил этган бўлса, 1986-90 йилларда 2,75 фоизни, шу жумладан саноат маҳсулотлари нисбатан 4,2 ва 2,3 қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1,0 ва 1,3 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида умумий ҳажми олдинги йилдагидан кам маҳсулот етиштирилган йиллар ҳам кам бўлди. Чунончи, 1986 йилда 1985 йилдагига нисбатан 95,7 фоиз маҳсулот ишлаб чиқилди. Бу аҳолининг сони тўхтовсиз ўсиб бораётган шароитда юз берди. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги ҳам пасайди. Унинг ўсиши 1976-1980 йилларда 2,7 фоизни ташкил этган бўлса, 1981-85 йилларда 0,4 фоизга камайди. 1986-1990 йилларда эса меҳнат унумдорлиги олдинги даврга нисбатан яна 0,4 фоизга пасайди. Республика иқтисодиётининг оғир аҳолини қўндаги рақамлардан ҳам қўриш мумкин. 1990 йилда 1 миллиард сўмликдан зиёд асосий фондлар ишга туширилмаган, ишлаб чиқариш мақсадида қўрилаётган 86 иншоотдан атиги 40 таси фойдаланишга топширилган, холос.²

Бироқ аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда Хоразм учун республика курсаткичларидан 2,2 баробар орқада қолганди. Халқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг атиги 13 фоизни саноат соҳасида ишларди.

"Қайта қўриш" даврида бутун республикадагидек Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги жуда оғир шароитларда фаолият курсатди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига минерал ўғит, техника воситалари етказиб бериш кескин камайди. Чунончи, 1985 йилда 1288 минг тонна минерал ўғит олинган бўлса, 1990 йилда 1074 тоннага тушиб қолди, пахта териш машиналари 6,3 мингдан 2,6 мингга, сеялкалар 14,4 мингдан 8,2 мингга, косилкалар 4,4 мингдан 0,6 мингга камайди. Натижада соҳанинг моддий-техника базаси тобора кучсизланиб борди. Хусусан уша йилларда тракторлар 188,9 мингдан 182 минг донага, дон комбайнлари 11,4 мингдан 8,3 мингга, пахта териш машиналари 39,6 мингдан 30,5 мингга камайиб кетди.

Буларнинг ҳаммаси воҳанинг ривожланишига салбий таъсир курсатди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши /1983 йилдаги қиёсий баҳоларда/ 1981-1985 йилларда 10159,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1986-1990 йилларда 101473,8 млн. сўмни еки 3 фоизини ташкил этди.³

Ана шундай манзара Хоразм вилояти аграр секторида ҳам кузга ташланди. Қўйидаги далиллар бунинг исботидир. 1986-1990 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ўсиши 1008,2 млн. сўмни, 1981-1985 йилларда 970,5 млн. сўмни ҳудди республикадагидек 3 фоизни ташкил этди. Б...

остиға айрим муҳим соҳалар бўйича "турғунлик" йилларида ҳам орқада қолинди. Масалан, 1985-1990 йилларда пахтанинг ялпи маҳсулоти 365 минг тоннадан -277 минг тоннага, пахта ҳосили ҳар бир гектардан 35,3 центнердан 26,3 центнерга, пахта экиладиган майдонлар 104,7 минг гектардан 99,7 минг гектарга камайди.⁴ Тўғри баъзи бир соҳалар ялпи маҳсулоти анча ўсди. Деҳқончилик ва чорвачиликдаги мазкур силжишлар 80 йилларда деҳқон хўжаликлари пахта майдонларини камайтириш ҳисобига ер беришнинг натижасидир.

Бироқ, оғир табиий шароитда, давлат томонидан қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган техника, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар баҳоси тўхтовсиз ўсиши натижасида вилоят аграр сектори маҳсулотлари таннархи узлуксиз оша борди ва кўп ҳолларда республика кўрсаткичларидан ҳам юқори бўлди. Масалан, 1986 йилда Ўзбекистонда 1 тонна доннинг таннархи /маккажўхори ҳисобга кирмайди/ 140,5 сўмни ташкил этган бўлса, Хоразмда 253,8 сўмни, шу аснода пахта 552,9 сўмни, бузоқларни семиртириш -2708,7 ва 3073,3 сўмни, қўйларники -2031,4 ва 3517,2 сўмни, жун 7874,3 ва 8421,1 сўмни ташкил этди. Фақат сут /346,6 ва 340,6 сўм/ ва тухум /116,8 ва 96,6 сўм/нинг таннархи республикада урта даражадан арзонроқ эди, холос.⁵ Бунинг оқибатида Хоразм деҳқони даромади ҳам республикадагидан паст бўлди. Хусусан 1986 йилда Ўзбекистон бўйича давлат хўжаликлари ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 159,1 сўмни ташкил этган бўлса, Хоразмда 158 сўмни, жамоа хўжаликларида деҳқонларнинг ойлик маоши эса шунга ўхшаб 129,7 ва 123,3 сўмни ташкил этди.⁶

1988 йил ўрталарида Ўзбекистон раҳбариятига И.А. Каримов келганидан кейин республика ва Хоразм аграр соҳасида бир неча йиллар давомида ҳукм сураётган пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш юзасидан қатъий йўл тутилди. Унинг майдонлари йилдан-йилга камайтирилаверди, ундан бушаган ерлар эса деҳқонларга шахсий фойдаланиш учун берилди. 80-йиллар охирида уларга 180 минг гектар ер тақсим этилди. 580 минг оила ер олди, 932 минг оила эса ўз ерларини кенгайттирди. Бу муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбир Хоразмда ҳам кенг амалга оширилди.

Ўзбекистон ва Хоразм вилоятида "қайта қўриш" даври охирларида халқ хўжалигини аста-секин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтказиш юзасидан жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш бошланди.

Авваламбор иқтисодиётнинг кўп қирраллиги сари йўл тутилди. Табиий ресурслар ва барча соҳаларни қамраб олган давлат мулкы билан бир қаторда жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий мулк формалари ҳам ривожланиш ҳуқуқини олди. Кўп қиррали

иқтисодийни юритиш жараёни, айниқса мустақиллик шароитларида кенгайди.

Ўзбекистон ва унинг Хоразм вилояти "қайта қуриш" давридаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи ҳақидаги масалани яқунлар эканмиё, шунга таъкидлаш керакки, у даврда республика ва вилоят ҳаётида айтарли ижобий ўзгариш юз бермади, аксинча кўп қўрсаткичлар бўйича орқада қолинди. Марказ олдингидек Ўзбекистон ва унинг халқлари манфаатларини ҳисобга олмай улкага нисбатан империячилик сиёсатини давом эттирди. Республика КПСС Марказий Кумитаси ва Иттифоқ ҳукумати томонидан Марказнинг хом-ашё базаси сифатида ушлаб турилди, уларнинг сиёсати тазйиқ характерида бўлиб, республика мустақиллиги чекланган эди.

Бу аҳвол узоқ давом этолмас эди. «1980 йиллар охирида жамоатчилик онгида сезиларли уйғониш юз берди. деди республика президенти И.А.Каримов - ҳеч кимнинг амрисиз, ички ишларига аралашувисиз, республика халқи манфаатларига жавоб берадиган ўзининг мустақил сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини тушуна бошлади».⁷

1991 йилда Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бу гоёларни амалда турмушга тадбиқ қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Инсон ва сиёсат, 1991 йил, N 1-сон, 9 бет.
2. Қаранг: Ўша ойнома, 1991 йил, 5-сон, 8бет.
3. Қаранг: Туркистон, 1993 йил, 23 январь
4. Қаранг: Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный статистический сборник. Ташкент: Узбекистан, 1987г.с.104, 107, 109, 134-136; Ўзбекистон рақамларда-Тошкент, 1990 йил, 148, 154, 161 бетлар. Народное хозяйство Хорезмской области в 1991 году. Статсборник-Урганч, 1992.с.90,98.
5. Қаранг: Ўзбекистон рақамларда, 162-163 бетлар.
6. Қаранг: Ўша асар, 210 бет.
7. Қаранг: "Пряда востока", 1991, 2 ноябрь

ЕТТИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК,
ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ҚУРИШ ДАВРИДА ХОРАЗМ.
/31 АВГУСТ 1991 ЙИЛДАН/

1. ЎЗБЕКИСТОННИ МУСТАҚИЛ, СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКА ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.

Ўрта Осиё халқлари тарихининг аксарият қисми чет эл босқинчилари ҳукмронлиги даврига туғри келади. Бу минтақа халқлари асрлар давомида эрон ахомонийлари, юнон босқинчиларни, Турк хоқонларни, араб, мўғул, шайбоний ва рус истилочиларига қарши ўз мустақиллиги учун курашиб келганлар. Бу курашлар жараёнида Тумарис, Широқ, Спитамен, Маҳмуд Горобий, Жалоладдин, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Пўлатхон, Дукчи-эшон каби ўнлаган халқ қаҳрамонлари етишиб чиқди.

Ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида берган қўрбонлари, кескин курашлари бекор кетмади. Собиқ СССРнинг парчаланиши натижасида барча иттифокдош республикалар каби Ўзбекистон ҳам ўзининг давлат мустақиллигига эришди.

1991 йил 31 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12-қаҳириқ олтинчи навбатдан ташқари сессияси республиканинг давлат мустақиллигини эълон қилди.¹ Шу билан ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш юзасидан дахлсиз ҳуқуқи амалга оширилди. Бу жуда катта тарихий аҳамиятга молик воқеа республиканинг барча меҳнаткашлари томонидан шоду-хуррамлик билан кутиб олинди.

Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб президентлик бошқарувига ўтди. 1991 йил 29 декабрда мустақил Ўзбекистон президенти қилиб танлов асосида эркин умумхалқ сайлови йўли билан Ислон Абдуғаниевич Каримов сайланди.² 8 декабрда Ўзбекистон республикаси ўзининг янги Конституциясини қабул қилди.³

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар ташкилотига халқаро тенг ҳуқуқли аъзо қилиб олинди.⁴ Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини жаҳоннинг деярлик барча мамлакатлари тан олди. Ўнлаб буюк давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон кўплаб обрўли халқаро жамиятларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди, жаҳоннинг йирик мамлакатлари билан савдо, иқтисодий, маданий алоқаларини йўлга қўйди.

Етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида шўро ҳукумати буйруқбозлик тоталитаризм тузуми бизнинг тараққиётимизни бутунлай кишанлаб ташлаган эди.

Айниқса, "мустақиллик" сўзи тез-тез ишлатилар эди. "Ҳар бир Республика ўзи "мустақил" деган қизил гаплар билан "Республика суверенлиги", деган эслатмалар ҳам йўқ эмас эди. Лекин на республика ичкарасида на мамлакат ташқарисида бу "суверенитет"ни амалда тасдиқлайдиган қонуний битим бор эди.

Собиқ СССРнинг мустамлака сиёсати барҳам топишида Ўзбекистон республикасининг салмоқли ҳиссаси бор. СССРнинг парчаланиши жараёнида Ўзбекистонда қизгин ижтимоий-сиёсий воқеалар юз берди. Ўзбекистон мустақилликка-истиклол қуёшига дадил талпинди ва ҳаракат қилди. Туғри Ўзбекистон куролли жангга, шайланмади, бироқ сиёсий жангга тарихда мангу битилиб қоладиган қадамлар қўйилди.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарлигига сайланган йиллар "қайта қуриш" авжига минган палла эди. 1989 йил июнь ойига қадар собиқ СССРнинг ҳамма бурчакларида бўлгани каби марказдан тортиб, Ўзбекистон матбуотига қадар "пахта иши" деган маломат тоши Ўзбекистоннинг бошига ёғдирилди.

Орадан бир ой ўтгач Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йил август ойининг бошида Ўзбекистонда "пахта иши"ни қайта қуриб чиқувчи Республика комиссияси тузилди. Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари И.Журабеков ана шу комиссияга раис қилиб белгиланди. Қисқа муддатда минглаб бегуноҳ одамларнинг покиза номлари тикланди, ноҳақ қамоқ жазоларидан озод қилинди.

Собиқ марказ хуружи авжига минган бир паллада Ўзбекистонда "пахта иши"нинг бекор қилиниши ва минг-минглаган кишиларнинг оқланиши Республика раҳбариятидан фавқулодда жасорат талаб қилганлигига шубҳа йўқ.

Ахир "Биз СССР прокуратураси ва хусусан махсус тергов гуруҳининг бошлиғи Тельман Хоренович Гдиян билан қўлни-қўлга бериб иш олиб бормоқдамиз. Натижада Ўзбекистондан 58000 раҳбар кадрлар ўз вазифасидан четлаштирилди, уларнинг аксарияти жиний жавобгарликка тортилди, партиядан учирилди". дея Республиканинг собиқ раҳбари Р.Нишонов курагига урган эди.⁵ Афсуски шу руҳдаги раҳбарлар ҳам унчалик оз эмас эди. Уларнинг атрофида уюшган маҳаллий сотқинлар ожиз бўлишлари мумкин. Бироқ орқада "қудратли десант" Анишчев армияси турарди. Гдиян бошлиқ жазо отряди уларнинг қўлидаги қилчичи. Маҳаллий сотқинлар орасида уларнинг малайлари.

ахборотчи"лари, фахрий оқсоқоллари ва ҳатто ўз ёзувчи ва журналистлари бор эди.

Ана шундай оғир бир даврда халқимиз пешонасига битилган дахт бўлиб, афсонавий қудрат ва жасорат билан ўша пайтда ҳали республикага кенг танилмаган Ислом Каримов майдонга чиқди. Қумхуриятнинг бахти, ўзбек халқининг ор-номуси, қадр-қиммати ҳимоя қилиш, ўлкамизнинг бойликларини талон-тарож қилишига йўл қўймаслик учун адолатпарвар ва матонатли шахс Ислом Каримов бошчилигида 1989-1991 йиллар давомида амалга оширилган беқиёс улкан тадбирлар ҳам мустақиллик йўлидаги курашнинг ёрқин саҳифаларидир.

Масалан, "СССР Президенти" лавозими таъсис қилингандан ўққиз кун ўтгач Ўзбекистон президенти лавозими таъсис этилди ва рўёбга чиқди.

Сиёсий майдонда бундай "лавозимлар" туқнашуви осонлик билан кечмаслиги ўз-ўзидан аён. Собиқ СССР ҳудудида "Иккинчи президент" лавозими Ўзбекистонда таъсис этилди. Бу собиқ СССР президенти ва КПСС Сиёсий Бюроси салтанатлари бор куч-қудрати билан яшаб, ўз ҳукмини ўтказиб турган бир пайтда вужудга келди.⁶

Ўзбекистонда президент лавозимининг таъсис этилиши ва уни сўзда эмас, балки амалда рўёбга чиқарилиши собиқ СССРнинг муаммаларига урилган ҳал қилувчи зарбалардан бири бўлди.

Бу ҳаракат аслида Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги мардонавор жасорати эди. Чунки бир мамлакатда иккинчи "Президентлик" лавозими бўлмаслиги ҳаммага қуёшдек аён эди.

Собиқ СССРнинг собиқ президенти Михаил Горбачев шу воқеалардан кейин озгина вақт ўтгач иш бошлаган Иттифоқ Комсомолларининг съездида дағдаға қилиб сўзлаган нутқида: "Ўзбекистонда бўлаётган воқеаларга тушуниб ета олмаёпман! Ҳар бир Республика ўз президентини сайлаб олса, СССРда нечта президент бўлади? Унда СССР президентининг роли нимадан иборат бўлади"?! - деб азият чеккан эди.⁷

Ҳуш, бундай ваҳимали огоҳлантиришлар Ўзбекистонни ўзи танлаган мустақиллик, истиқлол йўлидан бир дақиқа ҳам экинтира олмади. Аксинча мустақилликка интилиш жараёнида янги-янги жасоратли қадамлар ташлана борди. Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи ҳаётида, хорижлик ўзбеклар тақдирида янги-янги ўзгаришлар, уларнинг узоқ йиллар кутган асрий орзу-армонлари мустақиллик 1991 йилнинг 31 августида қалқпарвар ва ҳалол, жасоратли юртбошимиз Ислом-Каримов раҳнамолигида эълон қилинди.

Муқаддас орзу ушалди. Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу халқимизнинг кўп асрлик тарихидаги буюк воқеадир. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Ўша йили 31 август куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси Ўзбек халқининг орзу-умидларини ифодалаб, Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу қонунда Республикадаги кўп миллатли барча аҳолининг хохиш-иродаси мустақамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми билан қаттиқ тасдиқланди.

Қадимий ўзбек халқи учун ҳамиша азиз диёримиз эндиликда Ўзбекистон республикаси деб аталадиган бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан биринчи сентябрь жумҳуриятимизда мустақиллик куни, умумхалқ байрами куни деб эълон қилинди.⁸

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан кейин уни ҳудудларидаги барча имкониятлар ва бойликлар ҳам халқникидир, деган хушхабар маълум қилинди.

Ўзбек халқи ҳаётида республикамизда яшаётган барча халқлар ҳаётида чинакам тарихий аҳамиятга молик воқеа содир бўлди. Халқнинг хохиш-иродаси билан мустақил суверен давлат деб эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боришни, ўзининг барча фуқаролари манфаатини ҳимоя қилишни, одамларга ҳуқуқ ва эркинлик кафолатини беришни, халқнинг фаровонлигини ошириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

"Мустақиллик, дегани шуки, дейди И.А. Каримов-бизлар, асрлар оша бироъларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик".⁹

Мустақиллик - бу кенг дунё билан алоқадор, фойдали ўзаро борди-келдилар, турли мамлакатларнинг ўзаро маданий юксалиши, уйғонишининг муҳим манбаларидир.

Ҳозирги умуминсоният манфаатлари тарихнинг биринчи саҳифасидан ўрин олаётган бир даврда мустақиллик, илм-маърифатни тўғридош, инсонга муҳаббат, ўзаро аҳиллик ва манавий юксалишнинг қиммати янада кучайиб бормоқда.

Мустақиллик ва уйғониш, мустақиллик ва юксалиш бир-бири билан узвий алоқадор. Дарҳақиқат Ўзбекистоннинг танлаган йўли энг тўғри, адолатли, демократик эркинлик ва халқаро ҳуқуқий қондаларга мос келганлиги, юргизаётган ички ва ташқи сиёсатида миллий манфаатлар устиворлиги ва умумийсоний қадриятларга мувофиқлиги сабабли мустақил Ўзбекистонни ҳозиргача дунёнинг 160 дан зиёдроқ мамлакати таниди ва мустақиллигини тан олди.

Тошкентда дунёнинг жуда кўплаб давлатларининг элчихоналари очилди, турли халқаро ташкилотлар ишлаб турибди.

Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида 1992 йил иккинчи март куни Бирлашган Миллатлар ташкилотига қабул қилиниши беқиёс тарихий аҳамиятга эга бўлди. БМТ биноси олдида мустақил ёш суверен Республиканинг Давлат байроғи кутарилди. БМТ Хавфсизлик кенгаши ва бош Ассамблеяси Ўзбекистонга буюк эътиром ва юксак ишонч билдирди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кирганлиги- республиканинг тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида халқаро майдонга чиққанлигидан дарак берувчи буюк воқеадир.

Айниқса, Президентимиз И.А.Каримовнинг БМТ бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сузлаши - булар халқимиз ва жумҳуриятимиз тарихида рўй берган энг қувончли ҳодисалардирки, бунга фақат мустақиллик шарофати туфайли эришилди. Бу, Ватанимизнинг жаҳонга юз тутгани ва кўпчилик давлатлар, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганлиги, аввало Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган тинчлик-севар ташқи сиёсати туфайлидир.

Ўзбекистон мустақиллигининг пайдо бўлиш тарихи, характери ва ҳаракатлантирувчи кучлари, имкониятлари ва истиқболи И. Каримовнинг қатор асарларида ўзининг чуқур назарий ифодасини ва илмий ечимини топган, ҳар бир йирик ва долзарб масала мустақил Ўзбекистоннинг бугунги куни ва порлоқ истиқболини тарқатиб йўллари кўрсатиб берилган.

Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди. Ўз ҳамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли, унинг ривожланиш назарияси бўлмоғи керак. Бу назария заминиди И.А.Каримов таъкидлаганидек, фақат Туркия, Жанубий Корея, Швейцария тажрибасигина эмас, балки жаҳондаги барча илғор мамлакатлар босиб ўтган йўлнинг ижобий сабақларини ўрганиб, уларни жумҳуриятимиз шароити ва имкониятлари билан оқилона боғлаш зарур: "Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш Республиканинг қатъий позициясидир",-деб таъкидлайди юрт-бошимиз. 10

Дарҳақиқат, истиқлол кўп миллатли Республикамиз халқига озодлик наъшасини бериб, энди ундан бунёдкорлик шижоати-ю юксак маъсулиятини талаб этмоқда. Энди миллий маънавият юксалиб, унинг янги қирралари очилиб бормоқда. Мақсад-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚИ МАДАНИЯТИ ТУГАЙСИ ЭТган
давлатлар қаторига киришига эришмоқдир.

Бетакрор тарихга эга юртимиз олам маданияти ва фанида улкан гавҳар бўлиб қуррамизнинг шарқий шари нуқсида яшнаб турибди.

Сир эмаски, ўзбек халқи истиқлол шарофати билан оламни янгича тушуниб, янгидан кўра бошлади.

Мустақил Ўзбекистонда бекиёс туб тарихий ўзгаришлар содир бўляпти. Бу улкан ўзгаришлар Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқдир. Шундай экан, унинг ўзбек халқининг бу кунда тутган ўрни ҳақида ҳеч муболагасиз қуйидаги муҳожазаларни айтиш жонзидир.

Тарихдан маълумки ҳар бир давлат раҳбари ваколати тугагач уни ўша халқнинг кейинги муносиб вакилларига топширади. Бу жаҳондаги илғор давлатларнинг темир қонуни.

Подшоҳлар, Президентлар кўп ўтган. Улар келади, кетади. Лекин шундай йўлбошчилар ўтганки, улар ўз ватанини равноқ топтириш, улуғ ғалабаларга етишида бетакрор буюк ишларни амалга оширганлар.

Тарихда ўз халқининг миллий қаҳрамони - Президенти бўлиб қолган шахслар ҳам бор. Бу қаҳрамонликнинг сабаби - у шахснинг давлатни мустақилликка олиб келганлигидир.

Тарих ана шундай йўлбошчилар номини ёрқин сақлаб қолган. Булар Американинг мустақиллик курашига раҳбарлик қилган, унинг биринчи президенти Жорж Вашингтон, Франциянинг машҳур президенти Де Голь, Туркия президенти Камол Ота Турк каби етук шахслардир. Ўзининг миллий қаҳрамон йўлбошчиси бўлган давлатнинг жаҳондаги ўрни ҳам, таъсири ҳам ўзгача бўлади. Ўзбек халқи тарихида эса ана шундай фидойилик кўрсатиб, уни мустақилликка олиб чиққан миллий қаҳрамон Ислон Каримовдир.

Ана шу буюк тарихий хизматлари учун ҳам ҳурматли юртбошимиз И.Каримовнинг улуғ номи азиз Ватанимиз иилномаларида абадул абад сақланиб қолади. Чунки президентимиз Жорж Вашингтон, Де Голь, Отатурк кабилардан фарқли ўлароқ мустақилликка қонли жанглар билан эмас, балки сиёсатда сабот-матонат, ақд-заковат билан, осовишталик билан эришишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Президентининг тутган тўғри сиёсати-ю фаолиятига жаҳондаги улкан давлат арбоблари юксак баҳо бермоқдалар: Швецария Конфедерацияси Президенти Олоф Огий: "Муаммоларни ҳал қилиш ва давлати ривожини йўлини энг кўра билладиган Ислон Каримовдек Президенти бўлган Ўзбекистон уз келажаги учун хавотирланмасе бўлади". Германия Конфедер

Гаммат Коль: "Давлат ривожининг беш принципини ишлаб чиқиб, янги давлатнинг раҳбари бўлган йўл муваффақиятнинг гаровидир". Нақадар маънодор сўзлар. Дунёнинг юксак мавқеидаги раҳбарлари, сиёсатчиларидан бири Франция президенти Франсуа Миттеран, АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон, доктор Генри Киссинджерларнинг Президентимизга айтган юксак баҳолари қатори Турғул Ҳозорнинг: "Каримов бутун давлат маъсулиятини ўз зиммасига олиб, фаолият кўрсатаётганини аълолайман. Бу қаҳрамонлик, энг тўғри йўлдир", деган сўзлари асосида бир олам маъно ётади.

Собиқ тоталитар совет империяси иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликни мерос қилиб қолдирди. Бу инқироздан чиқиш йўли бозор иқтисодиёти танланди.

Бизлар воз кечган эски тизимни энг асосий қусури шу эдики, онда хусусий мулк ман қилинган эди, ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, мулкдан жудо бўлган одамда изланиш, интилиш ва ташаббус йўқолар экан. Бу объектив ҳақиқат ва буни асло инкор этиб бўлмайди.

Президентимиз юритаётган иқтисодий сиёсатнинг негизи шуки, мулк албатта эгасини топиши керак. Ўз эркига эришган халқимиз онгига ва турмуш тарзида ҳам жиддий янгиланишлар содир бўлмоқда.

Мустақил Республикаимизнинг биринчи Конституцияси инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо қилиш, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши, жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида қонуннинг устивор бўлишига афзолат бериши билан бирга халқимизга буюк ижодкорлик ва бунёдкорлик қудратини ҳам бахш этмоқда.

Олий мақсад Ватанимиз иқтисодий қудратини ошириш, ҳар бир оила ва инсонни моддий ва маънавий фаровонлигини оширишдир.

Ўзбекистонни суверен ва мустақил деб эълон қилинишининг асосшумул тарихий аҳамияти даставвал шуки, у ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди.

Истиклол берган улуғ неъматлардан бири шу бўлдики, Ўзбекистон билан жаҳон уртасидаги темир дарвозалар ва темир қудфлар парчаланиб, бизнинг тарихимизни биладиган дунё энди бутунлигини ҳам таний бошлади.

И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон-келажаги буюк давлат" номи билан рисоласида "Бизнинг олий мақсадимиз - мустақилликнинг олий мақсади - Ўзбек халқининг иззатини жойига қўйишдир" - деб

айтган фикри эркинлик, озодлик ва ҳуррият шабадасидан тўғри
мириқиб нафас олаётган жумҳуриятимиз ҳар бир фуқароси
зиммасига истиқлолимизни сақлаш ва мустаҳкамлашдек буюк
тарихий масъулиятни юклади.

2. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА

Мустақилликқа эришган Ўзбекистон республикаси шу
кунларда янги жамият барпо қилиш сари илдам қадамлар
ташламоқда.

Бизнинг мақсадимиз,- дейди республика президенти Ислам
Каримов, - «тоталитар, яъни якка ҳукмронликка асосланган
жамиятда янги, барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга
асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик
жамиятини барпо этишдир». ¹¹

Янги жамиятга қайси йул билан утиш мумкин?

Янги жамиятга, - дейди Призедент И.А.Каримов, "-сохта
инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли
ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йул билан, нормал маданиятли
тараққиёт йули билан утиш зарур. Танлаб олинган йулимизнинг
асосий моҳияти ана шунда". ¹²

Дарҳақиқат Ўзбекистонда барпо қилинаётган давлат чинакам
инсонпарварлик қоидаларига асосланган, дини, ижтимоий аҳволи,
сиёсат эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва
эркинликларини таъминлаб берадиган давлат бўлиши керак.

Республикамиз ва вилоятимизда янги демократик ҳуқуқий
давлат қуриш жараёнида президентимиз назарий жиҳатдан
асослаб берган қатор тамойилларга амал қилинмоқда:

1. Иқтисоднинг сиёсатдан ўстиворлигини таъминлаш ва уни
ҳар қандай гоаявийликдан халос этиш.
2. Бош ислохотчи - давлатдир, яъни ислохотларни давлат
бошқариб бориши зарур.
3. Қонун олдида барча баробар, яъни мамлакат қонунларига
барча фуқаролар риоя қилшлари ва баб-баробар
бўйсунилшлари лозим
4. Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, яъни одамларни
ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш.
5. Бозор иқтисодиётига даврийлик билан ўтиш, яъни
ислохотларни изчиллик билан, босқичма-босқич амалга
ошириш. ¹³

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида эски
тузумнинг, онгимизда ҳукмрон бўлган ақидаларини йўқ қилиш.

технатга, хусусий мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, янги тузум учун пухта пойдевор қўйиш вазифалари амалга оширилди. Бу босқичда назорат органларининг сонини кескин кўпайтириш.

Ислохотларнинг биринчи босқичида қишлоқда фермерлик ҳаракати вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги фармонидан кейин иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу фармон иқтисодий ислохотларни юқори лигага кўтарди, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркорга кенг имкониятлар очиб берди, жаҳон бозорига чиқиш имкониятини кенгайтди, қишлоқ хўжалиги соҳасида эса зарар қўриб қўйлайдиган давлат хўжаликларини бартараф этишни, иқтисодий ҳаётдан ўзини оқламаган хўжаликларни мулкчиликнинг бошқа иқтисодий самараси юксак шаклларга ўтказишни кўзда тутди, тала, жамоа хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берди.

Бу фармон мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришнинг устивор йўналишларини аниқлаб берди.¹⁴

Кўп қиррали бозор иқтисодиётига аста-секин ўтиш жараёнида Республика ва унинг Хоразм вилояти ҳаётининг барча соҳаларида катта сифат ўзгаришлари рўй бераёпти. Буни биз даставвал, кенг куламли чет эл сармоядорлари билан бунёд қилинаётган қўшма корхоналар мисолида кўришимиз мумкин. 1990 йилда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 30 та қўшма корхона барпо қилинган бўлса, 1993 йилнинг охирига келиб, улар сони 900 дан ошиб кетди.¹⁵ Айниқса Хоразм вилоятида қўшма корхоналар ўзаро манфаатдорлик асосида кенг ривожланмоқда. Улар орасида Туркиянинг "Нуртоп" фирмаси билан биргаликда Урганч туманида қўрилган тўқимачилик корхонаси, Хазараспда ҳинд фирмаси "Модегрупп" билан биргаликда вужудга келтирилган ип-йигирув фабрикаси, Урганч шаҳрида Хитойнинг "Цзен-ЦУ" ташқи савдо компанияси технологияси асосида яратилган ипак моллари-ланбархт ишлаб чиқариш корхонаси, Дўстлик шаҳрида Германиянинг "Марседес-Бенс" фирмаси ёрдамида қўрилган юк автомобилларни ишлаб чиқариш корхонаси ва ҳоказолар бор.

Маълумки, кўп йиллар давомида Хоразм вилояти республиканинг саноати кам ривожланган вилоятларидан бири эди. Бу ерда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашга ихтисослашган, бунинг устига бир томонлама ривожланган эди. Вилоятда пахта толасининг атиги 2 фоизигина тайёр маҳсулотга айлантирилар эди.

тайёрлаш режаси вилоят бўйича 90,4 фоизга бажарилди, холос. Пахтачиликдаги 1992 йилги қарзни вилоят пахтакорлари 1993 йилда ошиғи билан қайтардилар. 1993 йилда вилоятда мул ҳосил етиштирилди. Пахта тайёрлаш бўйича давлат топшириғи 1993 йилда 114, 1994 йилда эса 116 фоизга бажарилди. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги қўшимча қийинчиликлар бўлмаганда, муваффақиятлар бундан ҳам зиёд булар эди. Гап шундаки, ҳозирги шаронтда қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган техника, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар нархи тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бу жараён суръати давлат томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархлари изчил равишда ўстирилишига қарамай, олдинда бормоқда. Натижада вилоят хўжаликларининг давлат олдида қарз қўпанимоқда. Бу ҳодиса фақат Хоразм вилоятига эмас, балки бутун мамлакатга хосдир. Бунинг асосий сабабларидан бири соҳа иттифоқ республикалариаро кўп йиллар давсида ўрнатилган иқтисодий алоқаларни бузилиши ҳамда Ўзбекистонга собиқ СССРдаги бир томонлама ривожлантирилган ва издан чиққан иқтисодиёт, молия ва нархлар тизимини, бошқаришнинг тоталитар механизмини мерос бўлиб қолганлигидир. Шунинг учун ҳам республикада, жумладан Хоразм вилоятида ҳам давлат мустақиллиги туфайли қўлга киритилган устунликларни иқтисодиёт соҳасида юзага чиқариш анча вақтни талаб қилади.

Аграр сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири -бу қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуш даражасига кўтаришдан иборат. Ўзбекистон президенти фармонида асосан қишлоқларда ободонлаштириш, газлаштириш, электрлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Фақат 1990-1993 йилларда режадаги 1105 км ўрнига 1266 км. газ қувурлари ўрнатилди, 1480 ўрнига 39258 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди. 1991-94 йилларда 1798 км ичимлик сув қувурлари тортилди. 1994 йилда вилоятдаги хонадонларни газлаштириш 84 фоизга, сифатли ичимлик суви билан таъминлаш 42 фоизга етказилди.

Безор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай, вилоят а маданий қурилиш ҳам давом этмоқда. 1991-1993 йилларда вилоят бўйича 1253,4 минг кв.метр умумий /фойдали/ майдонга эга бўлган турар жой, 32688 ўқувчи ўринли умумтаълим мактаблари, 5605 ўринли мактабгача бўлган болалар муассасалари, 440 ўринли шифохона, бир сменада 2992 беморни қабул қила оладиган поликлиника бинолари ҳамда Урганч шаҳрида янги интуист меҳмонхонаси қурилиб ишга туширилди.

1992 йилда Хоразм давлат педогогика олий илмгоҳи базасида Ал-Хоразмий номи Урганч Давлат университети ташкил этилди.

Бу ҳодиса вилоят ижтимоий ва маданий ҳаётида йирик воқеа бўлди.

Бундан ташқари бу ерда республика қатор олий илмгоҳларининг бўлим ва филиаллари, шу жумладан Тошкент Иттибиёт олий илмгоҳининг филиали, Тошкент иқтисодий университетининг бўлими очилди. Урганч қурилиш техникуми коллежга айлантирилди. 1992 йил 1 сентябрда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича лицей очилди. Хоразм ёшлари орасида таълим олиш учун хорижий давлатларга юбориш кенг йулга қуйилди. Бу янги очилган бўлим ва факультетлар 1995 йил сентябрь ойидан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан Урганч давлат университети таркибига қўшилдилар.

Ҳозирги кунда университетнинг 4 та маркази ва 5 та факультетида 5.5 мингдан ортиқ талаба 40 дан зиёд мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

Университет вилоятнинг йирик илмий-педогогик марказига айланди. Университет қошида 3 та илмий-тадқиқот лабораториялари "Хоразм тарихи ва маданиятини ўрганиш", "Экология ва қишлоқ ҳужалиги", "Иттибиёт марказий илмий тадқиқот лабораторияси" ишлаб турибди.

Университетнинг 500 га яқин профессор-ўқитувчилари ёшларга таълим-тарбия бермоқдалар. Ҳозир олий илмгоҳда 40 га яқин фан докторлари ва профессорлари, 200 дан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар фаолият кўрсатмоқда.

Бу йирик илмий-педогогик жамоага Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, халқ ноиб Азимбой Садуллаев раҳбарлик қилмоқда.

1995 йил ноябрида университетнинг 60 йиллик юбилейи кенг жамоатчилик томонидан тантанали равишда нишонланди.

Шундай қилиб, бундан ун аср муқаддам уз академиясига эга бўлган Хоразм мустақиллик шарофати туфайли узининг илм ва маданий марказ сифатидаги мавқеини яна қайта тикламоқда.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш зарурки, бозор муносабатларига ўтиш, мулкни хусусийлаштириш шароитида ижтимоий ва маданий қурилиш сўғ'атлари тобора пасайиб бормоқда. Бунга республика бюджетидан шу мақсадларга ажратилаётган маблағларнинг йилдан-йилга камайиши сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида кўп асрлик халқ қадриятларини, миллий байрамлар, анъана ва урф-одатларини, узбек тилини қайта тиклаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Маҳаллий ҳокимият ташаббуси билан Хоразм тарихини, илми ва бой маданий меросини ўрганиш ишлари кизитиб юборилди. Хоразмда фан ва маданият, адабиёт ва

санъатни тағинда ривожлантириш мақсадида Ал-Хоразмий ва Огаҳий номидаги мукофотлар жорий этилди.

Хоразм маданияти ривожига катта ҳисса қўшган улуг кишилар, маданий муассасаларнинг юбилей кунларини, умуман кўриштиради утказиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг 75 йиллиги, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевнинг 90 йиллиги, вилоят театрининг 10 йиллик юбилейлари ўтказилди. 1994 йилда буюк шоир ва давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон /Феруз/ таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланди. Ҳозирги вақтда Хоразмда йirik маданий марказ Хива шаҳрини 2500 йиллигини нишонлаш учун кенг тайёргарлик кўрилмоқда.

Республика, вилоят раҳбарияти мустақиллик шароитида Хоразмда экологик вазиятни яхшилаш, авваламбор Орол муаммосини ҳал қилиш мақсадида кул ишлар қилинмоқда. Оролни асраш бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларининг давлат сиёсати деб эълон этилган. Орол муаммосини ҳал қилиш учун давлат бюджетидан анча маблағлар ажратилаёпти, республика ва минтақанинг бошқа давлатлари олимлари томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Оролнинг муҳим муаммолари бўйича халқаро симпозиумлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ва унинг Хоразм вилояти янги жамиятни барпо этишда дастлабки босқични босиб ўтаёпти. Тотолитар тузумдан, маъмурий - буйруқбозлик бошқаруvidан демократик жамиятга, бозор муносабатларига биринчи қадамлар қўйилмоқда.

3. ЯҚИН КЕЛАЖАКДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Хоразм вилоятининг ҳудуди 6,3 минг километр квадрат ташкил қилади. Вилоят таркибида 3 та шаҳар, 1 та шаҳарча, 1 та Дружба/, 7 та шаҳар типлиги шаҳарчалар, 10 та туман, 91 та қишлоқ кенгашлари мавжуд.

1995 йил 1 январда вилоят аҳолиси 1200 минг кишини ташкил қилиб, шундан 298,6 мингги шаҳарликлар, 898,8 мингги қишлоқликлардир. Аҳолининг зичлиги 1 кв.километрга 190 киши тўғри келади.

Ҳозирги пайтда вилоятда 90 дан зиёд турли миллат вакиллари яшамоқда. Аҳолининг 94,6 фоизини ўзбеклар, 1,2 фоизини руслар

4.2 фойзини бошқа миллат /туркман, қорақалпоқ, қозоқ, татар, эронийлар, карейс ва бошқалар/ вакиллари ташкил қилади.

Ҳозирги мураккаб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида вилоят аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, элда осойишталикни сақлаш, миллатлараро дустликни мустаҳкамлаш, аграр йўналишдаги виллоят иқсас тараққий этган замонавий саноат ўлкасига айлантириш, кўп миқзорда сифатли ва арзон халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш муаммолари ҳаётий аҳамият касб этмоқда.

Бу муаммолар ичида халқимизни кўпроқ ташвишга солаётган муаммо-сифатли ва арзон истеъмол молларининг тақчиллигидир. Вилоятимизда баъзи истеъмол молларини олиб келиш ва уларни ўзимизда ишлаб чиқаришнинг камайганлиги туфайли савдо шохобчаларида бу моллар тақчил бўлиб турибди. Масалан, 1993 йилнинг январь-октябрь ойларига нисбатан 1994 йил январь-октябрь ойларида вилоятимиз савдо тармоқларида гушт маҳсулотлари 70 фойз, сариёғ 70,9 фойз, пишлоқ 30 фойз, туҳум 73,7 фойз, шакар 26,4 фойз, аеллар пайпоғи 87,5 фойз, атир совуни 50 фойз, матодан туқилган кийимлар 31,1 фойз, чарм пойафзаллари 77,4 фойз кам етказиб берилган. Бу молларнинг тақчил бўлишига асосий сабаблар шартнома ва мажбуриятлар асосида вилоятимизга мустақил давлатлар ҳамдустлиги жумҳуриятларидан келтириладиган маҳсулотларни камайиб кетиши ва йўл таражатларининг кўпайганлигидир.²⁶

Юқорида аниқ кўрилган муаммоларни амалда ҳал қилиш учун виллоят ҳаёқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлмиш қишлоқ хўжалиғини, транспортни ва бошқа соҳаларни ҳозирги замон технологияси асосида юксак таражада ривожлантириш зарур.

Республика ҳукуматининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайли ҳисса аниқ ичида виллоят раҳбарияти зарур дастурлар ишлаб, барча шәҳар ва туманларда давлат корхоналар, хўжаликлар, чет эл ҳиссалдорлари маблағлари ёрдамида замонавий технологияга асосланган тўқимачилик, машинасозлик, озиқ-овқат, савдо, маншнй хизмат кўрсатиш корхоналарини қуришга хиришди. Натижада мустақиллигининг ўтган 4 йили мобайнида, юқорида кўрсатганимиздек, жуда кўп корхоналар қурилиб ишга туширилди. Бугун бирлари эса ишга туширилиш арафасида турибди.

Виллоят саноатини янада ривожлантириш мақсадида 1995-1998 йилларда қатор янги ишлаб чиқариш объектлари қуриш мўлжалланган. Жўмладан, Боғот ва Янгиариқ ил-йигирув-тўқув комбинатлари, Шовот, Қўшқўпир, Янгибозор туманларида йигирув-тўқув фабрикалари, Хивада махсус автобуслар ишлаб чиқариш заводи, Голландиянинг "Фабеса" фирмаси билан ҳамкорликда Хива туманидаги Р.Мадаминсов жамоа хўжалигида пиёза қуриладиган

завод, шу фирма ҳамкорлигида яна Хива туманидаги Б.Нуруллаев жамоа ҳужалигида қузиқорин етиштирадиган корхона, Урганч шаҳрида кунига 250 автомобилга хизмат кўрсатадиган таъмир-тўлдириш станцияси, Хазорасп ва Қушқўпир туманларида қўғирғай заводлари, Шовот ва Янгиариқ туманларида шиша идишлар заводи, Боғотда сутни қайта ишлаш заводи, Дўстлик шаҳридаги Гагарин номли жамоа ҳужалигида консерва заводи, Урганчда шиша идишда ичимлик сув чиқарадиган завод ва бошқалар.

Вилоятда қурилаётган ва қурилиши режалаштирилган ўнлаган катта ва кичик давлат ва қўшма туқимачилик корхоналари 1995-98 йилларда ишга туширилгач етиштирилган пахта ҳосилининг 3/1 қисми истеъмолчиларга арзон-гаров тола шаклида эмас, балки тайёр маҳсулот шаклида сотилади. Иккита шакар заводи тўла қурилиб ишга туширилса йилига 56 минг тонна шакар тайёрланади. Машинасозлик, қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол моллари чиқаришни қўпайтириш орқали бозорларда нархни пасайишига эришилади. Минглаган фуқаролар янги иш ўринлари билан таъминланади.

Устюрт орқали Россияга чиқадиган тош йўл. Дўстлик-Учқўдўк темир йўли қурилиши тезлаштирилади.

Яқин келажакда вилоятимиз узини-узи ғалла, картошка, мана, сабзавот, гушт ва бошқа тур қишлоқ ҳужалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган бўлиши керак. Бунинг учун, биринчидан, самарали уруғчилик тизимини шакллантиришимиз, жаҳон мамлакатлари илғор тажрибаларини вилоят деқончилигига кенг жорий этиш: иккинчидан, мулкни, ерни унда мул ҳосил етиштирадиган ҳақиқий миришкор деҳқон, чорвадор ва мутахассисларга бериш: учинчидан, ердан йилига икки ҳосил олиш вилоятнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш: тўртинчидан, Тўпроққалъа ва Қорақўм массивларида янги ерлар очиш ва бу жойларни жадал ривожлантириш, деҳқончилик қилиниб келаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш: бешинчидан, оғир экологик вазиятни эътиборга олиб, қишлоқ ҳужалигида инсон саломатлигига, табиатга зиён етказадиган кимёвий моддалар ишлатишдан воз кечиш, вилоят ҳудудларини қўқалар зорлаштириш, теракчилик ва боддочиликни ривожлантириш орқали табиий муҳитни яхшилаш, қурилиш материаллари тайёрлашни қўпайтириш кўзда тутилаяпти.

Маданий қурилиш, халқ саломатлигини муҳофаза қилиш маориф соҳаларида ҳам катта ишлар режалаштирилмоқда. Халқ таълими соҳасида ўқитувчилар, малакасини ошириш, таълим тарбия сифатини яхшилаш бўйича бошланган ишлар изчиллик билан давом эттирилади, халқ ҳужалиги эҳтиёжларига мувофиқ мутахассислар тайёрлаш сифати оширилади.

Маданият, санъат намояндалари, ижодкорлари иш ва турмуш шартларини яхшилашга кўпроқ маблағ ажратиш чоралари қўйилади. Хоразмнинг маданий қадриятларини тиклаш ва авайлаб-ахлоқлаштириш, уларни жаҳонга кўрсатиш, Хоразм тарихини чуқур ўрганиш чоралари ишлаб чиқилади.

Ёшларни ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, жисмоний соғлом, маънавий тўлиқ, юксак маданиятли авлодни вояга етказиш масалаларига алоқадорлик янада кучайтирилади.

Аҳоли турли қатламларининг турмуш даражаси касабамушмалари билан тез-тез ўрганилиб тегишли чоралар қўйилади. Аҳолининг ночор қатламларини янада пухтароқ ижтимоий муҳофаза қилиш имкониятлари излаб топилади. Бундай фуқароларни қўллаб-қувватлашга турли жамғармалар, уюшмалар ва давлат йўли билан ёрдам тизими мувофиқлаштирилади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш органилари, яъни қишлоқ, маҳалла, шаҳарча оқсоқоллари шакллантирилади. Бу тизим иқтисодий мустақамланиди, маҳаллаларда хизмат шахобчалари қўйиладиган бўлиб, улар ишининг самарадорлиги тубдан яхшиланади. Ҳар бир маҳаллаларда марказлар ташкил этилади.

Фуқаролар хонадонларини газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, уй-жой қўрилиши, ва улардан фойдаланишга ажратилган маблағлар тула ўзлаштирилиб, бу ишга барча манбалар ҳисобига қўшимча маблағ жалб этилади.

Вилоятда пул эмиссиясини /муомиллага пул ва қимматбаҳо қоғозлар чиқариш/ камайтириш мақсадида вилоят ҳокимияти махсус дастур ишлаб чиққан. Дастурнинг асосий мақсади муомиллада бўлган нақд пулнинг массасини камайтириш, пул айланишини тезлаштириш, сўмнинг харид қобилиятини кучайтириш, уни товар билан қўпланишини таъминлашдан иборатдир. Дастур келажакда қўйидаги вазифаларни ҳал қилишни назорат қилишга алоқадор:

Нарх-наво барқарорлигига эришиш учун пул-кредит муносибати асосий воситаларидан фойдаланиш, яъни пул массаси айланишини чеклаш, фоиз ставкалари, резерв талаблари, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида кредитлаш механизмининг тартибга солиниши;

- Ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқариш ва вилоятга четдан келтириш бўйича тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш;

- Транспорт ва алоқада, қўрилиш мажмуида, коммунал хўжаликда ижтимоий соҳаларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни қўйиладиган бўлиб, маҳаллаларда пул массасини камайтириш.

Пуқ муомиласини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган вилоят дастурини изчил амалга ошириш оқали маошларни ўз вақтида берилишига эришилади.

Вилоятда жиноятларнинг олдини олиш, қонун устиворлигини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимияти маъмурий органлар билан комплекс тадбирларни амалга оширишни режалаштирган.

Яқин келажакда мўлжалланган режаларни муваффақиятчи амалга ошириш ҳозирги шароитда вилоятда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий танқисликни анча юмшатади ва ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиради.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР.

1. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши-Т: Ўзбекистон,1992, 6-10 бетлар.
2. Қаранг: Ўша асар, 6-бет.
3. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
4. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши-Т: Ўзбекистон,1994, 4 бет.
5. "Иқтисод ва ҳисобот" жарндаси, 1993, 3-сон, 7 бет.
6. Қаранг: Ўша манба, 8 бет.
7. Қаранг: Ўша манба, 7 бет.
8. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши-Т:Ўзбекистон,1992,52 бет.
9. И.А.Каримов. Иқтисодий ислохот масъулиятли босқич - Т: Ўзбекистон, 1994, 4 бет.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли -Т: Ўзбекистон, 1992, 9-10 бетлар.
11. Қаранг: Ўша асар, 8-бет.
12. Қаранг: Ўша асар, 10-бет.
13. Қаранг: И.А.Каримов. Иқтисодий ислохот масъулиятли босқич - Т: Ўзбекистон, 1994, 7-11 бетлар.
14. Қаранг: Ўша асар, 15-бет.
15. Қаранг: **Народное слово**, 1993, 8 декабрь.
16. Қаранг: **Туркистон**, 1993, 23 январь.
17. Қаранг: **Народное слово**, 1993, 8 декабрь.
18. Хоразм вилояти истиқболини белгилаш ва статистика бош бошқармасининг 1994 йилги маълумотларидан.
19. Қаранг: И.А.Каримов. Йўлимиз мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли.-Т: Ўзбекистон, 1994, 11 бет.
20. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли -Т: Ўзбекистон, 1992, 54 бет.
21. Хоразм вилояти истиқболини белгилаш ва статистика бош бошқармасининг 1994 йилги маълумотларидан.
22. Ўша манбадан.
23. Ўша манбадан. (1995).
24. Ўша манбадан.
25. Ўша манбадан.

ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРНИНГ ТАДРИЖИЙ КЎРСАТКИЧИ

- 1917 йил, 28 февраль - Россияда феврал буржуа- демократик ҳаракати ғалабаси.
- 1917 йил, 25 октябрь - Россияда янги давр.
(7 ноябрь)
- 1917 йил, 5 апрель - "Ёш хиваликлар" мамлакатни бошқариш янги идорасини "Идораи маршрут" туздилар.
- 1917 йил, 23 март - Хон ва реакцион руҳонийлар томонидан "Идораи маршрут" тарқатилди.
- 1918 йил бошларида - Полвонниёз Хожи Юсупов бошчилигида Тошкентда "Ёш хиваликлар" қўмитаси шаклланди
- 1918 йил, 1 октябрь - Туртқўлда эса Мулла Жуманиёв Султонмуродов бошчилигида "Ёш хиваликлар" партияси иш бошлади.
- 1918 йил, 3 октябрь - Жунайидхон томонидан Асфандиёрхон катта ёғнади.
- 1918 йил бошидан - Асфандиёрни катта акаси Саид Абдулла Хива хони қилиб тайинланди
- 1919 йил охиригача - Хива хонлигида Жунайидхон диктатураси ўрнатилди.
- 1920 йил, 2 февраль - Хоразмда халқ ҳаракати ғалаба қилди
- 1920 йил 8 мартдан - Хивада биринчи рўзнома "Инқилоб қуёши" нашр қилина бошлади.
- 1920 йил. 27-30 апрель - Бутун Хоразм халқ вакиллариининг биринчи таъсис қурултойи, Қурултойда Хоразм халқ совет республикаси деб қайта қилинди ва унинг биринчи конституцияси қабул қилинди. ХХСР Вазирлари кенгашининг раиси қилиб Полвонниёз Хожи Юсупов сайланди.
- 1920 йил, 13 сентябрь - РСФСР билан ХХСР ўртасида иттифок шартномаси ва иқтисодий битим тузилди.
- 1921 йил. 6 март - РСФСРнинг ХХСРдаги мухтор вилчиси М. Сафонов, Пурхив бошлиғи Ҳамза Мусаев, ҳарбий нозир Шайхутдин Ҳасанов ва бошқалар бирлашиб давлат тўнтарилиши ясадилар ва Полвонниёз Хожи Юсупов бошчилигидаги кукумат

- 1921 йил 15 майдан-
23 майгача
Мехнаткаш халқ советларининг Бутун-хоразм II қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой 60 кишидан иборат Хоразм ижроия Кумитаси ва унинг президиумини сайлади. Президиум раиси лавозимига Муҳаммадраҳим Оллаберганаев сайланди.
- 1922 йил, апрель
Хивада биринчи драма театри ташкил этилди.
- 1922 йил, 20 июль
Бутунхоразм Советларининг III қурултойи очилди.
- 1923 йил 18 октябрдан
20 октябргача
Бутунхоразм Советларининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Янги конституция қабул қилинди. Хоразм халқ совет республикаси Хоразм Совет социалистик республикаси деб эълон қилинди.
- 1924 йил, 2 сентябрдан
2 октябргача
Бутунхоразм Советларининг V қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда миллий давлат чегараланиши масаласи ҳам қўрилди.
- 1924 йил, 23 ноябрь
ХССР МИКнинг қарорига биноан Хоразм Советларининг МИК ва Халқ нозирлар кенгаши 1924 йил 30 ноябрда ўз фаолиятини тугатади. Шундан кейин Хоразм округ сифатида Ўзбекистон ССР таркибига қўшилди.
- 1927 йил
Хоразмда биринчи жамоа хўжаликлари (колхозлар) вужудга келади.
- 1938 йил 15 март
Хоразм округи Хоразм области деб юритила бошланди.
- 1939 йил, август
Тошсоқ иншооти ҳамда Полвон ва Ғазовот магистрал каналларини қайта қуриш бошланди.
- 1936-1939 йиллар
1940 йил
Ёппасига қотоғон қилиш йиллари. Қиличнингёзбой канали ва бош иншоот қўрилди.
- 1941 йил 22 июнь
Герман Фашизмнинг Ватанимизга қарши босқинчилик урушини бошланиши. Фашизм устидан ғалаба қозонган кун-Ғалаба
- 1945 йил 9 май
Чоржав-Урганч темир йўлини ишга
- 1952 йил 18 декабр

ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРНИНГ ТАДРИЖИЙ КЎРСАТКИЧИ

1917 йил, 28 февраль -	Россияда феврал буржуа- демократик ҳаракати ғалабаси.
1917 йил, 25 октябрь- (7 ноябрь)	Россияда янги давр.
1917 йил, 5 апрель-	"Ёш хиваликлар" мамлакатни бошқариш янги идорасини "Идораи маршрутия" туздилар.
1917 йил, 23 март-	Хон ва реакцион руҳонийлар томонидан "Идораи маршрутия" тарқатилди.
1918 йил бошларида-	Полвонниёз Хожи Юсупов бошчилигида Тошкентда "Ёш хиваликлар" қўмитаси шаклланди. Турткулда эса Мулла Жуманиёз Султонмуродов бошчилигида "Ёш хиваликлар" партияси иш бошлади.
1918 йил, 1 октябрь-	Жунайидхон томонидан Асфандиёрхон қатл этилди.
1918 йил, 3 октябрь-	Асфандиёрни катта акаси Санд Абдулла Хива хони қилиб тайинланди.
1918 йил бошидан	Хива хонлигида Жунайидхон диктатураси ўрнатилди.
1919 йил охиригача	Хоразмда халқ ҳаракати ғалаба қилди.
1920 йил, 2 февраль-	Хивада биринчи рўзнома "Инқилоб қуёши" нашр қилина бошлади.
1920 йил 8 мартдан-	Бутун Хоразм халқ вакилларининг биринчи таъсис қурултойи, Қурултойда Хоразм халқ совет республикаси деб эълон қилинди ва унинг биринчи конституцияси қабул қилинди. ХХСР Вазирлари кенгашининг раиси қилиб Полвонниёз Хожи Юсупов сайланди.
1920 йил, 13 сентябрь-	РСФСР билан ХХСР ўртасида иттифок шартномаси ва иқтисодий битим тузилди.
1921 йил, 6 март-	РСФСРнинг ХХСРдаги мухтор элчиси М.Сафонов, Пурхив бошлиғи Ҳамза Мусаев, ҳарбий нозир Шайхутдин Ҳасанов ва бошқалар бирлашиб давлат тўнтарилиши ясадилар ва Полвонниёз Хожи Юсупов бошчилигидаги ҳукумат

ни атлари ташладилар.

- 1921 йил 15 майдан-
23 майгача Меҳнаткаш халқ советларининг Бутун-
хоразм II қурултойи бўлиб ўтди.
Қурултой 60 кишидан иборат Хоразм
ижроия Кумитаси ва унинг президиу-
мини сайлади. Президиум раиси
лавозимига Муҳаммадраҳим Оллабер-
ганов сайланди.
- 1922 йил, апрель- Хивада биринчи драма театри ташкил
этилди.
- 1922 йил, 20 июль- Бутунхоразм Советларининг III
қурултойи очилди.
- 1923 йил 18 октябрдан
20 октябргача Бутунхоразм Советларининг IV
қурултойи бўлиб ўтди. Янги
конституция қабул қилинди. Хоразм
халқ совет республикаси Хоразм
Совет социалистик республикаси деб
эълон қилинди.
- 1924 йил, 2 сентябрдан
2 октябргача Бутунхоразм Советларининг V
қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда
миллий давлат чегараланиши
масаласи ҳам қўрилди.
- 1924 йил, 23 ноябрь ХССР МИКнинг қарорига биноан
Хоразм Советларининг МИК ва Халқ
нозирлар кенгаши 1924 йил 30
ноябрда ўз фаолиятини тугатади.
Шундан кейин Хоразм округ
сифатида Ўзбекистон ССР таркибига
қўшилди.
- 1927 йил Хоразмда биринчи жамоа хўжаликлари
(колхозлар) вужудга келади.
- 1938 йил 15 март Хоразм округи Хоразм области деб
юритила бошланди.
- 1939 йил, август Тошсоқ иншооти ҳамда Полвон ва
Ғазовот магистрал каналларини қайта
қуриш бошланди.
- 1936-1939 йиллар Ёлпасига қотоғон қилиш йиллари.
- 1940 йил Қиличчиёзбой канали ва бош иншоот
қурилди.
- 1941 йил 22 июнь Герман Фашизмнинг Ватанимизга
қарши босқинчилик урушини бошланиши.
- 1945 йил 9 май Фашизм устидан ғалаба қозонган кун-
Ғалаба
- 1952 йил 18 декабрь Чоржав-Урганч темир йўлини ишга

1959 йил	тушган кун. № 1 вилоят касалхонаси ишга туширилган кун.
1959 йил	Вилоятда газлаштириш ишлари бошланди.
1963 йил	Тахнатош-Урганч электр узатиш линияси қурилди.
1963 йил	Вилоят телестудияси ташкил қилинди
1966 йил	Вилоят ҳудудлари орқали Бухоро-Урал ва Урта Осиё марказ магистрал газ қувури ўтказилди.
1968-70 йиллар	Вилоят Советлар уйи қурилиб, ишга туширилган.
1969 йил	Туямуйин гидротехник иншооти қурилиши бошланди.
1970 йил	Хоразм энергоузели Дул-Дул-Урганч электр узатувчи линияси орқали Ўзбекистон электр системаси билан боғланди.
1974 йил	Вилоят ҳоқимияти биноси фойдаланишга топширилди.
1975 йил	Урганч аэровокзали биноси қурилиб, ишга туширилган.
1975 йил, ноябрь	Огаҳий номидаги вилоят мўзикали драма ва комедия театри қурилиб, ишга туширилган.
1975 йил декабрь	Урганч ипак йигирув фабрикаси ишга туширилган.
1977 йил	Урганч "Интурист" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилган.
1977 йил	Урганч ёғ экстракция заводи қурилиб ишга туширилган.
1977 йил	Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси биноси қурилиб, ишга туширилган.
1979 йил ноябрь	Урганч Марказий универсал магазини қурилиб ишга туширилган.
1981 йил декабрь	Урганч темир йўл вокзалининг янги биноси қурилган.
1983 йил	Урганчда Ал-Хоразмий ҳайкали ўрнатилган.
1988 йил	"Кормамаш" заводи қурилиб, ишга туширилган.
1985-1991 йиллар	"Қайта қуриш" деб номланган йиллар
1990 йил май	Урганч пойафзал фабрикаси қурилиб,

ишга туширилган.

Вилоят матбуот уйи қурилиб ишга туширилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди.

Мустақиллик байрами кун.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи президенти сайланди.

Урганч давлат университети биноси фойдаланишга топширилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиб олинди.

Хоразм давлат педагогика институтини негизда Урганч давлат университети ташкил қилиш туғрисида Ўзбекистон президентининг Фармони эълон қилинди.

Дружба шаҳрида "Мерседес-Бенц" юк автомобиллари заводи фойдаланишга топширилди.

Урганч шаҳри асосчиси Абдулғозий Баҳодирхонга ҳайкал ўрнатилди.

1990 йил

1991 йил 31 август

1991 йил 1 сентябрь

1991 йил 27 декабрь

1991 йил 1 сентябрь

1991 йил 8 декабрь

1992 йил 2 март

1992 йил 28 февраль

1992 йил

1993 йил

М У Н Д А Р И Ж А.

СЎЗ БОШИ.....	3 - 4
---------------	-------

Хоразм тарихининг инқилобдан кейинги даврига мансуб манба ва адабиётларнинг қисқача обзори.....	5 - 12
---	--------

БИРИНЧИ БОБ. Хива хонлигининг тугатилиши.

Хоразм халқ республикасининг
ўрнатилиши /1017-1925йй/.

1. 1917 йилда Россияда рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг Хива хонлиги ҳаётига таъсири.....	13
Хивада хон ҳокимиятининг афдалилиши.	
2. ХХСРнинг ташкил топиши. Республика сиёсий ҳаётидаги демократик ўзгаришлар.....	24
3. ХХСРда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар.....	30
4. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши натижасида ХХСРнинг тугатилиши ва унинг аксар ҳудудларини Ўзбекистон ССР таркибига қўшилиши.....	43
5. Республика даврида Хоразм маданияти.....	53

ИККИНЧИ БОБ. Халқ хўжалигини тиклаш, ривожлантириш ва реконструкция қилиш учун кураш йилларида Хоразм. /1925-1940йй/.

1. Вилоятда саноат, энергетика, транспорт хўжаликларининг аҳволи ва уларни ривожлантириш чоралари.....	81
2. Аграр ислохотлар: ютуқлар, нуқсонлар, сабоқлар.....	89
3. Сув учун умумхалқ кураши. Тошсоқа, Полвон-Ғазовот ва Қиличниеъзбой каналларининг қайта қурилиши.....	101
4. 1925-1940 йилларда халқ маорифи, санъат, адабиёт ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг ривожланиши.....	110
5. Сургун-қирғин йилларида Хоразм.....	119

**УЧИНЧИ БОБ. Фашизмга қарши уруш йилларида
Хоразм /1939-1945йй/.**

1. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, унинг сабаблари ва характери..... 133
2. Ватан урушининг бошланиши. Аҳолининг ёппасига сафарбар қилиниши. Халқ ҳужалигини ҳарбий изга кучирилиши..... 135
3. Хоразм фарзандларининг уруш жангтоҳларидаги жасоратлари..... 145
4. Фашизм устидан қозонилган ғалабага хоразмликлар қўшган ҳисса..... 151
5. Уруш йилларида Хоразмда маданий ҳаёт..... 154

**ТУРТИНЧИ БОБ. Урушдан кейинги йилларда Хоразм вилояти
халқ ҳужалигининг аҳволи ва унинг
ривожлантириш чоралари. /1946-1965/.**

1. Транспорт, саноат ва энергетика ҳужалигининг ривожланиши..... 166
2. Қишлоқ ҳужалигининг аҳволи ва уни ривожлантириш учун кураш..... 173
3. Маданий қурилиш соҳасидаги ўзгаришлар..... 204

**БЕШИНЧИ БОБ. 1965- 1985 йилларда Хоразм вилоятининг
иқтисодий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.**

1. Қишлоқ ҳужалигини янада ривожлантириш ва механизациялаш шароитлари..... 218
2. Ўзловт сифати ва гидроэнергетика ҳужалиги ривожланишида янги босқич. Туямуйин гидротехник иншоотининг қурилиши..... 227
3. Вилоятда социал-маданий тараққиёт..... 235

**ОЛТИНЧИ БОБ. Шўролар жамиятининг инқирози ва
қайта қуриш йилларида Хоразм
вилояти. /1985-1991йй/.**

1. Қайта қуришнинг зарурлиги, зиддиятлари ва оқибатлари..... 265
2. Хоразм вилояти "қайта қуриш" йилларида..... 269

**ЕТТИНЧИ БҚБ. Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик,
ҳуқуқий жамият қуриш даврида Хоразм
вилояти. /31 август 1991-1995йй/.**

1. Ўзбекистонни мустақил, суверен республика деб эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.....	273
2. Хоразм вилояти мустақиллик шароитида.....	280
3. Яқин келажакда Хоразм вилояти ижтимоий- иқтисодий ва маданий ривожланишининг истиқболлари.....	286
Тарихий воқеаларнинг тадрижий курсаткичи.....	292
Мундарижа.....	295

ИСТОРИЯ ХОРЕЗМА

Т. II

На узбекском языке

Ответственный редактор
профессор М. Матниязов

Издательство «Хоразм»; 1997 г.
740000, Ургенч, ул. Анны Герман, 16.

Мухаррир Хусайн Раҳмонов
Тех. муҳаррир Йўлдош Солаев
Фурқат Қодиров
Мусаҳҳиҳ Муҳаббат Хўжамуродова
Рассом Икром Қаландаров